



А.Ваҳобов, У.Бурханов, Н.Жумаев

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

А. ВАҲОБОВ, У. БУРҲАНОВ, Н. ЖУМАЕВ

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ
«Янги аср авлоди»
2003

Дарсликда чет мамлакатлар молиясининг таркибий түзилиши, предмети ва вазифалари ўрганилган. Шунингдек, унди дунё мамлакатларининг молиявий ҳолати, иқтисотий ривожланиш даражаси, молиянинг мамлакат таракқиётига таъсири, молиявий ислоҳотлар, жумладан, солик, бюджет, банк соҳасидаги таркибий қайта қуриш, давлат ва корхоналар молияси ўртасидаги муносабатларни ташкил этиш кенг ёритилган ҳамда замонавий молиявий муаммолар назарий талқин этилган.

Чет мамлакатлар молиясига кўлланиладиган тушунчаларга таърифлар берилган, статистик маълумотлар жадвал ва чизмалар шаклида келтирилган.

Дарслик барча иқтисодий йўналишда таълим олаётган талабалар, аспирантлар ва мутахассис амалиётчиларга мўлжалланган.

Илмий муҳаррир:

Академик М.Ш.Шариф

Тақризчилар:

Иқтисод фанлари доктор профессор Э.Акрамов

Иқтисод фанлари номзоди, доцент З.Холмахматов

ISBN 01526-6-5-633

© А. Ваҳобов, У.Бурханов, Н.Жумаев. «Чет мамлакатлар молияси» «Янги аср авлоди», 2003 йил.

Sam

108 № 463431



Ваҳобов Алишер Восиқовиҷ – Тошкент Молия институтиниң ўқув ва методик ишлари бўйича проректори иқтисод фанлари доктори, профессор

60 дан ортиқ илмий мақолалар билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети», «Согласование межбюджетных отношений» каби ўқув қўлланмалар, «Молиявий таҳдил», «Халқаро молия муносабатлари» каби дарсларнинг ҳаммуаллифи, шунингдек, «Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп уклалли иқтисодиёт ва унинг тақроран ҳосил бўлиши» номли илмий монография муаллифи.



Бурханов Умар Абдуалимович – Тошкент Молия институтиниң «Молия» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

20 дан ортиқ илмий мақолалари билан бирга, «Халқаро молия муносабатлари» дарслиги ва «Молиянинг долзарб муаммолари» номли илмий монографияниң ҳаммуаллифи.



Жумаев Нодир Ҳосиятович – Тошкент Молия институтиниң «Молия» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

30 га яқин илмий мақолалари билан бирга, «Марказий банкниң монетар сиёсати» ўқув қўлланмаси, «Халқаро молия муносабатлари» дарслиги ва «Молиянинг долзарб муаммолари» номли илмий монографияниң ҳаммуаллифи.

А.Ваҳобов, У.Бурханов, Н.Жумаев. Чет мамлакатлар молияти. -Т.: «Янги аср авлоди», 2003 й. – 344 бет.

Дарсликда чет мамлакатлар молиясиининг тарқибиे предмети ва вазифалари ўрганилган. Шунингдек, унда дикатларииниг молиявий ҳолати, иқтисодий ривожланиш молиясиг молиявий мамлакат тараққиётига таъсири, молиявий жумладан, солик, бюджет, банк соҳасидаги тарқибий қадавлат ва корхоналар молияси ўртасидаги муносабатлар этиш кенг ёритилган ҳамда замонавий молиявий муаммрий талқин этилган.

Чет мамлакатлар молиясида қўлланиладиган тушупчаликлар берилган, статистик маълумотлар жадвал ва чизгилида келтирилган.

Дарслик барча иқтисодий йўналишда таълим олаёттари, аспирантлар ва мутахассис амалиётчиларга мўлжал

А.Ваҳобов, У.Бурханов, Н.Жумаев. Финансы зарубежия. Учебник. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003 г. – 344 с.

В учебнике раскрываются структура, предмет и задачи зарубежных стран. Рассматриваются уровень экономического развития и финансовые положение стран мира, а также, вложений в развитие страны, финансовые реформы в сфере налогообложения, бюджетной и банковской системе, широко описано образование отношение между государством и финансами, анализируются современные финансовые проблемы.

Выдаются определение к основным понятиям и терминам, статистические данные излагаются в форме таблиц и диаграмм.

Учебник предназначен для студентов экономических факультетов, аспирантов и для специалистов-практиков.

A.Vakhabov, U.Burkhanov, N.Jumaev. Foreign countries. Textbook. – T.: «Yangi asr avlodi», 2003 y. – 344 p.

The textbook covers the foreign countries finance structure and tasks. The level of economic development and financial systems of countries and the Country's development were studied. Reforms in taxation sphere, budgetary and banking system were studied and analyzed. The description of state and enterprise relation, formation, contemporary finance problems were also presented.

The determination of the basic concepts and the terms data are presented in the form of tables and diagrams.

Textbook is designed for the students of economic specialties and specialist-practitioners.

К И Р И Ш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ис-
тотлар ва марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисо-
дига ўтиш даври, халқаро миқёсдаги глобаллашув, ҳуду-
ғ интеграция, ривожланган ва ривожланаётган мамла-
лар молия тизимида юз берәёттан таркибий ва инсти-
ционал ўзгаришларнинг ажралмас қисми сифатида
лоён бўлмоқда. Халқаро миқёсда амалга ошаётган ушбу
бал жараёнлар ўзининг тезкорлиги, кўлами ва ахборот
ими билан мамлакат молия тизимини бошқариш ол-
га жиддий вазифаларни қўймоқда.

Мамлакатни халқаро хўжаликка интеграцияси ҳамда
тисодий ривожланишнинг муҳим шарти бўлган халқа-
савдо ва молия муносабатларини оптималь суръатлари-
таъминлаш, чет мамлакатлар молия тизимининг ўзига
жиҳатларини ҳар томонлама ўрганишни талаб этади.
Дарслик чет мамлакатлар молия тизимини таркибий
илиши ва бошқаришни ташкил этишининг асосий шак-
ирини қамраб олган бўлиб, олий гаълимнинг иқтисоди-
йўналишидаги бакалавриат босқичида ўқитилиши ре-
лаштирилган «Чет мамлакатлар молияси» фанининг
узв дастурлари асосида ёзилган. Шунингдек, дарслиқдан
алиётчи мутахассислар, илмий тадқиқотчилар, аспиран-
р ва ушбу соҳа билан қизиқувчилар ҳам фойдаланиш-
и мумкин.

Мазкур дарслик чет мамлакатлар молияси соҳасидаги
илакатимизда нашр этилаётган илк дарслик бўлиб, у
мамлакатлар молия тизимини турли йўналишларини
анишни комплекс ҳолда ўзида мужассамлаштирган.

Дарсликнинг таркиби иккни қисмдан иборат бўлиб, **биринчи қисм** ўтиш иқтисодиёта хос мамлакатлар (Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари) молия тизимини ўрганишга, **иккинчи қисм** ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония ва Еарбий Европа мамлакатлари) молиясининг замонавий ҳолати, таркибий тузилиши ва уни бошқариши масалаларини ўрганишга бағишлиланган. Шунингдек, дарсликда чет мамлакатлар молия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни кене ёритишга катта ўзгибор берилган бўлиб, ундан республикамиз молия-банк тизими ислоҳотларини амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Дарсликнинг ҳар бир бобидан сўнг, ўқувчининг билимини текшириши ҳамда олган билимларини чуқурлаштириш мақсадида тақрорланаш учун саволлар ва тошириқлар тузилди. Ушбу ўқувчининг ўз билимини текшириш ва айрим долзарб муаммолар устида жиҳдий мушоҳада юритишига ундейди ҳамда шу йўл билан талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятини шаклланишига кўмаклашади.

Чет мамлакатлар молияси дарслиги бу соҳада чоп этилаётган илк дарсликлардан бўлгани сабабли, унда айрим камчиликлар учраши мумкин. Шуни инобатта олган ҳолда ушбу дарсликда учрайдиган айрим камчиликлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган китобхонларга миннатдорчилк изҳор этамиз.

Муаллифлар

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯСИННИГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТАВСИФЛАНИШИ

1-§. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КАПИТАЛ ОҚИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Чет мамлакатлар молиясини ўрганиш XXI аср бўсағасида халқаро сиёсат ва иқтисодий муносабатларда юз берган ўзгаришларни жиддий таҳлил этишни талаб этади.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида юз берган иқтисодий ўзгаришлар аксарият давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражада тебраниши билан тавсифланади. Дунёning етакчи мамлакатларида юз берган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари халқаро майдонда товварлар ва хизматлар импортининг ошишига олиб келди.

Чет мамлакатлар молия тизимида рўй берган ўзгаришлар халқаро капитал ҳаракати билан боғлиқдир. Ушбу ўзгаришлар бошқа давлатлардан қарз мажбуриятларини олиш зарурлигининг ўсиши билан бирга кечди ёки аксинча ҳолат кузатилди, яъни паст иқтисодий ўсиш суръатлари қарз олиш заруратини камайтиради.

Иқтисодий ўсиш суръатлари — халқаро капитал ҳаракатига таъсир этувчи фақат битта омил ҳисобланади. Қолган омиллар савдо сиёсатини, молия бозорларининг амал қилишида ва молиявий операцияларни ўtkазишда давлатнинг аралашув ҳажми қисқаришини ҳамда инвестицион имкониятларни ўз ичига олади.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда йиллик ўсиш суръатларининг юқори даражадаги тебраниши кузатилди. ЯИМнинг ўсиши ушбу давлатларда 1981-1988 йилларда 4,3

фоиздан 3,3 фоизга, 1990 йилда 2,4 фоизгача қисқарди. 1991 йилда эса, ўсиш суръатлари, 1,4 фоизгача қисқариши кузатилди, бирок 1992 йилда ушбу кўрсаткич 3,0 фоизгача ўсди (1-жадвалга қаранг).

Иқтисодий ўсиш суръатларидаги нобарқарорликнинг бундай анъанавий кўриниш олган жараёнларини ривожлананаётган давлатлар иқтисодиётида янада яққолроқ кўриш мумкин, яъни 1980 йиллардаги ўсиш суръатлари 1970 йиллар билан солиштирилганда $\frac{3}{4}$ га қисқарди. Farbий яримшар давлатларида энг паст ўсиш суръатлари кузатилди. Жануби-Шарқий Осиё давлатларида, шу жумладан, Сингапур, Гонконг, Тайван ва Жанубий Кореяда аксинча ҳолат, яъни 1987-1992 йилларда иқтисодий ўсиш суръатларини 5,5-8,7 фоиз атрофида сақлаб қолинишига муваффақ бўлинди.

Шарқий Евронадаги собиқ социалистик (иқтисодиёти марказдан режалаштириладиган) давлатлар ўтган асрнинг охирги йилларида иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишни ўз бошидан кечирди. Ушбу мамлакатларда иқтисодий муаммоларнинг кучайиши, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда эса, иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражада пасайиши Шарқий Европа давлатларининг Farбга экспорти ҳажмининг тушишига олиб келди. 1990-1992 йилларда мазкур омиллар натижасида Шарқий Европа давлатларининг иқтисодий ўсиш суръатлари 1981-1988 йилларда (ўрта ҳисобда 3,7 фоизга) пасайди.

Европанинг саноати ривожланган мамлакатларида иқтисодий нобарқарорлик ҳукм сурған пайтда Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея, Гонгконг, Малайзия ва бошқа кўпгина Осиё давлатларида жиддий иқтисодий ютуқларга эришилди.

Ушбу мамлакатлардаги иқтисодий ривожланиш моделлари Шарқий Европа давлатлари тажрибасидан кескин фарқ қиласы. Масалан, Хитой Халқ Республикасы(ХХР) бозор иқтисодиётінде босқичма-босқич үтишни амалга ошириш ҳисобига ҳамда марказдан режалаштиришни юмшатыш орқали юқори иқтисодий үсиш суръатларига эришди. Ушбу күрсаткыч 1981 – 1988 йилларда ўртача 11,3 фоиз, 1988-1992 йилларда 6,0 фоизни ташкил этди (2 - жадвалға қаранг).

1980 йилларнинг бошларида дунё мамлакатларида ЯИМ үсиш суръатларининг пасайиш анъанаси давом этгани ҳолда, жағон савдо ҳажмида паст суръатларда бўлса ҳам үсиши кузатилди. 1970 йилларда халқаро савдонинг үсиш суръатлари йилига 5,0 фоиздан 1980 йиллар бошларида ўртача йилига 27 фоизгача камайди, 1984-1991 йилларга келиб, ушбу күрсаткыч ўртача 5,8 фоизгача ўсди. Халқаро савдонинг пасайиш анъанасига мос равишда, жағон савдо таркиби ҳам ўзгарди, унда хом ашё маҳсулотларининг ўрнини тайёр буюмлар эгаллади. 1991 йилга келиб ушбу таркибий ўзгаришларга кўра, жағон экспорти ҳажмида АҚШ ўз улушини 1981 йилдаги 12 фоиздан 15,5 фоизгача оширди. Ўз навбатида, жағон савдоси йўналишлари ҳам ўзгарди. Масалан, 1988 йилда Осиёга АҚШ савдосининг 31 фоизи, Европа ҳиссасининг 23 фоизи тўғри келди. Япония ва бошқа Осиё давлатлари маҳсулотларига нисбатан АҚШда протекционистик чоралар киритилишига жавобан, Европа давлатлари билан савдо ҳажмини сезиларли даражада оширдилар. Натижада, 1984 йилдан бошлаб, Япония ўз ички жамғармалари ва актив савдо баланси қолдиги туфайли йирик капитал экспорт қилувчи давлат сифатида ОПЕКдан ўзиб кетди.

Дунё капитали оқимини назарий жиҳатдан қўйидагича изоҳлаш мумкин: халқаро капитал доимо даромад ва ишлаб чиқариш унумдорлиги етарли даражада юқори бўлган томон итилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш фондларидан олимадиган даромадлар таркиби доимо барқарор бўлиши керак, чунки улар ишлаб чиқариш унумдорлиги билан бевосита боғлиқдир. Сўнгти 20 йил ичида дунё капитали оқими таркиби ва йўналишида жиҳдий ўзгаришлар юз берди.

1983 йилдан бошлаб, ривожланган мамлакатларнинг етакчиси бўлган АҚШга халқаро кредит оқими узлуксиз ошиб борди (2-жадвал). 1983-1990 йилларда АҚШга дунё капитали оқими 879 млрд. долларни ташкил этиб, шундан, Япония ҳиссасига (327 млрд. доллар) 37 фоиз, Европа Итифоқига 16 фоиз ҳамда оффшор марказлар ва ривожланған давлатлар ҳиссасига 47 фоиз тўғри келган. Дунё иқтисодиётида етакчилик мавқеига эга бўлган давлат АҚШга киритилган чет эл капиталининг катта қисми Америка ҳукумат облигациялари, саноат облигациялари ва акцияларига инвестиция қилинди. Чет эл капиталининг салмоқли ҳажми АҚШ ҳукумати бюджети тақчиллигини молиялашибдиришга йўналтирилди. Бундай конъюнктуруни ташкил этишдан мақсад, «иккиёклама тақчиллик»нинг яъни, нобарқарорликнинг олдини олиш ва валюта бозорида АҚШ долларига нисбатан босимни пасайтиришга қаратилган эди. Лекин хориж инвесторларининг АҚШга йўналтирилган маблағларини қайтиб олишга қарор қилишлари ушбу нобарқарорликни янада кескинлаштириди.

ХУАУДЛАР БҮЙНЧА АХОЛИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СУРЪАЛАРИНИНГ ЎСИШИ, 1981-1992 ЙЙ.

	Ахоли 1990 й., млн.чиши	ўсиш суръатлари аҳоли, %	ЯИМ ништ йиллар үзгариш суръатлари, %	1980 й. млрд. долл.	1987 й млрд. долл.	1981-88ий	1989 й	1990 ¹ й	1991 ² й	1992 ³ й
Барча давлатлар	5292	1,8	-		2,6	4,3	3,0	1,0	0,0	2,1
Бозор иктисолидети иивождалиган давлатлар	813	0,6	7640	2,4	4,3	3,3	2,4	1,4	1,4	3,0
Шимолий Америка	276	0,8	2866	2,8	4,4	2,5	1,0	1,0	3,1	
Фарбий Европа	358	0,2	3467	1,8	3,8	3,4	2,7	1,2	2,3	
Осийенинг ривожланган давлатлари	144	0,5	1060	3,8	5,4	4,6	5,0	3,1	4,1	
Шарқий Европа ва соёник Итифоқ ³	405	0,6	-	2,7	3,7	1,4	-6,3	-9,5	-4,5	
Ривожданаётган давлатлар	4074	2,1	2780	3,0	5,0	3,4	2,9	3,5	5,0	
Фарбий Ерик шаҳр	432	2,1	815	1,2	0,8	1,1	-0,7	1,5	3,0	
Африка	606	3,1	336	1,2	2,1	3,3	3,4	3,0	3,0	
Фарбий Осиё	130	3,0	357	-1,6	1,1	2,4	0,0	-0,5	7,0	
Жанубий ва Шимолий Осиё	1686	2,2	662	5,3	8,7	6,0	6,1	5,5	6,0	
Хитой	1139	1,5	470	10,0	11,3	3,3	4,8	5,5	6,0	
Ўрта ер Аенгизи давлатлари	81	1,5	141	3,2	1,4	1,0	-0,7	2,0	4,0	
Баланснинг мемориал моддаллари										
Йирик карзандорликка эга давлатлар	612	2,3		1,0	1,2	1,5	-0,8	1,5	-	
Шимолий Африка ⁴	383	3,2		1,4	3,0	2,7	1,9	3,0	-	

¹ Аастабинки бахо.² Ривожланаселган давлатлар учун бахорлар 0,5 фоизгача ишчамнатирилган. Шаркний Европа давлатлари гурухи ва сабиж Иттифоқдан ташкари сабиж ГДР (Гербий Европа давлатлари гурӯҳига кирситилган). Шу саб-³ бобали бозор шарисог'иблини ривожланган давлатлар ва Шаркний Европа ва сабиж СССРга 1990 шулдан кейин катор узумлишлар мавжуду.⁴ 1981-1989 йй давридаги язмумотигар ўзгурият бахоси асосига. Нигериядан ташкори.

АҚШ га хуяудалар бүйича ресурсларнинг соғ оқими, 1980-1990 йй.

	1980 й	1981 й	1982 й	1983 й	1984 й	1985 й	1986 й	1987 й	1988 й	1989 й	1990 й ¹
Канада	-0.5	0.3	7.1	9.0	12.3	13.1	10.2	8.0	7.1	5.1	4.0
Япония	9.5	14.5	15.5	24.6	42.1	51.3	52.1	53.4	47.3	41.5	32.6
Гарбий Европа	-16.7	-9.0	-2.7	5.4	21.4	31.1	34.8	32.2	18.7	1.7	-1.8
Германия	2.4	2.9	5.3	8.3	13.2	15.9	20.0	21.4	18.1	13.8	-
Буок Британия	-2.2	1.1	2.9	2.8	3.0	5.3	5.6	4.7	-	-4.1	-3.9
Лотин Америкаси ва Кариб бассейни давлатлари	-2.2	-6.3	4.7	18.0	20.6	16.6	12.7	15.3	10.2	10.7	10.7
Мексика	-2.7	-5.5	4.2	10.1	7.90	7.5	7.3	8.3	5.6	5.2	-
Африка ва Осиёдаги нефт экспорт килувчи асосий давлатлар ²	36.7	24.9	5.8	0.8	5.2	3.1	2.3	7.2	5.7	11.2	14.8
Бошқа ривожланасетган давлатлар	-4.7	-0.6	1.1	9.4	21.3	22.1	31.6	42.1	34.7	35.6	35.6
Шарқий Европа ва собиқ Итифоқ	-2.7	-2.9	-2.8	-1.7	-2.1	-1.4	-	-0.2	-1.6	-3.5	-2.2
Бошқа давлатлар ³	-0.1	-4.7	-4.4	-8.0	-11.0	-12.9	-3.4	-4.9	-6.6	-7.8	-8.0
Хаммаси	19.4	16.1	24.3	57.6	109.8	123.0	140.4	153.1	115.5	94.4	85.8

Манба: UN/DIESA. Ахолининг ўчиш сурʼиялари тўғрисидаги маълумотлар. АҚШ дунё ахолиси макбори ўзгаришини исташканда режаларнинг 3) маълумотлари 1984 йилда ўтказилган хисоб-китоб асосида.

¹ Достабки бахо, хамма давлатлар таҳлили кемтирилмаган.

² Шу журналдан, хокиро ташкилотлар билан спорозијалар ва тақсизланмаган ташкари.

³ Шу жумладан, хокиро ташкилотлар билан спорозијалар ва тақсизланмаган ташкари.

Манба: UN/DIESA, АҚШ Савдо вазирлиги таҳборотиарига асосланган. Жорий фасолимат таъкини. *World Economic Outlook* асосида ЕМТ, 1992.

Молия бозорининг глобаллашуви. 1980 йиллардан бошлаб молия бозори тизими глобал миқёсда амал қила бошлади. Турли давлатларнинг етакчи молия марказларини боғловчи жаҳон молия тармоғи юзага келди. Бу тармоқ Нью-Йорк ва бошқа етакчи молия марказларини, шу жумладан, Лондон, Токио ва Цюрихни бир-бирига боғлади.

Лондон – етакчи Евровалюта маркази ҳисобланади. Токио қимматбаҳо облигациялар бозори Японияда жамғарма ҳажмининг юқорилиги ва капитал миқдорининг ортиқчалиги туфайли сўнгти йилларда янада тараққий этмоқда.

Хориж депозитларининг маҳфийлиги туфайли Цюрих ҳам етакчи чет эл облигациялари бозори ҳисобланади. Бошқа ҳалқаро молия марказлари, масалан, Франкфурт, Амстердам, Париж, Гонконг, Багама ороллари, Кайман ороллари дунё капитали оқими билан боғлиқ турли вазифаларни бажарадилар. Ушбу марказлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши қўйидаги уч йўналишга эга бўлган молиявий инқилобни юзага келтирди. Бу – ҳалқаро молия институтларининг глобал иштироки; ҳалқаро молиявий интеграция ва молиявий инновацияларнинг тезкорлик билан ривожланишидир. Дунё капитали оқимиning ўсиши давлатлар ўртасида молиявий рақобатни кучайтиради. Ушбу анъана ички бозор фаолиятига ва ҳалқаро капитал ҳаракатининг эркинлашишига давлат аралашувининг қисқаришига кўмаклашган ҳолда, алоҳида давлат ҳукуматларига ўз босимини ўтказмоқда.

1980 йилларда АҚШда ривожланаётган қимматбаҳо қоғозлар бозори чет эл банклари ва брокерларини ўзига жалб қилган бўлса, бу вақтда Япония чет эл валюта бозо-

рини ва ички молия бозорини эркинлаштиришни бошлади. Шундан сўнг, Японияда чет эл облигациялари бозори ва шул бозори сезиларли даражада ўсди. Худди шундай тажриба Буюк Британияда ҳам кузатилди, яъни 1979 йилда капитал устидан назорат олиб ташланди ва 1986 йилнинг октяброда акциялар бозорини ислоҳ қилиш («катта шок») бошланди. Натижада, Буюк Британия молия бозорлари халқаро еврооблигациялари бозори ва акциялар бозори фаолиятининг кенгайиши ҳисобига сезиларли даражада ўсди.

Халқаро молиявий интеграция – молия инқилобининг иккинчи йўналниши – ички ва халқаро молия бозорлари ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ушбу бозор секторлари ўртасидаги алоқанинг ривожланиши билан борлиқ. Яъни, молия капитали ҳеч қандай чеклашларсиз, эркин тарзда ички молия бозоридан жаҳон молия бозорига ва аксинча жойлаштирилиши мумкин. Молия интеграцияси жараёни шакланаётган бир пайтда, молия институтларининг қарз олиш, кредитлаш, инвестиция қилиш функцияларини бажариш ҳамда бошқа молиявий хизматларни кўрсатиш мақсадида етакчи молия марказларида ўз филиалларини ташкил қилмоқда. Халқаро молиявий интеграция ҳам қарз олувчига, ҳам кредиторга тенгравишда фойда келтирмоқда. Бироқ қарз олувчилар ва кредиторлар учун турли даражадаги рисклар, жумладан, бозор, фоиз, валюта ва сиёсий рисклар мавжуд.

Халқаро молиявий интеграция молия институтлари ва бозорнинг бошқа интирокчилари олдига бир қанча муаммоларни қўяди. Биринчидан, инвестор учун халқаро капитал бозори фаолиятига тааллуқли бўлган, ишончли маълумотлар олиш мураккаброқ бўлиши мумкин. Кўпги-

на молиявий операциялар, масалан, молиявий сипплар балансдан ташқари моддаларга тегишли бўлиб, ҳисоботнинг одатдаги йўллари бўйича аниқ қайд қилинмайди. Капитал бозорлари интеграцияси капитал қўйилиш жараёни бошланишининг соддалашувига олиб келди. Пул кредит муассасалари бошлиқларига тузатувчи стратегияни шакллантириш мақсадида бекарорлаштирувчи маблағлар оқимини ўз вақтида аниқлаш ёки прогноз қилиш анча мураккабдир. Охир оқибатда, бозор интеграцияси молия бозори билан боғлиқлигини кучайтиради ва унинг фаолияти устидан назорат қилиш муаммосини мураккаблаштиради.

Молиявий инновациялар, яъни янги молиявий инструментлар ва технологияларни ташкил этиш молиявий инқиблонинг учинчи йўналиши ҳисобланади. Молиявий инструментлар, яъни евродоллар депозит сертификатлари, ноллик купонли еврооблигациялар, евровалютадаги синдицирлашган кредитлар, фоиз ставкаси, валюта сипплари ва ўзгарувчан фоизли қисқа муддатли мажбуриятлар халқаро молия бозорларида ҳозирги кунда кенг тарқалгандир. 1982 йилдан кейин евровалютадаги синдицирлашган кредитлар ҳажмининг камайиши секьюритизация жараёнини тезлаштириди.¹ Ушбу тамойилдан фойдаланган ҳолда қарз оловчи тўғридан-тўғри банк томонидан кредитлашга боғлиқликни камайтириши ва бунинг ўрнига жойлаштирилиши тижорат ёки инвестицион банклар томонидан кафолатланадиган қисқа муддатли тижорат векселлари ёки қисқа муддатли облигациялар чиқариши мумкин. Бу инструментлар, агар узоқ муддатли қимматбаҳо

¹ Кредит мавқенининг тузиши ҳисбига молия бозорларида қимматбаҳо корозлар аҳамиятининг ошиш жараёни.

қорозлар бўлган тақдирда, даврий чиқарилиши ва иккимачи бозорда қайта сотилиши мумкин.

Евроноталарни чиқариш дастури бундай секьюритизация жараёнига мисол бўла олади. Қимматбаҳо қорозларни чиқариш 1983 йилда 10 млрд. АҚШ долларидан 1985 йилда 26 млрд. АҚШ долларигача тез суръатлар билан ўсади¹. Технологик инновациялар эрқинлаштириш жараёнини янада тезлаштириди ва кучайтириди. Асосан, алоқа воситалари халқаро операциялар ҳажми ва уларни амалга ошириш тезлигини оширди. Бу эса, ахборот ва капитал оқимини тезлик билан амалга оширади. Телекоммуникациялар банкларга бутун жаҳон депозит пуллардан (pool) омонатларни жалб қилингана ҳамда энг юқори даромад ва энг кам харажат шаронтида қарз олувчиларга мабланлар йўналтиришта ёрдам беради.

Инвестицион банклар СВИФТлар орқали облигация ва хорижий валюталардаги битимларни тузадилар. Тијкорат банклари ўз штабквартиralаридан хориждаги ваколатхоналарига тўловларнинг электрон тизими орқали аккредитивларни йўналтиришлари мумкин; маҳаллий экспрет ва импорт қилувчилар билан бундай алоқа компьютер орқали таъминланади. Чет мамлакатлар молия тизимиш нинг ривожланиши билан янги инструментлардан фойдаланиш жараёни юзага чиқди. 1990 йиллардан бошлаб, «молиявий инжиниринг» термини илмий адабиётларда қўлланила бошланди.

Молиявий инжиниринг деганда молиявий муаммоларни ҳал этиш ва молиявий имкониятлардан фойдаланиш

¹ Morgan Guaranty Trust Company. Global Financial Change // World Financial market (December 1986): 2.

мақсадида молиявий технологияларни қўллаш ва ривожлантириш тушунилади¹.

Молиявий технологиялар – кенг қамровли тушунча бўлиб, очиқ турдаги инвестицион фондларнинг маблағларни фақат пул бозорининг қисқа муддатли мажбуриятларига, банкоматларига², ҳосилавий қимматбаҳо қофозларга ва бошқаларга қўйишларни англатади.

Ҳукуматлар, ишбилармон доира ва молия институтлари олдида турган вазифалар. Юқоридаги мулоҳазалар шуни кўрсатадики, жаҳон иқтисодий муҳити ва таркибий тузилишида охирги 40 йил ичида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ушбу ҳолат дунё капитали оқимининг ҳажми ва йўналишини ўзгартирди. Дунё капиталининг ўсиши кўп жиҳатдан жорий даромадлар жамғармасига борлиқдир. Ушбу жамғармалар халқаро молия тизими орқали асосий инвесторларга йўналтирилиши мумкин. Ҳукуматнинг жамғарма-инвестиция жараёнини рағбатлантириши ва шутариқа капитал жамғарилишини ҳам бир вақтда рағбатлантиради. Бу мақсадлар учун ҳукумат шундай қулай ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва молиявий муҳитни таъминлайдики, натижада ҳам миллий, ҳам халқаро иқтисодий бизнес эркин, тўлиқ ўз фаолиятларини амалга оширади. Ушбу жараёнларни ўзида акс эттирувчи мамлакат тўлов балансида ўзгаришларнинг рўй бериши, асосан капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга сезиларли даражадаги ҳаракати билан бирга кузатилади.

1982 йилда жаҳон иқтисодий муҳитига жиддий таъсир этувчи АҚШ савдо баланси тақчиллигининг тез суръатларда ўсиши аҳамиятли ўзгаришлардан бири бўлди. Бу

¹ The Journal of Financial Engineering (June 1992).

² Турии банк операцияларини бажарувчи автоматлар. Масалан, банкомат.

дунё капиталининг сезиларли даражадаги ҳиссасини АҚШда жойлашувига олиб келди ва натижада АҚШ тезлик билан етакчи қарздор давлатга айланди (1986 йилдан бошлиб). Дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларидан бири бўлган АҚШ ташки қарзларининг тўхтовсиз ўсиши эса, бугун дунё сиёсатчилари олдида турган мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолди.

2-§. Дунё мамлакатларининг молиявий ҳолатига тавсиф

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар. Жаҳон ялни ишлаб чиқаришининг 65 фонзи айнан бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади (1-жадвалга қаранг). Ушбу давлатлар гуруҳи савдо алоқалари, капитал ҳаракати ва технологиялари орқали бошқа давлатлар иқтисодий фаолиятига сезиларли таъсирини ўтказадилар.

Ҳозирги кунда тараққий этган давлатлар олдида бир неча муаммолар турибди, улардан қуйидагилари энг муҳим ҳисобланади:

1. АҚШ. Охирги ўн йилликда АҚШ да 120 млрд. долларга тенг бўлган йирик таркибий федерал бюджет тақчиллиги ҳамда 120 млрд. долларга тенг жорий ҳисобварақлари бўйича халқаро тўловлар тақчиллиги юзага келди. Инфляциясиз иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ушбу «икки ёқлама тақчилликий» тутатиш зарур бўлади.

2. Япония. Ушбу давлат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Япония давлати олдида турган муаммо – тўлов баланси бўйича актив қолдиқни ўзаро манфаатли шартларда тақдим этиладиган ссудаларга ва бошқа давлатларга инвестиция қилишга йўналтиришни ташкил этиш йўлларини қидириб топишdir.

Япония капитали маблағлар тақчиллигини бошдан кеңірістен давлатларга йўналтирилиши лозим. Япония иена-спекуренниң ошиши ва инфляциясиз иқтисодий ўсиш сиёсатини сақлаб қолиниши фискал ва пул сиёсатини амалга ошириши мураккаблаштирувчи омил бўлиб қолади.

3. Европа Иттифоқи. Европа Иттифоқи давлатлари учун инфляция суръатларининг камайиши жараёнида меъёрий-иқтисодий ўсиш суръатлари хосдир. 1990 йиллар ўрганига келиб, давлат бюджети тақчиллиги кўнгина Европа мамлакатларида, жумладан, Норвегияда ЯИМ нинг 0,7 фоиз, Швецияда 10,8 фонзгача, Грецияда 11–12 фоизни ташкил қиласкан.¹ Аммо юқорида кўриб ўтган бюджет тақчиллигининг жорий ҳолатига иқтисодий пасайиш пайтидан кенгаядиган, иқтисодий ўсиш пайтида тораядитан циклик омиллар таъсир қиласкан. Шу сабабли, иқтисодий жиҳатдан барқарор мамлакатлар молиявий аҳволини таркибий тақчиллик кўрсаткичи кўпроқ очиб беради.

Хусусан, 1994 йилда Норвегияда таркибий тақчиллик амалдагига нисбатан анча юқори бўлган (ЯИМнинг 1,3 фоизи ўрнига 6,9 фоизни ташкил этган). Бу иқтисодий ўсиш юз берганлигидан далолат беради. Японияда эса, бу кўрсаткич, кўзланган 5,8 фоиз ўрнига 1,0 фоизни ташкил қилиб, иқтисодиётдаги пасайишни акс эттиради.² Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тақчилликнинг ИҲРТ мамлакатлари бўйича 1985 йилдаги 3,5 фоиздан 1989 йилда 1,2 фоизга туширилиши, нафақат ишсизлик суръатлари ортишига, балки узок муддатга мўлжалланган демографик вазифаларни амалга оширишни

¹ О.Замков. Бюджетный дефицит, Государственный долг и экономический рост./Вестник Московского Университета. Сер. 6. Экономика. 1997. № 2. стр. 4-5.

² Юқоридаги маиба.

қийинлаштириди. 1985-1989 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 3-4 фоиздан 1989-1993 йилларга келиб, 2 фоиздан паст даражада қайд этилди¹.

Европа Иттифоқи давлатларида ишсизлик даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда. Германия ҳукумати инфляция хавфи туфайли молиявий рағбатлантириш муаммосига эҳтиёткорлик билан ёндошмоқда. 1992 йилдан бошлаб, Европа Иттифоқи давлатларининг ўзаро келишилган ҳолда иқтисодий ва молиявий сиёсатини амалга оширишлари савдо ва капитал оқимига таъсир этмоқда. Бирок, 1992 йил сентябр ойидагуз берган валюта инқирози Европа валюта иттифоқи тараққиёти йўлининг енгил бўлмаслигидан далолат бермоқда.

Ривожланаётган давлатлар. Ўтган асрнинг 70-йилларида ривожланаётган давлатлар ўз иқтисодиётини тарақкий эттириш ва нефт импорти бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида йирик миқдордаги қарз олғанлар. 1980 йиллардан бошлаб эса, ривожланаётган давлатлар қарзларининг ўсиш суръатларини назорат қилиб бўлмай қолди (З-жадвал). Ривожланаётган давлатларнинг умумий ташки қарздорлиги 1973 йилда 130 млрд. АҚШ долларидан 1986 йилда 1114 млрд. АҚШ долларигача кўтарилиди ва ниҳоят, бу кўрсаткич 1990 йилда 1336 млрд. АҚШ долларига етди. Ривожланаётган давлатларнинг қарз мажбуриятлари бўйича хизмат кўрсатишлари оғирлашгани сари, ушбу давлатлар учун ташки савдо шароитлари ёмонлашиди, яъни ривожланаётган давлатлар экспорти нархлари импорт нархларига нисбатан тушиб кетди.

Ривожланаётган давлатларнинг кредитга лаёқатлилиги шубҳа остида қолаётганлиги туфайли, Халқаро Молия Фонди айрим ривожланаётган мамлакатларга қарз беришга

¹ The Tax System in industrialized countries. Edited by Ken Messere. Oxford University Press. 1998, P.24.

хоҳиши йўқдиги ва улар иқтисодиётига инвестиция қилмаслигини билдириди. Натижада, ушбу давлатларнинг инвестицион харожатлари камайиб, иқтисодий ўсиш суръатлари кескин тушиб кетди.

Ҳозирги кунда ривожланаётган давлатлар олдида турган муаммо — ижтимоий ва сиёсий барқарорликни саклаган ҳолда халқаро қарз мажбуриятлари билан ҳисоблашиш йўлларини топишидир. Ушбу қарздор давлатлар ҳукумати хусусий сектор ташаббускорлигига таянган ҳолда иқтисодий вазиятини яхшилашга интилоқда. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш ушбу фаолиятнинг асосий йўналишларидан биридир. Бундан ташқари, айрим ривожланаётган давлатлар ҳудудий интеграция орқали хорижий инвестициялар учун кулай муҳитни яратишга қарор қилдилар.

Эркин савдо бўйича Шимолий Америка ассоциацияси (НАФТА) бунга мисол бўлиши мумкин. Ушбу келишув бўйича АҚШ, Канада ва Мексика ҳудудларида товар ва хизматларнинг эркин ҳаракати таъминланди.

3-жадвал
**1973-1990 йилларда ривожланган давлатлар қарzlари ва
 қарз бўйича хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	1973 й.	1980 й.	1986 й.	1990 й.
Ривожланаётган давлатлар қарзи, млрд. долл.	130	634	1114	1336
Қарз бўйича хизмат кўрсатиш коэффициенти ¹	15,9	17,6	23,0	17,6
Ташқи савдо шартлари (импорт ва экспорт нархлари индекси) нисбати	+13,3	-16,3	-18,1	-0,4

Манба: IMF, *World Economic Outlook* (1983 ва 1991).

¹ Қарз бўйича хизмат кўрсатиш коэффициенти — бу экспортдан келагиган даромадлардан фоизларда ифодаланганд қарз миқдоригидир.

Янги саноатлашган давлатлар. «Янги саноатлашган давлатлар» термини асосаи, Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси давлатларига нисбатан қўлланилади. Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайван ушбу гуруҳ давлатлари ҳисобланади. Бу давлатлар 1976 йилдан 1986 йилгача бўлган ўн йил давомида сезиларни даражада тебранувчи (6,5 фоиздан 8,6 фоиз атрофида) иқтисодий ўсишига эришган. Бу давлатлар эришган ютуқлар сабабини экспортта йўналтирилган иқтисодиётнинг яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин, яъни экспорт ҳажмиининг ортиши бевосита мамлакат иқтисодий ўсишини таъминилади. Янги саноатлашган давлатлар экспорт салоҳияти учун асосни таъминлаш мақсадида трансмиллий корпорациялар инвестицияларини жалб қилишга иштилиб, лицензион ва технологик келишувларда қатнашдилар ҳамда энг илғор технологияларни импорт қилишни йўлга қўйдилар (4-жадвал).

Гонконг ва Сингапур самарали саноатта эга бўлиш билан бир вактда, қаштагл жамланишининг ҳудудий маркази ҳамдир. 1986 йилда ушбу гуруҳга мансуб тўрт давлат умумий 131 млрд. АҚШ доллари миқдоридағи товарларни экспорт қилдилар, янги саноатлашган давлатлар товарлар импортининг 37 фоизи АҚШ, 10 фоизи Япония ва 13,2 фоизи Европа Иттифоқи ҳиссасига тўғри келди. Сўнгти йилларда янги саноатлашган давлатлар олдида қатор муаммолар юзага келмоқда. Улар савдо баланси актив қолдигини бошқариб, ўсиб бораётган протекционизм ва савдо рақобатчилигини ҳисобга олган ҳолда янги сиёsatни юритишларига зарурат юзага чиқмоқда. Янги саноатлашган давлатлар, саноатлашиш жараёнининг дастлабки босқичидаги давлатлар (Индонезия, Таиланд, Бразилия, Аргентина ва Мексика) томонидан рақобат босимини ҳис қилмоқдалар.

Саноатлашган бошқа давлатлар ҳам ушбу янги рақобатчилик шароитида тўхтовсиз муваффақиятлар учун маҳсулотлар ва нархлардаги фарқларнинг қанчалик мухимлигини тушуниб етдилар. Бундан ташқари, янги саноатлашган давлатлар юқори технологик маҳсулотлар (электроника каби) ишлаб чиқаришта ўтишлари ҳамда бошқа малакали Европа Иттифоқи талаб қилувчи соҳалар стратегиясини ишлаб чиқмоқдалар.

4-жадвал

Осиёning янги саноатлашган давлатлари: иқтисодий ўсиши, савдоси, жамғарма ва инвестициялари

	1976-1986 йилларда ЯММинг йиллик ўсиши, фоиз	1986 йилда савдо балансининг жорий ҳисоб- варақалари бўйича актив ҳолдини, млрд. долл.	1986 йилда ЯММ даги улуси, фонз.		1986 йилда савдо дажми, млрд. АҚШ долл.		
			Жамға- рилиш	Инвести- ция қилиш	АҚШ ва Япония билиш	ЕИ билан	
Гонконг	8,6	2,4	29,7	20,4	8,1	-5,5	1,1
Жаңгубий Корея	7,2	4,7	34,2	31,4	7,5	-5,8	0,6
Сингапур	6,5	0,2	46,7	44,5	1,3	-3,1	-0,1
Тайван	8,0	15,0	3,75	16,5	13,4	-3,4	1,6
Ҳаммаси		22,3			30,0	-17,8	3,2

Манба: Morgan Guaranty Trust Co, World Financial Markets (January, 1987).

Ягона Европа бозори ва НАФТА каби ҳудудий савдо блокларининг ўсиш муваффақияти кўпроқ ташқи савдога борлиқ бўлган янги саноатлашган муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатлар. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ давлатларида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни амалга ошмоқда.

Бу жараённи амалга оширишда мазкур давлатлар кўп жиҳатдан хориж капиталига эҳтиёж сезмоқда. Ушбу мамлакатларда ўтган асрнинг сўнги йилларигача амалда бўлган режали иқтисодиётнинг асосий камчиликлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: истеъмол товарларининг етишмаслиги, ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, эскирган инфратузилма, технологик инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишнинг мураккаблиги ва ҳоказолар. Иқтисодий рағбатнинг йўқлиги ва технологияларнинг эскирганлиги ушбу муаммоларни янада чуқурлаштирган эди. Польша, Венгрия, Хитой ва Россияда иқтисодий соҳаларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳаси каби иқтисодиётнинг айрим секторларини хусусийлаштириш хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқ имтиёзларни белгилаш ва янги технологиялардан фойдаланишда аксилмарказлаштириш жараёни бошланди.

Афсуски, кўпгина собиқ коммунистик давлатларда бошланган ислоҳотлар кутгилган натижани бермади. Кўпгина Шарқий Европа мамлакатлари, жумладан, Польша, Венгрия, Шарқий Германия истиқболда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга муҳтоҷдир, айниқса давлат назорати остида қолаётган тармоқларни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш талаб этилади. Бундан ташқари, инвестицияларни инфратузилмаларга йўналтириш, замонавий капитал ускуналардан фойдаланиш ва етакчи ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш каби зарур ислоҳотларни амалга ошириш учун ушбу давлатларга бир неча йиллар зарур бўлади.¹

Ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганишда, яна муҳим жиҳатлардан бири сифатида давлат қарзларини бошқариш самарасини оширишга алоҳида эъти-

¹ The Banker Journey into the Unknown (October 1989) : p. 42-56.

борни қаратиш зарур. Кўпчилик ҳолатларда ташқи қарзлар муаммоси бирламчи тарзда ўрганилади. Аммо, мамлакатнинг ички ресурсларига асосий таъсир кўрсатувчи ички қарзлар муаммоси ҳам етарлича долзарб муаммолигича қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш учун эса, ички қарзларни бошқариш самарасини ошириш ва ички ҳамда ташқи қарзлар ўртасидаги ўзаро нисбатни оптималлаштириш зарур. Хусусан, давлат олаётган ички қарзларни бошқариш самарасини ошириш учун, биринчи навбатда, қарздорлик воситалари эмиссиясининг талаб қилинган ҳажмини ва ЯИМ ҳажмидаги йўл қўйиладиган қарздорлик ўсиш суръатини аниқлаш зарур. МДҲнинг кўпгина мамлакатларида, асосий қарздорлик воситаси бўлган давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) бўйича ҳисоб давлатнинг ички қарзлари ҳисобварақларида олиб борилмоқда. Ушбу қарздорлик ДҚМОлари янгидан чиқарилиши билан қайта молиялаштирилмоқда. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун бюджетнинг ҳар йилда қарз маблағларига бўлган талабнинг ўсиши ва ДҚМОлар олдинги чиқарилишини сўндириш бўйича ўтиб борувчи қарздорлик ДҚМОлар «пирамида»сини ташкил қилишга олиб келади. Ривожланётган мамлакатларда улар ҳажмининг ўсиши ЯИМда бюджет даромадлари ва пул массасининг ўсишидан ўзиб кетмоқда.

МДҲнинг айрим мамлакатларида (Арманистон, Грузия, Тожикистон, Украина) бюджет тақчиллиги 1993-1994 йилларда ЯИМнинг 30 фоизини ташкил қилди ва молиялаштиришнинг ноэмиссион воситаларининг етарли бўлмаслиги натижасида гиперинфляция анча юқори суръатларда юз берди.¹ Болтиқбўйи мамлакатлари иқти-

¹ О.Замков. Бюджетный дефицит, Государственный долг и экономический рост./Вестник Московского Университета. Сер.6. Экономика. 1997. № 2. стр. 4.

содиёти анча барқарор тус олган бўлиб, бу мамлакатлар бюджетида 1994-1995 йиллардан бошлаб (баъзи йилларда ижобий қолдиқ мавжудлигини кузатиш мумкин) тақчиллик кузатилмайди. Чунки, бу мамлакатлар саноатлашув даражасининг юқорилиги, географик жиҳатдан қулай мавқега эгалиги ва Европанинг ривожланган мамлакатлари билан яхши қўшничилик алоқаларининг мавжудлиги иқтисодий танглик ҳолатини бартараф этишни осонлаштириди.

Собиқ Иттифоқ республикаларида бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнлари анча ўхшашиб бўлсада, аммо ҳақиқий аҳвол у ёки бу мамлакатда мавжуд имкониятлар даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

3-§. Хорижий давлатлар солиқ тизими: умумийлик ва алоҳидалик

Чет мамлакатлар молия тизимини солиқлар ва давлат харажатлари, корхоналар молиясини бошқариш жиҳатидан тавсифлаймиз. Хорижий давлатлар солиқ тизимини тадқиқ этиш солиқقا тортиш механизмининг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятларини ҳамда бозор иқтисодиётини амал қилаётган давлатларнинг солиқка тортиш тизими тажрибаларини инобатта олиш имконини беради. Ривожланган хорижий давлатларда солиқлар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 20-50 фоизини (масалан, АҚШда 27-29 фоиз, Швецияда 53 фоиз) ташкил этади.

Хорижий давлатлар бюджетининг солиқли даромадларида асосий ўринни индивидуал даромад солиғи эгаллади. Унинг ЯИМдаги ҳиссаси Франция, Япония, Нидерландия ва Италияда 5-9 фоиз, Финляндия, Янги Зеландияда 16-24 фоизни ташкил этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) давлатларида ушбу солиқнинг ЯИМ даги ҳиссаси 11,7 фоизни ташкил этади.

Давлат бюджетида аҳамияти жиҳатидан кейинги ўринда ижтимоий солиқлар туради. Уларнинг ЯИМдаги ҳиссаси 9-10 фоизни ташкил этади.

Эгри солиқлар (ҚҚС, акцизлар, айланмадан солиқлар, сотишдан олинадиган солиқ ва бошқалар) ва тўғри солиқлар (фойда солиги ва мулкий солиқлар)нинг бюджет даромадларидағи ҳиссаси юқори салмоққа этадир. ИҲТТ давлатларида ҚҚС, фойдага солиқ, мулк солиқларининг улуши ўртача 2 ва 6,3 фоизни ташкил этади. Хорижий давлатлар бюджетида солиқли даромадларнинг таркибий тузилишига эътибор берадиган бўлсак, 1985 йилда даромад солиғининг ҳиссаси 12,7 фоиздан (Францияда) 46,6 фоизгача (Финляндияда), корпорациялар фойдасига солиқнинг ҳиссаси 4 фоиздан (Финляндияда) 21 фоизгача (Японияда), мулк солиқларининг ҳиссаси 2,3 фоиздан (Швецияда) 12 фоизгача (АҚШда), эгри солиқларнинг ҳиссаси 7,4 фоиздан (АҚШда) 21,2 фоизгача (Финляндияда) – ни ташкил этади¹.

Истеъмол солиқлари ҳиссаси кўнгина давлатларда деярли бир ҳисса ошган бўлса, уларда акцизларнинг улуши камайган². Еарб давлатлари солиқ тизимининг мұхим ташкилий тамойиллари бўлиб, мамлакатнинг ҳудудий-сиёсий тузилишига мос равишда марказий бюджет ва турли даражадаги бюджетлар даромад турларининг аниқ белгиланиши ҳисобланади.

¹ Мир денег. Краткий путеводитель по денежной, кредитной и налоговой системам Запада. М.: АО «Развитие», 1992. С. 235-236.

² Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира (справочник) М.: 1995. С.5.

Унитар давлатлар (Буюк Британия, Франция, Италия) бюджети тизими икки поғонали бўлиб, алоҳида солиқ тўловлари турларига мос равишда марказий ва маҳаллийга бўлинади. Федератив давлатларда (АҚШ, Германия, Канада) уч бюджет поғонасига мос равишда учта поғонали солиқли тўловлар (федерал, ҳудудий, маҳаллий) мавжуддир.

Жаҳон солиқ кодекси. Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) у ёки бу ҳалқаро дастурлар асосида бозор ислоҳотларини амалга ошираётган давлатларга маълум бир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ҳамкорликни амалга оширади. Бундай ҳамкорлик йўналишларидан бири замонавий, ҳалқаро иқтисодий талабларига жавоб берадиган миллий солиқ тизимининг юзага келиши, шакланиши ва ривожланишига ёрдам беришdir. Айнан шундай чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, яъни ҳалқаро солиқ дастури доирасида Жаҳон солиқ кодексини тайёрлаш фикри юзага келди. Ушбу Кодекснинг асосий мақсади ислоҳотларни амалга ошираётган давлатларга илмий асосда солиқ муносабатларини бошқариш, ягона атамашунослик ва ягона мазмундаги изоҳни яратиш имкониятларини тақдим этишdir.

«Жаҳон солиқ кодекси асослари» шаклидаги ушбу ҳужжат 1993 йилда тайёрланиб, нашрдан чиқарилди. Унинг муаллифлари Гарвард университети (АҚШ) мутахассислари Уорд М. Хасси ва Дональд С. Любик. Ушбу Кодекс асослари 300 бетдан иборат бўлиб, 591 та модда ва унга изоҳни ўз ичига олган Солиқ кодекси матнидан иборатdir.

Кодекснинг кириш қисмида муаллифлар кўпгина давлатлар тажрибасида синалган солиқ тизимининг замонавий маъносини очиб беришга ҳаракат қилган.

Жаҳон солиқ кодекси намуна сифатида ишлаб чиқилганлигига қарамасдан, унда солиқ тўловларининг аниқ ставкалари, минимумлар ва имтиёзлар аниқ ёритиб берилмаган.

Кодекс матни ва унда берилган ставкалар кодексдан фойдаланиши хоҳловчи давлатлар учун мажбурий эмас, балки тавсиявий тусга эгадир.

Миллий солиқ қонунчилиги тайёрланаётганда ушбу давлат мутахассислари томонидан мамлакатдаги аниқ иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар инобатта олининши керак.

Кодексда берилган низом алоҳида аҳамиятга эга. Бу низомга кўра, солиқ тизими орқали иқтисодий субсидиялар бериш тўғри субсидия тўловларига нисбатан самарасизdir. Имтиёз турлари ва енгилликларнинг кўплиги, солиқ имтиёзларини назорат қилишнинг қийинлиги сабабли, солиқ тизимини мураккаблаштиради ва самарадорлигини туширади ҳамда зарурий бўлган эгилувчанлик хусусиятларини йўқотади. Кодексда солиқлардан вақтинчалиқ ёки доимий озод этиш каби имтиёзлар кўзда тутилмаган. Ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Кодекс муаллифлари фикрича, ушбу давлатлар даромадлари асосий қисми божхона божлари, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар ҳамда корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқ солиш ҳисобига шаклланади. Бундай солиқ тизими улар фикрича, солиқларни ундириш билан боелиқ бўлган маъмурий харажатлар жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқка нисбатан кам бўлади.

Кодексда солиқлар тизимиға фақатгина юқори даромадларга эга бўлган аҳоли қисмига қўлланиладиган жис-

моний шахслардан олинадиган индивидуал даромад солиғи ҳам киритилгандир. Бу шундай изоҳланадики, бозор иқтисодиётiga ўтаётган давлатларда – асосан ривожла наётган ва собиқ социалистик давлатларда – индивидуал даромад солиғини ривожланган давлатлардаги каби кенг миқёсда қўллаш учун етарли даражадаги маъмурий ва ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас.

Жаҳон солиқ кодексининг ишлаб чиқилиши солиқ қонунларини тайёрлаш ва қабул қилиш борасидаги солиқ ислоҳотлари томон қўйилган дастлабки қадамдир. Асосийси, солиқ органларининг самарали фаолиятини ташкил этишдан иборат. Адолатли ва юқори салоҳиятли солиқ хизматининг мавжудлиги солиқ ислоҳотидаги муваффақиятларнинг зарурый шартидир.

Жаҳон солиқ кодекси асосий солиқ турлари бўйича 5 қисмга бўлиниб, бозор иқтисодиётiga ўтаётган давлатларда жорий этиш учун тавсия қилинади. Биринчи қисм – даромад солиғи; иккинчи қисм – қўшилган қиймат солиғи; учинчи қисм – акциз солиқлари; тўргинчи қисм – кўчмас мулкка солиқ; бешинчи қисм – солиқ маъмурияти деб номланади.

Солиқ-бюджет сиёсати соҳасидаги таркибий ва институционал ўзгаришларни амалга оширишда давлат харажатлар ва даромадлар тизимини, бюджет тақчиллигини бошқаришни ташкил этиш, бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилайди.

АҚШ, Канада, Австралия, Малайзия ва Покистонда марказлашган бюджетга тушадиган солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши 20 фоиздан ортмайди. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу кўрсаткичнинг кўпгина МДҲ мамлакатларидагига нисбатан анча пастлиги намоён бўлган.

Чет мамлакатлар молия тизимининг шакланиши ҳалқ-аро хўжалик алоқаларининг ривожланиши, молиявий глобаллашув, капитал оқимининг кучайиши ҳамда молиявий муаммоларни ҳал қилишнинг замонавий инструментлари таъсирида юз бермоқда.

Ушбу муносабатларни ўрганиш, дунё мамлакатлари молиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мамлакатларни гуруҳлаштириш асосида ҳамда оширилмоқда.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Чет мамлакатлар молиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Молия бозорининг глобаллашуви деганда нима тушунилади?
3. Дунё капитали оқими нима?
4. Молиявий инжиниринг нима?
5. Ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатларнинг молиявий ҳолатини тавсифлаб беринг.
6. Жаҳон Солиқ Кодексини қабул қилишдан кўзланган мақсад нималардан иборат эди?
7. Чет мамлакатлар солиқ тизимининг хусусиятли жиҳатларини санаб беринг.

ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

1-ғ. Марказий ва Шарқий Европа давлатлари молия- солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

Ўтиш даври иқтисодиётига хос давлатларда молия тизими самарадорлигини ошириш муаммоси шубҳасиз долзарбdir.

Ушбу соҳадаги асосий муаммолардан бири мақбул солиқ тизимини шаклантириш масаласидир. Таъкил этилган ва амалдаги солиққа тортиш тизими солиққа тортилаётган фаолиятнинг ҳажм ва сифат кўрсаткичлари яхшиланишига, яъни солиқ базасининг кенгайишига кам ижобий таъсир этмоқда. Салбий ҳолатларнинг давом этишини оддини олиш, солиққа тортилаётган фаолиятнинг ҳажм ва сифат кўрсаткичлари ўсишини рағбатлантириш мақсадида, солиққа тортиш тизимини яхлит ҳолда ёки алоҳида асосий солиқ турларини такомиллаштириш ўтиш даврининг долзарб масаласига айланди. Солиқларнинг фискал ҳамда рағбатлантирувчилик функциялари мақбул нисбатларда бўлиши зарур.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш нафақат МДҲ давлатларида, балки кўпгина ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда, хусусан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг асосий таркибий қисмига айланган. Ушбу давлатларнинг баъзиларида, айниқса, Венгрия, Польша, Чехияда ушбу муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ сезиларли ижобий натижаларга эришилган. Мазкур давлатларда амал қилувчи солиқ тизими жамланма бюджет даромадларининг 90

фоизидан ортиқ қисмининг шакланишини таъминлайди. Иқтисодий ўсишга шарт-шароит яратиб берувчи бу тизим солиқ тўловчилар томонидан қаноатланарли бўлган тизим сифатида қабул қилинмоқда. Буни хўжалик ривожланишининг якуний натижалари ҳамда турли солиқ тўловчилар (айниқса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар) ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларида ҳам кўриш мумкин. Солиқ тизимишинг шакланишига молия тизимидағи мавжуд муаммолар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

1998 йилда фискал баланс муаммолари, яъни бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан Венгрияда 4,0 фоиз, Польшада 3,0 фоиз, Чехияда 1,5 фоизни ташкил этиб, кичик рақамларда бўлсада сақланиб қолмоқда. Бозор муносабатларини шакллантириш ва иқтисодиёт реал секторини ривожлантириш якунларига кўра Европа Иттифоқининг Европа ҳайъати мазкур давлатларнинг 1999 йил бошида Европа Иттифоқига аъзо бўлиб киришига тайёргарлик даражасини ўн баллик шкалада баҳоладилар: 1 балл – тайёр, 10 балл – тайёр эмас, шунда, Венгрия 4,4; Польша 5,1; Чехия 3,8 балл билан баҳоланди.

Умуман олганда, мазкур давлатларда мамлакат солиқ тизимишинг муҳим элементи бўлган солиқларни йиғиш даражаси анча юқори ҳисобланади. Масалан: Польшада 1998 йилда қўшилган қиймат солиғини ундириш 98 фоиз, жисмоний шахслар даромадига солиқ 96-97 фоиз, юридик шахслар даромадига солиқ 90 фоизни ташкил этган. Бироқ, маҳаллий солиқлар (кўчмас мулкка солинадиган солиқ, ер солиғи, ўрмон йиғимлари ва бошқалар)ни ундириш даражаси пастдир. Масалан: транспорт воситаларидан олинадиган солиқни ундириш даражаси ҳудудларда

75–85 фоизни ташкил этади. Аммо, маҳаллий солиқларнинг умумий солиқ тушумларидағи улуши паст – одатда 15 фоиздан ошмайди.

Иқтисодиётнинг «хуфиёна сектор»и ЯИМга нисбатан Венгрия ва Польщада 20–25 фоиз баҳоланса, Чехияда эса бу кўрсаткич 12–14 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, яширин даромадлар бу кўрсаткичларнинг юқори бўлмаган қисмини (3–5 фоиздан ошмайди) ташкил этади. Иқтисодиётнинг «хуфиёна сектор»и – бу асосан кичик ва ўрта бизнес соҳасида ўз вақтида рўйхатдан ўтмай туриб фаолият юритиш шаклида намоён бўлмоқда.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида, айниқса Венгрия, Польша ва Чехияда, солиқقا тортишнинг бозор тизимини шакллантириш, шу жумладан солиқларнинг фискал ва раъбатлантирувчилик функциялари нисбатини мақбуллаштириш бўйича тажрибаларини МДҲ давлатларида шу каби муаммоларни ҳал этишда эътиборга олиш лозим. Албатта, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда МДҲ давлатларининг ўзига хос миллий хусусиятлари мавжуддир. Ушбу хусусиятлар мазкур давлатлар солиқ қонунчилиги ва анъаналарида солиқ муносабатлари амалиёти, солиқ манбалари ёки солиқقا тортишнинг мавжуд таркибий тузилиши ҳамда миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги интеграцияси меъёрларида кўринади.

Ўз навбатида Венгрия, Польша ва Чехия давлатларида маъмурий бошқарувдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида солиқقا тортиш амалиёти ва ишланмаларининг тамойилий низомлари алоҳида диққатга сазовордир. Мазкур давлатларда ҳам Европа Иттифоқи давлатлари сингари, шу жумладан, тарихий анъаналарга эга Герма-

ния ва Австрия давлатлари каби замонавий солиққа тортишнинг бозор тизимини шакллантириш стратегик мақсад қилиб олинган.

Марказий ва Шарқий Европа давлатларида солиққа тортиш тизимини ривожлантириш Европа Иттифоқи давлатларида амал қилаётган тамойиллар ва андозаларга мослаштириш зарурлиги амалий жараёнларга ҳам боғлиқдир. Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ташқи иқтисодий алоқаларининг юқори қисми Европа Иттифоқи давлатларига, айниқса Германияга тўғри келади. 1997 йилда умумий ташқи савдо экспортида Европа Иттифоқи ва Германиянинг ҳиссаси мос равишда Венгрияда 71,2 фоиз ва 37,2 фоиз, Польшада 64,2 фоиз ва 32,9 фоиз, Чехияда – 60,1 фоиз ва 36 фоизни ташкил этган. Ушбу давлатларда товар экспорти ва чет эл капитали импорти, шу жумладан, тўғри ва портфелли инвестициялар бўйича ўхшашиб ҳолат кузатилади.

Солиқ тизимини шакллантириш Венгрия, Польша ва Чехияда ўтган асрнинг 80-90 йилларида бошланган. Бу тизимни шакллантириш узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, ҳозиргача бу жараён давом этмоқда. Ўша пайтда Марказий ва Шарқий Европа давлатларида жорий қилинган ва ҳозирда амал қилаётган солиқлар таркиби Европа Иттифоқи давлатлари учун одатдаги солиқлар бўлиб ҳисобланади. Бу таркибга асосийлари сифатида тўғри солиқлар (корпорациялар даромадига солиқ, жисмоний шахслар даромадига солиқ); эгри солиқлар (КҚС, акцизлар, божхона тўловлари); ижтимоий таъминотга тўловлар киритилади. Асосий бўлмаган солиқларга мол-мулк солиғи, месрос ва ҳадяларга ҳамда транспорт воситаларига солинадиган солиқлар киради.

Ушбу мамлакатларда марказий бюджетларга нисбатан турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисми асосан ҳар хил манбалар ҳисобидан шакланади. Венгрия ва Чехияда маҳаллий солиқлар юқори аҳамиятга эга эмас. Масалан, Чехияда маҳаллий бюджетларнинг бир қатор асосий солиқлар (шахсий даромадга солинадиган солиқ йиғимининг 30 фоизи, корпоратив солиғи йиғимининг 20 фоизи), шунингдек, трансферларда ҳиссавий иштироки қўлланилади. Польшада эса, маҳаллий солиқларнинг ўрни бир оз аҳамиятлидир. Маҳаллий солиқ турларига жисмоний ва юридик шахсларнинг қўчмас мулкига солинадиган солиқ, транспорт воситаларига солиқ, ит эгаларидан олинадиган солиқ, турли савдо ва маъмурий солиқлар ҳамда бошқа солиқ турлари киради. Юқорида санаб ўтилган асосий солиқ турларининг амал қилиши ва уларнинг ҳар бирининг жамланма давлат бюджети жами солиқли даромадларидаги аҳамияти қўйида келтирилган 5-жадвалда кўрсатилган. Ижтимоий таъминот фонdlарига тўловлар жадвалда келтирилмаган. Венгрия ва Польшада ушбу фонdlар бюджетдан ташқари ҳисобланади, Чехияда эса улар бюджет таркибиغا киритилади. Давлатлар бўйича солишириш мақсадида мазкур фонdlарга тўловлар йиғими Чехияда бюджетнинг солиқли даромадлари умумий суммасига киритilmайди. Масалан, 1996 йилда Венгрияде бу тўловлар ЯИМ нисбатан 11,4 фоизни, 5-жадвалда кўрсатилган барча солиқлар эса ЯИМ нисбатан 23 фоизни ташкил этган.

Чехияда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 1998 йилда ЯИМ нисбатан 15,6 ва 21,2 фоизни ташкил этган.

Солиқ турлари	Венгрия (1997й)	Польша (1998й)	Чехия (1998й)
ККС	36,9	37,6	31,0
Акцизлар	17,2	18,5	17,6
Божхона йифимлари	9,5		3,5
Корпоратив солиқ	5,8	13,0	17,5
Жисмоний шахслар даромадига солиқ	29,7	30,4	24,6
Бошқалар	0,9	0,5	5,8

Ўтган асрнинг 80–90 йилларида жорий этилган солиққа тортиш моделини олдин амал қилган амалиёт билан таққослаш амалга оширилган барча ўзгаришларни аҳамиятли ва тизимли эканлигини кўрсатади. Солиққа тортиш жараёни фақатгина қонуний тартибда аниқланадиган ва ўзгартириладиган бўлди. Солиқларнинг таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Бундан ташқари корпоратив солиқ, акцизлар, ижтимоий таъминотнинг бюджет (Чехияда) ва бюджетдан ташқари (Венгрия ва Польщада) фондларига тўловлар таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Ислоҳотларнинг дастлабки пайтларда солиқларни бундай ташкил этиш Венгрия, Польша ва Чехияда ўтиш даври шароитининг миллий ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи элементларни ўз ичига олган эди. Булар ўтмишдан мерос бўлиб ўтган солиқ оғирлигининг юқори даражаси, солиқ имтиёзларининг кўплиги ҳамда кенг табақлашуви ва бошқа элементлардир. Иқтисодиёт ва бюджет соҳаларида ўтиш даврида вужудга келган мураккаб вази-

ят улардан тўлиқ ва тез воз кечиш имконини бермади. Натижада эҳтиёткорона ва аста-секинлик билан қисман ўзгартиришлар киритиш орқали ҳаракат қилишга тўғри келди.

Марказий ва Шарқий Европанинг таҳдил қилинаётган мамлакатларида солиқ квоталари динамикаси қуйида келтирилади. Бозор ва солиққа тортиш тизимидағи ислоҳотлардан оддин (1988 йил) солиқ квотаси Венгрияда 54 фоиз, Польшада 40,2 фоиз, Чехияда 51,7 фоиз даражада эди. Бозор иқтисодиётига ўтишда қабул қилинган концепциялар ва дастурларга кўра, солиқ квотаси жуда юқори деб баҳоланиб, ҳеч бўлмагандага ўртacha Farbий Европа андоузаларига хос бўлган даражагача тушириш зарур эди. Бундай тадбирнинг амалга оширилиши доимо жиддий тўсиқларга дуч келган. У давлат ва бюджет харажатларини тубдан ислоҳ қилишни талаб этарди. Ўтиш даври шароитида бундай харажатларга бўлган эҳтиёж, аксинча, ўсиб борди. Буни доимий бюджет тақчиллигида ҳам кўриш мумкин. Харажатларнинг кескин камайиши, умумиқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги тантликка қарамай, юқори суръатлар билан ўсиш хавфини туғдирар эди. Шу сабабларга кўра, солиқ квотасининг тушиши кутилганидек бир маҳомда, тез ва аҳамиятли бўлмади. Умумий олганда солиқ оғирлигининг пасайиш анъанаси давом этмоқда.

Венгрияда асосий солиқ турлари (КҚС, шахсий даромадга солинадиган солиқ, акцизлар, божхона тўловлари, корпоратив солиқ, фавқулотдаги йиғимлар) бўйича солиқ квотаси 1988 йилда 33,9 фоизни ташкил этган. Кейинчалик бу кўрсаткич босқичма-босқич тушиб борган. Фақатгина 1993 ва 1995 йилларда унинг бирмунча ўсиши (мосравища 0,6 ва 11 фоизга) кузатилган. 1997 йил якунлари

бўйича солиқ квотаси 20,6 фоиз даражада ўзгармай қатъий турди. Бу эса, бозор ислоҳотларига ўтишдан олдинги даврга нисбатан сезиларли даражада (13,3 фоизга) камдир. Умуман олганда, 1994-1996 йилларда солиқ квотаси 38 дан 36 фоизга камайди. Иқтисодий салоҳият динамикаси ва молия соҳасидаги умумий ҳолатнинг ривожланиши, инфляция ва савдо айланмасидан солиқ йигимларининг пасайтирилиши билан аниқланди. Эътиборли томони шундаки, ЯИМ ҳиссасида давлат харажатлари сезиларли даражада камайган (1994 йилда 62 фоиздан 1997 йилда 50 фоизга) бўлса ҳам, бироқ солиқ квотасида ўсиш кузатилган. Вужудга келган фарқ эса, бюджетдан ташқари фондларга тўловлар, бюджетнинг солиқсиз даромадлари ва бюджет тақчиллигини юзага келтириш ҳисобига қопланди. 1997 йилда жамланма бюджет тақчиллиги (тўловлар оқими бўйича) ЯИМга нисбатан 4,8 фоизни ташкил этди.

Польшада солиқ квотаси 1998 йилги ислоҳотигача ЯИМга нисбатан 40,2 фоиз даражасида бўлган. Ўша давр учун бу кўрсаткични юқори деб бўлмайди. Бозор ислоҳотлари йилларида ҳам бу кўрсаткич босқичма-босқич пасайиб, 1997 йилда 22,2 фоизга етди. 1998 йил якунларига кўра у яна 24,4 фоизгача ўсди. Унинг ўсиши бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар динамикасининг (прогноз қилинганидан ҳам) ноқулайлиги сабабли рўй берди. ЯИМ мамлакатда камроқ ўсиб, ижтимоий тўловлар ва бюджет ташкилотларига иш ҳақига бериш харажатлари ошди. Бюджет тақчиллигини қаттиқ назорат қилиш, харажатларни камайтириш ва солиқ квоталарини туширишга қаратилган ҳукумат сиёсатининг умум йўналиши ўз кучини йўқотмади. Умумий давлат харажатлари, ижтимоий эҳтиёжларга

бюджетдан ташқари тўловлар, қарзларга хизмат кўрса-тишни ҳисобга олганда, ЯИМга нисбатан 48 фоиздан ортиқни ташкил этди. Қабул қилинган бозор ислоҳотлари йўналишлари, жумладан солиқ сиёсатини юритиш тамойиллари квотани тушириб бориш зарурлигини юзага келтирди.

Собиқ Чехословакияда солиқ квотаси (ижтимоий аҳамиятдаги тўловларни ҳисобга олганда давлат бюджети таркибига киритилган) 1988 йилда 51,7 фоизни ташкил этди. 1993 йилда Чехия собиқ ЧСФР таркибидан мустақил давлат сифатида ажралиб чиқди. Шу йил якунларига кўра, Чехияда солиқ квотаси 44,2 фоизни ташкил этди. Кейинчалик у босқичма-босқич 1998 йилда 36,8 фоизгача тушиб борди. Ундан 21,2 фоизи солиқларга ва 15,6 фоизи ижтимоий тўловларга тўғри келади.

Квота динамикаси асосан мамлакатда солиқقا тортиш соҳасида амалга оширилаётган сиёсатга кўра аниқланди. Даставвал бюджет даромадлари ва харажатлари баланси ни таъминлаш мақсади устувор ҳисобланар эди. Давлатнинг умумий даромадлари ва харажатлари баланси (бу марказий бюджет, ижтимоий аҳамиятдаги олтига фонд, маҳаллий ҳукуматлар молияси, тиббий суғурта фонdlари) 1996 йилга қадар ижобий (ЯИМга нисбатан 0,2 – 0,9 фоиз) эди. Кейинчалик эса, амалдаги хусусийлаштириш модели ва бозор ислоҳотлари натижасида юзага келган иқтисодиётдаги, молия ва банк иши соҳасидаги инқирозлар кучайиши сабабли салбийга (1996 йилда 0,4; 1997–1998 йилларда 1,4 фоизга) ўзгарди. 1999 йилда салбий баланс 2,5 фоиз миқдоридаги даражада режалаштирилган эди.

Ушбу сабабларга кўра, фискал сиёсатдаги устуворлик сифатида узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъ-

минлаш мақсад қилиб олинди. Мөс равишда давлат харажатлари устидан назоратни кучайтириш ва чегаралаш бўйича солик соҳасида янги ўзгаришлар тайёрланди. Бунда солик квотаси барқарорлаштирилди ёки ўзгариши кам дарожада бўлди. 1999 йил бюджетида солик квотаси ЯИМга нисбатан 36,9 фоиз даражасида кўзда тутилди, яъни ўтган йилга қараганда 0,1 фоизга кўпдир.

Умумий солик оғирлиги тақсимоти фаолият турлари ва солик тўловчилар ўртасида аниқ солик турлари орқали амалга оширилади .

Хўжалик соҳаларида солик оғирлиги зудлик билан туширилди. Корпорациялар даромадларига солик бўйича масалан, солик квотаси 1988 йил билан солиштирилганда, Венгрияда 1997 йилда – 6,1 дан 1,2 фоизга, Польшада 1998 йилда – 12,1 дан 3,2 фоизга тушди. Собиқ Чехословакияда бу кўрсаткич 1988 йилда – 11,0 фоизни ташкил этган бўлса, Чехияда эса 1998 йил якунларига кўра – 3,7 фоизга камайган.

Ҳозирги вақтда корпорациялар даромадларига солик, жисмоний шахслар даромадига солик бўйича солик юки тадқиқ этилаётган мамлакатларда нисбатан барқарор деб баҳоланмоқда.

У ёки бу тоифадаги солик тўловчилар бўйича олинганда Венгрияда соликлар бўйича уйғунлашув мавжуд. Уйғунлашув шуни англатадики, бу даромад олиш бўйича солик шарт-шароитларининг, масалан, тадбиркорлик йўли билан, ёлланма ишлар ва шу кабиларнинг мослашуви ёки тенглашувидир. Бу орқали даромад топишнинг турли йўллари қўллаб-қувватланади, даромад, шу жумладан, солик йиғимларининг ортиши рағбатлантирилади. Чехияда жисмоний шахслар даромадига солик ва юридик шах-

слар даромадига солиқнинг амал қилиши 1992 йилдан бери ҳозиргача ягона қонун ҳужжати – «Даромад солиғи тўғрисида»ги қонунига мувофиқ тартибга солинади.

Марказий ва Шарқий Европа (Венгрия, Польша, Чехия) мамлакатларида юқори умумий солиқ квотаси эгри солиқларга – ҚҚС, акцизлар, божхона божлари ва тўловлари ҳамда ижтимоий сугурта ажратмаларига юкланади.

Умуман эгри солиқларнинг жумладан ҚҚСни юқори квота қилиб белгиланишининг асосланганлиги кўпинча мунозараларга олиб келмоқда. Маълумки, бундай солиқларни йиғиш қулай, фискал функцияни яхши бажаради ва бу, айниқса ўтиш даврининг нобарқарор, инфляциянинг кутилмаган тебраниши шароитларида кузатилади.

Шунингдек, эгри солиқлар талаб инфляциясини харатлар инфляциясига айлантиради. Улар ижтимоий муносабатларда етарли даражада адолатли ҳисобланмайди. Солиқ оғирлиги юқори даромадли солиқ тўловчилар даромадларига нисбатан анча кам таъсир кўрсатади. Бу ва бошқа ҳолатлар хўжалик юритишни рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли ўтиш даврининг ўткир муаммолари ҳал этилиб боргани сари эгри солиқларга босим пасайиб боради. Нисбатан тўғри солиқларнинг аҳамияти ортиб боради. Тўғри солиқларни техник ҳисоблаш ва уларни йиғиш, айниқса жисмоний шахслар солиқларида жуда мурakkab, кўп меҳнат талаб қилувчи ва қиммат жараён ҳисобланади. Бироқ, ушбу масалаларни ҳал этишга қилинган ҳаракат мақсадга мувофиқдир, чунки тўғри солиқлар, агар улар тўғри ташкил этилган бўлса, ижтимоий жиҳатдан адолатли бўлса инфляцияни юзага келтирмайди. Бундан ташқари, улар эгри солиқларга қараганда иқтисодий ва

солиқ муносабатларининг равшан шакланишини юзага келтиради. Тўғри солиқларнинг эгри солиқларга қараганда иқтисодиётда аҳамиятигининг юқорилиги иқтисодиёт ва жамиятдаги цивилизациялашган кўрсаткичи сифатида талқин этилади.

Венгрия, Польша ва Чехия солиқ тизимини такомиллаштиришнинг муҳим жараёнлари қаторига солиқ базасини объектлаштириш ва тартиблаш жараёнини киритиш мумкин. Бу ерда асосий йўналиш — солиқ муносабатларида бозор тамойилларини мустаҳкамлашта қаратиш ва шунга мувофиқ равиша барча тоифадаги солиқ тўловчилар ва солиққа торғиш асосларининг барча элементларига ягона тенг ҳуқуқли ёндошув зарурлиги ҳисобланади.

Юзага келадиган четланишларнинг минимал даражада бўлишини таъминлаш харажатлар, даромадлар, хўжалик айланма ҳажмини, мол-мулкини ва бошқа солиққа тортиладиган асосларни аниқлаш калкуляциясида эркин, ривожланган рақобат бозорида аниқланадиган баҳолаш элементлари ўз аксини топади. Марказий ва Шарқий Европа давлатларида, айниқса Венгрия, Польша ва қисман Чехияда, бозор ислоҳотларининг дастлабки йилларида солиқлардан имтиёзлар, озод этишлар ва жарималар кўринишидаги четланишлар кўзда тутилди. Масалан, Венгрияда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ базасидан иш ҳақидан ташқари даромадларнинг барча турлари, жумладан интеллектуал фаолиятдан кўриладиган даромадлар, пенсия, алимент, майда қишлоқ хўжалиги фаолиятидан олинадиган даромадлар чегириб ташланади.

Корпоратив солиқ бўйича маҳаллий ва хорижий инвесторларга турли имтиёзлар қўлланилади. Уларнинг асосийлари қонун йўли билан ўрнатилди. Солиқлар бўйича

қўшимча имтиёзлар Молия вазирлиги қарори билан берилиши мумкин эди. Инвесторлар учун имтиёз турлари тезтез алмасиб тураг эди. Масалан, 1944 йилда инвесторлар учун солиқдан бериладиган чегирмалар улар фаолиятининг дастлабки 5 йилда 100 фоизгача ва 60 фоизгача кейинги 5 йил учун жорий этилди. Имтиёз шартлари этиб қўйидагилар белгиланди: 1) инвесторларнинг низом капитали 500 млн. фордан (фор – Венгрия шул бирлиги, 500 млн. фор тахминан, 4,8 млн. АҚШ долларига тенг), киритаётган инвестициялари ҳажми эса 200 млн. фор (тахминан, 1,9 млн. АҚШ долл.)дан кам бўлмаслиги керак. Инвесторлар олиши мумкин бўлган даромаднинг камида ярмини қайта ишлаш соҳасидан, экологик талаб андозаларига тўлиқ риоя этган ҳолда, замонавий технологиялардан, илмий тадқиқот ишларидан фойдаланган ҳолда, янги ишчи ўринларини ташкил этишдан ҳамда экспорт ошишидан олишлари шарт; 2) Инвесторнинг акционерлик жамияти капиталидаги улуши 100 млн. фор (тахминан, 0,95 млн. долл)дан кам бўлмаслиги ва қайта инвестицияси камида 25 млн. фор (тахминан, 0,24 млн. АҚШ долл.)ни ташкил этиши лозим эди.

Ўхшаш ҳолатлар Польша ва Чехияда ҳам кузатилди. 1996 йилги маълумотларга кўра Польшада имтиёзларнинг солиқ базасига нисбатан ҳиссаси корпоратив солиқда – 40 фоизни, жисмоний шахслар даромади солиғида – 22 фоизни ташкил этган.

1994 йилда Чехияда корпоратив солиқ бўйича факат иккита асосий имтиёз тури амал қилган. Булар, биринчидан, тезлаштирилган амортизация харажатлари солиқдан озод этиш, иккинчидан, капиталдан олинган даромадга солиқнинг камайтирилган (25 фоизга) ставкаси (корпоратив со-

лиқнинг асосий ставкаси 39 фоиз) эди. Чет эл инвесторлари ва янги бизнес билан шуғулланувчилар учун солиқ таътиллари ва бошқа имтиёзлар қўлланилмади. Чунки, адолатли манфаатдорлик ва соғлом рақобат яратиш мақсадида барча солиқ тўловчилар учун бир хил шарт-шароитлар яратилиши лозим эди. Кўрилган заарларни 5 йил муддат ичида қоплашга рухсат этилди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиги бўйича чегирмалар кўринишида етти турдаги имтиёзлар қўлланилди. Булар – солиқ солинмайдиган минимал даромад, яъни ҳеч қандай шартларсиз солиқ базасидан чегирмалар (1996 йилда ҳар қандай тўловчи учун 26,4 минг крон ёки 970 АҚШ долл.ни ташкил этган); болалар учун, ишламаётган эр-хотин учун; қисман ёки умуман меҳнатга лаёқатсиз пенсионерлар учун; ногиронлар ва талабалар учун чегирмалар қўлланилган. Кичик бизнесдан кўрилган заарларни 5 йил муддат ичида қоплашга имкон берилди.

Чехияда қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги Европа Иттифоқида қабул қилинган талаблар ва андозаларга мос равишда ундирилади. Қўшилган қиймат солигида белгиланган меъёрдан оштан айланмани қайд қилиш мажбур қилиб қўйилди. 1994 йилда, масалан, ушбу меъёр 750 минг крон (крон – Чехия пул бирлиги, 750 минг крон тахминан 7,1 минг АҚШ долларига тенг) даражасида ҳар кейинги 3 ой учун белгиланган.

Умуман олганда, солиқ имтиёзларини бирхиллаштириш ва таркибини қисқартириш жараёни кўриб ўтилаётган Марказий ва Шарқий Европа давлатлари учун хусусиятдир. Бу билан солиқларнинг тизим сифатида ягоналлик белгилари ва яхлитлиги, иқтисодиётнинг турли секторларига нисбатан нейтраллиги мустаҳкамланмоқда. Бо-

зор иқтисодиётiga хос бўлган имтиёзлар ва озод этишлар сақлаб қолинмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Булар соликқа тортилмайдиган минимумни жорий этиш, тезлаштирилган амортизация харажатларини соликқа тортиладиган базадан чегириш имконияти, одинги йилларда кўрилган зарар ҳамда йўқотишларни ҳисобдан чиқариш, баъзи ижтимоий йўналишдаги имтиёзлар (тўлов қобилияти чекланган тўловчилар учун).

Венгрия, Польша ва Чехияда солик базасини тартиблаш ва обьектлаштириш мақсадида солик ставкалари боқичма-боқич пасайтирилиб, бирхиллаштирилмоқда. Шуни таъкидлаш лозим, солик базаси ва солик ставкалари ўзаро боғлиқ жараёнлардир. Солик базаси қанчалик кенг ва обьектив бўлса, солик ставкалари шунчалик паст ва бирхиллашган бўлади. Ўз навбатида, ставкаларнинг пасайиши ва бирхиллашуви солик базасининг кенгайшини рағбатлантиради. Бунда солик базасининг кенгайиши тадбиркорлик фаолиятининг ўсиши ва солиқлардан қочиш ҳолларининг камайиши ҳисобига таъминланади.

1989 йилда Венгрияда корпоратив солиқнинг ставкаси 3 млн. форгача бўлган солик базасига нисбатан – 40 фоиз, 3 млн. фордан юқорисига эса солик ставкаси 50 фоиз даражасида бўлган. Майда хусусий хўжаликлар ушбу солик турини тўламайдилар. Улар жисмоний шахслар даромади солиғига тортилади. 1990 йилда солик ставкалари мос равишда 35 ва 40 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, дивидендларга алоҳида 25 фоизлик солик ставкаси жорий этилди. 1991 йилга келиб солик ставкаси ягона 40 фоиз қилиб белгиланди ва кейинчалик йиллар давомида пасайтирилиб борилди. 1995 йилдан бошлаб 18 фоизли солик ставкаси, барча дивиденд турларига эса, шу жумладан,

хорижда олинган дивидендларга ҳам, 20 фоизли ставка амал қила бошлади.

1988 йилда жисмоний шахслар даромадига солиқнинг 11 хил ставкаси амал қилган. Бунда энг юқори ставка 60 фоиз даражасида белгиланди. Бозор ислоҳотлари йилларида солиқ ставкаларининг сони ва уларнинг даражаси босқичма-босқич пасайиб борди. 1996 йилда ноллик ставка бекор қилиниб, 20 фоиздан (энг кам) 48 фоизгача (энг юқори) олтига солиқ ставкаси жорий қилинди. 1997 йилда энг юқори ставка 42 фоизгача туширилиб, ўртacha солиқ ставкаси ушбу йилда 20,91 фоизни ташкил этган.

1988 йилда Венгрияда қўшилган қиймат солиғи бўйича 25 фоизли асосий ставка қўлланилди. Бундан ташқари, ноллик (субсидиялаштириладиган уй хўжалиги товарлари) ва 15 фоизли ставка ҳам жорий этилди. Ноллик ставка барча уй хўжалиги харажатларининг 40 фоизини ташкил этувчи товарлар гурӯҳини қамраб олди. 1993 йилдан бошлаб бундай ставкадаги товарлар гурӯҳи бирдан камайтирилди (фармацевтик, майший электр жиҳозлари ва экспорт товарлари бундан мустасно). Дастрлаб имтиёзли ставка 6 фоизгача пасайтирилди ва кейинчалик 10 фоизгача кўтарилиди.

1994 ва 1995 йилларда баъзи ўзгаришлар бўлди. Имтиёзли ставка 12 фоизгача оширилди. Алоҳида товар турлари (телеқомуникацион хизматлар, майший ёқилғи) соликқа тортишнинг имтиёзли гурӯҳидан асосий гурӯҳига (25 фоизли ставка бўйича) ўtkазилди. Шу билан қўшилган қиймат солиғи ставкаси барқарорлашди.

Польшада 1991 йилда қабул қилинган қонунларга кўра асосий солиқ турларининг қўйидаги ставкалари белгиланди: корпоратив солиқ — 40 фоиз; жисмоний шахслардан

даромад солиғи – 20, 30 ва 40 фоиз; құшилган қиймат солиғи – 18 фоиз (асосий ставка); 5 ва 0 фоиз. Корпоратив солиқ ставкаси 1998 йилда 36 фоизгача, 1999 йилда – 34 фоизгача, 2000 йилда – 30 фоизгача туширилди. Истиқболда босқичма-босқич ставкаларни тушириб бориш орқали 2004 йилда бу кўрсаткични 22 фоизгача қисқартириш кўзда тутилган. 1996 йилда жисмоний шахслардан даромад солиғининг 19 фоиздан 25 фоизгача олти хил ставкаси қўлланилган. 1997 йилда уч ставка жорий этилди: 20, 32 ва 44 фоиз. 2000 йилда улар 19, 30, 40 фоизгача туширилди. 2000 йилда уларни 19, 29, 36 фоизгача тушириш ҳамда 2001 йилда фақатгина икки ставка 18 ва 20 фоиз амал қилиши режалаштирилган эди. Қўшилган қиймат солиғи бўйича бир неча ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 1998 йилдан бошлаб асосий ставка – 22 фоиз, имтиёзли – 2 фоиз (фақат, доридармонлар учун) қилиб белгиланди.

Чехияда 1993 йилда ўтказилган ислоҳотлар натижасида қўйидаги солиқ ставкалари белгиланди: корпоратив солиқ бўйича 45 фоиз, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ бўйича 5 хил ставка (15, 25, 35, 45, 55 фоиз), қўшилган қиймат солиғида икки ставка – 23 фоиз (асосий) ва имтиёзли – 5 фоиз (хизматлар ва кўп бўлмаган товарлар гуруҳи учун). Кейинги даврларда Чехияда солиқ ставкаларининг ўзгариши Венгрия ва Польшага қарангда камроқ юз берди. 1998 йилдан бошлаб қўйидаги солиқ ставкалари қўлланилмоқда: корпоратив солиқ бўйича – 35 фоиз (асосий) ва 25 фоиз (имтиёзли, пенсия ва инвестиция фондлари учун), жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ беш хил ставкада: 15, 20, 25, 32 ва 40 фоиз, қўшилган қиймат солиғи бўйича икки ставка – 22 фоиз

(асосий) ва 5 фоиз (имтиёзли, хизматлар ва кўп бўлмаган товарлар гуруҳи учун).

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, шуни айтиш мумкини, кўриб ўтилаётган мамлакатларда солиқ ставкалари камайиш анъанасига эга бўлиб, уни бирхиллаштириш жараёни кечмоқда. Шундай қилиб, Венгрия, Польша ва Чехия давлатлари солиқ сиёсати асосий мақсади етарли даражада аниқ шаклланмоқда. Бу мақсад солиқ тизимини ташкил этиш ва амал қилишида бозор тамойиларига асосланишида, умумий солиқ оғирлигини камайтириш ва алоҳида солиқ тўловчилар тоифаларининг алоҳида турдаги хўжаликлар фаолияти ва солиқ турлари бўйича солиқ оғирлиги тақсимотини мақбуллаштиришда ўз аксини топади. Ушбу тамойиллар амалиётда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Венгрияда иқтисодиётнинг трансформацион инқирози муваффақиятли бартараф этилди. 1994 йилдан бошлаб, барқарор бўлмасада, узлуксиз равишда иқтисодиётнинг ўсиши кузатилмоқда. 1998 ва 1999 йилларда реал ЯИМ ўшиш суръатлари мос равишда 5,0 ва 3,7 фоизни ташкил этди. 2000 йилда ушбу кўрсаткичнинг 5-6 фоизга ўсиши режалаштирилди. Вена Иқтисодий тадқиқотларни таққослаш институти эксперtlари фикрича, бу кўрсаткич 4 фоизни ташкил этиши таъкидланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ўшиш асосан технологияси ривожланган, экспортга йўналтирилган тармоқларда таъминланмоқда. Булар, биринчи навбатда, машинасозлик, электроника, ахборотлаштириш соҳалариdir.

Иқтисодиёт нафақат миқдоран, балки сифат жиҳатдан ҳам ўсмоқда, шу жумладан, унинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ортиб бормоқда. Буни Венгрия

Экспортининг товар ва географик жиҳатдан таркибий тушилиши динамикасида ҳам кўриш мумкин. Венгрия юқори даражадаги очиқ иқтисодиётли давлатлар қаторига киради. Унда экспортнинг улуши ЯИМнинг камидаги 40 фоизини ташкил этди. Бозор ва солиқ ислоҳотларигача Венгрия экспортининг асосий қисми саноат ярим фабрикатлари, хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келган. 1999 йил якунларига кўра Венгрия экспортининг 85 фоизи тайёр маҳсулотларга, шу жумладан, 55 фоизи машинасозлик ва транспорт ускуналарига тўғри келди. Умумий экиорт ҳажмининг 75 фоизига яқини Европа Иттифоқи давлатларига тўғри келади. Бу давлатлар бозорида рақобатбардош товарларга нисбатан юқори талабларнинг қўйилиши билан ажralib туради.

Бир вақтнинг ўзида Венгрия иқтисодиёти юқори даражада импорт ҳажмига ҳам бошлиқдир. 1997 йилда, масалан, унинг ҳажми ЯИМ нисбатан 47,8 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо ва тўлов балансидаги тақчиллик Венгрия учун доимо мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммонинг ечимини истиқболда Венгрия иқтисодиётининг янада рақобатбардошлигини ошириш ва Европа Иттифоқи давлатлари билан интеграциялашувида кўриш мумкин.

1992 йилдан бошлаб Польшада трансфармацион инқизатни бартараф этиш ва узлуксиз иқтисодий ўсишга ўтиш кузатилади. Айниқса, 1995-1997 йилларда реал ЯИМ юқори суръатлар билан (йилига 6,0 – 7,0 фоизга) ўсди. Хавфли ҳисобланувчи «куйиш»дан зарар кўрмаслик мақсадида иқтисодиётни «совутиш» чора-тадбирлари амалга оширилди. Бу чора-тадбирлар асосан ички инвестицион ва истеъмол талабни чегаралашга қаратилди. Уларнинг оқибати тўлиқ мос бўлмади. Корхоналарнинг инвестицион фа-

оллиги анча сусайди. Бундай жараён инвестицион импортда ҳам рўй берди. Истеъмол соҳасида кутилган ўзгаришлар бўлмади. Натижада миллий даромаднинг «емирилиш» ҳолати юзага келди ва иқтисодий ўсиш кутилганидан ҳам секин юз берди. 1998 йилда реал ЯИМ ўсиш суръати 4,8 фоиз, 1999 йилда 3,5 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич динамикасига 1999 йилда бошланган ижтимоий соҳа ва мамлакат мәъмурӣ бошқарувидаги ислоҳотлар ҳам таъсир кўрсатди. Шунга мувофиқ равишда мамлакатдаги иқтисодиёт ва солиқ сиёсати йўналишлари ўзгартирилди. Ушбу тадбир ишбилармонлик фаоллигини яна жонланишига олиб келди. 2000 йилда реал ЯИМнинг ўсиш суръати 4,5 фоиз даражасида бўлди.

Польшадаги иқтисодий ўсиш Венгриядаги каби соғлом бозор муносабатларига асосланади. Польша иқтисодиётининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги, Венгрияга нисбатан секин бўлсада, лекин ўсиш тусига эга.

1993-1997 йилларда Польша экспортининг 63,2 фоизи Евropa Иттифоқи мамлакатларига йўналтирилиб, жами экспорт ҳажми ЯИМга нисбатан доимо 20 фоиздан юқори бўлди. Истиқболда Польша иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш бир қатор йирик корхоналарни қайта ихтисослаштириш ва хусусийдаштириш жараёнини жадаллаштириш, аграр сектор, ташқи савдо ва тўлов балансидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш билан изоҳланади.

Чехияда иқтисодий ҳолат динамикаси қатор хусусиятлар билан фарқланади. Трансформацион инқироз 1993-1997 йилларда ҳам бартараф этилди. 1996 йилгача ЯИМнинг ўсиш суръатлари (1993 йил 0,6 фоиздан 1995 йилда 6,4 фоизгача) ошиши кузатилди, сўнг эса 1997 йилда 1,0

фоизгача пасайиб борди. 1998-1999 йил якунлари бўйича ЯИМ ҳажми 1998 йилда 2,6 фоизга, 1999 йилда 0,5 фоизга қисқарди.

Бундай динамиканинг юзага келиши бир қанча омиллар билан изоҳланади. Улардан энг асосийси кенг кўламда амалга оширилган йирик давлат корхоналарини ваучерлар (купонли) хусусийлаштириш, корхона ва банкларни қайта ихтисослаштиришнинг орқада қолганлиги ҳисобланади. Бундан ташқари қўйидаги омиллар ҳам салбий таъсир кўрсатди: юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг реал шароит динамикаси ва бозор ислоҳотлари чуқурлашувига мос келмаслиги, давлат харажатларининг етарли даражада равshan эмаслиги ва бошқалар. Иқтисодий ўсишдаги муаммоларнинг чигаллашуви мамлакатни ўз иқтисодий сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди. ЯИМнинг пасайиш суръатларини зудлик билан камайтиришга эришилди. 2000 ва 2001 йилларда кўзда тутилганидек, реал ЯИМнинг ўсиш суръатлари мос равишида йилига 1,4 ва 2,3 фоизни ташкил этди.

Чехия иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, Фарб иқтисодчилари фикрича, Венгрия ва Польша иқтисодиётига нисбатан, анча юқори ҳисобланади. Чехия Марказий ва Шарқий Европа давлатларига мансуб бўлиб, иқтисодиётнинг очиқлик ва эркинлик даражаси юқорилиги билан ажralиб туради. Чехия экспорти ҳажми, умумий олганда, ЯИМнинг 40 фоизидан кўпdir (1997 йилда – 43,4 фоиз). Экспортнинг салмоқли қисми (1997 йилда – 60,2 фоизи) Европа Иттифоқи мамлакатларига тўғри келади. Чехия давлати учун ҳам, Венгрия ва Польша давлатлари сингари, ташқи савдо ва тўлов балансидаги тақчиллик муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Венгрия, Польша ва Чехия давлатларининг иқти-

содий ҳолат динамикасини ижобий баҳолаш мумкин. Иқтисодиёт ва солиқ муносабатларида маълум маънода ривожланишга бозор муносабатлари асосида иқтисодиётнинг барқарор ҳамда узоқ муддатли ўсиши учун фундаментал шароитларни таъминлашдаги тараққиётга эришилди. Албатта, мазкур давлатларда ечимини кутаётган бир қатор долзарб ва мураккаб муаммолар мавжуддир. Бироқ, мазкур давлатларда иқтисодиёт юқсалиши, ижтимоий – иқтисодий ва солиқ муносабатлари ривожланиши йўналишларини амалиётга татбиқ этиш йўлларининг тўғри танлаб олингани муҳимдир.

2-§. Венгрияда давлат молияси ислоҳотлари

Сўнгги ўн беш йилда мамлакатнинг жамоат-сиёсий тизими алмашди, турли йўналишдаги ҳукумат вакиллари на-вбатма-навбат мамлакатни бошқарди: сўнгти коммунист (К.Немати), дастлабки либерал (Й.Анталла)дан ҳозирги социал-либерал (Д.Хори)гача. Уларнинг фақатгина сўнгисигина бюджет ислоҳотларини ҳаётга татбиқ этишга «бел боғлади». Ҳукумат, жамоат, мутахассислар бюджет ислоҳотлари зарурлиги ва кечиктириб бўлмаслиги ҳақида ягона фикрга келишдилар. Ушбу ислоҳотни мақсадди жорий этиш учун, ҳуқуқий актлар ва ҳукумат чора-тадбирларини ўз ичига оловчи ягона концепция ишлаб чиқилди. Бюджет ислоҳотларини амалга ошириш, 1996-1997 йиллардан бошлаб, ҳукуматнинг «Венгрияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси»да алоҳида бўлим сифатида акс этирилмоқда.

Ўтган узоқ йиллар давомида бюджет ислоҳотлари тушунчасининг ўзи ўзгарди. Дастлаб, у бюджет жараёнини модернизацияси билан боғланди, кейинроқ солиқ тизи-

мини ислоҳ қилишга, сўнгра бюджет тежамкорлигига ургу берилди.

Ҳозирда бюджет ислоҳотлари аҳолининг турмуш тарзини ислоҳ қилиш ёки ижтимоий, пенсия, соғлиқни сақлаш, таълим, шунингдек, ижтимоий таъминот марказлашмаган тарзда амалга ошириувчи маҳаллий ўз-ўзини бошқариш (муниципал) тизимни ўз ичига оловчи йирик тақсимловчи тизим ислоҳотлари билан синоним тарзда ишлатилмоқда.

Бу давлат билан шахс ўртасида юзага келган мураккаб қолипни бутунлай ўзгартирувчи, чуқур ижтимоий-иктисодий ислоҳотdir.

Бюджет ислоҳотларини амалга оширишга бўлган муносабат ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Эндиликда, ижтимоий соҳа харажатларини қисқартириш бирламчи вазифа, ёки асосий мақсад эмас. Ислоҳотларнинг натижаси – аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш орқали, унинг умумий турмуш тарзини кўтариш ҳисобланади. Иктисодий ўсиш автоматик тарзда аҳоли турмуш даражасини оширади, деган фикрлардан фарқли, венгер бюджет ислоҳотчилари бюджет ислоҳотларига барқарор иктисодий ўсишни таъминловчи восита сифатида ёндошдилар. Шундай қилиб, бюджет ислоҳотларига бўлган тор доирада ёндошувдан воз кечилиб, у ижтимоий-иктисодий стратегия билан боғланган, комплекс ва кенг қамровли ёндошувлар билан алмашинди.

Бюджет ислоҳотлари бюджетнинг қайта тақсимлаш функцияларини сезиларли даражада кучсизлантиришга йўналтирилган. Ушбу муҳим тизмий ўзгариш ва ислоҳотлар муваффақиятининг макроиктисодий шартидир. Кейинги йилларда бюджет қайта тақсимлашининг ҳажми 60-65 фоизгача қисқарди, иқтиқболда у 45-50 фоизга қисқ-



артирилиши режалаштирилган. Бюджет қайта тақсимлашни пасайиши бир йўла икки муаммони ҳал қилиш имконини беради. Биринчидан, миллий иқтисодиёт рақобатбордошлигини оширади. Иккинчидан, давлатнинг ижтимоий соҳадаги монополиясидан воз кечиш имконини беради. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бюджет қайта тақсимлаш улушкининг 50 фоиздан ортиши, миллий хўжалик рақобатбардошлигини пасайтиради.

Бюджетнинг қайта тақсимлаш функциясини пасайиши давлатни ижтимоий соҳадан кетишини билдирамайди. У ижтимоий блокни молиялаштириш қоидаларини, давлат ижтимоий ҳимояси ҳажми ва усулларини аниқлаш ваколатларини ўзида сақлаб қолади. Ижтимоий соҳа муассасаларини бир қисмини хусусийлаштириш ҳамда мулк таркибини ўзгартириш йўли билан институционал шароитни шакллантириш давлатнинг янги вазифалари сирасига киради. Натижада, амалдаги бюрократик функцияларни бажарувчи давлат муассасаси пулли ва текин, юқори сифатли ва турли хил ижтимоий хизматларни кўрсатувчи институтга айланди. Ижтимоий таъминот органларининг боқимандалик асосдаги иш мотиви енгиб ўтилди. Ислоҳотлар доирасида, барча институтларга қўйиладиган ва турли хил усуллар билан тадбиқ этиладиган харажат ва натижа мақбулиги каби бозор талаби алмаштириди.

Шундай қилиб, ақолига ижтимоий хизмат кўрсатувчи давлат институти, бюджет маблағлари ва бошқа турли хил манбалардан олиниадиган маблағлардан биргаликда самарали фойдаланиш рағбатлантирилди.

Ўз томонидан давлат, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган бюджет маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш ойдинлигини таъминлайди.

Бу баҳо-харажат-ижтимоий институтлар фойдаси нисбатларини объективлаштиради, улар фаолиятини фойдаланувчилар томонидан объектив баҳолашни яхшиланиш томон танловни енгиллаштиради.

Бюджет ислоҳотларининг муваффақиятли бориши билан ижтимоий ёрдамлар кўрсатилишига муҳтожлик мезони ўрнига аҳолини ўз-ўзини молиялаштириш тамойилини устунлиги эгаллайди. Давлат бунга биринчидан, аҳоли жамғаришини рағбатлантиради, шу жумладан, ижтимоий мақсадлар ҳамда давлат ижтимоий хизматларига муқобил — тадбиркорлик, ҳомийлик, диний шаклларни танлаш имкониятини юзага келтиради. Натижада, давлат нобуджет ва хусусий молиялаштириш нисбатлари тизимида ўзгаришлар юз беради.

Бюджет ислоҳотларининг ушбу ягона концепциялари пенсия тизими, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимининг ислоҳотларини янада аниқ концепцияларига айланади. Айни пайтда, пенсия тизими ислоҳотлари кўриниш олган бўлиб, бошқа соҳалар ҳали бу босқич даражасига кўтарилмади.

Пенсия тизими ислоҳотлари моделини танлаш. Пенсия тизимини ислоҳ қилиш сабаблари. Айтиб ўтилганидек, пенсия таъминотининг амалдаги тамойиллари тизимли иқтисодий ўсиш, паст инфляция, тўла баандликка мўлжалланган эди.

Ижтимоий соҳадаги монополия ва давлат бюджетининг гиперқайта тақсимлаш функцияси пенсияларни давлат томонидан ишончли кафолатлар эди. Чуқур тизимли иқтисодий инқироз, институтционал ўзгаришлар бундай «социалистик» пенсия таъминоти устунларини қулатди. Давлатнинг пенсия кафолати энди ривожланаётган муносабатларга зид келмоқда.

Тизмий инқирозлар иқтисодий ва демографик муаммоларни янада чуқурлаштириди. Сўнги 5-6 йил ичида Венгер хўжалигидаги банд бўлган ишловчилар сони 5 млн. дан 3,6 млн. кишигача қисқарди, пенсионерлар сони эса 3 млн. гача ошди. Бундай ҳолат аҳолининг иқтисодий фаол ва нофаол қатламлари нисбатини кескин ёмонлаштириди, чунки «авлодлар бирлиги» тамойили асосида ташкил этилган амалдаги пенсия тизими ишловчилар учун пенсия юкини оғирлаштириб, пенсия фонди тақчилигининг ўсувчанлигини ҳамда пенсия олишлардаги узулишларни юзага келтирди. Бундан ташқари, пенсия тизимини мамлакатдаги ички қарама-қаршиликлар ҳам издан чиқармоқда. Пенсия ва пенсия бадаллари миқдорлари ўртасида тўғридан-тўғри борлиқликнинг йўқлиги, пенсия ажратмалари тўловидан оммавий бош тортишларга олиб келди. Пенсия миқдорлари ўртачалик, тенглашиш анъана-сига эга бўлмоқда. У кўп йиллик меҳнат тажрибасига ва юқори даромадга эга бўлганлар учун, асосан юқори малакали ишчилар учун, фойдали бўлмай, балки аксинча, кафолатланган пенсияни олиш учун зарур бўлган минимал меҳнат стажига эга бўлганлар учун, асосан паст малакали ишчилар учун фойдалидир. Марказий ва Шарқий Европанинг кўпгина давлатларида пенсия бадалларининг ҳозирги кундаги миқдори халқаро ўлчовларда ҳам (жами иш ҳақининг Польшада – 30 фоизи, Венгрияда – 30,5 фоизи) оширилгандир.

Бу ишчи кучини қимматлаштиради ва меҳнат натижаларининг рақобатбардошлигини камайтиради. Ушбу ва бошқа сабаблар амалдаги пенсия тизимининг янги шаритларига мос эмаслиги ва уни ислоҳ қилиш зарурлигидан дарак бермоқда. Янги пенсия тизимини ташкил этишда

жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари андоза сифатида танланмоқда.

Пенсия таъминотининг икки базавий модели: тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделлари.

Тақсимот-тортилувчи модел (Германия модели). Тақсимот-тортилувчи (кейинги ўринларда – тақсимот) пенсия тизими схемаси: аҳолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан тўланган мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан пенсия харажатлари қопланади ва аҳолининг иқтисодий нофаол қатламлари ўртасида тақсимланади. Қисқа қилиб айтганда, жорий (пенсия) харажатлари жорий даромадлар ҳисобидан қопланади. Тақсимот пенсия тизими 1891 йилда Германияда жорий қилинган бўлиб, ўша даврдан ҳозиргача унинг тури кўринишлари кўпгина Европа мамлакатларида, шу жумладан, Венгрия ва МДҲ давлатларида қўлланилмоқда. Ушбу тизим авлодлар бирлиги тамоили асосида қурилғандир, бир авлод ичида эса, аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари ўртасида даромадлар табақалашади, бу эса ўз навбатида, пенсияга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Германияда тўлов интизомини рағбатлантирувчи баллик тизим тақсимот моделини тўлдиради.

Капиталлашган модел (Чили модели). Капиталлашган модел схемаси қуйидагичадир: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўладиган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия бадаллари (мажбурий ёки ихтиёрий) капитал тўловчининг шахсий ҳисобварақасида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисобварақани пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, сугурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизмий инвестиция қилиш орқали ушбу инсти-

тутлар инвестиция даромадларига эга бўладилар. Капитал, шу жумладан, йиғилган пенсия бадаллари суммаси қўшув уларни инвестиция қилишдан олинган даромад, чегирилади пенсия фонди фаолияти харажатлари, капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Буни қўйидаги чизмадан ҳам кўриш мумкин:

1-чизма



Авлодлар бирлиги тамойили асосида қурилган тақсимот моделидан фарқли равишда капиталлашган модел суругта тамойилига асосланади. Капиталлашган модел «Чили модели» номи билан ҳалқаро миқёсда машҳурдир.

Тақсимот ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини машҳур венгер иқтисодчиси Я.Корнаи асослаб берган. Улар ўртасида фарқ қисман молиялаштириш техникасида юзага чиқади. Бироқ ҳақиқий – иқтисодий ва ахлоқий фарқ пенсияни молиялаштириш шакллари ҳамда манбаларига бориб тақалади. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига тъаминлайди. Энг муҳими, пенсия ва унинг миқдори сиёсий савдо предметига айланиб бормоқда. Пенсия тизимининг капиталлашган модели, тақсимотдан фарқли равишда, инсоннинг

ўз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан уз-вий боғлиқдир.

Чили моделини янада батафсилоқ таҳдил қиласиз. Капиталлашган Чили пенсия тизими модели. Ушбу модел эркин бозор ислоҳотлари доирасида Чили мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. 1981 йилда эълон қилинган фармонга кўра, шу муддатдан бошлаб меҳнат муносабатларида иштирок этган ҳар бир киши учун давлат пенсия таъминоти бекор қилинди. Бир вақтнинг ўзида у 400дан зиёд бўлган олдин ташкил этилган хусусий пенсия фонdlари-нинг (ХПФ) мижозига айланади.

Ўтган ярим ўн йилинда пенсия тизими банд бўлганлар-нинг яrimидан кўпроғига тегишли бўлди. Капиталлашган модель оммавий бўла олмади. Ундан қўйидагилар чиқариб ташланди:

- армия. Ҳарбийлар, аввалгилик давлат пенсияси билан таъминланади;
- хусусий тадбиркорлар. Тижорат тузилмалари ўзлари учун пенсия таъминлаб, ўз кексалигини молиявий таъминлашни ихтиёрий шаклларини танлайди;
- аҳолининг ночор қисми. Бу қатлам пенсия бадалларини жамғариш имкониятига эга эмас ва шунинг учун ҳам давлат томонидан минимал пенсия билан таъминланади.

1998 – 2000 йиллар оралиғида ҳам эски, ҳам янги пенсия тизими амалда бўлган. Бу даврда давлат бюджети пенсия тизимига ЯИМнинг 4 фоизи миқдорида молиявий ёрдам тақдим этди.

Мазкур ёрдамнинг қўйидаги қоплаш манбалари мавжуддир:

- бюджетнинг қўшимча даромадлари;

- шу мақсадда эмиссия қилиниб, хусусий сұғартачилар ўртасида сотилған давлат облигациялари;
- жисмоний шахслар даромадига солиқнинг ставкасини ошириш;
- давлат мулқини сотиш ва хусусийлаштиришдан келдиган даромаддар.

Капиталлашган Чили пенсия тизимининг чизмаси жуда оддийдир. Янги тизимга киравчи ҳар бир ишчи ўзига шахсий пенсия ҳисобварағи – капитал очади. Иш берувчи ишчининг иш ҳақини минимал 10 фоизи, максимал 20 фоизи миқдорида пенсия бадалларини ажратади (ажратма ҳажми иш берувчининг имкониятлари ва ишчи билан түзиладиган шартномага боғлиқ). Пенсия бадаллари хусусий пенсия фондларининг 22 та бошқармасидан бирига ўтказилади. Бошқарма түпланған суммани давлат томонидан тартибга солинадиган молиявий инструментларга тизимли инвестицияни амалга оширади.

Бошқармани портфель инвестицияларини ҳолатини күриш учун 1995 йилдаги таркибини кузатиш мүмкін: давлат қимматбақо қоғозлари – 39,4 фоиз, корпоратив қимматбақо қоғозлар – 37,8 фоиз, банк депозитлари – 22,6 фоиз, хорижий қимматбақо қоғозлар – 0,2 фоиз. Бошқарма бошқа молиявий инструментларга мустақил равища инвестиция қилиш ҳуқуқига эга земас.

Пенсия бадалини түловчи (иш берувчи, ишчи, тадбиркор) пенсия ҳисобварағи очиладиган бошқармани ва пенсия таъминоти шаклини танлаш ҳуқуқига эга:

- белгиланған миқдордаги бир умрлик пенсия таъминоти;
- миқдори ўзгариб турувчи ҳар ойлик пенсия таъминоти;

- бошқарма ва хусусий пенсия фонди инвестицияси даромадига бевосита боғлиқ бўлган пенсия.

Капиталлашган янги пенсия моделининг жорий этилиши билан бир вақтда шенсия ёши ҳам оширилди: эркаклар учун – 65 ёш, аёллар учун – 60 ёш қилиб белгиланди. У ёки бу сабабларга кўра белгиланган муддатдан оддин пенсияга чиқишига мажбур бўлганлар, минимал давлат пенсиясининг 110 фоиз миқдорида нафақа билан таъминланадилар. Янги пенсия тизими ногиронларга ҳам қўлланилади. Тўлиқ ногиронларга (мехнат қилишга лаёкатнинг 2/3 қисмини йўқотганлар) пенсия миқдори охирги ўн йилликдаги иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида белгиланган. Қисман ногиронларга (мехнат қилишга лаёкатнинг 50 фоизини йўқотганлар) эса ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланган. Давлат хусусий пенсия тизимини тартибга солишини ўз зиммасига олган. Мисол тариқасида, агар ишчи 20 йиллик ўз меҳнати фаолияти давомида у ёки бу хусусий пенсия фондига пенсия бадалларини муентазам равишда тўлаб бориб, мобода пенсия фонди инқирозга учраган тақдирда, тўловчи пенсияга чиққанидан сўнг давлат минимал пенсиясининг 75 фоизи миқдорида пенсия олиш ҳуқуқига эгадир. Шу тарзда, давлат пенсия тизимида маълум маънода бевосита (давлат пенсияси, пенсия нафақалари), маълум маънода билвосита иштирок этади. Пенсия таъминотининг Чили модели муваффақияти кўп йиллик тажриба билан ўз тасдифини топган ҳамда қатор халқаро молия институтлари (Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки) томонидан тан олинган.

1996 йилда хусусий пенсия фонdlари (ХПФ)нинг жами активлари суммаси ЯИМга нисбатан 40 фоизни ташкил этди, 2020 йилга бориб эса, ҳозирги даражанинг 130 фои-

зига етиши мумкин. ХПФларининг жамғариш қобилияти ЯИМга нисбатан 1980 йилда 14 фоиздан 1995 йилда 27 фоизгача, 1996 йилда икки баробарга ошди. Капиталлашган модель давлат пенсиясига қараганда ўртача 30 фоизга юқори бўлган пенсия мийдорини таъминлади.

Чили моделининг умум тан олинган ижобий томони шундаки, ушбу модель ХПФларининг ривожланиши туфайли миллий капитал бозорининг шаклланишига кўмаклашади. ХПФлари ўз фаолиятлари давомида тизмий равишда ўз харажатларини камайтириб бормоқдалар. Агар, 1982 йилда ХПФлари харажатлари даромадларининг 14 фоизини ташкил этган бўлса, 1996 йилда ушбу харажатлар 2-3 фоизга қисқарди. Бу кўрсаткич ХПФларининг иқтисод ва ҳаётйлик даражасининг юқорилигидан дарак беради. Истиқболда институционал инвесторлар сифатида, ХПФлари мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда. Юқори жамғариш қобилиятининг мавжудлиги, муваффақиятли инвестициялар туфайли ХПФларининг йирик маблавлари иқтисодиётга йўналтириб мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ошишига ва барқарор иқтисодий ўшини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Жаҳон банки эксперлари пенсия жамғармаларини бошқаришнинг хусусий тизимини самарали эканлигини алоҳида таъкидлашмоқда. Хусусий бошқарув, уларнинг фикрича, ҳам пул, ҳам капитал қийматининг турғуналигини таъминлайди, яъни аксилинфляцион таъсирга эгадир.

Умумий капитал қуйилмалар ҳажмида ХПФларининг ҳиссаси мунтазам ошиб бормоқда. Хусусий бошқарув тизимида ушбу улуш 6,7-9,2 фоиз атрофида тебраниб, пенсия жамғармаларининг давлат томонидан тартибга солинишида ушбу кўрсаткичлар салбий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Капиталлашган модел шахсий пенсия жамғармаларини, бандликни таъминлашда, тўлов интизомини оширишда кучли манфаатдорликни юзага келтиради. Пенсия тизими ислоҳотигача Чилининг иқтисодий фаол аҳолиси мажбурий пенсия бадалларининг 40 фоизини зўрға тўлар эди, капиталлашган модел жорий этилиши билан ушбу ҳисса бирдан ўсиб, 60 фоизни ташкил этди.

Чили моделининг ижобий томонлари билан биргаликда унинг маълум бир камчиликлари ҳам намоён бўлмоқда. Қисман мазкур камчиликлар ҳарбий хукумат томонидан ХПФлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни чегараловчи янги тизимнинг жорий этилиши хусусиятлари билан боғлиқdir. Бунинг оқибатида аҳоли ўртасида шундай фикрлар пайдо бўлмоқдаки, ХПФлари улар маблағларининг чайқовчилиги билан шуғулланишмоқда, пенсия бадаллари эса ХПФларининг инқирозга учраши мумкинлигидан рискларга дуч келмоқда. Буни эътиборга олган ҳолда, пенсия бадаллари тўловчиларнинг маълум бир қисми ўз бадалларини ишончли институт сифатида банкларга жойлаштиришни лозим топмоқдалар. Иқтисодий ўсиш динамикаси, давлат ва корпоратив қимматбаҳо қофозларининг даромадлилик даражасининг камайиши ХПФлари даромадига қаттиқ зарба бериб, пенсия миқдорига салбий таъсир кўрсатиши Чили мутахассисларини хавотирга солмоқда. Бундай хавотирнинг ўринли эканлигини биринчи «қора йил» (1995) ҳам тасдиқлаган эди.

Капиталлашган пенсия тизими ҳар йили 13,3 фоиз даромад келтирган бўлса, биринчи марта 2,5 фоиз зарар билан якунланди, пенсионерларнинг пенсия миқдорлари 15 фоизга камайди. Ушбу зааралар қуйидаги сабаблар билан изоҳланмоқда:

- Чили ҳукуматининг рестрикцион иқтисодий сиёсати;
- бир қатор йирик саноат корхоналари акцияларининг фонд бозоридаги сустлиги;
- кам даромадга эга бўлган, бироқ кўп бўлмаган ва ишончли давлат пенсиясига умид қилаётган ишчилар томонидан тўлов интизомининг тушиши.

Капиталлашган Чили пенсия моделининг ижобий ва салбий томонлари қатор Фарбий Европа мамлакатларида эскирган тақсимот моделини ислоҳ қилишда инобатга олинмоқда. Натижада тақсимот элементлари сақлаб қолинган ва капиталлашган модел тамойилларини ўз ичига олган ўзига хос аралаш пенсия тизими вужудга келди. Аралаш пенсия тизимини ислоҳ қилишни асос қилган қатор давлатлар (Австрия, Швеция) тажрибаси муваффақиятли бўлди. Маълумки, Марказий ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатлари ҳам шу йўлдан бормоқдалар. Аммо, ислоҳотлар тезлиги ушбу давлатларда турли чадир. Венгрия ва Польша деярли бир хил аралаш модельни танладилар. Чехия улардан фарқли, энг самарали йўлдан бормоқда.

Польшада йиллаб давом этган мунозаралардан сўнг, 1996 йилнинг баҳорида Сейм (Сейм – Польша парламенти) 10та қонун лойиҳасидан иборат бўлган пенсия тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари пакетини муҳокама қилишга кириди. Ушбу қонун лойиҳаларида босқичма-босқич пенсия ёшини ошириш, пенсия таъминоти бўйича давлат мажбуриятларини сезиларли даражада қисқартириш кўзда тутилди. Узоқ келажакда давлат пенсиялари ўртача ишҳақининг 20 фоизигача қисқаради, қолган қисми эса ХПФлари ўз зиммаларига оладилар. Узоқ 30 йил давоми-

Ло давлат ЯИМнинг деярли 5 фоизини ХПФлари маблуклари тақчиллигини тўлдириш ёки компенсация қилиш ҳамда фуқароларга давлат пенсияларини тўлашга йўналтиради. Шу тарзда, Польшада бир неча ўн йиллар давомида давлат пенсиясининг устунлик аҳамиятини босқичмабосқич аралашма, шу жумладан, хусусий, капиталлашган пенсия тизими эгаллаб боради.

Чехияда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг бошқача, янада эҳтиёткорона йўли танлаб олинди. Мазкур йўл узоқ келажакда ҳам давлат пенсиясининг устувор аҳамиятини сақлаб қолиши назарда тутади.

Марказий ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатлари сингари Чехияда ҳам пенсияга доир ёшни ошириш кўзда тутгилмоқда. Давлат пенсиясини тартибга солиш тадбирлари давом этмоқда, уни индексация қилиш ҳукумат ва колатига берилган бўлиб, пенсия бадалини (ялпи иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида) босқичмабосқич камайтириш маҳаллий ҳокимият органлари даражасига ўтказилмоқда.

Давлат пенсияси барқарорлигини мустаҳкамлаш чоратадбирлари билан параллел равишда, давлат тўғри бюджет бадаллари орқали ихтиёрий суғурта бадалларини тўпловчи ва асосий давлат пенсиясига қўшимча пенсия билан таъминловчи пенсия кассаларини қўллаб-қувватламоқда. 1995 йилда Чехияда 1 млн.дан ортиқ аъзоларни бирлаштирувчи 45 та шундай кассалар амал қилган. Ихтиёрий пенсия кассалари аъзолари тахминан иш ҳақининг 3 фоизи миқдорида аъзолик бадали тўлайдилар (260 крон). Давлат биринчи 100 крон бадал учун 40 крон, кейинги 100 крон учун қисқарувчи тенгликларда қўшимча тўлаб беради.

Кассаларга шахсий пенсия бадаллари бўйича давлат томонидан ёрдамларнинг ойлик энг юқори чегараси чекланган бўлиб, 500 крон бадал учун 120 крон белгиланган.

Экспертлар фикрича, 10 йиллардан сўнг хусусий пенсия кассалари пенсия харажатларининг атиги 1 фоизини таъминлайдилар. 2020 йилга бориб эса, тўлиқ пенсия ҳиссасида давлатнинг улуши 80 фоизни ташкил этади.

3-§. Венгрияда корхоналар молияси

Венгрия ўтган асрнинг 70-йилларида бозор иқтисодиётига ўтишни бошлаган эди. Ҳозирги пайтда ушбу мамлакат бозорларида 200 мингдан ортиқ компаниялар (уларнинг кўпчилиги 1989 йилда рўйхатдан ўтган) ва 700 мингдан ортиқроқ хусусий корхоналар фаолият юритади.

Венгрия ҳукумати хорижий капиталнинг жалб этилишига ҳар томонлама кўмаклашади ва шу сабабдан, хорижий инвесторлар ушбу мамлакат иқтисодиётига сезиларли маблағларни йўналтиради.

Кўилаб Farbий компаниялар Шарқий Европа бозорини товарлар, хизматлар ва капитал билан тўлдириш мақсадида қўшма корхоналар, савдо марказлари ҳамда маслаҳат агентликларини ташкил этганлар.

Мамлакатга капитал оқими охирги беш йил ичida 21 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Товар ва хизматларнинг 96 фоизидан ортиқ турлари учун импорт ва экспорт назорати амалга оширилмайди. Венгрия тижорат молия тизими ҳудудида энг илборлардан саналганлиги учун, кўплаб етакчи молия институтлари бу ерда ўз ваколатхоналарига эга.

1994 йилнинг 1 январидан бошлаб Венгрия Республикаси ҳудудида «имтиёзли» мақоми берилган корхоналарни рўйхатдан ўtkазиш имконияти юзага келди. Сиёсий

жидатдан бу, мамлакат ҳукуматининг иқтисодий рейтингни оғизириш орқали Европа Иттилоқига аъзо бўлишга интилишининг натижасидир.

Хукумат, шунингдек, аҳоли бандлигини ошириш ва офшор компаниялар ёрдамида хорижий компанияни жалб қилишга ҳаракат қилмоқда.

«Венгер оффшори» түшүнчаси. Эгалари Венгрия Республикасыдан ташқарыда фаолият юритувчи фуқаролар бўлган компаниялар учун 1986 йилдаги 81-сонли қонун корпоратив солиқ ва дивиденд солиғи учун маҳсус имтиёзларни берди.

Шунинг билан бирга, маҳсус қонунга асосан рўйхатдан ўтказиладиган компаниялар ички резидент компания бўлиб қолади ва у корхоналарга қонунчиликка кўра қўйилган барча талаблар: бухгалтерияни юритиш, солиқ органларига ҳисоботларни тақдим этиш, юридик манзил ва венгер банкидан ҳисобварағига эга бўлиши зарур.

Оффшор операциялар шакли. Имтиёзли (норезидент) мақомини олиб фаолият юритаётган венгер компаниялари қуидаги шаклларда рўйхатдан ўтишлари мумкин:

- 1) Масъулияти чекланган жамият (KSt).
 - 2) Акционерлик жамияти (Rt).

Венгрияда KStларни рўйхатдан ўтказиш тартиби билан танишамиз: Директор ва таъсисчилар (жисмоний ва юридик шахслар) таъсис шартномасини имзолайдилар. Таъсисчи ва директорнинг фуқаролигининг аҳамияти йўқ.

Таъсис шартномасини таъсисчилар номидан компания номидан ишончномани фақатгина компания директори бериши мумкин.

Компанияни имтиёзли солиққа тортиш асосида рүйхатдан үтказиш учун таъсисчилар норезидент, агар таъсисчи

юридик шахс бўлса, уни бошқарувчиси норезидент бўлиши шарт. Яна шуниси ҳам муҳимки, битта норезидент фақатгина ягона норезидент компаниясига таъсисчилик қилиши мумкин. Директор Венгрия фуқароси бўлиши шарт. Агар директор Венгрия фуқароси бўлмаса, Венгрия фуқароларидан иборат кузатув кенгаши ташкил этилиши шарт (бунда компанияни йиллик аудит текширувидан ўтказиб туриш зарур бўлади).

Таъсис шартномаси имзолангандан сўнг, бирорта венгер банкига ҳисобварақа очиш зарур. Фақатгина венгер банкидаги ҳисобварақадан адвокат ва бухгалтер хизматлари ҳамда солиқли тўловлар тўланади.

Яна шуни ҳам таъкидаш жоизки, учинчи шахс талабига асосан директорлар акционерлар (қатнашчилар)нинг номлари ва манзиллари, рўйхат рақами, низом ва компания меморандуми ҳақидаги ахборотлар тақдим этилиши мумкин.

Компания низом капитали. КStлар учун низом капиталининг эълон қилинган минимал ҳажми 3 млн. Ft (11.0 минг АҚШ доллари) қилиб белгиланган. Пул маблағлари нинг энг кам миқдори низом капиталининг 30 фоизидан, яъни 1 млн. Ft ни ташкил этиши керак. Рўйхатдан ўтказиши пайтида ҳар бир иштирокчи пул маблағларининг ярмини ёки пул кўринишда бўлмаган маблағларни тўлалигича тўлаши шарт.

Агар таъсисчи ягона шахс бўлса, рўйхатдан ўтказиш пайтида низом капитали 100 фоиз тўланиши шарт.

Масъулияти чекланган оффшор компания акция чиқармайди. Таъсис шартномасида ҳар бир иштирокчининг улуши белгиланиб қўйилади. Низом капиталини ўтказиш тўғрисидаги ва компаниянинг бошқа ҳужжатлари рўйхат-

дан ўтказиш учун рўйхатга олувчи судга топширилади. Суд расмий равища ҳужжатларни 60 кун ичидан кўриб чиқиш ваколатига эга бўлсада, одатда, суд қарори 30-40 кундан сўнг эълон қилинади.

Компания рўйхат рақамини ҳужжатларни судга тақдим этгандан сўнг олади. Шу дақиқадан бошлаб компания ўз фаолиятини бошлиши мумкин, аммо шартномалар ва келишувларда компания номини кўрсатиш зарур бўлган қаторда «рўйхатдан ўтказиш жараёнида» деган формула акс этирилади.

Компания номи рўйхатдан ўтган бошқа компанияларни билан бир хил ёки ўхшаш бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, у бизнес туси ва тадбиркорлик фаолият шаклини ифодалаши керак, шундан сўнг ички компанияни рўйхатдан ўтказиш жараёни якунланади.

Компания ички бўлиб қолар экан, у валютани тартибга солиш доирасидаги қоидаларга амал қиласи. Компанияни имтиёзли солиқча тортиш асосида рўйхатдан ўтказиш учун қуийидаги тартибларни амалга ошириш керак: суд қарори билан бирга компания ҳужжатларини солиқ инспекциясига, ундан сўнг миллий банкка тақдим этиш керак ва валюта назоратидан озод этилганлиги ҳамда имтиёзли мақомни олганлиги тўғрисидаги маълумотномага эга бўлиш.

Агарда компанияни рўйхатдан ўтказишда юқоридаги шартларга амал қилинган бўлса, оффшор компания рўйхатдан ўтган жойда соф фойдасидан 3 фоизли солиқча тортилади. Бандан ташқари, компания акционерлари дивиденд даромадларидан солиқ тўлайдилар. Дивидендерларга ягона солиқ анча юқори 20 фоизни ташкил этсада, бундай юқори ставгадан икки хил йўл билан қочиш мумкин. Би-

ринчидан, компания акционерлари диведенд олмасдан, уни компанияга реинвестиция қилиша қарор қилишга мумкин. Кейинчалик таркибий қайта қуришни амалга ошириш билан акционерлар ушбу дивидендларни бошқа түловлар шаклида олиши мумкин.

Иккинчидан, компания акционерлари Венгрия билан иккىёқлама солиққа тортишдан воз кечиш тұғрисидаги шартнома мавжуд бўлган давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари дивидендлари бўлиши мумкин.

Ҳаммаси бўлиб 54 та мамлакат билан шундай шартнома тузилган.

Компанияни бошқариш. Юқорида айтиб ўтилганидек, компания венгер банкида ҳисобварақ очиши керак. Компанияни бошқа хорижий банкларда ҳисобварақлар очиши мумкин ёки йўқлиги тўғрисида қонунчиликда ҳеч нарса дейилмаган ва бу тўғрисида чекловлар мавжуд эмас.

Компаниянинг венгер банкидаги ҳисобварағини компания ишониб топширган шахс бошқариши мумкин. Ҳисобварағ бўйича маълумотлар компаниянинг фақат юридик манзилига юбрилади ва кейинчалик бухгалтерияга берилади.

Ҳар бир компания бухгалтерия ҳисобини юритиши ва ҳар чорақда, ҳаттоқи фаолият юритмаган бўлса ҳам ҳисоботларни тақдим этиши шарт. Бундан ташқари, йиллик баланс ҳам тақдим этилиши шарт. 1999 йилда қабул қилинган янги қонунга асосан, «агар корхона баланси икки йил мобайнида низомда кўрсатилган суммага етказилмаса (3 млн. форинт – 11,0 минг АҚШ доллари), таъсисчилар молия йили тугагандан сўнг 30 кун ичида низом капиталини тўлдириши шарт, акс ҳолда корхона суд томонидан огохлантирилмасдан тутатилади». Компания низом капитали

фақатгина ички венгер банқида жойлашган бўлиши керак.

Қонуний чекловлар. Имтиёзли солиқقا тортишга эга компаниялар қўйидаги талабларни бажаришлари шарт:

- 1) Венгрия ҳудудида фаолият юритмаслик;
- 2) Венгрия резидентлари билан битимлар тузмаслик ва савдо қилмаслик (ҳам юридик ҳам жисмоний шахслар билан ҳам);
- 3) Шартномани ижро этиш жойи Венгрия бўлмаслиги керак.

Ушбу талабларга амал қилмаслик имтиёзли мақомни «аввалги» сана билан (рўйхатдан ўтган кундан бошлаб) бекор қилиш, ва шу асосда, одатий ставкада солиқларниundiриш талаби қўйилади.

КҚС тўғрисидаги қонунга мувофиқ, айрим фаолият турларини Венгрия ҳудудида ўказишга рухсат берилади ва имтиёзли мақомга эга корхоналар низомига киритилмайди. Масалан, агентлик битимлари бўйича фаолият (Венгрия-агент), шунингдек, барча турдаги ишлаб чиқариш фаолиятига Венгрияда рухсат этилган.

Шундай қилиб, Венгрияда корхоналар молиясини ташкил этиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, асосан, хусусий секторнинг молиявий имкониятларини ошириш ҳамда хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ўтиш даври иқтисодиётига хос давлатларда молия тизимини шакланишининг ўзига хос жиҳатлари нималарга боғлиқ?
2. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари фискал баланс ҳолатини изоҳлаб беринг.
3. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида солиқ квотаси қандай?
4. «Венгрияни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси»нинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
5. Пенсия тизими ислоҳотларини тавсифланг.
6. Пенсия таъминотининг тақсимот-тортилувчи модели қандай ташкил этилади?
7. Капиталлашган модельнинг тақсимот-тортилувчи моделдан фарқи нимада?
8. Нима сабабдан пенсия таъминотининг капиталлашган модели оммавий тус олмади?
9. Польша ва Чехияда амалга оширилган пенсия ислоҳотларининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
10. «Венгер оффшори» тушунчасининг иқтисодий моҳијати нимада?
11. Оффшор операцияларининг қандай шакллари Венгрия иқтисодиётига хос?
12. Венгрияда компанияларга солиқдан имтиёзлар бериш учун уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай амалга оширилади?

РОССИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯСИННИГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

1-§. Россия Федерацииси молия тизимининг таркибий тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари


Россия Федерацииси молия тизими молиявий муносабатларнинг қуйидаги бўғинларини ўз ичига олади:

- Давлат бюджети тизими.
- Давлат кредити.
- Бюджетдан ташқари маҳсус фондлар.
- Мулкий ва шахсий сугурта фондлари.
- Турли мулкчилик шаклидаги корхоналар молияси.

Юқорида айтиб ўтилган барча молиявий муносабатларни икки гурӯҳга бўлиш мумкин. Булар – умумдавлат молияси, улар ҳисобига макродаражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари таъминланади ва хўжалик субъектлари молияси, микродаражада такрор ишлаб чиқариш жараёнини пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида қўлланилади (2-чизма).

2-чизма

Россия Федерацииси молия тизими



Молия тизимининг алоҳида бўғинларга бўлинишини ҳар бир бўғин вазифаларининг турличалиги ҳамда пул маблағларининг марказлашган ва марказлашмаган фондларини шаклантириш ва улардан фойдаланиш усулларига бевосита боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Пул маблағларининг умумдавлат марказлашган пул фондлари моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни орқали шакланади. Давлатнинг ижтимоий-иктиносидий ривожланиш соҳасидаги вазифалари ўз ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг салмоқли қисмини марказлаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар эса, ушбу молиявий ресурслардан фойдаланиш шакллари ҳисобланади. Пул фондларини шаклантириш ҳамда улардан фойдаланишнинг бошқа усул ва шакллари молия тизимининг кредит ва суғурта бўғинлари томонидан қўлланилади.

Пул маблағларининг марказлашмаган фондлари асосан корхоналарнинг ўз даромадлари ва жамғармалари ҳисобига шакланади.

Корхоналар молияси ягона молия тизимининг асоси бўлиб, улар бевосита моддий ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчиси ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратиладиган миллий даромад пул маблағларининг марказлашган давлат фондлари манбасидир.

Умумдавлат молиясининг моҳияти иқтисодиёт барча тармоқларида ривожланиш суръатларини таъминлашда, молиявий ресурсларни иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудлари ўртасида, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ҳамда мулкчилик шакллари ҳамда алоҳида гурӯҳ ва аҳоли қатламлари ўртасида, қайта тақсимлашда ўз аксини топади.

Умумдавлат молияси корхоналар молияси билан чамбарчас боғлиқдир. Бир томондан, моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган миллий даромад бюджет даромадларининг асосий манбай ҳисобланса, иккинчи томондан, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни нафақат корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига, балки бюджет ажратмалари шаклидаги пул маблағларининг умумдавлат фонди ҳамда банк кредитларидан фойдаланиш ҳисобига ҳам амалга оширилади. Ўз маблағлари етишмаслиги натижасида корхоналар ҳиссадорлик асосида бошқа корхоналар маблағларини ёки қимматбаҳо қоюзлар операцияси ёрдамида – қарз маблағларини жалб қилишлари мумкин.

Молия тизими бўйинларининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлиги молиянинг ижтимоий-иктисодий мөҳияти билан изоҳланади. Давлатнинг молия тизими орқали марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантиришга таъсир этиши, асосан, солиқлар, давлат бюджетидан амалга ошириладиган харажатлар ва давлат кредитидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Давлат бюджети – молия тизимининг асосий бўйини ҳисобланади. Россия Федерацияси давлат бюджети – давлат ҳукумати органлари функцияларини таъминлаш учун пул маблағларининг марказлашган фондини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ифодалайди.

Давлат бюджети мамлакатнинг асосий молиявий режаси бўлиб, Россия Федерацияси федерал кенгаши томонидан тасдиқланади. Давлат бюджети миллий даромаднинг салмоқли қисмини ўзида тўплаб, иқтисодиёт, ижтимоий-маданий тадбирлар, мамлакат мудофаасини мустаҳ-

камлаш ҳамда давлат ҳукумати органларини сақлаш харажатларини молиялаштиришга йўналтиради. Бюджет ёрдамида миллий даромад қайта тақсимланади, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши даражаси ва суръатларига мақсадли таъсир этилади, шул маблағларини меъёрлаштириш имкониятлари юзага келтирилади. Бу эса, ўз навбатида, бутун мамлакат ҳудудида ягона иқтисодий ва молиявий сиёsatни амалга ошириш имкониятини беради.

Россия Федерацияси давлат бюджети даромадлари. Россия Федерацияси давлат бюджети даромадлари — давлатнинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган марказлашган молиявий ресурсларнинг бир қисмидир. Улар шул маблағлари фондларининг шаклланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттириб, турли даражадаги ҳукумат органлари ихтиёрига ўtkазилади.

Россия Федерациясининг бюджет даромадлари солиқ ва бюджет қонунчилитига мувофиқ шаклланади. Бюджет даромадлари таркиби шартли равишда мақсадли бюджет фонdlари даромадлари ҳисобланади.

Россия Федерацияси Бюджет кодексига мувофиқ, бюджет даромадлари асосан, солиқли ва солиқсиз даромадлар ҳамда беғараз ўтказмалар ҳисобига шаклланади.

Бюджет даромадлари Россия Федерацияси солиқ қонучилигида кўзда тутилган турли даражадаги бюджет тизими солиқларидан ҳамда пеня ва жарималардан ташкил топади.

Бюджетнинг солиқсиз даромадларига қўйидагилар киради:

- давлат ва муниципал эгаликда бўлган мол-мулкни фойдаланишдан олинадиган даромадлар;

- давлат ва муниципал эгаликда бўлган мол-мулкни сотишдан келадиган даромадлар;
- тегишли маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва ҳокимиёт органлари ҳамда бюджет муассасалари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлардан келадиган даромадлар;
- турли даражадаги бюджетлардан олинган бюджет ссудалари ва молиявий ёрдамлар қўринишидаги даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахслар, хорижий давлатлар ҳукумати ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан берилган беғараз ўтказмалар.

Барча бюджет даромадлари ўз ва тартибга солинувчи даромадларга бўлинади. Ўз *даромадлари* – Россия Федерациясининг тегишли бюджет қонунчилигига асосан тўлиқ ёки қисман доимий асосда биректирилган даромадлардир. *Бюджетнинг тартибга солинувчи даромадлари* – бюджетнинг ўз даромадлари ҳисобидан ажратмалар кўринишида, белгиланган муддат ва меъёрларда бюджет тизимининг бошқа даражадаги бюджетларидан олинган даромадлардан иборатdir.

Барча даражадаги бюджет даромадларининг асосий қисми солиқли тушумлар ҳисобига шакланади. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида турли солиқлар амал қилади.

Федерал бюджет даромадлари. Федерал бюджетга қўйидаги даромадлар ўтказилади:

— федерал бюджетнинг ўз солиқли даромадлари (бюджет тизимининг бошқа даражадаги бюджетларидан тартибга солинувчи даромадлар қўринишида бериладиган солиқли даромадларидан ташқари);

- ўз солиқсиз даромадлари;
- марказий чора-тадбирларни мақсадли молиялаштириш учун федерал бюджетда марказлаштириладиган Россия Федерацияси субъектлари даромадлари.

Федерал бюджетнинг ижроси жараёнида унинг даромадларига Россия Федерацияси субъектлари бюджетидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ва бевараз ўтказмалар бориб тушиши мумкин.

Федерал бюджетнинг солиқли даромадлари қўйидагилар:

- федерал солиқлар ва йиғимлар;
- божхона божлари, божхона йиғимлари ва бошқа божхона тўловлари;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат божлари.

Федерал бюджетнинг солиқсиз даромадлари:

- давлат мулкини бошқаришдан олинадиган даромадлар, давлат ҳокимияти органлари ва бюджет муассасалари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлардан келадиган даромадлар;
- давлат ихтиёрида бўлган мулкларни сотишдан олинадиган даромадлар белгиланган тартиб ва меъёрларда;
- Россия Федерациясида ташкил этилган унитар корхоналарнинг барча солиқлар ва бошқа тўловларни тўландан сўнг, улар ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми — РФ ҳукумати томонидан белгиланган миқдорларда.

Бундан ташқари, федерал бюджетда қўйидаги даромадлар ҳам ҳисобга олинади:

- Россия Банки фойдаси федерал қонунда белгиланган меъёрларда;
- ташқи иқтисодий фаолиятдан олинадиган даромадлар;

- давлат захиралари сотишдан олинадиган даромадлар.

Россия Федерацииси субъектларининг бюджет даромадлари. Россия Федерацииси субъектларининг бюджет даромадлари асосан, ўз ва тартибга солинувчи солиқли даромадлардан (тартибга солиш мақсадида маҳаллий бюджетлардан бериладиган даромадлардан ташқари) иборатдир. Бундан ташқари, РФ субъектларининг бюджет даромадлари РФ субъектлари ихтиёрида бўлган мулклардан фойдаланишда олинадиган даромадлар ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва бюджет муассасалари томонидан кўрсатиладиган пули хизматлардан келадиган даромадлардан ташкил топади.

• РФ субъектлари бюджетининг солиқли даромадларига қўйидаги даромад турлари киради:

- РФ субъектлари бюджетининг ўз солиқли даромадлари (худудий солиқлар ва йиғимлар);
- РФ субъектлари бюджетининг тартибга солувчи солиқли даромадлари – федерал қонунда белгиланган меъёрлар бўйича РФ субъектлари бюджетида федерал солиқлар ва йиғимларининг улар ихтиёрида қолдирилиши (маҳаллий бюджетларга бюджетни тартибга солиш мақсадида бериладиган федерал солиқлар ва йиғимлардан келадиган даромадлардан ташқари).

РФ субъектлари бюджетининг солиқсиз даромадлари асосан, Россия Федерациисида ташкил этилган унитар корхоналарнинг барча солиқлар ва бошқа тўловларни тўландан сўнг, улар ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми ҳисобига (РФ субъектлари қонунлари билан белгиланган миқдорларда) шаклланади.

РФ субъектларининг ўз бюджет даромадлари (ҳудудий солиқлар ва йиғимлар) ҳамда РФ субъектлари ихтиёрига биритирилган федерал солиқлар ва йиғимларини РФ субъектларининг қонунчилик органлари томонидан тасдиқланадиган мөъёрлар бўйича маҳаллий бюджетларга берилиши мумкин.

РФ субъектларининг қонунчилик органлари ҳудудий солиқлар ва йиғимларни жорий этади, улар бўйича ставкаларни белгилайди ҳамда солиқ қонунчилигида белгиланган ўз ҳуқуқлари доирасида солиқ имтиёзларини тақдим этадилар.

Маҳаллий бюджет даромадлари. Маҳаллий бюджет даромадлари асосан, ўз ва тартибга солувчи солиқли даромадлар ҳисобига шаклланади.

Маҳаллий бюджетларга муниципал мулкчиликда бўлган мулкларни бошқаришдан олинадиган даромадлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда бюджет муассасалари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлардан келадиган даромадлар ўтказилади. Бундан ташқари, муниципал мулкчиликдаги мол-мулкларни сотишдан олинадиган даромадлар ҳам маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларига қўйидаги даромад турлари киради:

- маҳаллий бюджетларнинг ўз солиқли даромадлари (маҳаллий солиқлар ва йиғимлар);
- РФ субъектлари ва маҳаллий бюджетларга бериладиган тартибга солинувчи солиқли даромадлар;
- давлат божлари.

Маҳаллий бюджетларнинг соликсиз даромадлари асосан, муниципал унитар корхоналарнинг барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганларидан сўнг, улар

иҳтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми ҳисобига (маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқий актларига мувофиқ белгиланган миқдорларда) шаклланади.

Маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқий актларига мувофиқ, белгиланган ставка ва меъёрларда бошқа маҳаллий бюджетларга берилиши ҳам мумкин.

Маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этади, ставкалари миқдорини белгилайди ҳамда солиқ қонунчилиги доирасида солиқ имтиёзларини тақдим этадилар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳам давлат бюджети ўз аҳамиятини йўқотмайди. Фақат бюджет маблағлари ишлатилишининг янги тартиблари жорий этилиши орқали унинг ишлаб чиқаришга таъсир этиш усулларигина ўзгаради.

Бюджет маблағлари асосан мамлакатда инвестицион сиёsatни амалга ошириш, корхоналарни субсидиялаш ҳамда мудофаа тармоқларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Иқтисодиёт соҳасидаги бюджет харажатларининг мақбул таркибий тузилишини шакллантириш, илмий техник салоҳиятни ўстириш, моддий-техник базани янгилашга қаратилади. Иқтисодиётга таъсир этишнинг турли шакларидан фойдаланган ҳолда давлат юзага келган турли иқтисодий ҳолатга таъсир этиши мумкин, масалан, норентабелли корхоналарни тугатиш ёки уларни қайта иқтисослаштириш. Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши бюджет харажатларини қисқартириш, уларнинг таркибий тузилишини ўзгартириш имконини беради.

Давлат бюджетининг аҳамиятли томони шундаки, у моддий ишлаб чиқариш соҳаларини молиялаштириш билангина чегараланиб қолмайди. Балки, бюджет маблағлари ноишлаб чиқариш соҳаларига (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқ.) ҳам йўналтирилиши мумкин. Ижтимоий-маданий соҳалардаги корхона ҳамда ташқилотларни молиялаштириш бюджет ва бюджетдан ташқари фонд маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Давлатнинг ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бюджет харажатлари алоҳида аҳамиятта эгадир, яъни ушбу харажатлар давлатнинг халқ таълими тизими ни ривожлантириш, маданий соҳаларни молиялаштириш, аҳолининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш имконини беради.

Ижтимоий-маданий тадбирларга қилинган бюджет харажатлари нафқат ижтимоий аҳамиятта, балки иқтисодий мазмунга ҳам эгадир. У тақрор ишлаб чиқариш харажатларининг муҳим қисмини ўзида акс эттиради ва халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга хизмат қиласи.

Давлат кредити – давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги кредит муносабатларининг алоҳида шакли бўлиб, унда давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари асосий қарз олувчилар сифатида юзага чиқадилар.

Давлат ички қарзлари билан боғлиқ сиёсат, яъни келгуси молия йили учун федерал бюджет тасдиқланишида унинг энг юқори чегарасини белгилаш Россия Федерацияси федерал Кенгаши томонидан амалга оширилади.

1993 йилда Россия Федерациясининг давлат ички қарзлари 16,1 трлн. рублни ташкил этиб, унинг энг юқори миқдори 1995 йилда 159,3 трлн. рублни, 1997 й. 1 январ ҳолати бўйича 316 трлн.рублни, 1999 йил 1 январ ҳолати бўйича эса, 750 млрд. рублни (деноминация қилинган) белгиланди.

1993 йилда бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида янги қимматбаҳо қофозлар: З ой муомала муддати билан давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) ва бир йил муомала муддати билан Россия Федерацияси Молия вазирлигининг олтин сертификатлари муомалага чиқарилди.

1994 йилда уч ой муддатли облигациялар билан бир қаторда олти ой муддатли кейинчалик бир йилгача бўлган муддатли давлат облигациялари муомалага чиқарилди.

1995 йилда Федерал қарз облигациялари (ФҚО) ва Давлат жамғарма қарз облигациялари (ДЖҚО) муомалага чиқарилди, бу ўз навбатида, давлат қимматбаҳо қофозлари бозори ривожланишига ижобий таъсир қилди.

Хозирги кунда, Россия давлат ички қарзлари – Россия ҳукумати номидан Россия Федерацияси Молия вазирлиги томонидан чиқарилган ҳамда Россия Марказий банки билан кредит муносабатлари кўринишидаги давлат қимматбаҳо қофозларидан иборатdir. Қарз мажбуриятларининг барча кўринишлари муддатли бўлиб, улар бўйича фоизлар тўланади.

Бюджетдан ташқари маҳсус фонdlar – бюджетта кўшилмайдиган харажатларни молиялаштириш билан боғлиқ федерал ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият маблағларидан иборатdir.

1993 йилда Россия Федерациисида 20 дан ортиқ бюджетдан ташқари фонdlар мавжуд бўлиб, шу жумладан,

тўртта ижтимоий ва қолганлари ишлаб чиқариш мақсадидаги фондлардан иборат эди.

Бюджетдан ташқари фондлар қатъий мақсадли йўналтирилади, яъни аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни кенгайтириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қўшимча ресурслар билан таъминлаш ва бошқа мақсадлар учун.

Ижтимоий фондлар ичida пенсия фонди энг муҳими ҳисобланади. Пенсия фонди маблағлари асосан иш берувчи ва ишловчилар суғурта бадаллари, федерал бюджетдан дотациялар ва фонднинг ўз маблағларини инвестиция қилишдан оладиган ресурслари ҳисобига шакланади. Пенсия фонди ресурслари ёшга доир пенсиялар, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик учун нафақалар, ижтимоий пенсиялар, ҳамда Чернобил АЭС ҳалокатидан жабр кўрганлар учун нафақалар тўлашга сарфланади. Пенсия фонди харажатларининг асосий қисми (барча харажатларга нисбатан 88 фоизи) меҳнат пенсияларини тўлашга харажат қилинади.

Бундан ташқари, ижтимоий фондларга – ижтимоий суғурта фонди, Аҳоли бандлиги давлат фонди, Мажбурий тиббий суғурта федерал ва ҳудудий фондлари ҳам киради.

1993 йил 22 декабрдаги «Россия Федерацияси республика бюджетини шаклантириш ҳамда Россия Федерацииси бюджети билан ўзаро муносабатлар тўғрисида»ги Президент фармонига мувофиқ, Россия Федерацииси республика бюджетидан молиявий ресурсларнинг сарфланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида барча бюджетдан ташқари фондлар, Пенсия фонди, Ижтимоий суғурта фонди ва Мажбурий тиббий суғурта фон-

лидан ташқари, жамланган фондларнинг мақсади йўналтирилганлиги сақланган ҳолда, жамланиши лозим.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида суғурта иши бўйича давлат монополияси ўрнатилган эди. Мамлакатнинг бутун ҳудудида суғурталашни сабиқ Иттифоқ Давлат суғуртаси амалга оширап эди ва сабиқ Иттифоқ Республикалари суғурта органлари икки томонлама – Давлат суғуртаси бошқарувига ва сабиқ Иттифоқ республикалари Молия вазирлигига бўйсунар эди.

Суғурта тизими фаолияти бевосита давлат бюджети манфаатларига бўйсундирилган эди. Давлат бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида суғурта фондлари ҳисобидан йирик миқдордаги пул маблағларини қайтармаслик шарти билан олиб қўяр эди.

Бозор муносабатларига ўтиш билан суғурта тизими нинг фаол ривожланиши учун объектив шарт-шароитлар яратилди.

1990 йилда суғурта иши бўйича давлат монополияси тутатилди. Давлат суғурта ташкилотлари билан бир қаторда суғурта операцияларини ўтказишга лицензияси бўлган ҳиссадорлик суғурта компаниялари ҳам суғурта фаолиятини амалга оширишни бошлади. Ҳозирги кунда суғурта бозорида уч мингта яқин суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Бозор муносабатларининг ривожланиши билан шахсий ва мулкий суғурта, масъулият суғуртаси ва иқтисодий рисклар суғуртасининг аҳамияти ошиб бормоқда, чунки табиий оғатлар рўй бериши, ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши, сиёсий нобарқарорликнинг юзага келиши билан боғлиқ суғурта рисклари даражаси ошиб бормоқда.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда сұғурта фаолияти йўналишидаги Россия сұғуртаси орасида соҳа мутахассисларининг камлиги ушбу соҳани янада оқсоқлантироқда. Сұғурта компанияларининг кўпчилиги асосан ҳаёт сұғуртаси, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки сұғуртаси, юкларни сұғурта қилиш, баҳтсиз ҳодисалардан сұғурта қилиш ва масъулият сұғуртаси бўйича операцияларни амалга оширмоқда.

«Ростгосстрах» давлат сұғурта компанияси сұғурта бозорида етакчи ўринни эгалайди. Ушбу сұғурта компанияси ўз фаолиятининг 70 йилдан ортиқ вақт давомида ишлаб чиқаришнинг алоҳида томонларини, ҳаётни, соғлиқни, жамиятнинг меҳнатта лаёқатли қатламларини сұғуртавий мухофазалашнинг кучли механизмини яратди. Бундан ташқари, «АСКО», «Ингосстрах», «Росно», «Энерго-гарант», «Макс», «Россия» каби ҳиссадорлик сұғурта жамиятлари ва бошқа сұғурта компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқдалар.

Қайд қилиш жоизки, ҳозирги кунда миллий сұғурта компанияларининг катта миқдордаги заарларни қоплаш бўйича молиявий имкониятлари наст даражададир. Сұғурта компанияларининг фақат 1/4 қисмигина 1 млн. рублдан ортиқ миқдордаги устав низомига эгадир. Сұғурта бозори ривожланиши учун қуйидагилар ўта муҳимдир:

- сұғурта тизимининг ишончли ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- сұғурта хизматлари бозорида фаол таркибий сиёсатни амалга ошириш;
- сұғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишини кучайтириш;
- Россия ва халқаро сұғурта бозорининг ўзаро муносабатларини ривожлантириш;

- суғурта фаолиятнинг меъёрий-хуқуқий базасини тақомиллаштириш.

Турли мулкчилик шаклидаги корхоналар молияси (давлат, муниципал, ҳиссадорлик, хусусий, ижара ва бошқ.) молиянинг асосини ташкил этади. Бу бўғинда молиявий ресурсларнинг салмоқди ҳиссаси шакланади. Мамлакатнинг умуммолиявий ҳолати кўп жиҳатдан корхоналар молияси ҳолатига борлиқдир.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўз фаолиятларини дастлаб оддий тижорат ҳисоб-китоби асосида, яъни харажатларни ўз даромадлари ҳисобига қоплашдан бошлайдилар. Шундай экан, меҳнат жамоаларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий манбай ҳам фойда ҳисобланади.

Корхоналар реал молиявий мустақилликка эга бўлмоқда, яъни маҳсулот сотишдан тушган тушумни мустақил тақсимлайди, фойдасини ўз хоҳишлирага кўра ишлатади, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фондларни шаклантиради, инвестиция қилиш учун зарур бўлган маблағларни, шу жумладан, молия бозори ресурслари — банк кредитлари, облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа дастлардан фойдаланадилар.

Корхоналар давлат томонидан боқимандалик кайфиятидан ҳоли бўлмоқдалар, бироқ шу билан бир қаторда, фаолиятларининг иқтисодий ва молиявий натижалари учун масъулияtlари ҳам оширилмоқда.

2-ғ. Россияда давлат бюджети тақчиллигини бошқариш

Собиқ Иттилоғнинг тарқалиши, унинг таркибидан ажралиб чиқсан давлатлар иқтисодиётида, жумладан, Рос-

сия Федерациясида юзага келган бюджет тақчиллиги мұммосини тезда ҳал қилишнинг долзарбигини оширди (6-жадвалга қаранг).

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 1992 йилда Россияда жамланма бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 24,7 фоизини ташкил қилган. Бунга ЯИМ ҳажмининг қисқарғанлигини ва давлат харажатларини сезиларли ҳажмларини сақлаб қолинганлигини, шунингдек, хусусий молиявий тизимнинг заифлиги каби сабабларни кўрсатиш мумкин.

6-жадвал

Россия Федерацияси Давлат бюджетининг даромадлари, харажатлари, тақчиллиги (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	1992й.	1993й.	1994й.	1995й.	1996й.	1997й.	1998й.
Федерал бюджет							
Даромадлар	17,7	14,7	12,7	14,3	12,7	12,4	11,3
Харажатлар	47,2	24,5	24,5	19,2	20,1	18,4	14,1
Тақчиллик	-29,5	-9,8	-11,8	-4,9	-7,4	-6,0	-2,8
Жамланма бюджет							
Даромадлар	40,4	40,6	36,3	35,8	36,3	36,4	35,0
Харажатлар	65,1	48,6	47,5	41,1	43,0	43,1	39,2
Тақчиллик	-24,7	-8,0	-11,2	-5,3	-7,7	-6,6	-4,2

1993 йилда бюджет тақчиллигининг сезиларли даражада қисқаришига, асосан, амалда бўлган қаттиқ бюджет сиёсати натижасида давлат харажатларини ЯИМ нинг 65,1 фоизидан 48,6 фоизга туширилиши сабаб бўлди. Солик тушумларини деярли ўзгармаганлиги, даромадларни барқарор ҳолатда ушлаб туриш имкониятини берди. Аммо, 1994 йилга келиб бюджет тақчиллиги даражасини 8 фоиздан 11,2 фоизга ортиши юз берди. Бу ҳолатга биринчи-

дан, иқтисодиётнинг барқарор эмаслиги сабаб бўлган бўлса, иккинчидан ички тўлов тизимининг меъёрий амал қилмаслиги, дебиторлик-кредиторлик қарзлар салмоғининг ортиб кетиши қабилар бюджет даромадларини ўз вақтида тўплаш имкониятларини пасайтириди.

Россия ҳукумати гиперинфляцияни пасайтириш, рублнинг қадрини ошириш, тижорат банклари устидан назоратни таъминлаш, корхоналар банкротлиги тўғрисида қонунни амалда жорий қилишига қарамасдан, бир қашча сиёсий-ижтимоий муаммолар таъсирида 1998 йилларгача мамлакатда макроиктисодий барқарорликка эришилмади. 1999 йил учун тузилган бюджетнинг олдига қўйилган муҳим вазифаларидан бири – бу, Россия Федерацияси давлат қарзларининг таркибий қайта қуришни амалга ошириши, молиявий бозорлардан олинадиган давлат қарздорлигини минималлаштириши ва федерал бюджет тақчилигини қисқартиришдан иборат эди. Федерал бюджетнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган тақчиллик ҳажми 101,37 млрд. руб., ёки ЯИМнинг 2,54 фоиз миқдорида қилиб белгиланди.¹

Россия Федерациясида молиявий нобарқарорликни сезиларли даражада сақданиб қолинишига, нафакат ўтиш даврига хос иқтисодий қийинчиликлар, балки мамлакатдаги сиёсий нобарқарорлик ҳам катта таъсир кўрсатди. Чунки, ҳар хил сиёсий ўйинлар натижасида, сайловлар олдидан, ҳукумат аъзоларининг ўзгариши молиявий бозорлардаги аҳволга таъсир кўрсатаётганлигини яққол кутиши мумкин. Хусусан, Россияда кейинги йилларда ҳукумат раҳбарларининг бирнеча бор ўзгариши натижасида,

¹ А.Н.Бабич, А.Н.Павлова. Государственные и муниципальные финансы. Учеб. Пособие. — М.: ЮНИТИ.1999. стр.142-143.

мамлакат молиявий аҳволини ёмонлашувига таъсирини катта миқдордаги капиталнинг мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишида, бюджет маблағларининг сарфланиши устидан етарли назоратнинг йўқлигига, даромадларни бюджеттага ўз вактида келиб тушмаётганлиги каби кўпгина ҳолларда кўриш мумкин.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш. Россияда бюджет тақчиллигини сезиларли қисмини молиялаштирган Марказий банк 1992 йил ва 1993 йилда фақатгина пулли воситалар — мақсадли кредитлар ва мажбурий захирашларга эга эди. 1993 йил май оидиа ДҚМО бозори ташкил этилди. Юқори суръатдаги инфляция даражаси ва чет эллик инвесторлар учун бу бозорнинг ёпиқлиги, ДҚМОга бўлган талабни паст даражада бўлишининг асосий сабабларидан эди¹. Банк тизимини ликвидилигини таъминлаш мақсадида Марказий банк кредит кимошди савдоларини ўtkаза бошлади. 1995 йилнинг апрелида «Марказий банк тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан Марказий банк мустақиллиги таъминланди. Бу пул-кредит ва фискал сиёсатни бир-биридан ажратишга, бюджет тақчиллигини тўғридан-тўғри пулли молиялаштиришга эмас, балки қарз мажбуриятлари орқали молиялаштиришни ташкил этишга имкон берди.

Россияда бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларига кўра 2 та йирик гурӯҳга — ички ва ташқи манбаларга ажратиш мумкин. Қуйидаги келтирилган 7-жадвалдан 1992–1997 йиллар оралиғида бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини кузатиб, Россияда бюджет тақчиллигини молиялаштиришда қимматбаҳо қоғозлар

¹ Социально-экономические проблемы России. Справочник. — М.: ФИПЭР, 1999. Глава 3. Бюджетный кризис и госдолг.

бозоридан қарз олишнинг фаоллашуви натижасида, давлатнинг ички қарзларининг сезиларли даражада ўсишига олиб келганини кўриш мумкин.

Булар ўз ичига ДҚМО, ФҚО (Федерал қарздорлик облигациялари), Давлатнинг жамғарма қарздорлиги бўйича облигациялари (ДЖҚО) ҳамда ички валюта облигациялари бўйича қарздорликни таркибий қайта қуриш, қишлоқ хўжалиги ва шимолий ҳудудларга берилган марказлашган қарздорликнинг узайтирилишини ўз ичига олади.

7-жадвал

Россия федерацияси федерал бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг таркиби (ХВФнинг аниқлашича, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)¹

Молиялаштириш манбалари	1992	1993	1994	1995	1996	1997
Ташқи молиялаштириш	28,4	12,1	0,3	-3,6	7,3	27,2
Боглиқ бўлган кредитлар	М/й	13,7	7,4	9,7	5,0	7,8
Боглиқ бўлмаган кредитлар	М/й	3,0	0,9	3,1	7,4	10,2
Еврооблигациялар	М/й	00	00	00	3,1	15,1
Асосий қарздорлик бўйича тўловлар	М/й	-4,5	-8,1	16,4	-8,2	-5,9
Ички молиялаштириш	71,6	87,9	99,7	103,6	92,7	72,8
Марказий банк	64,5	79,9	92,4	27,7	27,0	17,5
Бевосита кредитлар	61,8	75,5	80,3	00	00	00
Қим.қоф.ларни сотиб олиш ва соф ҳалқаро захиралар (СХЗ)	2,6	4,4	12,1	27,0	27,0	17,5
ДҚМО ва Федерал қарздорлик облигацияси (ФҚО)	00	0,6	11,0	53,0	60,1	52,6
Бошқа манбалар	7,1	7,4	-3,7	23,0	5,6	2,7

м.й. – маълумот йўқ.

СХЗ – бу Ялпи Ҳалқаро Захиралар билан Ялпи Ҳалқаро мажбуриятлар ўртасидаги фарқ.

¹ Социально-экономические проблемы России. Справочник. – М.: ФИ-ПЭР, 1999. Глава 3. Бюджетный кризис и госдолг.

Давлат ички қарзларининг ортиши, унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларнинг ҳам ортишига олиб келди. 8-жадвалдан ички қарзлар бўйича тўловларни 1998 йилга келиб федерал бюджетининг энг йирик ва ўсиб борувчи моддасига айланганлигини кўриш мумкин.

1992-1994 йилларда ҳукуматнинг Марказий банкдан олган қарзлари эвазига давлат ички қарзларининг номинал ҳажми ортган бўлсада, юқори даражадаги инфляция суръатлари ички қарзларнинг ҳақиқий ҳажмини 1994 йилнинг 1 январида ЯИМнинг 21,7 фоиздан 1996 йилнинг 1 январида ЯИМнинг 11,9 фоизгача қисқаришига олиб келди.

8-жадвал

Россия Федерациясида ички қарзлар ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (1 январь 1999 йил ҳолатига кўра)¹

Ички қарз	1994й	1995й	1996й	1997й	1998й	1999й
Ички қарз: млрд.руб.	35,2	88,4	188,9	336,5	501,0	751,0
ЯИМ фоиз ҳисобида	21,7	14,0	11,9	16,6	19,4	28,0
Шу ж-н, қим.қое, бўйича қарз, млрд.руб.	0,3	18,9	85,2	249,0	449,0	480,0
ЯИМ фоиз ҳисобида	0,2	3,0	5,4	11,3	17,4	17,9
Марказий банкка қарзлар, млрд.руб.	29,2	58,8	61,0	59,6	00	00
ЯИМ фоиз ҳисобида	18,0	9,3	3,8	2,7	00	00
Қарзлар бўйича хизмат кўрсатиш, млрд. руб.	0,99	16,1	38,2	105,7	96,3	106,0
ЯИМ фоиз ҳисобида	0,6	2,6	2,4	4,8	3,7	4,0

¹ Социально-экономические проблемы России. Справочник. — М.: ФИПЭР, 1999. Глава 3. Бюджетный кризис и госдолг.

Кейинги йилларда давлат ички қарзларининг сезиларли даражада ошишига инфляция суръатларининг нисбатан барқарорлашуви ва ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозлар бозоридан олган қарзларининг ўсиб бориш анъанаси таъсир кўрсатди. 1999 йил охирларига келиб давлат ички қарzlари 632 млрд. рублни ташкил қилган.¹ Кейинги йилларда Россия ҳукумати ички кредитларга нисбатан анча арzon бўлган ташқи кредитларни жалб қилишга ҳаракат қилди. Аммо, 1997 йилнинг кузида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган иқтисодий инқироз оқибатида халқаро молиявий бозорларда юзага келган беқарорлик нисбатан арzon бўлган, ташқи молиялаштириш имкониятларини чеклаб қўйди.

Россия ва собиқ Иттифоқнинг Россияга ўтган ташқи қарzlари. 1997 йилда Россиянинг ички давлат қарzlарининг миқдори ЯИМга нисбатан 27,0 фоизни, 1998 йилда 19,0 фоизни ташкил этган бўлса, ташқи қарzlар 1999 йилда энг юқори – 167,0 млрд. АҚШ долл. миқдорида аниқланди. 1998 йилда Россия ташқи қарz бўйича 4,5 млрд. АҚШ долл. миқдорида ғарб мамлакатларига тўлаши керак эди. Келгуси йилларда ташқи қарzn қоплаш ва унга хизмат қилиш миқдори бутун федерал бюджетта таққослаш даражасига етди. 1999 йилда ташқи қарz бўйича 17,5 млрд. АҚШ долл., 2015 йилгача ҳар йили 12-15 млрд. АҚШ долл. тўлаш керак бўлади. Бу тахминан 1998 йил ЯИМга нисбатан 10 фоиз ёки федерал бюджетнинг ярмига тенг келади.²

Қуйидаги 9-жадвалдан Россиянинг 1992-1998 йиллардаги ташқи қарzlар миқдорини ва уларнинг ушбу йил-

¹ А.Н.Бабич. Л.Н.Павлова. Государственные и муниципальные финансы. –М.: ЮНИТИ.1999. Стр.142-143.

² Социально-экономические проблемы России. Справочник. – М.: ФИ-ПЭР, 1999. Глава 3. Бюджетный кризис и госдолг.

ларда ЯИМга нисбатан фоизда түланишини қўришимиз мумкин.

Россиянинг ташқи қарз миқдори йилдан-йилга ўтганда кўпайиб борган. Бу эса, Россия давлати учун жуда салбий ҳолдир. Ташқи қарзларнинг кўпайиб бориши, нафақат ташқи давлатларга бўлган қарамликни вужудга келтиради, балки кўшина ҳолларда, ҳукумат инқирозига олиб келиши мумин.

Ташқи қарзга хизмат қилиш миқдорининг мутлоқ ва таққосланма тез ўсиши, бюджет тақчиллигини аниқлаш усулига ўхшаш, яъни пул-кредит ресурсларига талаб ва тақлифнинг йининдисига асосланган юқори фоиз ставкаси орқали аниқланади.

9-жадвал

Россия Федерациясининг ташқи қарзлари¹
(млрд. АҚШ долл.)

Мазмани	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998
Собиқ Иттифоқ қарзлари	104,9	103,7	108,6	103	100,8	97,8	95
Россия қарзи	2,8	9	11,3	17,4	24,2	33	55
Ташқи қарзларни тўлаш. ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида	0,7	0,3	0,5	0,9	0,9	0,7	1,2

Россия ҳукумати нафақат бюджет тақчиллигини қисқартиришга, балки ички жамғармаларнинг меъёрий ўшишига ва уларга инвестицияни жалб қилишга йўналтирилган таркибий ислоҳотларни секинлаштирмаслиги керак бўлади. Ҳатто, 1998 йилда молиявий инқироз бошланган

¹ Юқоридаги манба.

даврда, Россия жами давлат қарзининг ҳажми (ички ва ташқи қарзи) халқаро ўлчовга биноан, унчалик катта бўлмаган эди, (ЯИМга нисбатан 54 фоиз). Таққослаш учун 1996 йилда Европа Иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатлар жами қарзи ЯИМга нисбатан 70,4 фоиз, АҚШда 63,1 фоизни ташкил этган. Лекин, Россия қарзларининг ўсиш даражаси жуда юқори суръатларда юз берганлиги ташвишли ҳолатни юзага келтирди. 1995-1997 йилларда ДҚМО ва ФҚОлар бозорини кенгайтириш натижасида ривожланган бозорга ташқи капиталлар оқими рекорд даражасига етди ва давлат қарздорлигининг катта қисми ташқи инвесторларга тўғри келади.

10-жадвал
Ташқи қарзларининг ўсиш суръатлари (фоизда)¹

Ўсиш суръати	1993-1997 й Россия	1992-1997 й Франция	1992-1996 й АҚШ	1991-1995 й Германия
беш йилда	32	51,1	130,2	168,9
ўртача йиллик	5,7	8,6	18,2	21,9

Маастрихт мезони бўйича умумий қарз ЯИМнинг 60 фоиздан ортишига йўл қўйилмасада, 1998 йилда бу кўрсагичга фақатгина, Европа Иттифоқига аъзо давлатлардан Англия ва Франция давлатлари эришган.

1997 йилдаги «Шарқий Осиё» инқирози натижасида ташқи инвесторлар эҳтиёткор бўлиб қолдилар ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидан капиталининг орқага қайтиши бошланди. Уни тўхтатиш учун, мутахассисларнинг фикрига кўра, бюджет тақчиллигини қисқарти-

¹ Социально-экономические проблемы России. Справочник. — М.: ФИПЭР, 1999. Глава 3. Бюджетный кризис и госдолг.

риш керак эди, ёки фоизлар тўлаш харажатларини ДҚМО ва ФҚОлар ҳисобига қоплаш лозим эди. Вазиятнинг оғирлиги шунда эдикни, Россия ички қарздорлигининг ярмидан ортиқроғи қисқа муддатли эди, (1 йил давомида қоплаш шарти билан жалб қилинганд) ва 1998 йил июн ойида у расмий валюта захиралари кўрсаткичларидан тўрт баробар юқори эди¹.

1996-1997 йилларда молия бозорларидаги меъёрий конъюнктура, 1998 йилда юзага келган инқирозни бартараф этишда фискал ва бюджет сиёсатини тартибга солиш имкониятини берди. Бу чора қисқа муддат давомида бажарилиши керак эди. Аммо, Россия Давлат Думаси ҳар йили бюджетни тақчиллик билан қабул қиласа эди, ўша даврдаги ҳукумат солиқ ислоҳотларини ўтказишида кучсизлигини кўрсатди ва фақат қарздорлар учун вужудга келган яхши шароитдан фойдаланган ҳолда ҳалқаро бозорга чиқиш имкониятларини қидириш билан шугулланди, лекин бунга 1997 йилнинг IV чорагида эришилди, холос. Ташки қарздорликдан (ҳалқаро бозорда хом ашёлар нархи тушиши ва капитални Farb мамлакатларига чиқиб кетиши натижасида), эски қарзларнинг янги қарзларга қайта алмаштирилишига асосланган қарз конструкцияси емирилди. 1998 йилнинг апрелига келиб, бюджет ДҚМО учун ишлай бошлади. 1998 йилнинг 17 августида хазина эски облигациялар бўйича ҳар ҳафтада 1 млрд. АҚШ долл. миқдорида маблағ тўлади, инвесторлар эса, уни сотиб олишни тўхтатди. Бюджет тақчиллигини қоплаш воситаси ўзига қарама-қарши бўлиб қолди. Соликлар тушумининг камайиши давлатнинг ҳақиқий пул ресурсларини

¹ А.М. Бабич, А.Н.Павлова. Государственные и муниципальные финансы. –М.: ЮНИТИ, 1999. Стр.137-146.

чегаралади, унинг ўз функциясини (мудофаани таъминлаш, бюджет соҳаси ишчиларини иш ҳақи билан таъминлаш ва бошқалар) бажарилишини қийинлаштириди. Солиқ инқирози бюджет инқирози билан бирга иш ҳақи ва нафакалар тўланишини тўхтатиб қўйди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда, бюджет соҳасини ислоҳ қилиш ўзига яраша катта харажатларни талаб қиласди.

Бундай вазиятларда ҳукумат бюджет инқирозидан чиқиши учун бюджет даромадларини барқарорлаштириш ва тушумларни кўпайтириши, бунда солиқларни кўпайтириш ҳисобига эмас, солиқ тизимини ҳаққонийлаштиришни амалга ошириши (имтиёзларни қисқартириш) ва солиқ тўлашдан қочишни бартараф қилиш йўли билан ёндошиш талаб этиларди.

Таҳдилчиларнинг фикрларига кўра, кредиторлар ишончини тиклаш ва келгусида қарзларни тўлаш имкониятларига эга бўлиш учун федерал бюджет камидаги 3 йил ЯИМга нисбатан 2,5-3 фоиз миқдорида профицит билан чиқиши керак эди. Бу қўйилган мақсадни амалга ошириш – давлатнинг қарзларини қайтаришига ишонч ҳосил қилиш имкониятини берарди. Бундай профицит корхоналар даромад солигининг ЯИМда 12-13 фоизни ташкил қилган пайтда бўлиши мумкин. 1999 йил бюджетида профицит ЯИМга нисбатан 1,64 фоизга, умумий тақчиллик эса, давлат қарзини ҳисобга олган ҳолда ЯИМга нисбатан 2,53 фоизга режалаштирилган¹. Жумладан, бюджет тақчиллигини молиялаштиришда қуидаги манбалар йўналтирилди:

- давлат қимматбаҳо қоғозларини сотишдан даромадлар;
- давлат мулкини хусусийлаштиришдан даромадлар;

¹ А.М. Бабич, Л.Н.Павлова. Государственные и муниципальные финансы. -М.: ЮНИТИ. 1999. Стр.137-146.

- қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар захиралари бўйича даромадларнинг харажатлардан ортган қисми;
- халқаро молия ташкилотлари, ташқи давлатларнинг ҳукуматлари, банклар ва фирмаларнинг кредитлари;
- Россия Марказий Банкининг купонли-қарзли облигацияларни сотишдан тушган маблағлардан даромадлари.

3-§. Россия тўлов баланси

Россия тўлов баланси статистикаси Россия Федерацияси Марказий банки ва Давлат статистика қўмитаси томонидан 1992 йилдан бошлаб расман нашрдан чиқа бошлади.

Ривожланаётган давлатлар ичидаги Россия алоҳида мавқеяга эта бўлиб, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳам салмоқли. Бунга бир томондан, собиқ Итифоқдан Россияга иқтисодий ва ижтимоий ҳолатнинг мерос бўлиб ўтиши, иккинчи томондан, ислоҳотлар жараёнида юзага келган қийинчиликлар билан изоҳланади. Бундай ҳолатлар ўтган асрнинг 90-йилларда Россия тўлов балансининг шаклланишига ўз таъсирини қўрсатмай қолмади.

Бу вақтда Россия тўлов балансининг жорий операциялар ҳисобвараги қолдиги умумий ҳисобда ижобий бўлган. Бу даврда жорий операциялар ҳисобвараги қолдиги бўйича эришилган ижобий натижага сезиларсиз аҳамиятга эга бўлди (ўртacha 7-8 млрд. доллар) ҳамда ушбу қолдик тебранишининг юқорилиги ислоҳотлар даврида Россия иқтисодиётининг нобарқарорлиги, унинг ташқи омиллар (энг аввало, хомашё ресурсларининг баҳо динамикаси) ҳамда ички сабабларга боғлиқлигидан дарак берар эди.

Ўтган асрнинг 90-йилларидағи Россия иқтисодий та-раққиётини шартли равиша бир-неча босқичларга бўлиш мумкин:

биринчи босқич – (1994–1996 йй.) – эркин бозорни қай-та ташкил этиш ва уларнинг ижобий натижалари;

иккинчи босқич – (1997–1998 йй.) – инқироз даври. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тушиши билан тавсифланади;

учинчи босқич – (1999–2000 йй.) – инқирозни енгиш ва ривожланишнинг бир неча параметрлари бўйича ижобий динамикага эришиш.

Тўлов баланси ва унинг асосий кўрсаткичлари шакла-ниши Россиянинг ички муаммолари билан бир қаторда, ташқи иқтисодий жараён билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Буни 1994 йилда ташқи савдо айланмасининг сезиларли дара-жада ўсиши (18 фоиз), жорий операциялар қолдигининг ижобий аҳамияти юқорилиги ҳамда савдо баланси актив қолдиги 8,9–17,7 млрд.долл. миқдорида бўлишини кузатиш мумкин. Инфляция суръатларининг юқорилиги (йилига 215 фоиз) ушбу даврда тўлов балансига таъсир этувчи салбий омил бўлди.

1995 йилда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлашти-риш билан боғлиқ маъмурий чора-тадбирлар амалга оши-рилиши бошланди. Натижада экспорт (1994 йил 122,2 фоизга) ва импорт (124 фоизга) ҳажми ошди. Бюджет ва пул-кредит сиёсатини кучайтириш мақсадида сузуб юрувчи валюта курси (1992 йилдан бошлаб амалда бўлган) 1995 йил ўрталарида валюта коридорига алмаштирилди. Рублнинг долларга нисбатан тебраниши олти ойга оддин (1995 йилнинг охирига) чегаралаб қўйилди. Бу эса, Россия миллий пул бирлиги рублнинг қадрини ошириб, Россияга чет эл капитали оқимини таъминлади.

Ушбу соҳадаги макроиқтисодий кўрсаткичлар бирмунча яхшиланди, инфляция суръати 215 фоиздан 131 фоизга тушди; ЯИМнинг камайиши 1994 йилда 13 фоизга нисбатан 4 фоизгача секинлашди, бюджет тақчиллиги 1994 йилда 10,7 фоизга нисбатан ЯИМ нинг 2,6 фоизни ташкил этди. Россия Марказий банки валюта захираси 10,4 млрд. АҚШ долл.га кўтарилиди. Рублиниг мустаҳкамланиши экспорт суръатларига нисбатан импортнинг кўшайишига олиб келди. Бу эса, 1995 йил тўлов балансининг жорий операциялари бўйича қолдиги 1994 йилдаги 8,9 млрд. долл.дан 7,8 млрд. АҚШ долл.га камайишига сабаб бўлди.

1996 йил Россияда актив тўлов баланси шаклланиши учун муваффақиятли йиллардан бўлди. Жорий операциялар қолдиги 12,0 млрд. АҚШ долл.га етди. Бу ҳолатга 1995 йилдаги салбий омилларнинг зътиборга олиниши ва валюта курси сиёсатининг мослаштирилиши оқибатида (натижада валюта коридори горизонтал ҳолатдан эгилувчан ҳолатга ўтиши) эришилди. Бунда эгилиш бурчаги прогноз қилинаётган инфляцияга мос кела бошлади. Бундан ташқари, 1996 йилда жорий операциялар ҳисобварағи қолдининг ўсишига олиб келган ижобий омил – нефтнинг жаҳон нархларини (1 баррель – 23 АҚШ доллар) сезиларли даражада ошиши бўлди.

Россияга хориж капитали оқими 1995 йилда 7 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1996 йилда 26 млрд. АҚШ долларига етди. Инвестицияларнинг 25 фоизи (6 млрд. АҚШ доллар) Россия иқтисодиётининг ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилди. Россия хориж ва ҳалқаро молия ташкилотларидан молия ва кредит ресурсларини жалб қилишда давом этди. 1996 йилда бу маблағлар 9 млрд. АҚШ долларига етди. Ташқи қарз мажбуриятлари ва хориж тадбир-

корлик инвестициялари оқими мамлакат иқтисодиёти ва бюджетининг мустаҳкамланиши билан биргаликда ҳамо-ҳанг тарзда амалга ошмади. Натижада ЯИМ 3,4 фоизга камайди, ички инвестициялар ҳажми 18 фоизга қисқарди, федерал бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3,3 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, ҳукумат резидент ва норезидентлардан молиявий маблағларни ДҚМО – ФҚО давлат қимматбаҳо қофозларини чиқариш орқали қисқа муддатта қарз олишга мажбур бўлди. Марказий банк валюта коридорида рублни ушлаб турish учун йирик валюта интервенциясини амалга оширишга мажбур бўлди. Вакт ўтиши билан миллий пул бирлиги рублнинг етакчи жаҳон валютаси (Америка доллари)га нисбатини ушлаб турish қийинлашиб борди. Салбий анъана ошиб борди. Бу эса, 1997 йилда тўлов балансининг шаклланишига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатди.

1997 йил Россия тўлов баланси қўйидаги асосий омиллар таъсирида шаклланди:

- энергия ташувчиларга жаҳон нархини тушиши (нефт нархининг тушиши 5,5 фоизни ташкил этди);
- ташқи молия мажбуриятларига хизмат кўрсатиш ҳажмининг ошиши;
- Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари фонд ва валюта бозорларидағи инқироз;
- Федерал бюджет тақчиллигининг ошиб бориши (ЯИМнинг 3,6 фоиз).

Жануби-Шарқий Осиёдаги инқироз, хориж инвесторларининг юқори рискли ривожланаётган давлатлардан, шу жумладан, Россиядан ҳам ўз капиталларини олиб чиқиб кетишиларига олиб келди. Капиталнинг трансчегараий ҳаракати вектори 1996 йилга нисбатан 1997 йилда қара-

ма-қарши ҳолатга ўзгарди. Натижада, молиявий ҳисобварининг салбий қолдиги 2,8 млрд. АҚШ долл. миқдорида якунланди. Норезидентларнинг ўз активларини нақд эркин конвертиранадиган валюталарда олиб чиқишга интилишлари вазиятни янада мұраккаблаштириди. Бу ўз навбатида, Россия валюта бозорига қўшимча босимни юзага келтирди.

1995-1996 йилларда ташқи иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашуви экспорт ҳажмининг мутлақ ва нисбий қиймат кўринишларида камайишига олиб келди.

1998 йилда ташқи омиллар таъсири янада қучайди. Нефти жаҳон нархларининг тушиши суръатлари (32 фоиз) тезлашди; ташқи қарзлар бўйича хизмат кўрсатишнинг ўши давом этди. Амалдаги салбий анъанага қўшимча янабир омил – давлат корхоналарининг янги шароитда вужудга келган валюта операцияларида номутаносибликлар юзага келиши ўз таъсирини кўрсатди.

Валюта коридори тартибидағи давлат беқарор иқтисодиётдан сузувларни валюта курси тартибига ўтиши зарур бўлиб қолди. Аммо, бу харакат 1998 йилнинг биринчи ярмида, яъни ўз вақтида амалга оширилмади. Бунинг ўрнига, йил бошида ўша даврдаги вазиятга мос бўлмаган З йил олдин муддатта валюта коридорининг янги кенгайтирилган чегаралари жорий қилинди. Натижада, йилнинг ўрталарига келиб, Россия молия бозори асосий секторларида нобарқарорлик юзага келди. Янги мажбуриятларни юзага чиқариш орқали ички ва ташқи кредиторлар олдидағи ички давлат қарзларини қайта молиялаштириш имкониятлари бой берилди. Мамлакат де-фолт ҳолатига келиб қолди. Ҳукумат 1999 йил охиригача ДҚМО – ФҚОларнинг муддатида узиш бўйича хизмат кўрсатишини тўхтатиш тўғрисида эълон қилди.

Валюта сиёсатини ўзгартириш ва сузуви валюта курси тартибига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Натижада, рублни Америка долларига нисбатан девальвация қилиш ҳамда миллий валюта курсини тўрт маротаба тушириш амалга оширилди. 1998 йилда биринчи бор сезиларли даражада экспорт ва импорт ҳажмининг пасайниши юз берди. Бу жорий операциялар бўйича тўлов балансининг маълум даражада тенглашувига олиб келди. Жорий операциялар актив қолдиги 1998 йилда энг пастки чегара – 2,4 млрд. АҚШ долларигача тушиб кетди.

1999 йил инқироздан чиқиш йили бўлди. Ташқи савдо-да экспорт ҳажми ошди, унинг ўсиши 1998 йилга нисбатан 100,6 фоизни ташкил қилди. Бир вақтнинг ўзида импорт ҳажми камайиб, 1998 йилга нисбатан 68,3 фоизни ташкил этди. Натижада, 1999 йилда савдо баланси қолдиги икки баробарга оиди, жорий операциялар бўйича қолдик 10 баробарга ўсиб, 35,8 млрд. АҚШ долларига етди. Тўлов балансининг бу кўрсаткичлари ўтган асрнинг 90-йилларидаги энг аҳамиятлиси бўлди.

Тўлов балансининг юқори ижобий аҳамиятга эришишида бошқа омиллар сингари, Россия асосий товарлари экспортига (нефт, газ, никел, пўлат ва бошқ.) қулай жаҳон нархлари конъюнктураси ўз таъсирини кўрсатди. Август инқирозидан кейин юзага келган иқтисодий вазият миллий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига кўмак берди. Импорт товарлари миллий товәрларга нисбатан баҳо рақобатида ўз ўрнини бериб қўйди. Россия Марказий банки шул ва валюта соҳаларида етарли даражада ўлчамли сиёсатни амалга ошира бошлади. Марказий банк пул массасини ошириш ёрдамида хўжалик алоқалари эластиклигини таъминлаш, иқтисодий субъектлар ҳисоб-ки-

тобларида пулнинг ролини кўпайтириш имкониятига эга бўлди.

Инфляция суръатларининг 1998 йилда 84,4 фоизга нисбатан 1999 йилда 36,5 фоизгача тушиши, макроиктисодий вазиятни яхшилашдаги тадбирлардан бири бўлди. Бюджет соҳасида амалга оширилган кучли сиёсат федерал бюджет тақчиллиги ҳажмини насайтириш ва 2000 йил бошларида давлат бюджетининг биринчи тақчилликсиз даражасига эришишга олиб келди ва илк марта 2000 йил 1 феврал ҳолатига кўра, бюджет профицити 13,8 млрд. рублни ташкил этди.

Шундай қилиб, иқтисодий фаолият иштирокчиларининг янги шаронт қулийликлари ҳамда 1999 йил макроиктисодий сиёсат ижобий натижаларидан фойдаланишлари уларга 1998 йил инқироз оқибатлари ва салбий тенденцияни синдириш имконини юзага келтириди. 2000 йилда давлат томонидан 1999 йилда эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда амалдаги салбий омиллар таъсирини камайтириш билан боғлиқ бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Россия молия тизими қандай таркибий қисмлардан иборат?
2. Пул маблағларининг умумдавлат марказлашган пул фондлари қандай шаклланади?
3. Россия Федерациясида давлат бюджети даромадлари қандай манбалардан ташкил топган?
4. Бюджетнинг солиқсиз даромадларига қандай даромадлар киради?
5. Федерал бюджет харажатларининг асосий йўналишларини кўрсатиб беринг.
6. Давлат кредити нима?
7. Давлат ички қарзларини энг юқори чегарасини белгилаш тартибини тушунтиринг.
8. Россия Федерацияси бюджет тизимида бюджетдан ташқари маҳсус фондларнинг ўрни қандай?
9. Россия Федерацияси сугурта тизимига баҳо беринг.
10. Бюджет тақчилигини бошқаришнинг зарурлиги ва уни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
11. Россия Федерациисининг ички ва ташқи қарзларининг ҳолатини таҳдил қилинг.
12. Ўтган асрнинг 1990 йилларида Россия тўлов балансиning шаклланишига таъсир этган омилларни изоҳланг.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Қозогистон Республикасининг молия тизими ва молия ислоҳотлари

1-§. Мамлакат молия тизими ва молиявий ислоҳотларга зарурат

Марказий Осиё мамлакатлари молия тизимидағи ислоҳотларини ўрганишда давлат молияси тизими ҳолатини таҳдил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шуни эътиборга олиб, 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошдан кечираётган Қозогистон Республикаси молия тизимини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу мамлакат иқтисодиётидаги пасайиш 1980 йиллар ўрталарида кўзга ташлана бошлади. 1989 йилда ЯИМ ҳажми 0,4 фоиз қисқарган бўлса, бу кўрсаткич 1994 йилда ўзининг энг юқори нуқтасига чиқди (ЯИМнинг 12,6 фоиз миқдорида).¹

1996-1998 йилларда Қозогистонда ҳукумат томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган дастур, асосан, қуйидаги вазифаларни белгилаб берган эди:

- хусусийлаштириш жараёнини туталлаш орқали инвестицион фаолликни ошириш;
- молиявий бозорлар инфратузилмасини шаклантириш;
- монопол тузилмаларни кичрайтириш;
- ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилиш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш.

¹ С.Павлов. Финансово-экономическая политика Казахстана в условиях трансформации экономики. /Вестник КазГУ. Серия экономическая. Алматы. 1998, №7. Стр.3.

Натижада, бу дастур мамлакатни иқтисодий инқироз ҳолатидан олиб чиқиб, ишлаб чиқариш ўсишини таъминлаши, аҳолининг турмуш тарзини сифат жиҳатдан кўтарувчи янги босқични бошлаб бериши зарур эди. Кўпгина иқтисодчи мутахассисларнинг фикрича, ўтган йиллар мобайнида Қозогистонда нафақат иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг янги тизими шаклланди, балки жиддий макроиқтисодий барқарорликка ҳам эришилган.

Қозогистон Республикаси бюджет тизими ислоҳотлари. Қозогистонда 1990 йилларнинг бошларида амалга оширилган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, давлат молияси соҳасини, шу жумладан, Қозогистон Республикаси бюджет тизимини ҳам қамраб олди. 1991 йил 17 декабрда қабул қилинган Қозогистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни мамлакат бюджет тизими ислоҳотининг асоси бўлди. Ушбу қонунда давлат молия ресурслари бошқарилишининг асосий тартиблари биринчи бор белгилаб берилди.

1999 йилнинг апрелида Қозогистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги янги қонуни қабул қилинди. Ушбу янги қонун турли даражадаги бюджетларни шакллантириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларни тартибга солиб, республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, ижроси ва ижросини назорат қилиш тартибини аниқлаб берди. Ушбу қонун билан бюджет маблағларининг шаклланиши ва харажат қилиниши тамойилларига моҳиятан ўзгартиришлар киритилди.

Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари функциялари бўлинди, республика ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган дастурлар таркиби аниқланди.

Давлатнинг айрим функциялари рақобат мұхитига олиб берилиб, бу функциялар давлат хизматлари күринишида баржарила бошлади.

Шунингдек, ушбу қонун республика бюджетининг харражат ваколатларини ҳам аниқлаб берди:

- Президент, Парламент ва бошқа марказий давлат органлари фаолияти;
- суд тизими;
- ташқи сиёсий, солиқ ва молиявий, фундаментал ва илмий-амалий фаолият;
- мудофаа ва хавфсизлик;
- олий таълим;
- пенсиялар, давлат нафақалари;
- давлат қарзларини узиш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, маҳаллий бюджетлардан қўйидаги дастурлар молиялаштирилади:

- мактабгача, ўрта ва ўрта-касб таълими;
- аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- маҳаллий даражада ҳуқуқни сақлаш фаолияти;
- аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- аҳоли пунктларида яшаш шароитларини яхшилаш;
- шаҳар йўллари ва кўчаларини қуриш;
- маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари фаолиятини таъминлаш.

Ҳудудларда ўз бюджети етарлигини таъминлаш мақсадида, улар бажарадиган функцияларга мувофиқ, даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши бириктирилди. Масалан, республика бюджети даромадлари қўйидаги тушумлардан йифилади:

- юридик шахслар даромадига солинадиган солиқнинг 50 фоизи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- алкогол маҳсулотларига солинадиган акцизларнинг 50 фоизи;
- бошқа акцизлар;
- бонус ва роялтилар;
- республика мулкини хусусийлаштиришдан келадиган тушумлар ва бошқа тушумлар киради.

Маҳаллий бюджетта қуидаги тушумлар йўналтирилган:

- юридик шахслар даромадига солинадиган солиқнинг 50 фоизи;
- жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ;
- ижтимоий солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- транспорт воситаларига солинадиган солиқ.

Ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бюджетнинг кредитор қарзлари ўсишини бартараф этиш механизмлари ишлаб чиқилди, шу жумладан:

- бюджет маблағлари ҳисобидан фуқаролик-хуқуқий битимлари тузишни хазиначилик органларида мажбурий қайд қилиш меъёрлари жорий қилинди;
- хўжалик субъектларининг қарз мажбуриятлари бўйича маҳаллий бюджетлардан кафолатлар бериш тақиқланди;
- тегишли молия йили учун, қонунда белгиланган бюджет мақсадларида суммалардан ортиқ бўлган молиявий мажбуриятларни давлат муассасаларининг ўз зиммасига олишларидағи хуқуқлари чегаралаб қўйилди.

1999 йил апрел ойида «Бюджет тизими тўғрисида»ти қонунинг амалга киритилиши сабабли, турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлашнинг янги механизмига ҳамда Қозоғистон Республикаси Президентининг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетта тўлаш тўғрисида»ти фармони асосида ташкил этилган солиқ тизимига қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, солиқлар ва йиғимларнинг республика ҳамда маҳаллий гурӯҳга бўлиниши бекор қилинди. Эндиликда барча 17 турдаги солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар республика ва маҳаллий бюджетларга ўз қонунчилиги асосида биритириб қўйилди. Солиқлар ва йиғимларнинг бир гурӯҳи, жумладан, ҚҚС, алкоголсиз товарларга акцизлар, бонуслар, роялти, республика мулкини хусусийлаштиришдан келадиган тушумлар ва бошқалар тўлалигича республика бюджетига, қолган гурӯҳдаги, жумлидан, жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ, ижтимоий солиқ, ер солиғи, транспорт воситаларига солинадиган солиқ, ҳамда турли йиғимлар — маҳаллий бюджетларга биритирилди. Фақат икки солиқ — юридик шахслар даромадига солинадиган солиқ ва алкоголь ичимликларига акцизлар (шу жумладан, спиртнинг барча турлари, вино маҳсулотлари ва шиво) маҳаллий бюджетларга 50 фоиз меъёр билан тенг улушларда тақсимланадиган бўлди.

2001 йилдан бошлиб, маҳаллий тажроия органларига ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги ислоҳотлар билан боғлиқ функция ва вазифаларнинг ўтиши ҳамда ҳудудларда бюджет маблағлари етарлилигини ташкил этиш мақсадида маҳаллий бюджетлар қўйидаги қўшимча даромад ман-

баларига эга бўлдилар: юридик ва жисмоний шахслар томонидан чакана савода сотиладиган бензин ва дизел ёқилрисига акцизлар, лотореяларни ўтказишдан олинадиган акцизлар, ер участкаларини сотишдан келадиган тушумлар ва бошқалар.

Бюджет тизимини ривожлантиришнинг қўйидаги йўналишлари белгиланди:

- ҳудудий органларнинг маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш бўйича солиқ сиёсатини юритишидаги мустақиллигини ошириш;
- ҳудудларнинг экологик тўловлар ва ер участкалари ижараси тўловлари бўйича ставкаларни мустақил белгилашлари.

2001 йил ноябр ойида республика парламенти томонидан Қозогистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»-ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилиб, 2001 йил 6 декабрда ушбу қонун қабул қилинди. Қонунда бюджетни режалаштиришдан бошланувчи ҳамда унинг ижроси билан якунланувчи бутун бюджет жараёнини тартиблаш кўзда тутилган.

2001 йил 6 декабрдаги Қозогистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қўйидагиларни назарда тутади: – илк бор, 2002 йилдан бошлаб, бюджет дастурлари иккига бўлинди, яъни жорий дастурлар – мамлакатнинг жорий эҳтиёжларини бажаришга йўналтириладиган ҳамда ривожланиш дастурлари – иқтисодиётта қилинадиган инвестициялар бўйича харажатлар, шу жумладан, инфратузилма, шаҳар қурилиши, давлат ташкилотларини ахборотлаштириш, фан, кадрлар тайёрлаш харажатларини ўз ичига олади. Бундан ташқа –

ри, янги қонун Бюджет ҳайъати ҳуқуқий ҳолатини оширади. Бюджет ҳайъатининг вазифалари нафақат бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш, балки ҳудудлар, тармоқлар ва давлат дастурлари лойиҳалари бўйича таклифлар бериш, бюджетни аниқлаштириш, бюджет дастурларини амалга ошириш натижаларини муҳокама қилишдан иборат. Бундан ташқари, ҳайъат барча инвестицион лойиҳаларнинг маҳсус муҳокамасини амалга оширади. Ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимиятга тааллуқли бўлган лойиҳа мезонлари ишлаб чиқида ҳамда ушбу лойиҳаларни муҳокама қилиш ва тасдиқлашнинг қаттиқ тартиби таклиф қилинган.

Бюджет дастурларини режалаштиришда қўйилган мақсадларга эришиш – бюджет маблағлари сарфланиши савиадорлигининг асосий мезони ҳисобланади. Илгари бюджет дастурлари бошқарувчилари, давлат муассасалари олдида ажратилган бюджет маблағларининг тўлиқ ўзлаштирилиши, кредиторлик қарзларига йўл қўймаслик вазифалари турган бўлса, янги қонуннинг қабул қилиниши билан юқоридаги вазифалар билан биргаликда вазирликлар, муассасалар ўз фаолиятлари натижалари бўйича жавобгарлиги оширилди. 2002 йилдан бошлаб бюджет дастури паспорти жорий қилинди. Ушбу паспорт бошқарувчининг унга юклangan вазифаларни бажариши бўйича фаолиятига баҳо берувчи асосий ҳужжатdir. Ҳар бир бюджет дастурлари бўйича паспортлар ҳукумат ҳамда маҳаллий ижроия органлари томонидан тасдиқланади. Ушбу ҳужжат дастурнинг мазмuni, унинг мақсад ва вазифалари, уларни бажариш бўйича тадбирлар режасини ҳамда кутилаёттган натижаларни аниқлаб беради. Вазирликлар ва идоралар тасдиқланган паспортга мувофиқ, бюджет дастурларини амалга оширишнинг бориши хусу-

сида ҳар чоракда Молия вазирлигига йил якунлари бўйича Бюджет ҳайъатига ҳисобот топширадилар.

Бундай янги қоида жорий қилинишидан мақсад – бюджет дастурларининг бажарилиши ва оқилона режалаштирилишини таъминлаш, бюджет маблағларининг самарали сарфланиши бўйича давлат идоралари, бюджет дастурлари бошқарувчиларининг масъулиятини кучайтириш, ҳамда бюджет дастурлари амалга оширилишида аниқ самарани таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги кунда Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки қарз маблағлари ҳисобидан хазиначилик тизимини замонавийлаштириш, ягона ахборот маконида бошқариш-нинг кенг кўламли ва ишончли тизимини такомиллаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

2002 йилдан бошлаб бутун республикада амал қилаётган хазиначиликнинг янги тизими бюджет ижросининг амалдаги тартибини кескин ўзгартириб юборди ҳамда давлат идоралари ва бюджет дастурлари бошқарувчиларидан ўз ваколатлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаб олишларини шарт қилиб қўйди.

Қонунда таклиф қилинган қўшимчалар ҳар бир бюджет ижроси қатнашчисининг мажбуриятлари ва вазифаларини аниқлаб беради, бироқ, унда хазиначиликнинг маҳаллий бюджетлар ижросига аралашуви кўзда тутилган. Хазиначилик, аввалгидек, маҳаллий бюджетларга фақатгина ҳисоб-касса хизматларини амалга оширади.

Ушбу ўзгаришлар нафақат давлат идораларида, балки барча давлат органларида тартибни кучайтириш масалаларига қаратилгандир.

Демак, бюджет ижросининг хазиначилик тизими бюджет орқали тартибга солишнинг муҳим элементи ҳисобла-

ниб, бюджет тизимида аҳамиятті ва роли доимо ошиб боралы. Ҳазиначилик ўз вазифалары билан бир қаторда, бюджет ижроси жараённини қаттық тартибга солиш, бюджет ташкилотларининг барча ҳаражатларини назорат қилиш, уларнинг түлиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда барча давлат активларини бошқариши амалға оширади.

2-ғ. Бюджетлараро муносабатлар соҳасидаги ислоҳотлар

Республика бюджет тизимини ислоҳ қилишдаги ижобий силжиншларга қарамасдан, ечимини кутаётган бир қанча муаммолар ҳамон очық қолмоқда.

Хозирги кунда Қозоғистонда бюджет тушуми (трансферларсиз) күрсаткичлари бүйича ҳудудлар ўртасида катта фарқлар мавжуд. Масалан, 1999 йилда, түртта энг таъминланган ҳудудлардаги жон бошига түгри келадиган даромадлар кам таъминланган вилоятлардагига қараганда 7 баробар күп бўлган. 2000 йилда эса, ушбу фарқ 10 баробарга ошиди. Бюджет тушумлари хилма-хиллигининг юқори даражадалиги қуидагилар билан изоҳланади: мамлакат ҳудуди бўйлаб табиий ресурсларнинг нотекис тақсимланганилиги; жаҳон иқтисодиёти ва хом ашё ресурслари баҳоси конъюнктураси; республика ишлаб чиқариш кучлари жойлашуви ва ривожланиш нотекислиги; мамлакат миқёсида солиқ органлари ривожланишининг хилма-хиллиги. Вилоятлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқлар катталигини юмшатиш мақсадида Қозоғистон Республикаси қонунчилик актлари билан субвенциялар ва бюджетлардан маблағ олиш белгилаб берилган. Бу жиҳат мазкур бюджетлараро муносабатларнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Шуни айтиш ўринлики, Қозғистонда шакланган субвенциялар ва бюджетлардан маблағ олиш тизими такомиллашмаган бўлиб, кўпчилик ҳолатларда субъектив тус олади. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш манфаатларига мос тушмайди, қўшимча ресурсларни жамлаш ўз фаолиятини истиқболли режалаштириш имкониятларидан маҳрум қиласди ҳамда боқимандачилик кайфиятини кучайтиради.

Шу билан биргалиқда, амалга киритилган маҳаллий бюджетлардан маблағ олиш тамойиллари жаҳон тажрибасида ўхшащликка эга эмаслигини қайд қилиш жоиз. Кўнгина давлатлар бюджет қонунчилигига мувофиқ, трансферлар одатда юқори бюджетлардан қўйи бюджетларга ажратилади, аммо аксинча ҳолат кузатилмайди. Маблағ олиш тамойиллари вилоят ҳолатини ёмонлаштиради, чунки ҳар йили маблағ олишнинг мутлоқ суммаларини ўрнатиш бюджетлараро муносабатлар барқарорлигига зиддир. Ҳозирги кунда ушбу ҳолат мамлакат бюджет тизимидағи асосий нуқсон ҳисобланади.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун турли даражадаги бюджет қурилишининг базавий асоси ҳисобланиши ҳамда унинг шакланиш меъёрий-услубий базаси аниқлаб берилиши талаб этилмоқда.

Барча даражали бюджетларни ишлаб чиқиш қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларда меъёрий-услубий асослар ўз аксини тошмаган, кўпроқ уларда бюджет жараёнининг ташкилий-техник жиҳатлари ифодаланган, албатта, бу ҳам муҳим, бироқ егарли эмас.

Шу сабабли, бюджет тизимидағи ислоҳотларни давом эттириб, Қозғистон Республикаси Бюджет Кодексини ишлаб чиқиш зарурлиги намоён бўлмоқда. Ушбу кодексда

Қозоғистон Республикаси бюджет тизимидағи барча даражали бюджет харажатларининг шаклланиши – энг минимал давлат ижтимоий андозаларига, давлат хизматларини күрсатишда молиявий харажат мөъёрларига ҳамда бюджет маблағлари билан минимал таъминланғанлигининг ягона услугбий ҳисоб-китобларига асосланиши лозим.

Минимал давлат ижтимоий андозалари дейилганды, Қозоғистон Республикасининг бутун ҳудудида белгиланган минимал миқдорларда фуқароларга беғараз ва қайтарилмаслик шартларида давлат томонидан кафолатланадиган ҳамда Қозоғистон Республикаси бюджет тизимидағи барча даражали бюджетлардан ва давлат бюджетидан ташқари фондлардан молиялаштириладиган давлат хизматлари тушунилади.

Бюджет маблағлари билан минимал таъминланғанлик деганда, марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан күрсатиладиган минимал белгиланадиган пул кўринишидаги давлат хизматлари қийматининг ахоли жон бошига тўғри келиши тушунилади.

Ягона услугбий йўналишлар аниқлаб олинишида Россия Федерациясининг бюджет маблағлари билан минимал таъминланғанликнинг бой амалий тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Россияда бюджет маблағлари билан минимал таъминланғанлик даражасини тенглаштириш мақсадида федерал бюджетдан Россия Федерацииси субъектлари бюджетига молиявий ёрдам кўрсатилиб, бу давлат хизматларини кўрсатиш учун молиявий харажатлар мөъёри асосида аниқланади ҳамда минимал давлат ижтимоий андозаларини таъминловчи харажатларни молиялаштириш мақсадида берилади.

Минимал давлат ижтимоий андозалари тарқиби, турла-ри ва миқдорий жиҳатлари федерал қонун билан ўрнати-либ, Россия Федерацияси жамланган бюджет имкониятла-ри билан аниқланади. Шуни назарда тутиш керакки, давлат хизматларини кўрсатиш учун молиявий харажатлар меъ-ёрлари ҳамда бюджет маблағлари билан минимал таъмин-ланганлик меъёрлари Россия Федерацияси ҳукумати то-монидан белгиланади.

Барча бюджетлар қарз мажбуриятларини қатъий ба-жариш шарти ҳамда минимал давлат ижтимоий андоза-ларини таъминлаш билан борлиқ харажатларни молия-лаштириш устуворлиги тамойили асосида тузиб чиқилади ва ижро этилади. Ҳозирча минимал давлат ижтимоий ан-дозалари бюджет маблағлари билан минимал таъминлан-ганлик даражасида молиялаштирилганича йўқ. Бюджет лойиҳасига минимал давлат ижтимоий андозаларига эри-шиш билан борлиқ бўлмаган харажатларни ёки минимал даражадан юқори бўлган алоҳида давлат ижтимоий андо-залари молиялаштирилишини таъминловчи харажатлар-нинг киритилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, компенсация фондига ташкил этилиб, ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қўйидаги мақсадли йўналтириладиган харажатларни молиялаштириш мақса-дида Россия Федерацияси субъектлари бюджетига субси-диялар ва субвенциялар берилади:

- мақсадли федерал дастурлар бўйича харажатлар;
- капитал харажатлар;
- Россия Федерацияси бюджет тизимига бошқа дара-жадаги бюджетлардан ўтказиладиган харажатлар;
- бошқа мақсадли харажатлар.

Россия Федерацияси субъектлари бюджетига субвенциилар ва субсидиялар ҳисоб-китоби ва тақдим этиш тартиби маҳсус федерал қонун билан ёки кейинги молия йўли учун федерал бюджет тўғрисидаги федерал қонун билан аниқлаб берилади.

Федерация субъектлари бюджетидан маҳаллий бюджетларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби юқорида айтиб ўтилган тамойилларга асосланади. Бунда давлат маҳаллий ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўз молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда давлат, муниципал хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ молиявий харажатлар меъёrlарини ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Жаҳон тажрибасида трансфертларнинг маҳаллий молия учун аҳамияти жуда юқори бўлиб, уларнинг ҳажми маҳаллий бюджет барча даромадларининг ярмiga етади. Бу эса, албатта мамлакатнинг барча ҳудудида ижтимоий соҳадаги умуммиллий андозаларни қўллаб-қувватлаш имкониятини беради. Бошқа томондан, трансфертлар тизими, агар сиёсий савдо-сотиқ элементларидан холи бўлса, у аксил марказлаштиришга таъсир қиласи ва муносабатларни етарлича ойдинлаштиради ҳамда маҳаллий органларга трансферт миқдорини айнан қандай тарзда аниқланишини тушунишга имкон беради.

Ушбу масала трансфертлар миқдорини аниқлаш учун кўлланиладиган математик формуналар ёрдамида ечилади. Бу формулалар аҳоли умумий сонини, ўқувчилар сонини, кекса ёшдаги шахсларни, йўллар узунлигини ва бошқаларни ҳисобга олиш мумкин. Мақсадди трансфертларни, масалан, ижтимоий қурилиш лойиҳаларига, ўқитувчилар иш ҳақи фондини шакллантиришга йўналтириш мумкин.

Бюджетларни тенглаштириш механизмини тақомиллаштириш ва уни бюджет тақчиллигини қисқартириш дастагига айлантириш ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ва табиий иқлим хусусиятлари республика бюджетидан олинадиган қўшимча молиявий маблағлар заруратини объектив аниқлашга ёрдам берадиган услубиёт асосида амалга оширилади.

Фақат шу ҳолатдагина, ҳудуд эҳтиёжига яраша молиялаштириш, ўз бюджетини тўлдириш учун маблағларни қидиришини рағбатлантириш ва республика бюджетидан олинган маблағлардан самарасиз фойдаланиш каби ёндошувларга барҳам берилиши мумкин. Ил xor мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, республика бюджети даражасида вилоятларга трансферлар берувчи хазиначиликнинг маҳсус ҳисобварағи шаклидаги Фонд ташкил қилишга зарурат юзага чиқмоқда.

Ушбу ҳисобварақقا умумдавлат солиқларидан ажратиладиган солиқлар фоизи аниқ кўринишда ва бошқа тушумларнинг барқарор манбаси кўрсатилиши керак.

Ҳисобварақقا тушадиган маблағлар автоматик тарзда субвенцион вилоятлар ўртасида маҳсус формуналар асосида тақсимланади ва бу маъмурий аралашувга барҳам беради. Вилоят ва туман бюджетлари даражасида трансферлар фонди тузилиши керак ҳамда бу юқоридаги таймойил асосида ишлиши керак. Шу нарсани ёдда тутиш керакки, ҳукumat тузилмалари ўртасидаги ваколатларни вертикал даражада қайта тақсимлаш, яъни бюджетлараро молиявий оқимларни марказ ва ҳудудлар манбаатларига мослашган ҳолда бюджет маблағларини ҳам қайта тақсимлашни билдиради. Шу нуқтаи назардан бюджетлараро муносабатларнинг самарасини ошириш кўп жиҳатдан унинг мақбуллиги ва эгилувчанлиги билан аниқланади.

Қозғистон Республикасида адолатли ва барқарор бюджетлараро муносабатлар тизимини ташкил этиш йўлларини қидириш ҳозиргача давом этмоқда, чунки бундай тизимнинг ташкил этилиши барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш асосларини таъминлашга қаратилғандир.

Ушбу мураккаб вазифани ҳал этиш учун 2005 йилгача Қозғистон Республикаси бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш вазифалари, тамойиллари ва мақсадлари ушбу ҳужжатда ўз аксини топиши керак.

Бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий мақсадлари этиб қўйнадагилар белгиланмоқда:

- Қозғистон Республикаси бюджет тизими молиявий ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- турли даражадаги бюджетлардан молиялаштириладиган ижтимоий кафолатларнинг Қозғистон Республикаси Конституциясида белгиланган минимал даражасини мамлакат бутун ҳудудида амалга ошириш имкониятларини тенглаштириш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши самарадорлигини ошириш учун шароит яратиш.

Бунда бюджетлараро муносабатлар қўйидағи тамойиллар асосида ташкил этилиши лозим:

- бюджетлараро ўзаро муносабатлар иштирокчиларининг манфаатлари уйғунлиги, турли даражадаги бюджетлар мустақиллигини таъминлаш;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромад манбалари ҳамда харажатлар бўйича ваколатлари ва масъулияtlарини қонуний чегаралаш;

- вилоятлар ва бошқа маъмурӣ ҳудудий тузилмалар таъминланиши учун бюджет маблағларининг объектив ва транспарент қайта тақсимланиши, бюджет тизимининг ягоналиги.

Мавжуд камчиликларни баргараф этиш ва бюджетлар аро муносабатларни ислоҳ қилиш мақсадида қуидаги вазифаларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланмоқда:

- ҳудудий бюджетлар тизими амал қилишининг са- марадорлигини ошириш, ҳудудий молия ҳолатини соғломлаштириш;
- дотацияларни ҳамда дотация оловчи ҳудудлар сонини қисқартириш;
- бюджет маблағларини қарама-қарши оқимларини минималлаштириш;
- маблағлар ажратилишининг, уларни ишлатиш устидан назоратни оширишнинг борлиқлиги;
- юқори дотация оловчи ҳудудларни қўшимча молиявий ёрдамлар билан таъминлаш;
- ҳудудни инвестицион қўллаб-қувватлаш механизмини яратиш;
- алоҳида лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшма молиялаштириш тартибидан фойдаланиш;
- бюджет баланслиигини таъминлаш, харажатларни оқилоналаштириш ҳамда ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва солиқ салоҳиятини ошириш орқали маҳаллий ҳокимият органлари манбаатдорлигини кенгайтириш;
- марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият бошқаруви органлари бюджетлараро муносабатларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш.

Бўйинлараро бюджет-молия оқимларини мақбуллаштириш жараёшининг шартли учта асосий йўналишини кўрсатни мумкин:

- харажатлар бўйича ваколатларнинг чегараланиши;
- бўйинлараро бюджет тизими даромадларининг чегараланиши;
- бюджет бўйинлари ўртасида маблағларнинг қайта тақсимланиши.

Ҳозирги кунда республикада бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш концепциясини яратиш ҳамда айрим харажатларни молиялаштириш бўйича ваколат ва вазифаларини ҳукумат бўйинларининг биридан иккисига олиб бериш муаммоларини ҳал этиш юзасидан маҳсус Ҳайъат иш олиб бормоқда. Бунда қўйи бюджетларга берилган ваколатларни молиялаштириш учун мос равишда маблағларни бериш тартиби асосий муаммолардан бирордир. Ушбу муаммони иккى йўл билан ҳал этиш мумкин.

1. Берилган ваколат ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳажмда мақсадли субвенциялар кўринишида юқори бюджетлардан маблағлар бериш мумкин;

2. Маҳаллий бюджетларда тўлиқ ёки қисман бириктирилган ўз соликларининг ҳиссасини ошириш мумкин ҳамда республика соликлари ставкаларига қўшимча ҳудудий устамаларни белгилаш ҳуқуқини бериш.

Амалиётда маблағлар беришининг у ёки бу шаклидан фойдаланиш мумкин. Асосийси – ушбу шакллардан қандай ҳолларда фойдаланиш мақсадли эканлигини аниқлаб олиш зарурдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам танлаб олинган маблағ бериш шакли қарама-қарши оқимларнинг ошишига олиб келмаслиги кераклиги таъкидланмоқда.

Агар харажатлар етарли даражада доимий базага эга бўлса ҳамда узок ёки доимий муддатта алоҳида ташки-

лотлар ёки бутун бюджет соҳаси тармоқларини (масалан, касб-хунар биілім іортлари, ҳарбий комиссарият, ФХҚҚ (ЗАГС) органлари ва бошқ.) молиялаштириш юқори бюджетлардан бериш билан бөлік бўлса, ушбу харажатларни молиялаштириш вазифаларини бажариш учун маблағлар маҳаллий бюджетларда қисман ёки тўлиқ биритирилган ўз солиқларининг ҳиссасини ошириш шаклида ёки республика солиқлари ставкаларига қўшимча ҳудудий устамалар белгилани шаклида бериш мақсадга мувофиқдиги таклиф этилмоқда.

Мақсадли субвенциялар шаклидаги маблағларни қўйидаги ҳолларда бериш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, ваколатларни бажариш учун харажатлар ҳажми нобарқарор ва бюджет хизматларини олаётган контингент миқдорига бөлік бўлса;

иккинчидан, харажатлар ҳажми маҳаллий ҳукумат органлари қарорларига бөлік бўлса, бундай харажатларга қўйидагиларни киритиш мумкин: аниқ компенсацияларни тўлаш харажатлари, аҳолига марказий ҳукумат органдари томонидан белгиланган нафақалар ва имтиёзлар.

3-§. Бюджет тақчиллигини бошқариш

1996 йилга келиб, ЯИМнинг ўсиш ҳажми кейинги йиллар ичида биринчи марта ижобий тус олиб, оддинги йилга нисбатан 0,5 фоизга ортган бўлса, инфляция суръатлари 1993 йилдаги йиллик 2000 фоиз ўрнига 1996 йилда йиллик 28,7 фоизга туширишга эришилди¹. Давлат харажатлари соҳасида юритилган оқилона сиёsat туфайли, бюджет

¹ С. Павлов. Финансово-экономическая политика Казахстана в условиях трансформации экономики. /Вестник КазГУ. Серия экономическая. Алматы. 1998, №7. Стр.3.

жет тақчиллигини 1996 йилда ЯИМнинг 2,76 фоизи даражасига туширишга эришилди. Аммо, мамлакатдаги молиявий интизомнинг сустлаги, давлат корхоналаридағи молиявий аҳволнинг ёмонлиги, солиқ тизимининг ўсиб келәёттан хусусий секторни солиққа тортиш бўйича назоратни таъминлашдаги занфлиги, давлат даромадлари ҳажми 1996 йилда ЯИМ нинг 16,9 фоизи даражасига тушишининг асосий сабабларидан бўлди. Натижада, 1997 йилда Давлат бюджети тақчиллиги ЯИМнинг 3,7 фоизи мидорида, 1998 йилда эса, 5,5 фоизи (1,2 млрд. АҚШ долл.) даражада ўсиши юз берди. Бюджет тақчиллиги ҳажмининг ортишига таъсир қилган яна муҳим омил сифатида, пенсия билан таъминлаш тизимидағи ислоҳотларнинг амалга оширилиши бўлди. Давлат бюджетидан 1997 йилда 36 млрд. тенга, 1998 йилда 52 млрд. тенга Пенсия фондига трансферт сифатида, 23 млрд. тенга эса, ижтимоий тўловларни амалга ошириш учун тўланди.¹

Ислоҳотлар давомида эришилган энг катта ютуқ сифатида Қозоғистон Республикасининг чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича (аҳоли жон бошига нисбатан) Марказий ва Шарқий Европа, ҳамда МДҲ давлатлари орасида биринчи бешталиқдан жой олганлигини кўрсатиш мумкин. ЕТТБ банкининг маълумотларига асосан, мамлакатта жалб қилинган тўғри инвестициялар 1989-1996 йилларда 2761 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган. Шунингдек, МДҲнинг бошқа мамлакатларига нисбатан эркин солиқ тизими юзага келтирилди ва солиқлар сони анча қисқарди (амалдаги солиқлар жами 11 тани ташкил этади, эски қонунчиллик бўйича уларнинг сони 45 та эди).²

¹ М. Оспанов. Чего ждать? Будем жить или выживать. /Начнем день с понедельника. 1998. № 23(123).

² С. Павлов. Финансово-экономическая политика Казахстана в условиях трансформации экономики. /Вестник КазГУ. Серия экономическая. Алматы. 1998, №7. Стр.3.

Қозғистон Республикасида иқтисодий ислоҳотлар жадал амалга оширилаётган бўлсада, аммо мавжуд иқтисодий имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмаяти. Мамлакатдаги чет эл компаниялари асосан рангли ва қора металлургия, нефт, кимё саноатига жалб қилинган ва бошқа кўнгина стратегик аҳамиятта эга корхоналар чет эллик сармоядорлар қўлида. Шу ўринда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юксак технологияларни ишлаб чиқариш соҳаларига сармоялар жалб қилиш яхши йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаш зарур.

Хусусий секторга йўналтирилаётган сармояларнинг давлат томонидан кафолатланиши, давлат ташқи қарзларининг ортишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, Қозғистон ҳукумати мавжуд макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш учун, солиқлар ундирилиши тизимини тартибга солиши, ташқи қарзлар салмоғини пасайтириши зарур. Аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамлар билан экологик аҳволни яхшилашга ҳам давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни ошириш керак бўлади.

Қозғистон Республикасида бюджет тақчиллигини молиялаштириш. 1998 йилдан бошлаб, Қозғистон Республикаси Молия вазирлиги Миллий бэнкнинг тўғридан-тўғри кредитларини олишдан воз кечди. 1998 йилда бюджет тақчиллигини молиялаштиришда ноинфляцион воситалар билан бирга ташқи ва ички бозорлардан маблағлар жалб қилина бошланди. Ички маблағларнинг манбалари таркибида ўрта муддатли давлат хазина облигациялари сотилиш ҳажми сезиларли даражада ўсиб, тақчиллик жами молиялаштириш маблағларининг 42 фоизини ташкил этган бўлса, ташқи молиялаштириш манбаларининг улуси 58 фоизни ташкил этди. Давлат мажбурият-

лари бўйича фоиз тўловлари 1997 йилда 12,7 млрд. тенгани ташкил қилган бўлса, 1998 йилга келиб, бу кўрсаткич 26 млрд. тенгани ташкил этди¹.

Ўтган йиллар давомида Қозогистон Республикасининг молиявий мажбуриятлари бўйича бирор марта ҳам дефолт ҳолатига йўл қўйилмаганлиги, халқаро миқёсда мамлакатга бўлган ишончни янада оширди. Қозогистон Республикасининг тарихида биринчи марта, унга 1996 йилнинг ноябр ойида халқаро кредит рейтинги берилиши, мамлакатнинг дунё молия бозорларида 200 млн. АҚШ долл. миқдоридаги евробондларни эмиссия қилиш имкониятини берди. 1998 йилга келиб бу бозорларда 300 млн. АҚШ долл. миқдоридаги евробонд жойлаштирилди. Бу – хизмат қилиш давлат бюджетига анча қимматга тушадиган ички мабларларни қисқартириш ва инфляцион восита бўлган Марказий банк кредитларидан фойдаланишдан воз кечиш имкониятини берди. Бюджет тақчиллигини бошқариш бўйича Қозогистон Республикасининг тажрибаларини ўрганиб, бирқанча ижобий ҳолатлар билан бирга, мамлакатнинг халқаро бозорларга евробондларни жойлаштиришининг бошлаганини алоҳида эътироф этиш зарур.

4-§. Қозогистонда пенсия ислоҳотлари

МДҲ мамлакатлари ичида Қозогистон пенсия ислоҳотларини амалда жорий этиш бўйича етакчи давлат ҳисоблашади. Мустақилликнинг дастглабки йилларида Қозогистон бундай ислоҳотнинг муҳимлигини тушуниб етди ва Чили моделига асосланган ислоҳотлар бошлаб юборилди. Мазкур уч босқичли тизимни шакллантиришга йўналти-

¹ А.Исакова. Цифры и ещё раз цифры. /Деловая неделя. Алматы. (<http://www.asdc.kz/-niki/arch/1998/01-98/figures.htm>.)

рилған аниқ мақсаддарни амалға ошира бошлади. Агар Қозғистон ислоҳотлар моделига эътибор берадиган бўлсак, уни давлат корхоналарини хусусийлаштиришни тезлаштириш ва капитал бозорларни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқлигини кўриш мумкин. Қозғистонда амалға оширилаётган пенсия ислоҳотлари тезкор, кескин ва самаралиги билан ажралиб туради. Ислоҳотлар натижаси билан тизим таркиби уч йил давомида ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва ҳозирги вақтда амалға тадбиқ этилмоқда. Қозғистондаги ислоҳотларни пенсия ислоҳотлари мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу мисол, давлат кенг миқёсда пенсия ислоҳотига мақсадли йўналтиришга иштилса ва эътиборни уни амалға тадбиқ этишга қаратса, халқаро техник ёрдам ташкилотлари (USAID сингари) ва халқаро кредит агентликлари билан ҳамкорлигидан қандай натижаларга эришини мумкинлигини ифодалайди.

Айни вакттача, пенсия ислоҳоти бўйича эришилган ютуқлар ва шунингдек, у билан боғлиқ муаммолар ва келажакда юзага чиқиши мумкин бўлган қийинчиликлар муҳокама қилинмоқда.

Қозғистонда ислоҳотларнинг асоси. Собиқ иттифоқ даврида кўптина ижтимоий (имтиёз, нафақалар) ва иш ҳақига қўшимча тўловлар кўзда тутилган эди. Бу имтиёзлар ижтимоий таъминот сифатида маълум бўлиб, у ўз ичига субсидиялашган уй-жой, соғлиқ ва шунингдек, пенсия таъминотини олган эди. Бундай ижтимоий таъминот тартиби давлат ёки иш билан таъминловчи корхона мажбуриятларига тааллуқли эди. Унинг ҳажми умумий иш ҳажмининг 40 ёки ундан ортиқ фоизини ташкил этган эди. Иш ҳақи ва ижтимоий имтиёзлар ўргасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлмагани учун шахсий эҳтиёж ёки пенсия жамғармасига

райбат кичик ҳажмда ёки умуман бўлмаган. Давлат томонидан бериладиган шу каби ва бошқа имтиёзлар аҳоли томонидан мажбурийлик тусида қабул қилинган. Келгуси эҳтиёж ёки пенсия таъминоти учун шахсий ёки оиласий мажбурият тамойили мавжуд бўлмаган.

Тоталитар даврдаги пенсия тизими доимий тўловлар схемаси шаклида бўлиб, унда фуқаролар ногиронлик бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганилик ҳолатида ва кексалик туфайли, анъанавий пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга эдилар. Тизим фақаттина иш берувчи томонидан бериладиган иш ҳақидан 25,5 фоиз миқдоридаги мажбурий бадаллар өвазига молиялаштирилар эди. Ишчилар пенсия фондига ҳеч қандай бадал тўламас эдилар. Инфляция натижасида пенсиялар ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқилар эди.

Мустақилликка эришилгандан кейин ислоҳотга зарурат. Мустақилликка эришишдан аввал, Қозогистон иқтисодиёти собиқ Иттифоқнинг бошқа давлатлари иқтисодиёти билан узвий боғланган эди. Совет давлати парчалангандан кейин, режали иқтисодиётни ушлаб турувчи барқарорлик йўқолди. Нарх ва иш ҳақи устидан назорат олиб ташланди, ресурсларни тақсимлаш бўйича марказий режалаштириш тизими парчаланди, Қозогистон ҳукумати ва давлат корхоналарига субсидиялар келиб тушиши тўхтади. Уй-жой фонди хусусийлаштирилди, кўпгина ўрта ва кичик бизнес корхоналари пайдо бўлди. Собиқ Иттифоқ даврида хусусий мулк деярли қонунга зид ҳисобланган бўлса, мустақилликдан сўнг, хусусий корхоналар иқтисодиётда ўз ўрнини тоша бошлади.

1991 йилда Қозогистон ҳукумати минимал иш ҳақини ошириш асосида пенсия қонунига пенсияни (йилда З ёки

4 марта) оширишни тартибга солишни кўзда тутадиган ўзгартиришлар киригди. 1996 йилда бу каби ўзгартиришлар ўртacha пенсия тўловлари инфляция ўсишига нисбатан анча тез ўсишига олиб келди. Шу давр оралиғида пенсия таъминоти реснублика бюджети моддаларидан олиб ташланди ва пенсия тўловининг деярли ягона манбай бўлиб қолди.

Пенсия таъминотининг такомиллаштирилган тезлиги, демографик омил пенсия чиқимининг эркинлаштирилган қоидалари ва иқтисодиётдаги умумий тушкунлик натижаси, пенсияга чиқиши хоҳловчилар сони сезиларли даражада ошишига олиб келди. Кўпгина мезонлар бўйича ишловчилар учун маҳсус имтиёзлар киритилди, улардан баъзилари бундай хусусиятни юқори рискли мутахассисликларни ташкил этса, баъзилари ташкил этмайди. Ишчилар ўз ишларини давом эттира олмаслик қобилияти меҳнат шароитлари натижаси ёки натижаси эмаслигидан қатъи назар пенсия муддатидан илгари чиқиш ҳуқуқига эга эдилар. Масалан, токсик ёки радиоактив ифлосланишлар натижасида саломатликка салбий таъсир қилувчи ҳудудларда ишловчи ишчиларнинг 20 фоизи пенсияга муддатидан илгари чиққанлиги кузатилган. Ишловчилар ва пенсионерларнинг нисбати шу даражада қисқариб кетдики, 2 ишчи ҳар пенсионерни таъминлар эди. Агар 1990 йилда пенсионерлар сони аҳолини 14 фоизини ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб, бу кўрсаткич 16,8 фоизга етди. Баҳолашларга кўра, агар пенсия тизимига янгиликлар киритилмаганда, Қозогистонда 2014 йилда пенсионерлар сони ишловчилар сони билан тенглашар эди, 2030 йилда эса, ижтимоий таъминотга ажратмалар иш ҳақининг 40 фоизини ташкил этар эди.

Шунингдек, вазият ажратмалар даражасини жадал қисқариши билан ёмонлашди. Совет тизимида фойда корхоналар учун мотивлаштирувчи омил ҳисобланган, пенсия фондига ажратмалар эса, норағатлантирувчи омил сифатида қаралмаган. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида айниқса, хусусийлаштирилган корхоналар ҳолида, ажратмалар бевосита олинадиган фойдани қисқартиради. Муаммо яна ажратмалар маълум ишчига биринчилик маганлиги билан қийнилашар эди. Яъни, ажратмалар тўламаслик ишчини келажакдаги пенсия тўловларига тўғридан-тўғри ҳеч қандай зарар кўрсатмас эди. Йиғимлар тизимининг етарли даражада мукаммал эмаслиги, мазкур пенсия ажратмаларини сезиларни даражада пасайиниша олиб келди.

Шунингдек, тизим операцион муаммолардан ҳам зарар кўрди. Пенсия сиёсати республика даражасида аниқланар эди, лекин операциялар вилоятлар ва районлар даражасида назорат қилинар эди. Амалда пенсия фонdlари операцион даражада кўпинча бошқа ижтимоий тўловларга йўналтирилар эди, бу эса, пенсионерлар ҳолатини янада оғирлаштириди. техник жиҳатдан бошқа ижтимоий мажбуриятларни қоплаш учун ишлатилган маблағлар пенсия фондидан қарзга олинар эди. Лекин, амалда қайта тўлаш ҳоллари камдан-кам кўзда тутилган.

Ажратмалар вилоят даражасида йигилар эди. Баъзи вилоятларда ажратмалар ортиқча миқдорда тўпланади, бошқаларида эса, тақчиллик кузатиларди. Бир вилоятдан иккинчи вилоятга тизимни мувозанатлаш учун маблағларни қайта тақсимлаш ва мониторингини самарали йўлга қўювчи тизим амал қилмаган.

Пенсия тизимидағи ислоҳотлар билан бир даврда иқтисодий муҳитдә ҳам ўзгаришлар кузатилди. Нархлар усти-

дан назорат 1992 йилдан бекор қилинди, 1994 йил декабрида эса, иш ҳақи даражаси 50 фоиздан ортиқроққа түшиб кетди. ЯИМнинг ўртача даражаси 1990 йилга келиб 1995 йилгача 50 фоиздан ортиққа пасайди, ишсизлик эса, шу давр оралиғида деярли нолдан 9 фоизгача ўсди.

Ижтимоий әхтиёжлар ўсиб бораётган даврда иқтисодий имкониятлар жадал қисқарди. Пенсия тўловлари кечиктирилди ва 1997 йил бошларига пенсионерлар олдидаги қарз 36 млрд. тенгега етди, бу сумма 1 йил давомида умумий пенсия тўловларининг 45 фоизидан ортиғи эканлигини кўрсатди. Келиб тушмаган ажратмалар 58,2 млрд. тенгега етди, улардан 75 фоизини эса деярли йиғиб олиш мумкин эмас эди.

Қозогистонда пенсия тизими ислоҳотларининг таркибий тузилиши. Қозогистон ҳукумати пенсия тизими-даги инқироз чуқурлигини ва ислоҳот ўтказишга әхтиёжни тан олди ва мувофиқ амалларни бажаришни бошлади. 1995 йил декабрида «1996–1998 йилларда ислоҳотларни чуқурлаштириш» деб номланган режа қабул қилинди. У иқтисодий ислоҳотларни қисқа ва узок муддатли стратегияларини қамраб олди. Бу стратегия қуйидаги элементлардан иборат:

1. Табиий монополия ва майший хизмат соҳаларини тезкор хусусийлаштириш.
2. Хорижий инвестиция ва хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.
3. Капитал бозорларини шакллантириш.
4. Марказий банк ва тиҷорат банкларини ислоҳ қилиш;
5. Корхоналар бухгалтерия ҳисобини халқаро андозаларга мажбурий ўтишни ҳисобга олиб, бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш.

Қозғистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, бухгалтерия ҳисоби ва Солиқ кодексини халқаро андозаларга мос келадиган ва потенциал инвестицияларга муҳим ахборот тақдим этадиган тартибни қабул қилди. Шакланаётган бозор иқтисодиётини кучайтириш учун тижорат қонунчилигинга ўзгарттиришлар киритилди.

Ушбу соҳалардаги ислоҳотларнинг тезлиги ва кўлами оширилиши зарур эди. Бунга қўшимча равишда, деярли эътибор берилмаётган пенсия ислоҳотлари капитал ва суғурта бозорлари, давлат корхоналарини хусусийлаштиришни ривожлантириш билан боғлиқ яна бир муҳим пунктга айланиши керак эди.

1996 йилда халқаро донорлар (USAID) томонидан қўллаб-куватланаётган ҳукуматда пенсия ислоҳоти бўйича ишчи груҳи ташкил қилинди. 1997 йил марта 1-деги шу груҳ пенсия тизимида кўзда тутилаётган ислоҳотлар концепциясини чоп этди ва жойларга тарқатди. Май ойида концепция қайта кўриб чиқилемди ва груҳ аъзолари тақлиф қилаётган ислоҳотларнинг асосий таркибий қисмларини тушунтириш учун мамлакат бўйича тарқалиб кетишиди. Вилоят маъмурияти, касаба уюшмалари вакиллари, пенсионерлар грухлари ва оммавий ахборот воситалари билан учрашувлар ўтказилди ва жойларда мазкур ислоҳотларнинг моҳияти тушунтирилди. Тақлиф қилинаётган ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини Қозғистон аҳолисига маълум қилиш учун жамият билан алоқа бўйича компания ташкил қилинди. Бу компания ўз ичига матбуот анжуманларини, шаҳар йиғилишларини, теле ва радиодастурлар, газета ва журналларда мақолаларни ўз ичига олади.

Концептуал ишлар мутлоқ янги пенсия тизимини аниқловчи янги пенсия қонунчилигининг асоси сифати-

да хизмат қилади. Янги тизим пенсия тўловларининг уч манбаи мавжудлигини кўзда тутади ва улар қуйидаги-лар: давлат схемаси бўйича уч ой муддатдан ортиқ вақт оралигини ифодаловчи нафақаларни ажратиш иш берувчи томонидан тўланиб, иш ҳақидан 15 фоизли солиқ билан молиялаштирилади, иш ҳақидан 10 фонз ҳисоблаш ҳисобига молиялаштириладиган хусусий, мажбурий ёки жамғарилувчи схема ва ниҳоят иш берувчи ёки ишчи иккала томондан ихтиёрий, хусусий ажратмалари ўртача иш ҳақи билан боғлиқ ҳолда маълум даражагача солиқка тортилади.

Ҳозирда пенсионерларга пенсия тўлови учун пенсия суммаси ўзгармаган ҳолда давлатнинг пенсия тизимидан амалга оширилади. 1998 йил 1 январдан эътиборан, иш бошлаганлар пенсия мажбурий ва ихтиёрий ажратмалар тизимидан тўланади. Лекин ҳарбийларга, беш ва ундан ортиқ болали аёлларга ва ядрорий тажрибалар ҳудудида (Семипалатенск) 1949-1963 йиллар давомида яшаганларга маълум истисно берилди.

Иш ҳақидан 15 фоизли солиқ ва ишчиларнинг 10 фоизли ажратмаларидан келиб тушиши керак бўлган ҳамма пул маблағлари пенсия тўловларини давлат марказига давлат тўловлари ва юқоридаги схема бўйича пул ўтказиши учун лицензияга эга, давлатнинг жамғариладиган пенсия фондига ёки лицензияга эга хусусий пенсия фондларидан бирига тўлаб бериш масъулияти юклатилган. Ишчилар ўз ажратмалари қайси фондга инвестицияланишини давлатнинг жамғариладиган пенсия фондини ҳисобга олган ҳолда эркин танлаш ҳуқуқига эга. Меҳнат билан банд аҳоли ҳеч қайси фондни танламаса, у ҳолда маблағ автомат тарзда давлат фондидага жамғарилиб борилади.

Қонундаги бошқа мұхим ҳолатлар: пенсия ёшини эркактар учун 60 ёшдан – 63 ёшта, аёллар учун 55-58 ёшта – ошириш (бу ошириш аста-секинлик билан, бир неча йыл давомида амалға оширилиши керак зди) ва истемол нархлар индекси ортишига асосланған пенсия түловларини давомий тарзда қайта күриб чиқыштарни үз ичига олған зди. Яңги қонун ҳолатларига күра, боқувчисини йүқтоттанлық учун түлов, ногиронлық учун ва бошқа ижтимоий түловлар иш берувчи томонидан ижтимоий ажратмалар ҳисобига молиялаштирилиши мүмкін змас. Қонун бу мажбуриятни маҳаллий ҳукуматта үтказади ва түловлар түғридан-түғри республика бюджетидан амалға оширилнини керак. Яңги қонун 1997 йил 20 июня қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан бошлаб күчгә киригилди.

Яңги пенсия тизимини молиялаштириш схемаси. Яңги тизим мақсадға мувофиқ амалға оширилиши учун Қозғистон ҳукумати ҳамма қарздорлайлар түланиши керак-лигини түшуниб етди. Ҳукумат 1997 йилда барча пенсия қарзларни кечиктирилған түловлар күринишида түланишини зълон қилди. Шу давр оралығыда жорий пенсия түловлари кечиктирилиши күтілмайды. Шунингдек, индексация туфайли, пенсияни қайта ҳисоблашлар ҳам түхтатылади. Бу эса, яңги қонунни күчгә киритиш муддатигача ҳеч қандай муддати үттан қарзлар бўлмаслиги ва яңги тизим «тоза варакдан» иш бошланишини айлатади.

Қарзларнинг ҳисоб-китоб қиймати республика бюджети ҳисобидан қопланиши керак зди. Бу пулларнинг манбаи бўлиб, табиий ресурслар ривожланишидан роялти, халқаро молия агентликларидан кредитлар келиб тушиши ва Қозғистон ҳукуматига давлат объектларини сотишдан келиб тушган пуллар ҳисобланар зди. Пенсия

тўловлари учун, айниқса, окирги манба муносиб ҳисобланар эди, чунки сотилаётган давлат мулки кекса авлод меҳнати натижалари ҳисобланар эди.

1999 йил давомидаги хусусийлаштиришдан тушган даромадлар ҳам, давлат тизимиға ажратмалар камайиши ва кутилаётган пенсия тўловлари орасидаги тахмин қилинётган фарқни молиялаштириш учун ишлатилиши керак эди.

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида пенсия ёшидагилар сонининг аста-секин ортиши натижасида ва пенсияга муддатидан аввал чиқиш ҳуқуқига эга бўлган гурӯҳлар учун имтиёзлар бекор қилиниши, бу гурӯҳ олдидаги умумий мажбуриятлар пенсионерлар сонининг табиий равищда камайиб бориши эвазига, янги пенсияга чиққанлар сони камроқ бўлди, мавжуд пенсионерларга тўловлар қисқариши кўзда тутилмаган. 1998 йилда республика бюджетидан давлат пенсия схемасига трансферлар 685 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди.

Янги пенсия схемаси олдида турган муаммолар. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида юзага келадиган мурракаб ижтимоий муаммолардан бири – бу пенсия таъминоти масаласидир.

Қозогистон ҳозирги кунда кўпгина МДҲ мамлакатлари тўқнаш келган масалаларга тўқнаш келди. Бу тоифадаги масалалар сони ўсиб бормоқда, лекин Қозогистон ҳукумати бозор иқтисодиёти ва тўлақонли пенсия ислоҳотларини тадбиқ этиш йўлини танламоқда.

Собиқ Иттифоқда ижтимоий тўловларнинг ҳамма турлари барча фуқаролар учун туғилишидан то вафот этгунига қадар мажбурий тўлов сифатида қаралар эди. Бу тизим кексаликни ҳимояловчи якка хавфсизликни таъмин-

лар эди. Бошланғич босқичда 1996 йил май ойидан бошлаб, меҳнаткашлар томонидан амалга ошириладиган ихтиёрий ўтказмалар имкониятларини яратиш ва пенсия фондига хусусий ажратмалар қилиш учун пенсия қонуни ўзгартирилди.

Пенсия тўловларини бошқа авлодлар томонидан молиялаштирилиши бутун дунё бўйича кенг тарқалган усулдир. Нафақалар тўланадиган пенсия тизимига ўтиш жараёнида пулнинг қайта тақсимланиши юзага келади. Бунда ёш авлод бир томондан, кекса авлод пенсиясини молиялаштиришни давом эттиради ва иккинчи томондан, ўзининг пенсиясига омонатлар қўяди. Қарзларни молиялаштириш, ўтиш давридаги камчиликлар ёки бу камчиликлар қисмлари мажбурият юкининг узоқ вақт оралиғида тақсимланишига боғлиқ. Лекин, шунга қарамай, бу ҳолат юқорироқ солиқларга ва камроқ истеъмолга олиб келади. Бу пастроқ ҳаёт даражаси бозор иқтисодиётига ўтиш, аҳолининг кўпгина қатламлари иқтисодий қийинчиликларга рўбарў келаётган даврда пайдо бўлади.

Юқорида таъкидлаганидек, солиқлар тўланмаслиги бўйича Қозоғистон МДҲда одил ва транспорент солиқ кодексини қабул қилган биринчи мамлакат бўлса ҳам, мазкур қонунларнинг ҳали тўлиқ ижроси таъминланмаган. Яқин вақтда пайдо бўлган хусусийлаштирилмаган корхоналарда фойда олиш мотиви, деярли солиқ тўлашни қувватлаш учун хизмат қилмоқда, лекин олинаётган пенсиялар ўртасида бевосита алоқалар мавжуд эмас. Ушбу ҳолат йўлга қўйилса, қонунийликни қувватлашда ёрдам бериши мумкин эди.

Жамғармани амалга ошириш муҳимлиги сабабли, янги схема бўйича истеъмолнинг тўлақонли бўлмаслик дара-

жаси асосан ёши, жинси ва иш стажи давомийлиги бўйича тебраниши мумкин. Барча схемалардаги тебранишлар ажратмаларининг мумкин бўлган риски аёллар одатда, бутун умри давомида камроқ пул ишлашлари ёки ҳаёт давомийлиги узоқроқлиги натижасида бўлса ҳам, мазкур факт аёллар кўпинча турмуш ўртоқларининг пенсия фондларини меросга олишлари ёки, агар аёллар турмуш қурмаган бўлсалар, уларнинг пенсия стажи давомийлиги ўртачадан юқори эмаслиги билан компенсацияланади.

Юқорида таъкидланган камчиликларнинг таъсири бу гуниги кунда муқаррар бўлмаса ҳам, Қозоғистон ҳукумати уларга тайёр.

Пенсия ислоҳоти олдида турган яна бир катта муаммолардан бири бу – молия ташкилотларига бўлган ишонч даражаси ёки бу ишончнинг мавжуд эмаслиги. Банклар, траст компаниялари, ва инвестицион фондлар фаолияти билан боғлиқ можаролар, тўловлар бўйича кечикишларни ўз ичига олган жорий инқизорз буларнинг ҳаммаси пенсия схемасига бўлган ишончнинг пасайишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Қозоғистон ҳукумати ва АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) бу нуқтаи назарни миллий пенсия маъмурияти ва молиявий бозорларни назорат қилувчи миллий маъмурият компетенциясини ривожлантиришни давом эттириш орқали ҳал қилиш арафасида.

Янги пенсия тизимини жорий этиш. Қозоғистонда янги пенсия тизимини жорий қилиш қисқа давр оралиғида амалга оширилмоқда, лекин ҳозирдаёқ муҳим ва аҳамиятили натижалари кўринмоқда. Шу билан бирга, уни жорий этиш тезлиги маълум қийинчиликларга олиб келди. Бироқ, муаммо пайдо бўлиши билан бир вактда, улар ҳуку-

мат, USAID ва бутун донорлик ҳамжамияти билан самарали ҳал қилиниб борилар эди. Бошқача қилиб айтганда, пенсия ислоҳотига оппозицияда қолишни давом эттираётган ва шунингдек, янги пенсия тизимига аҳоли томонидан ишончизлиқ ва тушунмовчиликлар сабабли юзага келган маълум ижтимоий-иқтисодий кучларга қарамасдан, Қозогистонда бу тизим самарали жорий этилмоқда.

Пенсия тўловлари давлат маркази янги тизимининг фаолияти асоси ҳисобланади. Мазкур марказ давлатининг жамгарма тизимига ажратмаларни қабул қилиш ва тақсимлаш учун ҳамма пенсионерларга тўловларни таъминлаш учун, шунингдек, пенсия фонди ва пенсионерларга ажратмалари амалга оширувчи бирлашмаларнинг маълумотлар базасини ҳимоялаш учун институционал инфратузилма сифатида ишлаб чиқилган. Шу нуқтаи назардан пенсияларни тўлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси ҳисобланади. 1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб, пенсионерларга ҳамма тўловларни кечиктирмасдан амалга оширимоқда, ажратмаларнинг кутилаётган етишмаслигини молиялаш учун республика бюджетидан трансферлар қилинган башоратларга мувофиқ келмоқда. Жаҳон банки ва Осиё ривожланиш банклари ссудаларни республика бюджетидан шу трансферлар бўйича пенсия олувчиларга ўтишига кўмаклашяпти.

Давлат маркази банд бўлган тахминан 3,5 млн. ишчидан 2,7 млн. ишчиларнинг индивидуал ижтимоий кодлари (ИИК)га буюртманома олди. Индивидуал ижтимоий код — бу мукаммал рақам бўлиб, ҳар бир ишчи ва пенсионерга берилади ҳамда ишчиларнинг индивидуал ҳисобларини сақловчи калит ҳисобланади. ИИКга буюртманомалар кутилганидан ҳам секинроқ қайта ишланган бўлса ҳам, ИИК-

нинг вақтингчалик номерлари ҳамма ташкилотларга, уни тақсимлашда кечиктиришлар кагта бўлмаган, ёки тўловларни қайта ишлаш учун ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги сабабли ажратилди. ИИКнинг доимий рақамлари тақсимланмагунича ишловчиларни идентификациялаш учун вақтингчалик рақамлар ишлатилди. USAID ва уларнинг ҳамкорлари тизимни амалиётта жорий қилиш бўйича ижтимоий таъминот вазирлигига ИИК коддарига ишлов бериш масалаларини ҳал қилмоқдалар.

Ажратмалар ойига 70 млн. АҚШ доллари миқдорида келиб тушмоқда, шундан 60 фоизи пенсия схемасига, 40 фоизи ажратмалар схемасига сарфланмоқда, кутилганидек, 15 ва 10 фоизли солиқ ставкалари билан мувофиқ келмоқда. Деярли ҳамма схемаларга, ажратмаларга 24 кун давомида ишлов берилиб, давлат жамғарма пенсия фондига ўтказилади ва мос равишда хусусий фондга ҳам ўтказилади. Бу суммалар кутилаётган бадалнинг Қозогистонда расмий банд аҳолини деярли 70 фоизини, тахминан 6,5 млн. киши иш фаолиятидан иш ҳақи олмайдиганларини ҳисобга олиб, ишга лаёқатли аҳолининг 45 фоизини ташкил этди.

Қисқача қилиб айтганда, Қозогистонда пенсия ислоҳоти фаолиятининг кейинги ривожланиши ҳукуматнинг ислоҳотларга ва ҳалқаро донорлик ҳамжамиятларини қўллаб-қувватлаш тарафдори эканлигининг ёрқин исботи ҳисобланади.

Қозогистонда пенсия ислоҳотлари муаммолари ва имкониятлари. Қозогистонда амалга оширилаётган пенсия ислоҳотлари айни ҳақиқат бўлиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш тезлиги жуда юқори, лекин бу ислоҳотни кўп йиллар давомида қўллаб-қувватлаб турадиган ишончли мо-

лиявий платформани қабул қилиш учун кўп ишларни амалга ошириш керак бўлади. Бу масалаларнинг айримлари кенг қамровли, иқтисодий ислоҳотларнинг ажralmas қисми ҳисобланади, айримлари эса, фақатгина пенсия ислоҳотига хос бўлган хусусиятлар бўлиб, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам, ушбу ислоҳотнинг узоқ муддатли муваффақиятли фаолияти учун жуда муҳим ҳисобланади.

Қонунчилик асоси ва унинг тартибга солиниши. Хусусий пенсия тизимининг муваффақиятли фаолияти учун зарур бўлган қатор юридик меъёрлар Қозогистон қонунчилик тизимига янада чуқурроқ киритилиши керак. Хусусий пенсия фонди ёки унинг васийсининг банкротга учраган ҳолатида бенефициар активларини ҳимоялаш учун зарурат туғилади. Ишчилар, пенсия фондининг бошқарувчиси, активлар бошқарувчиси васийнинг хуқуқлари ва аҳамиятини аниқлаш билан намунавий келишувлар кучайтирилиши лозим. Ахборот олиш бўйича қонун ишчиларнинг пенсия фондлари, инвестициялари ва ўзларининг индивидуал ҳисоблари тўғрисида ўз вақтида ва ишончли ахборот олиш имкониятлари кентайтирилиши зарур. Ҳозирги кунда пенсия ислоҳотларига оид ҳамма масалалар USAID грухи ва Қозогистон ҳукуматидаги уларнинг ҳамкорлари томонидан фаол муҳокама қилинмоқда.

Пенсия фондлари, активлар бошқарувчилари, брокер, дилер ва васийларни лицензиялаш тартиби минимал даражада халқаро андозаларга мувофиқ келиши лозим. Санкцияларни шу тартибда ишлаб чиқиш керакки, улар бир томондан иштирокчиларни бозордан сиқиб чиқармаслиги, иккинчи томондан, майда ҳуқуқбузарликларни ҳам жавобгарликсиз қолдирмаслигини таъминлаш керак. Шунингдек, ишчиларни кўзбўямачиликлар ва нолойиқ савдо

тажрибасидан ҳимоялаш ҳолатлари ҳам кучайтирилиши керак. Бу масалалар ҳам USAID ва Қозоғистон ҳукумати томонидан пухта ўрганилмоқда.

Пенсия фондлари, активларни бошқарувчилар, брокер, дилер ва васийларни мавжуд қонунчиликка бўйсунишини таъминловчи ишончли лойиҳалар тасдиқланиши керак. Солиқ қонунчилиги соҳасида қонунларга бўйсуниш бўйича назоратни кучайтириш керак, шунингдек, солиқ инспекциялари билан фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаши ва қонун бузилишлари учун жазони таъминлаши зарур. Буларнинг ҳаммаси Еарбий техник маслаҳатчилар томонидан ислоҳотларни доимий қўллаб-қувватлаш соҳаси ҳисобланади.

Аҳолини пенсия тизими ва молия муассасаларининг ишончлилигига ишончи ихтиёрий қўшимча ажратмаларга қарамасдан, аҳолининг янги схемада иштироқини рафбатлантириш учун тикланиши керак, шу билан бирга, иш берувчининг қонунларга риоя қилишига ва керак бўлган солиқ ажратмаларини амалга оширишга мажбурлаш учун керак.

Айнан, молия соҳасида кўпинчा пенсия ислоҳотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислоҳотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади. Капитал бозори ривожланиши, пенсия фондлари пулларини инвестиция қиласиган молиявий дастакларини тақдим этиш учун жуда муҳим. Шу тарзда кўпайиб бораётган инвестициялар давлат ва хусусий инвестицияларни молиялаштириш зарур ҳисобланади. Шунингдек, сугурта соҳасига ҳам эҳтиёж сезилиб, унда иқтисодиётдаги ҳамма молиявий рисклар сунургаланади ва молия инструментларига инвестициялашни таъминлаш зарурати юзага келади. Хусусийлаштириш дастурини тез-

лаштириш жараёни инвестицияларнинг янги ички имкониятларини тақдим этади. Агар, Қозоғистон хусусий жамғарма фондлари ўртасида реал рақобатта эришса, инвестицион имкониятлари сони ва хилма-хиллиги ўсиши керак. Қимматли қофозлар бозорини ислоҳ қилиш бўйича USAID лойиҳаси бунга ёрдам беради, шунингдек, бу соҳада бошқа донор бирлашмалар техник ёрдам бериш арафасида.

Пенсия фондига тўловлар камайиб бораётганига қарамасдан, давлат фондларини эски пенсия схемаси бўйича кафолатланган пёnsияларни молиялаштириш имконияти жуда муҳим. Бундан ташқари, ҳукумат ажратмаларининг янги тизими бўйича минимал кафолатлар тақдим этилиши керак. Бунда энг муҳими, тизимга ишончни тиклаш ҳамда тўловларни ўз вақтида амалга ошириш учун жорий эҳтиёжнинг мавжудлигиdir. Ҳозирги вақтда бу эҳтиёжлар қисман халқаро кредит муассасалари томонидан ўз вақтида тақдим этилаётган молиялаштириш эвазига қопланмоқда.

Агар пенсия фондининг активлари керакли тарзда инвестицияланаётган бўлса, янги тизим бўйича олинаётган бадаллар қопланиши учун етарли қувватга эҳтиёж сезилади. Пенсия фондининг бошланғич босқичларида ҳам, унинг муддатли табиати билан узвий боғланишлар ҳосил қилиш учун иқтисодиётта узок муддатли кредитлар зарур бўлади.

Индивидуал ижтимоний кодлар жорий этилиши учун фақаттина ишловчиларни эмас, балки пенсионерларни ва шунингдек, жамиятнинг ишсиз сегмент (қатлам)лари ҳам қамраб олиниши, уларни тезлаштириш ва кенгайтириш керак. Ажратма ва пенсия тўловлари бўйича ахборотлар-

ни марказлаштириш учун ахборот тизимини ривожлантиришга эҳтиёж мавжуд. Ажратмалар бўйича индивидуал ҳисоблар сақланиши учун, шунингдек, давлат агентликлари қаторида ажратмалар ва ҳисобдаги қолдиқлар бўйича ахборот олиш имкониятини тақдим этиш учун қувватлироқ жиҳозлар ва мураккаброқ дастурлар таъминоти зарур. Ва ниҳоят, бутун молиявий ҳужжатлаштириш бўйича молиявий ахборотлар ишончлилиги ва доимийлигини таъминлаш учун халқаро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг янги андозалари қабул қилиниши тақазо этилади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Қозғистон Республикасида бюджет тизими ислоҳотларининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
2. Республика ва маҳаллий бюджет даромадларининг асосий манбалари нималардан иборат?
3. 2002 йилда Қозғистонда Хизначилик тизимини жорий этиш мамлакат молия тизими ислоҳотларида қандай натижалар берди?
4. Бюджетларо муносабатлар тизими соҳасидаги ислоҳотлариниг ҳуудудлар иқтисодийтини ривожлантиришдаги ролини изоҳланг.
5. Бюджет тақчилитини бошқаришининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Қозғистонда пенсия тизими ислоҳотларининг таркибий тузилиши ва асосий босқичлари қандай?
7. Қозғистонда пенсия ислоҳотлари муаммолари ва имкониятларини тушунтиришинг.

2-ҚИСМ. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯ ТИЗИМИ

АҚШ МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ВА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ

1-§. АҚШ МОЛИЯ ТИЗИМИ

Ўтган асрнинг 70-йилларида нефт нархларининг бир неча марта сакраши, дунё бўйлаб инфляция жараёнларининг ўсиши, молиявий инқироз ва нефт маҳсулотларига бўлган нархларнинг нобарқарорлигидан сўнг, 1980 йиллар бошларида дунё янги инқироз ва инфляцияга тўқнаш келди. 1980 йиллардан бошлаб, АҚШда иқтисодий тушкунлик кузатила бошланди. Истеъмол нархлари 13,5 фоизга ошди, дунёнинг ўнта асосий валютасига нисбатан АҚШ доллари ўзининг 1973 йилдаги қийматининг 87,3 фоизини ташкил этди.

Ишсизлик даражаси миллий андозаларга нисбатан 7 фоизни ташкил этди. Ҳукумат тепасига келган Рейган маъмурияти ушбу мураккаб ҳолатлар таъсирида кескин иқтисодий сиёsat юрита бошлади ва бу «Рейганомика» номини олди. Мазкур сиёсий тартиб назарий жиҳатдан қўйидагича эди:

- инфляцияни жиловлаш мақсадида қаттиқ пул-кредит сиёсатини юритиш;
- жамғарма ва инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида солиқларни камайтириш;
- ресурсларнинг хусусий секторга оқиб ўтишини таъминлаш мақсадида давлат харажатларини қисқартириш;
- бозор рақобатини рағбатлантириш учун иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш.

Умуман, ушбу сиёсат натижаси анча қониқарли бўлди ва натижада 1980–1987 йилларда инфляция ва қисқа муддатли фоиз ставкалари наслайди.

Аммо, ушбу жонланиш давлат харажатларини даромадлар билан қонгланмаган қисмини 1980 йилдаги 73 млрд. доллардан 1987 йилда 149 млрд. долларга ўсиши эвазига юз берди. Бунда тўлов балансидаги тақчиллик 1982 йилдаги 8 млрд. доллардан 1988 йилда 120 млрд. долларга ўси.

1983–1985 йилларда федерал бюджет ва савдо балансидаги тақчилликни молиялаштиришга хорижий каниғалнинг ортиши натижасида доллар қиймати ортди.

АҚШ молия тизими учта асосий компонентдан ташкил тошган: молиявий институтлар, молиявий бозорлар ва молиявий инструментлар. Молиявий институтларнинг асосий мақсади — қарз берувчилар маблағларини ишлаб чиқаришга йўналтиришdir.

Молия институтларининг ўзи ҳам учта йирик категориядан ташкил тошган: молиявий воситачилар, агентлар ва брокерлар, товар ва фонд биржалари.

Биринчи категорияга тижорат ва жамғарма банклари каби депозит муассасалари; ҳаётни суғурталовчи фирмалар ва пенсия фонdlари каби шартнома институтлари; мулкни суғурталовчи фирмалар ва инвестиция фонdlари каби шартномасиз муассасалар мос келади.

Иккинчи категория ўз ичига ипотека ва инвестиция банкларини, шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар оцерациялари бўйича брокер ва дилерларни олади.

Сўнги категорияга товар ва фонд биржалари, шу жумладан, опционлар, фьючерслар, своплар ва хорижий валюта савдоси киради.

Ҳукуматнинг турли даражадаги назорат агентликлари молия институтлари ва бозорлари устидан назоратни амалга

оширади ҳамда уларнинг меъёрий фаолиятини таъминлайди. Назорат агентлари орасида Федерал Захира тизими (АҚШ Марказий банки) энг таъсирчан ва у ҳукуматнинг молия агенти сифатида фаолият юритади. Федерал Захира тизими томонидан юритиладиган шул-кредит сиёсати очиқ бозордаги операциялар, ҳисоб фоиз ставкалари ва захира талабини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Федерал Захира тизими шул массаси ва ссуда фоиз ставкаларига таъсир этади. Ўз навбатида, ушбу ўзгаришлар ЯИМ, нархлар даражаси, бандлик ва доллар қийматига таъсир этади.

Молия бозорлари АҚШ молия тизимининг яна бир муҳим бўлаги ҳисобланади. АҚШда узоқ муддатли ва қисқа муддатли молия бозорларининг мавжудлигини кузатиш мумкин.

Узоқ муддатли ссуда капитали бозори: қимматбаҳо қоғозлар бозори (фонд биржаси); саноат, чет эл ва давлат облигациялар бозори; ипотека бозори; истеъмол кредитини ўз ичига олади.

Қисқа муддатли бозор — шул бозори (қисқа муддатли капитал), валюта бозори, муддатли битимлар бўйича молия бозори (опцион бозори), фьючерс бозори, своп бозоридан ташкил топади.

АҚШ молия тизимида турли хил молия инструментларидан фойдаланилади. Қисқа муддатли капитал бозорининг инструментларига хазина векселлари, депозит сертификатлари, банк акцентлари, тижорат векселлари, федерал захира фонdlари (шул бозорида одди-сотди предмети бўлиб хизмат қилиувчи захира қолдиклари), қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва келишилган баҳода қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битим, брокер ва дилерларга қарзларни киритиш мумкин.

Молия инструментлари – бу, қонун билан ҳимояланған юридик талабдир. Аммо, шуны ёдда тутиш лозимки, молия инструментларини тутиб турувчилар (инвесторлар) берилған ссудани қайтарилемаслиги бүйича маълум даражада рискка тортилғандыр. Инвесторлар кредит мажбуриятларини иккиламчи бозорларда (муомалага олдинроқ чиқарылған қимматбаҳо қоғозлар олди-сөтдиси амалга ошириладиган) муддатидан олдин сотишта эришиш орқали, уларнинг ликвидилигиги таъминланади. Инфляция, ссуда фоизларининг ўзгарувчан даражаси, хорижий валюта курсларининг ўзгариши, ушбу молия инструментларидан олинадиган реал даромадларга таъсир этади. Молия бозорининг барча иштирокчилари кўплаб рисклар, жумладан: ссудалар бүйича тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик рисклари, инвестиция рисклари, реинвестиция риски, инфляция риски, сиёсий рисклар, валюта рисклари кабилар ҳақида тўла ахборотта эга бўлган ҳолда фаолият юритишилари шарт.

АҚШда давлат молия тизими таркибий жиҳатдан қуидагиларни ўз ичига олади: федерал молия тизими, 50 штатнинг молия тизими, 82 мингдан ортиқ нисбий автоном ташкилий тузилмалар ва ўз маблағлари ҳамда биректирилган молиявий ресурсларига таянган ҳолда маълум функционал ваколатларга эга маҳаллий маъмурӣ тузилмаларни (графликлар, муниципалитетлар, таунлар, мактаблар, маҳсус округлар ва бошқалар).

Федерал бюджет йили 1977 йилдан бошлаб 1 октябрдан бошланадиган бўлди (бундан аввал 1 июлдан бошланган). Айрим штатларда (Алабама, Мичиган, Вашингтон) молия йили – 1 октябрдан, Техасда – 1 сентябрдан, Нью-Йоркда – 1 апрелдан, бошқа кўплаб штатларда – 1 июлдан бошланади.

АҚШ молия тизимида етакчи ўринни бюджет тизими нинг 60 фоизга яқин даромад ва харажатларини амалга оширувчи федерал бюджет тизими эгаллади. АҚШда федерал бюджет — давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турувчи асосий инструмент ҳисобланади. Ушбу бюджет маблағлари ҳисобидан ҳарбий соҳани молиявий таъминлаш, бошқа давлатларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатига таъсир ўтказиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда давлат аралашувини таъминлаш, кўп сонли давлат аппаратини сақлаш каби харажатлар молиялаштирилади.

2-ғ. Солиқ механизми ва унинг долзарб муаммолари

АҚШ солиқ тизими федерал солиқлар, штат солиқлари ва маҳаллий ҳукумат органлари солиқларидан иборатdir:

11-жадвал

АҚШ солиқ тизими

	Федерал солиқлар	Штат солиқлари	Маҳаллий солиқлар
1.	Даромад солиги	Даромад солиги	Даромад солиги
2.	Корпорациялар фойдасига солиқ	Корпорациялар фойдасига солиқ	Корпорациялар фойдасига солиқ
3.	Ижтимоий суғурта солиги	-	-
4.	Акцизлар	Акцизлар	Акцизлар
5.	-	Сотувга солиқ	Сотувга солиқ
6.	Божхона боялари	-	-
7.	Мерос ва совғаларга солинадиган солиқ	Мерос ва совғаларга солинадиган солиқ	Мерос ва совғаларга солинадиган солиқ
8.	-	Мулкий солиқлар	Мулкий солиқлар
9.	-	Автотранспорт эгаларига солинадиган солиқ	-
10.	-	-	Экология солиқлари

Асосий солиқ турларидан параллел равишда фойдаланиш Америка солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятли жиҳатларидан биридир. АҚШда аҳоли даромад солиғининг уч тури (федерал, штат, маҳаллий), корпорациялар фойда-сига солинадиган солиқининг уч тури (федерал, штат, маҳаллий), мулкий солиқининг икки тури (штат, маҳаллий) амал қилади.

АҚШ федерал бюджети асосан, солиқди тушумлар ҳисобига шаклланади (12-жадвалга қаранг).

12-жадвал
АҚШ федерал бюджети даромадларининг тузилиши
(фоиз ҳис.)

Жисмоний шахслар даромадига солиқ	41
Ижтимоий сугуртага ажратмалар	34
Корпорациялар фойда-сига солиқ	10
Акцизлар	3
Қарз воситалари	8
Бошқа даромадлар, шу жумладан, мерос ва совғаларга солинадиган солиқ ҳамда давлат божлари	4
Ҳаммаси	100

Аҳоли даромадидан олинадиган солиқ – бюджетнинг энг йирик даромад манбайдир. Бундай ҳолат солиқ тўловчилар сонининг доимо ошиб бориши ҳисобига эришилган. Биринчи жаҳон урушидан олдин солиқ тўловчилар сони 1 млн. га яқинни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1939 йилда 5 млн. кишини, ўтган асрнинг 80-йилларнинг ўрталарида эса, 100 млн. кишидан ошиб кетди. Солиқка тортиш объекти бўлиб, барча даромад манбалари (иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар, қимматбаҳо қорозлардан келадиган даромадлар ва бошқалар)дан ибо-

рат ялпи даромад ҳисобланади. Солиқ субъекти оила ёки алоҳида бир шахсdir. Солиқ ставкалари солиқ тўловчи-нинг оилавий аҳволи ва солиқка тортиладиган даражага қараб табақалаштирилади. Қуйидаги 13-жадвалдан 2002 йил учун жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкаларини кўриш мумкин.

13-жадвал

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган Федерал солиқ ставкалари

Бўйдоқлар учун	Биргаликда оила сифатида қайд қилинганлар ёки бева қолганлар учун	Алоҳида ҳолда қайд этилган оилалилар учун	Оила бошлиqlари учун	Солиқ ставка лари
6000 долл.гача	12000 долл.гача	6000 долл.гача	10000 долл.гача	10%
6001-27950 долл.	12001-46700 долл.	6001-23350 долл.	10001-37450 долл.	15%
27951-67700 долл.	46701-112850 долл.	23351-56425 долл.	37451-96700 долл.	27%
67701-141250 долл.	112851-171950 долл.	56426-85975 долл.	96701-156600 долл.	30%
141251-307050 долл.	171951-307050 долл.	85976-153525 долл.	156601-307050 долл.	35%
307051 ва ундан ортиқ	307051 ва ундан ортиқ	153526 ва ундан ортиқ	307051 ва ундан ортиқ	38,6%

Ижтимоий суғуртага солинадиган солиқлар даромад манбаларида ҳажми жиҳатдан иккинчи ўринда туради. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам, АҚШда ҳам ушбу тўловлар бўйича солиқ оғирлиги тенг улушларда иш берувчи ва ишчи зиммасига юклатилади.

Корпорациялар даромадига солинадиган солиқ салмоғи жиҳатидан даромад солиғидан кейинги үринларда туради. Охирги 35 йил ичида солиқ ставкаси деярли икки баробарға камайды. Айрим ҳолларда, корпорациялар антимонопол қоңуғчилікка мувоғиқ, фойданинг ортишидан ҳам солиқ тұлайдалар.

Акциз ва божхона божларидан келадиган тушумлар іюкори салмоққа эта эмас. Акциз тушумларининг деярли ярни вино-ароқ ва тамаки маҳсулотларына түрі келади. Штат солиқді тушумлари тузилишида солиқлар нисбати федерал солиқ тушумларидан фарқ қиласы (14-жадвалға қарасты).

Умумий сотувға солиқ штат солиқлар тушумлари ичида іюкори салмоққа отарады. Солиқ обьекти бўлиб, товарлар сотишдан тушган ялии түшум ҳисобланади. Алоҳида маҳсулот турларига солинадиган акцизлар моҳияти жиҳатидан умумий сотувға солинадиган солиққа яқиндириледи.

Штатлар даромад солиғи тузилиши жиҳатидан федерал даромад солиғига мос келади. Бунда айрим штатларда солиқ ставкалари бўйича имтиёзлар турлича белгиланиши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ичида экология солиқлари алоҳида үрин згаллады. Ушбу солиқларни жорий этишдан асосий мақсад атроф-муҳитни зарарли саноат чиқиндилаидан муҳофазалашадыр. Экспертларининг фикрича, ушбу солиқлардан келадиган тушумлар салмоғи истиқболда йил сайин ошиб боради.

Солиқ турлари бўйича штат солиқлар тушумлари тузилиши

Солиқ турлари	Фоиз
Умумий сотувга солиқ	32
Жисмоний шахслар даромадига солиқ	30
Корпорациялар фойдасига солиқ	7,9
Ёқилғига акциз	63
Тамакига акциз	2
Спиртли ичимликларга солиқ	1,6
Автотранспорт эгаларига солишадиган солиқ	3,5
Мулкий солиқлар	2
Мерос ва совғаларга солишадиган солиқ	1

АҚШда солиқ тўловлари устидан назоратни Молия vazirligi таркибига кирувчи Ички Даромадлар хизмати (ИДХ) олиб боради. ИДХ ўтган аср ўрталарида ташкил этилган бўлиб, унинг таркибий тузилиши марказий аппарат, ҳудудий солиқ бошқармалари ҳамда жойлардаги солиқ бошқармаларидан иборатdir. Ушбу органларцнинг vazifalari этиб қўйидағилар белгиланган: 1) солиқ тушумлари устидан назорат; 2) солиқ декларацияларининг аниқ ва тўғри тўлдирилиши; 3) солиқлар бўйича боқимандаликни ундириш; 4) ортиқча тўланган солиқ суммаларини солиқ тўловчиларга қайтариш; 5) солиқ тўламаган шахсларга жарималар солиш.

3-§ Бюджет харажатлари

Федерал бюджет харажатлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда, унинг ҳажми 1986-1987 йилларда 1015,6 млрд. долларни ташкил этган.

Федерал бюджетдан ажратиладиган маблағлар ичida ҳарбий харажатлар салмоқли ўринни эгаллайди. Ўтган

асрнинг 80-йилларида ушбу мақсадлар учун федерал бюджетдан жами ҳаражатларнинг 27–32 фоизи миқдорида маблағлар ажратилган. Агар ушбу маблағлар ўсишини миқдорий жиҳатдан ифодаланса, 1949–1950 йилдан 1959–1960 йилгача 13 млрд. долларга, 1969–1970 йилдан 1979–1980 йилгача 45,2 млрд. долларга, 1979–1980 йилдан 1986–1987 йилгача 282,2 млрд. доллар ҳажмига ортган. Шундай қилиб, ўрганилган ўттиз етти йил мобайнида АҚШнинг тўғридан–тўғри ҳарбий ҳаражатлари 22 маротаба ошган ва Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ушбу мақсадлар учун умумий миқдорда 3 трлн. доллардан ортиқ ҳаражатлар амалга оширилган. Федерал бюджетдан ҳарбий ҳаражатларни амалга ошириш ҳажмлари Р.Рейган маъмурияти даврида кескин ортди ва у 1986–1987 йилларда ЯИМнинг 6,7 фоиз миқдорига етди. 1987–1988 йилларда ҳарбий ҳаражатлар учун бюджетдан 289 млрд. доллар миқдорида тўғри ҳаражатларни амалга ошириш кўзланган. Ушбу ҳаражатларнинг асосий қисми, энергетика вазирлигининг ҳарбий дастурлари, НАСА (аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш бўйича миллий маъмурият)га ажратилади. Масалан, космосни ҳарбийлаштириш мақсадларига федерал бюджетдан 1987–1988 йилларда 3,3 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилган. Бу соҳада жорий ҳолатга назар соладиган бўлсак, ҳарбий ҳаражатлар ҳар йили 360 млрд. доллар атрофида амалга оширилмоқда.

Умуман, АҚШ федерал бюджетининг ҳарбий ҳаражатлари ҳақида фикр юритганда, ушбу ҳаражатларнинг кўпчилиги барча мамлакатлар қаби яширин тусда эканлигига эътиборни қаратиш лозим. Мутахассисларнинг фикрича, ҳарбий ҳаражатлар тўғридан–тўғри амалга оши-

риладиган, эгри ва бюджетнинг фуқаролик моддалар таркибида «яширинган харажатлар» кўринишида жами федерал бюджет умумий харажатларининг 45 фоизига яқинини ташкил этади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашув харажатлари – илмий–тадқиқот ва тажриба–конструкторлик ишланмаларни (**ИТТКИ**), саноат, энергетика, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, табиий ресурслар муҳофазаси, шунингдек, йўл, шаҳар, майший ва уй хўжалигининг зарурий жабҳаларини молиялаштиришни ўз ичига олади. Ушбу харажатлар таркибида ИТТКИ харажатлари алоҳида ўрин тулади; уларнинг салмоқли қисми (70 фоизга яқини) ҳарбий дастурлар доирасида амалга оширилади. Кемасозлик соҳасидаги йирик корпорацияларга субсидиялар ажратилади. Қишлоқ хўжалигига ажратиладиган субсидиялар асосан, фермерларни қўллаб–қувватлашга ва улар етиштираётган маҳсулотларга давлат буюртмаларини бериш, квоталар тизимини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини барқарорлаштириш кабилар киради.

АҚШ федерал бюджети харажатлари таркибида чет мамлакатларга субсидия ва кредитлар кўринишидаги турли хил ёрдамлар йирик ҳажмни ташкил этади. Ушбу ёрдамлар фақатгина иқтисодий мақсадларда бўлмасдан, балки «бегараз ҳарбий ёрдамлар», ёки арzon баҳоларда қурол–аслаҳа етказиб бериш кўринишида ҳам амалга оширилади.

Федерал бюджетдан ижтимоий мақсадларга ажратиладиган маблағлар салмоғи ўтган асрнинг 60–йилларига келиб анча кенгайди. Ушбу харажатлар қўйидагиларни ўз ичига олади: жамоат транспортини субсидиялаш, тегиш-

ли бюджетларидан таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий мақсадлар учун харажатларни амалга оширувчи маҳаллий ҳукумат органларига дотациялар ажратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси маълум чегарада уцилаб туриш ва ҳоказолар.

Бошқарув харажатлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд марказий органлари харажатларини молиялаширишини ўз ичига олади.

4-§. Федерал бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқариш

Федерал бюджет даромадларининг тизимили ортишига қарамасдан, бюджет харажатларининг ўсиш даражасидан ортда қолмоқда ва натижада ҳосил бўлган бюджет тақчиллиги асоратли тус олмоқда. АҚШда федерал бюджет президент Г.Трумэн даврида (1946–1953 йй.) – 4,4 млрд. доллар; Д.Эйзенхаузер даврида (1954–1961 йй.) – 15,8 млрд. доллар; Д.Кениеди даврида (1962–1963 йй.) – 11,9 млрд. доллар; Л.Джонсон даврида (1964–1969 йй.) – 42,0 млрд. доллар; Р.Никсон даврида – 66,8 млрд. доллар; Д.Форд даврида (1975–1976 йй.) – 111,6 млрд. доллар; Дж. Картер даврида (1977–1980 йй.) – 181,0 млрд. доллар; Р.Рейган даврида (1981–1986 йй.) – 1030,2 млрд. долларни ташкил этган ва ҳоказо.

Ушбу юзага келган тақчилликни молиялаширишининг асосий манбай сифатида, давлат, қарздорлик облигацияларидан фойдаланилмоқда. Натижада, федерал ҳукуматининг қарздорлиги 2 трлн. доллардан ортиб кетди ва ҳар йили ушбу қарздорлик бўйича тўланадиган фоизлар миқдори федерал бюджет харажатларининг 10–15 фоизини ташкил этмоқда.

АҚШда давлат ижтимонй таъминот тизими ва ижтимоний сұғурта қуидегиларни ўз ичига олади: ёни бўйича, боқувчисини йўқотганлиги учун, ногиронлик учун таъминот (ижтимоий сұғуртанинг умумий федерал дастури); вақтиначалик иш қобилятини йўқотганлик учун, ишлабчиқаришда шикастланиш ва қасбий касалликда бериладиган турли нафақалар. Бундан ташқари, маҳсус дастурлар доирасида регламентлаштирилган ижтимоий ёрдамлар — давлат хизматчиларини ижтимоий сұғурталаш (ҳарбий хизматчилар), уруш фахрийларига тўловлар, темир йўлларда хизмат кўрсатувчиларни ижтимоий сұғурталаш қабилар. Аҳолининг қашшоқ қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича қашшоқликни тутатиш дастури орқали маълум ижтимоий таъминот хизматларини кўрсатиш алоҳида аҳамият қасб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат бюджети тақчилити муаммоси билан нафақат ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти, балки иқтисодий жиҳатдан ривожланган етакчи давлатлар иқтисодиёти ҳам тўқнашаётганлигини кузатиш мумкин. Шундай давлатлардан бири бўлган АҚШ Иккинчи Жаҳон уруши йилларигача давлат бюджети тақчилити муаммосига деярли тўқнаш келмаган эди. Мунтазам иқтисодий ўсиш, катта миқдордаги табиий бойликлар, узоқ вақт ҳукм сурган тинчлик ва Биринчи Жаҳон урушида қўлга киритилган иқтисодий манфаат, давлат бюджетини меъёрий ҳолатда бўлишини таъминлаган асосий омиллар эди. Аммо, асримизнинг иккинчи ярмидан бошланган бюджет тақчилити ва ўсиб борувчи давлат қарзлари, мамлакат олдида турган асосий молиявий масала бўлиб қолди.

**1960-1989- йилларда АҚШ Давлат бюджети
(ЯИМга нисбатан фоиз)¹**

Күрсаткичлар	1960-1969 й.	1970-1979 й.	1980-1988 й.	1989 й.
Харажатлар	19,0	20,5	23,1	22,2
Фоиз тұловлары	1,3	1,7	2,9	3,3
Даромадлар	18,2	18,4	19,0	19,2
Тақчиллик (үртача)	0,8	2,1	4,1	3

15-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тақчиликнинг ортишига асосан, давлат харажатларининг кўпайиши сабаб бўлган. Харажатлар таркибида ҳарбий харажатлар, чет мамлакатларга кўрсатилган ҳар хил сиёсий ва иқтисодий ёрдамлар, шунингдек, давлат қарзлари бўйича фоиз тұловлари сезиларли таъсир кўрсатган. Биргина ички қарзлар бўйича фоиз тұловлари 1980 йиллар охирларига келиб, ЯИМнинг 3,3 фоизини ташкил этган. 1981-1983 йиллар оралиғида АҚШда аҳоли даромаларидан олинадиган солиқ ставкалари 30 фоиз қилиб белгиланган эди. Кемп-Роф қонуни бўйича солиқлар қисқартирилди ва аҳоли даромадларига солинадиган солиқقا, фақат 2 хил чегара белгиланганди: 15 ва 28 фоиз.² Солиқларни соддалаштириш ва қисқартириш қуидаги самарадорлилик далилларига асосланган эди: юқори солиқ ставкалари меҳнат унумдорлигига, жамғарма ва инвестицияга салбий таъсир кўрсатади. Паст ставкадаги солиқлар юқорироқ иқтисодий ўсишга ва шу йўл билан кўпроқ солиқ тушумларини йиришга олиб келади. 1980 йилларда бу

¹ Бюджетный отдел Конгресса, The economic and budget outlook, January, 1989.

² А.Гайгер. Макроэкономическая теория и переходная экономика.- М.: «Инфра-М», Стр.209.

турдаги иқтисодий далилларни иқтисодий тақлиф назариячилари олға суришди (эслатиб үтәмиз, 1980 йилларнинг ўрталаригача АҚШда кейнсчилик назариясига асосланган тақчиллиик сиёсати амал қылған бўлса, 1980 йилнинг ўрталарига келиб, давлат қарзлари ва улар бўйича тўловлар суммасининг йириклишуви ҳукуматни тақчиллик ҳажмларини қисқартириш сиёсатини олиб боришга мажбур қилиди). Сайловдаги номзодлар ҳам, корхоналар раҳбарлари ҳам, тақчиллиик бўлишини хоҳлашмайдилар. Унда ўз-ўзидан савол туғилади, нега 1980 йилларда катта ҳажмдаги тақчилликларни келтириб чиқарувчи (солиқлар қисқариши натижасида) қонун тасдиқланди. Бу ҳолатни 2 хил тушунтириш мумкин. Биринчидан, иқтисодий тақлиф тарафдорларининг уқтиришича, солиқларни қисқартириш даромадларни камайтирмасдан, балки оширади. Иккинчи далил шундан иборатки, агар бюджет даромадлари қисқартирилса, бу Конгрессни олингандар даромадларга мос равишда харажат қилишга, яъни давлат харажатларини қисқартиришга мажбуrlайди.

1991 йилда АҚШда федерал бюджет тақчиллигини қисқартириш ва босқичма-босқич уни бутунлай бартараф этиш режаси қабул қилинди. 1995 йилда, кўрилган чоратадбирлар кўзланган натижани бермаганлигига қарамасдан, «Баланслаштирилган бюджет тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга асосан, бюджет тақчиллигини 2002 йилда нолга тенглаштириш режалаштирилган¹.

Дастурда кўзда тутилган асосий мақсад даромадларни кўнайтириш эмас (солиқлар пасайтирилиши эҳтимоли назарда тутилганди), балки Давлат бюджети харажатлари-

¹ Эдвин Дж.Долан. Макроэкономика. –СПб.: АОЗТ Литера плюс. 1994.
Стр.161

ни қисқартиришдір. Бунинг учун, федерал бюджетдеги қарор ва дастурларни чуқурроқ таҳлил қилиш, шунингдек, Президенттің функцияси, бюджетни ишлаб чиқиш, назорат ва ижроси бүйіча конгрессдеги комиссиянинг ҳам иш фаолиятини күриб чиқиш зарур бўлади.

16-жадвал

АҚШда давлат бюджети тақчиллиги (ЯИМга нисбатан фоизда)¹

йиллар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998 режа	1999 режа	2000 режа
тақчиллик	4,7	4,9	4,1	3,1	2,3	2	1,8	1,2	0,8	0,3

16-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШда федерал бюджет тақчиллиги 1998 йилда ЯИМга нисбатан 1,2 фоиз қилиб белгиланган. Аммо, АҚШ бюджети 1969 йилдан кейинги йиллар ичида биринчи марта 1998 йилда амалда ижобий қолдиққа эришди ва у 70 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 1999 йилнинг январ ҳолатига кўра, ижобий қолдиқ кўзланган 64,1 млрд. АҚШ долл. ўрнига 70,34 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткични бюджет йили охирига (сентябрда) 100 млрд. АҚШ долл. атрофида бўлиши кўзланмоқда (бу ерда бирламчи профицит назарда тутилмоқда).

АҚШда бюджет тақчиллигининг қисқариши ҳукуматнинг ички молиявий бозорлардаги қарз олишга бўлган талабини наさいтиради. Бу эса, ўз навбатида ривожланатётган мамлакатлар иқтисодиётiga инвестициялар оқимишнинг ортишига олиб келиши куттилмоқда.

АҚШ Конгрессида ҳар бир федерал ҳудуд бўйича тасдиқданган бюджет ижросини назорат қилувчи қўмита мав-

¹ Anti-balanced Budget Amendment, Measures of the Deficit, 2000/P, 1-2 (<http://www.mit.edu/people/irons/bba/bba.htm>).

жуд. Конгрессменлар бошқарув жараёнига аралашиш ҳуқуқига эга эмас, бироқ солиқ тўловчиларнинг маблағларининг «Федерал бюджет тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, харажат қилинишини кузатиб борадилар. Федерал вазирликлар ва штатларнинг ҳукуматлари, маъмурий процессуал кодекс асосида ажратилган бюджет маблағларини белгиланган ҳуқуқий жараён доирасида тақсимлайдилар. Бу очик овозга қўйиш йўли билан аниқлаб олинади. Бунда Конгрес сда лойиҳалар овозга қўйилади ва иштирокчиларни «қарши ёки тарафдор»лиги орқали тасдиқланади.

Келгуси овозга қўйилишида аҳоли ёки департамент ишлаб чиқарган лойиҳаларга маблағ тақсимлаш кўриб чиқилади. Айтайлик, штатда округ йўл қурилишига маблағ ажратиш тўғрисида. Бу йўл кимнинг еридан ўтиши керак, қайси лойиҳа бўйича қурилади, ушбу масалаларнинг ҳаммаси маъмурият томонидан лойиҳа овозга қўйилганидан кейин ҳал қилинади. Агар тасдиқланган харажатга керакли ўзгартиришлар талаб қилинса, унда у очик равишда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Пулли молиялаштириш, ёки Марказий банқдан (МБ) қарз олиш. Бу жараён Молия вазирлиги МБдан қарз олганда юз беради. АҚШ тажрибасидан маълумки, бундай пайтда, МБ давлат қимматбаҳо қарозларини сотиб олади ва вазирликка махсус жорий ҳисобвараги очади. Вазирлик давлат харажатлари уч «кучли пуллар» деб аталувчи пул массаси — муомаладан олинган ортиқча пулларнинг яна муомалага тушиши, яъни пул эмиссияси юз беради. Агар пул эмиссияси суръатлари, баҳоларнинг жорий даржасида, пулларга бўлған талабдан ошса, нақд пулларнинг ортиқча қолдиги шаклланади. Натижада баҳоларнинг умумий даражаси ошади.

Кўпгина бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда давлат тақчиллигининг сезиларли фоизлари нақд пулга айланади ва бу инфляциянинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

АҚШда Молия вазирлиги қимматбаҳо қоғозларни Федерал Захира тизимиға сотишини «қарзларнинг монетизациялашуви» деб юритилади.¹ Давлатнинг моддий ресурсларини пул эмиссиялари йўли билан назорат қилиш имкониятлари баъзи ҳолларда эмиссия даромадлари ҳисобланади.

Тақчиллик шаклланишига таъсир кўрсатадиган макроиқтисодий омиллар динамикасини ўрганиш, унинг аниқлилик даражасини оширади. Тақчилликни прогнозлаштириш ва уни бошқариш бўйича АҚШ Конгрессининг Бюджет бўлими узоқ йиллик тажрибага эга. АҚШда бюджет тақчиллигининг ҳажмига таъсир этувчи қўйидаги анъанавий макроиқтисодий омиллар ўрганилган:²

- ЯИМ ўсиш суръатининг бир фоизга пасайиши, иқтисодий ўсиш пайтидаги солиқ базалари пасайтирилиши ҳисобига, тушумларни тахминан, биринчи уч йилда 50 млрд. долларга қисқартиради. Йўқотишлар ҳажми кумулятив тарзда ўсиб боради;
- ишсизликнинг юқори даражаси, худди, иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари каби, солиқ базасини ўзгартирмасада, ишсизлик бўйича нафақалар ҳажмини оширади. Ишсизлик даражасининг бир фоизга ортиши, бюджетнинг аҳволини, тахминан, ЯИМнинг бир фоизи миқдорида ёмонлаштиради;

¹ Макроэкономика. Стенли Фишер. Стр.577.

² Congressional Budget Office. The Economic and Budget outlook. January, 1989. P.51

- солиқ шкалаларининг индексацияси натижасида, инфляция бюджетта таъсир этмайди. Бу 1985 йилда солиқ индексацияси татбиқ этилгунга қадар бу ҳолат йўқ эди. 1985 йилгача, инфляциянинг ўсиши солиқ тўловчиларни юқори категорияга қўшиб қўйиши натижасида, инфляцион солиқ кўринишидаги қўшимча тушумларни келтириб чиқаради. Бу кўринишдаги тушумларнинг автоматик манбасининг йўқолиши, ҳозирда бюджетни баланслаштиришни қийинлаштирмоқда;
- банкнинг юқори фоиз ставкалари, давлат қарзлари бўйича фоиз тўловларини оширади. Фоиз ставкаларининг бир фоизга ортиши тақчилликни, тахминан, ЯИМнинг чорак фоизи миқдорига кенгайишига олиб келади.

Ҳисоб-китобларда қўлланилган усул 17-жадвалда келтирилган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, давлат бюджет тақчиллигининг жорий ҳолатига таъсир этувчи омиллар турли мамлакатларда турлича, албатта, тақчилликнинг келгуси ҳажмларига ҳам таъсир қилувчи омиллар турли хил бўлади.

Бу мамлакат ривожланишнинг қайси босқичида турганлигига, иқтисодиётнинг таркибига, молиявий муносабатларнинг шаклларига, ҳудуддаги геосиёсий вазиятга, миллий хусусиятига ва кўшгина бошқа омилларга боғлиқ.

**Макроиктисодий ҳолатнинг бюджетта
таъсирини баҳолаш услубияти
(3 йил учун ўртача ҳисоблаганда).¹**

Кўрсаткичлар	ЯИМга нисбатан фоиз	млрд. АҚШ долл.
Ўсиш суръатининг бир фоизга камайиши	-0,36	-48,3
Ишсизликнинг бир фоизга ортиши	-1,04	-56,7
Фоиз ставкасининг бир фоизга ортиши	-0,26	-15,7
Инфляциянинг бир фоизга ўсиши	-0,0	-1,3

Қарзли молиялаштириш. Молия вазирлиги янги қимматбаҳо қоғозларни эмиссия қилиш орқали чекланган пул ресурсларига бўлган талабни оширади, бу эса кредит операциялари бўйича бозордаги фоиз ставкалари ортишига олиб келади. Янги фоиз ставкаларига дош бера олмаган қарз олувчилар молия бозоридан сиқиб чиқарилади. Шахсий инвестицияларнинг қисқариши иқтисодий тизимдаги тўхталишларга олиб келади, натижада иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди ва аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашади. Худди шундай, АҚШда шахсий инвестициялар салмоғининг 1970 йилларда пасайиши, ЯИМнинг ўсиш суръатларини 6,9 фоиздан 1980 йилларга келиб 4,6 фоизга тушиши, бюджет тақчиллигининг иқтисодиётга кўрсатган салбий таъсири бўлди.² АҚШдаги давлат қарzlари кўпчиликнинг фикрича, «ўзимиз ўзимизга қарzmiz», шаклида мавжуд. Бошқача ай-

¹ Congressional Budget Office. The Economic and Budget outlook. January, 1989. P.52

² Макроэкономика. Эдвин Дж. Долан. С.Петербург. АОЗТ «Литера плюс». 1994. Стр 161.

тганда, қарзларни қайтариш учун йиғиладиган солиқлар «чўнтақдан-чўнтақка» ўтиши билан мамлакатни камба-
валлаштиrmайди. Аммо, баъзи мухолифларнинг фикрича,
тақчилликнинг ўсиши АҚШ ичида, дунёning бошқа мам-
лакатлариникига нисбатан фоиз ставкаларини оширади.
Юқори фоиз ставкалари чет эл инвесторларини АҚШ
ҳукумати чиқарган қимматбаҳо қофозларни сотиб олишга
ва давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришга ун-
дайди. Кейинчалик, давлат қимматбаҳо қофозларининг
эмиссияси натижасидаги юқори фоиз ставкалари рақо-
батли бўлган нодавлат соҳасининг қимматбаҳо қофозлари
фоизларини ҳам оширади. Бу нарса, қимматбаҳо қофоз-
ларнинг ички бозорлардан йўқолиб кетиши ва уларни
чет элларда жойлаштирилишига олиб келади. Келажакда
бу қарзлар бўйича тўланган пуллар иқтисодиётта «юк»
бўлиб тушади ва кўриниб турибдики, «ўзимизга ўзимиз
қарзмиз», деган фикр катта хатоликларга олиб келиши
мумкин.

Фоиз ставкаларининг ўзгариши. Номинал фоиз став-
каларининг давлат қарзларини тўлаш бўйича ҳақиқатдаги
харажатлар миқдорини ортишига олиб келади. Харажат-
ларнинг бундай ортиши, фоиз меъёрлари ва банк ҳисоб
ставкаларининг ортишидан келадиган давлат даромадла-
рининг номинал ўсишидан қисман қопланади. Шундай
қилиб, номинал фоиз ставкаларининг ортиши бюджет
тақчиллигининг ҳам ҳақиқий, ҳам номинал ҳажмини кен-
гайтиради.

Юқоридаги фикрдан шундай хулоса қилиш мумкин-
ки, ички қарзларнинг ҳаддан ташқари ортиши келгусида
ташқи қарзларнинг ҳам ортишига олиб келади. Давлат
ўз тақчиллигини очиқ бозордаги қарзлар билан молия-

лаштирганда, пул массаси қисқаради, фоиз ставкаси дарражаси ошади ва ташқи савдо баланси ёмонлашади, иккинчи томондан, инфляция суръатлари пасаяди, миллий валюта қадри ошади ҳамда бекор ётган жамғармалар ишга тушади.

5-§. АҚШ тўлов баланси

АҚШнинг иқтисодий тараққиётидаги эътиборга молик бўлган натижалар ўтган асрнинг 90 – йилларида эришилди. Ушбу йиллар иқтисодий ўсишнинг узлуксизлиги билан аҳамиятли бўлди ҳамда Америка иқтисодиётидаги 20 млн.дан ортиқ янги ишчи ўринлари ташкил этилди, йиллик ялпи ички маҳсулот 2 трлн. долларга ошди. АҚШ тўлов балансининг жорий операциялари бўйича салбий қолдиққа эга бўлган, саноати ривожланган давлатлар гурӯҳига киради.

Урушдан кейинги даврларда (1940-1950 йй.) АҚШда жаҳоннинг бошқа давлатларига қараганда қулай иқтисодий ва сиёсий вазият ҳукм сурди. Ушбу даврдаги АҚШ тараққиётининг хусусиятли жиҳатлари мамлакат ҳудудига товарлар олиб келинишига нисбатан уларни олиб чиқиб кетиш бир неча баробарга ошганлиги билан изоҳланади. Агар, 1946-1949 йилларда АҚШда товарлар экспортини 53 млрд. доллар бўлган бўлса, 1950-1955 йилларда 77 млрд. долларга етди. Импорт ҳажми секинлик билан бўлсада, ошиб борди. Натижада савдо балансининг актив қолдиги 1946-1949 йилларда 27,6 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1950-1955 йилларда 12,9 млрд. долларга етди (18-жадвалга қаранг).

**1940 ва 1950 йиллардаги АҚШ тұлов баланси
(млн. доллар ҳисобида)**

Күрсаткычлар	1946-1949 йй.	1950-1955 йй.	1956 й.
Товарлар экспорти	53061	76931	17271
Товарлар импорти	-25494	-61008	-12763
Савдо баланси	27570	1223	4511
Харбий «ёрдам» тартибидаги товарлар ва хизматлар экспорти	622	11148	2610
Транспорт	3288	1566	1621
Инвестициялардан келадиган соғдаромадлар	3539	8194	863
Сайёхлик	-998	-2217	-566
Харбий харажатлар	-2368	-11172	-906
Нотижорат ўтказмалар	-2515	-2830	-503
Бошқалар	917	1729	496
Товарлар ва хизматлар баланси қолдиги	30015	23628	5667
Бир томонлама ҳукумат ўтказмалари:			
Харбий етказмалар ва хизматлар	-622	14148	-2610
Бошқалар	-13126	-14517	-1809
Жами	-13718	-28665	4419
Ҳисоб-китоб баланси қолдиги	16267	-5037	12117
Хориждаги Америка инвестициялари:			
Хусусий	-2859	-6632	-2716
Ҳукуматниги	-11669		
Жами	-14528	-7791	-3366
АҚШдаги хорижий инвестициялар:			
узок муддатли	-198	2209	372
қисқа муддатли	207	5935	1431
Жами	-291	8144	1803
Олтин (+ экспорт, - импорт)	-1479		
Хато ва тузатишлар	3031	28111	-301
Ҳаммаси	-16267	5037	-1248

АҚШ иккинчи жаҳон урушигача транспорт харажатлари бўйича пассив (1983 йилда 36 млн. долл.) қолдиқقا эга эди, урушдан кейин транспорт актив модда ҳисобланади бошлади (1950–1955 йй. 1,6 млрд. долл.).

1946–1949 йилларда 16,3 млрд. доллар миқдорида ҳисобкитоб балансининг актив қолдиги хориждаги Америка инвестициялари: 11,7 млрд. долл. миқдоридаги ҳукумат кредитлари ҳамда 2,9 млрд. долл. миқдоридаги хусусий қўйилмалар ҳисобига қопланди.

Бу вақтга келиб «Доллар тақчиллиги» дунёning кўпгина давлатларини АҚШ билан олтиннинг паст нархларида ҳисобкитоб қилишга мажбур этди. Олтин импорти 4,5 млрд. долларни ташкил этди. Бир вақтнинг ўзида Америка товарларининг нархи деярли 2 баробарга ошди.

1940 ва 1950 йилларнинг иккинчи ярми АҚШнинг ўз иттифоқдошларига, айниқса, Фарбий Европага, ҳарбий ёрдами ўсиши билан тавсифланади. Ушбу даврда АҚШ ҳарбий харажатлари 1946–1949 йй. 2,4 млрд. доллардан 1950–1955 йй. 11,2 млрд. долларгача, яъни 5 баробарга ортди.

Умуман, 1940–50-йиллардаги товарлар ва хизматлар баланси қолдиги, 1950 йилларнинг биринчи ярмида ҳарбий харажатларнинг ошиши натижасида 23,6 млрд. долл. мутлоқ миқдорга камайган бўлсада, ижобий бўлди.

Ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида АҚШнинг бошқа давлатларга умумий 28,6 млрд. долл. миқдоридаги ҳарбий етказмалари ҳамда ҳукумат ёрдамлари товарлар ва хизматлар актив қолдигидан ошиб кетди, натижада ҳисобкитоб баланси 5 млрд. долл. пассив билан ижро этилди.

1940–1950 йилларда хориждаги Америка инвестицияларининг босқичма–босқич қайта тақсимланиши юз берди.

Агар 1940 йилларда инвестициялар таркибида давлат қўйилмалари устун бўлган бўлса, 1950 йилларнинг ўрталига келиб, хусусий инвестициялар асосий ўринни эгаллади. Хусусий инвестициялар миқдори икки баробарга ўсди.

1950 йиллардаги ҳисоб-китоб баланси салбий қолдиги (5 млрд. долл.) ҳамда хориждаги Америка капитали ҳаракати (7,8 млрд. долл.) асосан, АҚШга 8,1 млрд. долл. миқдоридаги чет эл инвестицияси оқими ошиши ҳамда 2,8 млрд. долл. миқдоридаги олтиннинг олиб чиқиб кетилиши ҳисобига қопланди.

1940–50 йиллардаги АҚШ тўлов баланси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, агар урушгача бўлган даврда хориждаги янги Америка инвестициялари улардан келадиган даромадлардан юқори бўлган бўлса, таҳлил қилинаётган даврда вазият аксинча бўлган.

1956 йилда АҚШнинг хорижий инвестициялари (асосан, тўғри инвестицияларига ва қазиб олиш саноатига) 21,5 млрд. долл. миқдорида даромад келтирган бўлса, бир вактнинг ўзида АҚШдаги чет эл инвестициялари ҳам (асосан, жорий ҳисобварақлари ва давлат қоғозлари) инвесторларга 515 млн. долл. миқдорида даромад келтирди.

Капиталнинг кириб келиши ва чиқиб кетиши ҳамда даромадлилик даражаси ўртасидаги нисбат АҚШнинг урушдан кейинги йилларда тўлов балансида ижобий қолдиққа эришишга таъсир қилди.

АҚШ халқаро тараққиётнинг замонавий босқичида янги мавқега эга бўлиб бормоқда. Бир томондан, жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли ҳамда иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича етакчи давлат бўлмоқда. Иккинчи томондан, АҚШга дунёда Европа ҳамжамияти,

Япония, Хитой, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари шакидаги янги ва рақобатли марказлар юзага келмоқда.

АҚШ охирги ўн йиллар давомида сезиларли даражада савдо баланси муаммосини бошдан кечирмоқда. АҚШ түлов балансига, бир томонидан, ташқи савдо балансизлиги, иккинчи томондан, хорижий инвестициялар ҳаракати ўз таъсирини ўтказмоқда. Америка түлов баланси кўрсаткичлари айнан ушбу моддалар баланслилигига бевосита боғлиқдир.

АҚШ учун ташқи савдо баланси тақчиллиги асосий муаммо ҳисобланади. Хориж маҳсулотларига, айниқса, машина-техник ва истеъмол товарларига бўлган қатъий талаб, нефт, газ, энергия ресурсларига бўлган талабнинг охирги йилларда ўсиши ўтган асрнинг 90-йилларида Америка иқтисодиётига импорт оқимининг сезиларли даражада кучайишига таъсир кўрсатди.

Демак, 1990 йилларнинг биринчи ярмида солиштирма нархларда товарлар ва хизматлар импорти 80-йилларнинг иккинчи ярмидаги 29 фоизга нисбатан 50 фоизга ошди. Шу вақтда, ушбу давр учун солиштирма нархларда товарлар ва хизматлар экспортин ўсиши 80-йилларга нисбатан деярли 2 баробарга камайган ҳолда 37–67 фоизни ташкил этди. Натижада соф экспортнинг салбий миқдори ЯИМ ўсиши суръатларида салбий акс этган ҳолда, 1996 йил 117 млрд. долларга етди.

АҚШ савдо баланси пассивининг сезиларли даражадаги миқдори саноати ривожланган давлатлар Япония, Канада ҳамда Фарбий Европа давлатлари савдосига тўғри келди.

1990 йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ ташқи савдосидаги муаммолар янада чуқурлашди. Савдо баланси тақ-

чилиги икки баробарга ортди. Унинг ойлик миқдори 26 млрд. доллардан ошиб кетди. Жорий операциялар ҳисобварағининг салбий қолдиги 1,5 баробарга ошиб: 1998 йил 220 млрд. доллардан 1999-2000 йй. 330 млрд. долларни ташкил этди. Савдо баланси тақчиллигининг ўсиши импорт ҳажмининг жадал суръатларда ортиши билан изоҳланади, бу эса, ўз навбатида АҚШда истеъмол талабининг юқорилиги, миллий валюта курсининг мустаҳкамланиши ҳамда нефтта жаҳон нархларининг ошиши каби омиллар билан белгиланади.

Иқтисодий ўсишнинг мустаҳкамлиги ва доллар мавқеининг қатъийлиги халқаро капитал оқимига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

1996 йилда АҚШда, асосан хусусий капитал, чет эл инвесторлари активлари таъсирида 21,4 фоизга кўтарилиди ҳамда, АҚШ халқаро активларининг ўсиши эса 21,4 фоизни ташкил этди. 1997 йилда хорижнинг тўғри инвестициялари оқими деярли 45 фоизга ошди ва АҚШ хорижий тўғри инвестицияларни импорт қилувчи давлатга айланди.

Инвесторларнинг фаоллиги Америка фонд биржалирида жадаллашди. Хазина қимматбаҳо қоғозларига қўйилмалар ҳисобига, инвестициялар портфелининг ўсиши, асосан 1996 йилда 300 млрд. доллардан ортиқни, 1997 йилда 385 млрд. долларни ташкил этди. Ўтган аср 80-йилларининг охирлари билан таққослагандা, халқаро инвесторлар тасарруфида бўлган федерал қимматбаҳо қоғозлар ҳажми деярли икки баробарга ортди ва хусусий инвесторлар ихтиёрида бўлган қимматбаҳо қоғозлар ҳажмининг 1/3 қисмини ташкил этди.

1996 йилда АҚШнинг расмий соф хориж активлари ошди. Бу қисман доллар курсини кўтариш мақсадида 10

та Марказий банк гурӯҳлари томонидан қабул қилинган валюта интервенциялари натижасида амалга оширилди. Шу вақтда Мексика томонидан АҚШдан олинган ссудаларни қайтарилиши сабабли, Американинг чет элдаги расмий активлари қисқарди.

1996 йилда хориж активларининг соф ўсиши (яъни, хориждаги Америка активларининг ўсиши айирмаси) 1995 йилга нисбатан 50 млрд. долларга ошди ва 192,5 млрд. долларни ташкил этди. Бу эса, тўлов балансининг жорий операциялар бўйича тақчилигини тўлиқ қоплаш имконини берди (148,2 млрд. долл.). Хориж капитали соф оқими 160 млрд. долл. миқдоридаги тўлов баланси тақчиллигида 1997 йилда 221 млрд. долларни ташкил этди.

Шу аснода, хулоса қилиш мумкинки, тўлов баланси жорий операциялар бўйича тақчилликка эга бўлишига қарамасдан, АҚШ хориж инвестицияларининг ўсиши ҳисобига иқтисодиётда юксалиш имкониятларига эга бой давлат бўлиб қолмоқда.

Ташқи инвестициялар ҳажмининг ортиши, биринчи навбатда, АҚШ иқтисодиётига ишончнинг, АҚШ фонд бозорларининг жалб этувчанлик хусусиятлари ҳамда кучли долларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ушбу занжирсимон борланишда оқсок бўғин бўлиб, фонд бозорлари ҳисобланади, шунинг учун ушбу бозорда жиддий муаммо юзага келиши билан, савдо тақчиллиги билан боғлиқ муаммо долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. АҚШ молия тизими қандай таркибий қисмлардан иборат?
2. АҚШда бюджет жараёни қандай давом этади?
3. АҚШ молия тизимидан бюджетдан ташқари қандай фонdlар мавжуд?
4. АҚШ солик тизимининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
5. АҚШда жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортишнинг қандай усулларидан фойдаланилади?
6. АҚШда бюджет харажатларининг асосий йўналишларини кўрсатинг.
7. АҚШда бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг қандай манбаларидан фойдаланилади?
8. АҚШ тўлов балансининг ўзига хослиги нимада?
9. «Доллар тақчиллиги» АҚШ тўлов балансига қандай таъсир кўрсатди?
10. 1999-2000 йилларда АҚШ савдо баланси тақчиллигининг ўсишини изоҳланг.

ЯПОНИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИ

1-§. Молия тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатнинг шул бирлиги сифатида Марказий Банк томонидан эмиссия қилинадиган иена хизмат қилади. Марказий банк молия бозорларида валюта одди-сотдиси орқали иена курсини назорат остида ушлашга ҳаракат қилади. Япон банки кредит ҳажми ва фоиз ставкаларини бошқариб туради.

Японияда турли хил ихтисослаштирилган кредит муассасалари ва 13 та банк (шулардан бештаси дунёнинг йирик ўнталигига киради)дан иборат бўлган хусусий молиялаштиришнинг юқори даражада ривожланган молия тизими мавжуд.

Давлат молия муассасалари кимё саноати, кўмир қазиш, кемасозлик каби тармоқларга эга бўлган йирик корхоналарга ссудалар беради. Япония молия тизимини унинг муҳим бир хусусияти ажратиб туради: этри молиялаштириш тўғри молиялаштиришга нисбатан кўпроқ аҳамиятта эгадир. Молия институтлари иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос катализатор вазифасини бажаради. Улар паст фоизли аҳоли жамғармалари тўпланиши ҳисобига ҳосил бўладиган йирик маблағларни капитал етишмаслигидан азият чекаётган корхоналарга берилади. Бундай схема 1980 йилгача ўз самарасини бериб, Японияда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туриш имконини берди. Ўша пайтда банклар ҳам юқори фойда олиш қобилиятини намоён қилдилар. Фоиз ставкалари ва бизнесни бошқариш тажрибаси бу тизимнинг мавжуд бўлишига асос эди. Бироқ, фоиз ставкаларини бошқариш аста-секин кучсизланиб, охир оқибатда бутунлай эркинлаштирилди. Фоиз

ставкаларининг муддатли депозитлар бўйича эркинлашуви 1993 йил июн ойида амалга оширилган бўлса, муддатсиз депозитлар фоиз ставкалари 1994 йил октябр ойида эркинлаштирилди. Бизнесни давлат томонидан бошқариш ҳам кучсизланди. Молия тизимининг бундай ислоҳот жараёни жамоат орасида «Биг бенг» («катта портлаш» – 1980 йиллардаги инглиз молия тизими ислоҳотига ўхшаш)нинг японча талқини номини олди.

«Ҳамкорлик тизими»нинг бекор қилиниши. «Биг бенг» – Молия вазирлигининг трансформация роли ҳисобланган. Ҳозирда Молия вазирлигининг вазифалари назорат (инспекция) бўлиб, бу фаолиятнинг текширувига мос келади, один эса, у фақатгина ташкилот фаолиятларини назорат қиласади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Молия вазирлиги «ҳамкорлик тизими»ни амалга оширган, ягона молия муассасаларида омадсизликларга йўл қўйилмаган. Шу йўсинда вазирлик иқтисодиётга пул қўйилмаларининг доимий тушумини таъминлаган. «Ҳамкорлик тизими»га фоиз ставкаларини бошқариш ва янги молия муассасаларини яратишни чегаралаш киритилди. Шу йўсинда, давлат капитал қўйилмалари учун қўшимча воситаларини олишга бўладиган рақобат курашини юмшатиш учун ҳаракат қиласан. Оддий банклар билан бир қаторда узоқ муддатли кредитлаш банклари, траст банклари (ишониб топширилган мулкларни бошқариш банклари), кредит ассоциациялари, кооперативлар мавжудлигини назарда тутувчи ихтисослаштирилган банклар тизими жорий этилди. Ушбу молия ташкилотларининг фаолиятлари устидан қатъий чегара белгилаб берилиб, уларнинг ушбу белгиланган чегара доирасидан четга чиқиши ёки ўзгалар фаолиятига аралашуви тақиқлаб қўйилди.

Молия бозорининг барқарорлашув жараёниниң ёйи-лишига қарамай, давлатга тегишли бўлган япон молия муассасаларида наст даражадаги рақобатбардошлик кўзга ташланади. Давлат бошқаруви япон бозорига бошқа ше-рикларни киритмагани учун бозорда таҳлика пайдо бўлиши кузатилди. Жаҳон молия бозорида янги валюта «евро» пайдо бўлганда, хавфлар вужудга келди, бу эса иена ма-қомининг насиайишига олиб келди. 1996 йил ноябр ойида Баш вазир Рютаро Хасимото кутилаётган инқизорзга қара-май, ҳеч иккиланмай, «Биг бенг»нинг япон талқинини ҳаётта тадбиқ этишга қарор қилди.

Японча «Биг бенг». Унинг асосида уч шиор ётади: *Би-ринчи шиор* – эркинлик: хорижий шерикларнинг, улар маҳсулотларининг япон бозорларига киришининг ҳамда нархларнинг эркинлашуви; бозор тамойиллари ҳукмон бўлган эркин бозорни яратиш. *Иккинчиси* – ростгўйлик, бизнеснинг ҳақиқатгўй қоидаларини юритиш, операция-лар равшанлигини таъминлаш, инвесторлар ҳимояси; ишонч ҳосил қилувчи бозорни яратиш. Учинчиси – гло-баллик: қонунийлик, ҳисботчилик ва назорат қилини-шини тасдиқлаш; энг охирги жаҳон тартиблари нуқтаи-назарига мос келувчи бозорни яратиш.

«Биг бенг» доирасидаги асосий қайта қуришлар:

1) 1998 йил апрел ойида «Ташқи савдо ва хорижий ва-люта алмашинуви назорати тўғрисида»ги қонуни қайта кўриб чиқилди. Бундай кўриб чиқиш хорижий валюта билан эркин операциялар қонунлаштирилди; оддин бун-дай операциялар фақат ваколатли банклар томонидан амалга оширилган. Ҳозир кенг имконият мавжуд, маса-лан, ҳатто супермаркетларда ҳам иенани долларга алмаш-тириши ёки япон ресторандарида тўловни доллар билан амалга ошириш мумкин;

2) ишончлилик бўйича инвестиция бизнесига киришнинг 1998 йил декабр ойидан эркинлашуви. Бу эса, тўғридан-тўғри мижозларнинг сугурта компаниялари, банкларга ишончномалар бўйича капитал қўйилмалари билан бўладиган операцияларга йўл очиб берди;

3) қимматли қоғозлар билан фаолият юритувчи брокерлик фирмалари учун комиссион ўлчамларнинг 1999 йил октябр ойида тўлиқ эркинлашуви. Қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар сугурта компаниялари оладиган брокерлик комиссион ўлчамидан чеклашларнинг олиб ташланишига сабаб бўлди;

4) молиявий холдинг ташкилотлари ташкил этиш тақиқланишининг 1998 йил апрел ойидан бекор қилиниши. Бу қарор молиявий институтларнинг қайта ташкил топишни енгиллаштирди. Бу эса, «Dai-Ichi Kangyo Bank», «Fuji Bank» ва «Industrial Bank of Japan» банкларининг бирлашишига имкон берди;

5) 1999 йил октябр ойида оддий банклар томонидан ўз облигацияларининг чиқарилиши. Илгари оддий банкларга ўз облигацияларини чиқариш ман этилган эди. Бу банкларнинг узоқ муддатли кредитлашга манфаатдорлигини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган эди. Ушбу чекловнинг бекор қилиниши билан банклар пул қўйилмалидан ташқари молиявий маблағларни жалб қилишнинг қудратли воситасига эгалик қилишни ўз зиммаларига олдилар.

Молия ташкилотлари. Молия вазирлигининг ортиқча қарамоғидан қутилмасдан туриб, мамлакат молия тизимини қайта қуриш мумкин эмаслиги ҳақидаги ривоят Японияда узоқ муддат ҳукмронлик қилди. Бироқ, бу ривоятнинг барбод бўлишига икки омил сабаб бўлди: 1) «совун

шуфаги» иқтисодиётнинг барбод бўлишидан сўнг, қайтариб берилмаган қарзларнинг ортиши; 2) иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёнини янада кучайтириш.

Молия бошқармалари кўрсатмаларига риоя қилган бизнеснинг ривожланиш даври тугади. Япония жаҳон молиясининг янги даврига кириб борди. Бу даврда зарурий рақобатбардошлиқ қобилиятига эга бўлган ташкилотлар бозорда ўз ўрнини топиши мумкин.

Қайтариб берилмайдиган қарзларнинг юкламаси. 1999 йил март ойининг охирларида Япониянинг етакчи банкларининг қайтариб берилмаган қарzlари 20,82 трлн. иенни ташкил этди. Молиявий назорат агентлигининг ҳисобкитобларига кўра, қарз муаммоси жами 41,58 трлн. иенаға етди. Барча молия ташкилотлари (маҳаллий банклар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда)нинг вазиятни инобатга олган ҳолда, қарз муаммосининг умумий миқдори 80,57 трлн. иенагача етди. Бу эса, жами берилган кредитларнинг 11,6 фоизига тенгдир. Бу жиҳат давлатнинг молия ташкилотлари назаридан четда қолдирилмади. 1999 йил март ойининг охирига келиб, уларга қайтариб берилмаган қарз миқдори 1,23 трлн. иенага етди, бу эса, ўтган йилги қарз миқдорига нисбатан 16,6 фоизга ортганини кўрсатади. Япониянинг молия ташкилотлари бундай оғир юк билан ишни давом эттиришга мажбур эдилар. Улар юкламани енгиллаштириш мақсадида турли хил чора-тадбирлар ўtkazган, хусусан, захираларни топишга ҳаракат қилиб қарзларни чиқариб юбориши орқали 1999 йилнинг март ойигача давом этган молиявий йил мобайнида чиқариб ташланган қарзлар (кредит ассоциациялари ва бошқа кооператив молия ташкилотларини ҳисобга олмаган ҳолда)нинг миқдори 7,25 трлн.

иенани ташкил этди. Қайтариб олинмайдиган қарзлардан қутулиш йўлларидан бири – бу уларни қисмларга ажратиш ва қимматли қоғозларга айлантириб, келажақда фойда келтириладиган хусусиятни юзага чиқаришдан иборат. Бироқ, бундай операцияларнинг ҳажми чегараланганди эди. Натижада молия муассасалари зарар кўрдилар. 1999 йилда фақатгина 17 та япон банкларидан 2 таси (узоқ муддатли кредитлаш япон банки ва Япония кредит банки) ўз фаолиятларини фойда билан якунладилар. 1994 йил ноябридан бошлаб, Япония молиясида ноаниқлик муҳити тарқалди. Ўшанда «Tokyo Kyowa Credit Union» ва «Anzen Credit Union» бирлашмалари инқирозга учради. Бундай вазиятда Япония банки 20 млрд. иена ажратиб, восита-ларга эгалик қилиш ҳуқуқини «Tokyo Kyodo Bank»ка топширди Аммо, қатор қайта ташкиллаштиришлар натижасида «Tokyo Kyodo Bank» «Resolution and Collection Corporation»га ўзгартирилди.

Молия тизимида ҳайратли жиҳатлар. Тахминан шу пайдан бошлаб, Япония молия тизимида ҳайратга соладиган воқеалар рўй берди, 1995 йил июл ойида Молия вазирлиги «Kosmo Credit Union» фаолиятинин тутатилиши ҳақида фармойиш берди, 1995 йилнинг август ойида бундай фармойишлар «Kizu Credit Union» ва «Hyogo Bank» фаолиятига ҳам берилди. 1996 йилда «Taiheiyo Bank» ва «Hanwa Bank» инқирозга учради. Март ойида «Nippon Credit Bank» ва «Hokkaido Takushoku Bank»ларининг омадсиз вазиятлари ҳақида шов-шувлар тарқалди. Бу икки банк бошланган инқирозни енгиб ўтди. Биринчи банкка хусусий молия ташкилотлари ва Япония банкининг молиявий ёрдами орқали, иккинчи банк эса, маҳаллий «Hokkaido bank» билан бирлашиши ҳаракати туфайли амалга оширилди. Аммо муаммо-

лар борган сари мураккаблашиб борди. 1997 йил апрел ойида ўртача каттамықдаги «Nissan MUTUAL Life Insurance Co.» суғурта ташкилоти инқирозга учради. Бу суғурта фаолиятининг ҳаётидаги дастлабки инқирози эди. Шу йилнинг май ойида ўз шахсий хоҳиши билан «Ogawa Securities Co.» ташкилоти фаолиятини тугатди. 1997 йилнинг ноябр ойи инқирозлар даври бўлди. Ушбу ойда «Sanyo Securities Co.» ташкилоти инқирозга учради. «Hokkaido Takushoku Bank» «Hokkaido» банки билан бирлаша олмаганидан сўнг, инқирозга учради. Мамлакатнинг йирик суғурта компанияларидан «Tokyo City Bank», «Yamaduchi Securities Co.» инқироз туфайли ўз фаолиятини тугатди. Молия вазирлигининг етакчи банкларни инқирозга учрашига йўл қўймаслик хусусидаги берган ваъдларидан воз кечиши натижасида Японияда молиявий инқироз юқори нуқтага етди ва бу умумиқтисодиёт ҳолатига ўз таъсирини кўрсатди.

Хавфсизлик чора-тадбирлари. Давлат хавфсизликни таъминлаш, инқирознинг олдини олиш ҳақидаги чора-тадбирларига қарамай, вазият ўзгача эди. Яъни, 1998 йил октябр ойида Япония узоқ муддатли кредитлаш банки ва декабр ойида Япония кредит банки кўнгилсизликларга юз тутганда, ҳукумат уларни ташқаридан маҳсус бошқариб, вақтиначалик уларни миллийлаштириди.

Ҳукумат 1999 йил апрел ойидан октябр ойигача 5 та иккиласми ҳудудий банкларнинг инқирозини тан олди ва ушбу жараённи амалга ошириш мақсадида маҳсус бошқарувчиларни жўнатди. Барча бундай вазиятларда ҳукумат инқироз жараёнини тугаллашни таъминлаш мақсадида жамоат фондлари маблағларидан фойдаланди. Бу фондлар ҳукуматнинг маҳсус топшириғига мувофиқ, 1998 йилда ташкил этилган эди.

Ҳаёт даражаси. 1996 йилга келиб, барча япон уйида музлаткичлар, кир ювиш машиналари, рангли телевизорлар ва чанг ютгичлар бор эди, 90 фоиз оиласарда микротүлқинли печлар, 75 фоизида видеомагнитофонлар, ҳар 10та оиласинг 7таси ўз шахсий автомашинасига, ҳар 10та оиласан 2тасида биттадан пианино бор эди. Уй-жой фонди майдони кенгайиб, янада кенгроқ, замонавий майший қулайликлар билан таъминланган уйлар пайдо бўлди.

Бироқ, майший хўжалик ҳанузгача иқтисодиётнинг кучсиз бўгини ҳисобланиб келмоқда. Йўл тармоқлари замонавий талабларга жавоб бермайди, бу нафақат зич транспортли шаҳарларга, балки майда аҳоли пунктларига ҳам тегишлидир. Ҳаво қатлами ва сувнинг ифлосланиши мамлакатда жиддий муаммога айланмоқда. Бунга биринчи навбатда, аҳоли ва иқтисодий фаолиятнинг юқори даражада мужассамлашуви ҳамда табиатни муҳофаза қилиш дастурларининг секин амалга оширилиши сабабдир.

Японларнинг кўпчилиги ўзларини ўрта ҳол деб ҳисоблайдилар. Улар бой ҳам эмас, ночор ҳам. Япон оиласи ўз даромадларининг ўртacha 13 фоизини фарзандларининг таълим-тарбияси ва қариликни таъминлаш учун ажратадилар. 1996 йилда ўртacha таъминланган оиласинг йиллик даромади 30 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ўртacha таъминланган оила ўз даромадининг 23 фоизини озиқовқат маҳсулотларига, 10 фоизини транспорт ва дам олишга, 6 фоизини кийим-кечак ва майший техника сотиб олишга ҳамда 7 фоизини уй жойга сарфлайдилар. Оилавий бюджет асосан аёллар қўлида бўлиб, катта миқдордаги харидлар ҳам, фарзандлар таълим-тарбияси ҳам эътибордан четда қолмайди.

Давлат махсус фондлари. Давлатнинг махсус фондлари молия ресурсларини ташкил этишнинг шакли бўлиб, улар марказий ёки маҳаллий ҳукумат тасарруфида ва мақсадга қаратилган ҳолда мавжуд бўлади.

Улар молия тизимининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Бу фондларни ташкил этиш ва сарфлаш тартиби молия ҳуқуқи орқали аниқ ва қатъий белгиланади. Бюджетдан ташқари фондлар давлат мулки ҳисобланади ва кўрсатилганларидан бошқа мақсадларга сарф қилиниши мумкин эмас.

Бюджетдан ташқари фондлар, марказлашган ягона пул фонди – бюджетдан, анча аввал махсус фондлар ва ўзига хос ҳисоблар кўринишида мавжуд бўлган. Давлат ўзининг фаолият доирасини кенгайтириши билан тобора янги харажатларга эҳтиёж сеза бошлади. Уларни қоплаш учун мабларлар махсус фондларда тўпланди ва махсус мақсадларга қаратилди. Бундай фондлар, кутилганидек, вақтинчалик тусга эга бўлди. Давлат томонидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ва уларни молиялаштиришнинг тўхтатилиши сабабли фондлар ўзининг мавжудлигини тўхтатар эди. Бундан келиб чиқсан ҳолда, фондларнинг миқдори доимо ўзгариб туради: баъзилари ташкил этиларди, баъзилари эса тугатиларди.

Умуман олганда, фондлар сонининг ошиши ва ҳажмининг катталалиши анъанаси кузатилади. Махсус фондларнинг кўпайиб кетиши мълум молиявий ноқулайликларни келтириб чиқарди (баъзи фондларда пул етишмаса, қолганларида ортиб қоларди) ва уларни бошқаришда қўшимча харажатлар қилишга мажбур бўлинди. Марказлашган ҳукуматнинг мустаҳкамлашуви муносабати билан фондларни бирхиллаштириш даври бошланди. Турли хил фондларнинг жамланиши натижасида давлат бюджети

ташқил қилинди ва парламент томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинганидан сўнг ижро этилиши шарт бўлган қонунга айланди.

Махсус фондларнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти, уларнинг тараққиёти ва молия тизимидағи ўрни ва роли қандай?

Бюджетдан ташқари фондлар – миллий даромадни давлат томонидан аҳолининг маълум ижтимоий гуруҳлари фойдасига қайта тақсимлаш усулидир.

Ҳозирги шароитда бюджет билан бир қаторда бюджетдан ташқари фондларнинг ҳам аҳамияти ошиб бормоқда. Бу фондлар ҳажмининг кенгайишига бир қатор сабаблар мавжуд: биринчидан, давлат органларида тадбиркорликнинг хўжалик ҳаётига аралашиши ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағлар пайдо бўлмоқда, айниқса, ҳозирги нобарқарор иктисодий шароитда; иккинчидан, бу фондлар бюджетдан мустақил бўлган ҳолда, давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган янги муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган; учинчидан, бюджетдан ташқари фондлар маълум шароитларда, яъни актив қолдиққа эга бўлган шароитда, бюджет тақчиллигини қоплаш учун ишлатилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондлар икки хил йўл билан молиялаштирилиши мумкин:

— биринчи усул, бюджетдан маълум даражада муҳим маънога эга бўлган харажатлар учун ажратиш, иккинчи усул бюджетдан ташқари фондларни даромад манбалари ҳисобидан шакллантириш. Миллий даромад – молия тизимидағи бошқа бўғинлар сингари, бюджетдан ташқари фондларнинг ҳам моддий асоси ҳисобланади. Фондлар-

нинг катта қисми миллий даромадни қайта тақсимлаш жа-раёнида ташкил этилади. Фондларни ташкил этишда мил-лий даромадни жалб этишининг йўллари бўлиб қуидагилар хизмат қиласди:

- махсус солиқлар ва йигимлар;
- бюджет имкониятлари;
- қарз орқали.

Биринчи усулда, солиқлар ва йигимлар қонунчилик йўли билан жорий қилинади ва махсус фондларни молиялаштиришнинг асосий усули ҳисобланади. Фондларнинг сезиларли қисми маҳаллий ва марказий бюджет ҳисобидан шакллантирилади. Бюджетдан молиялаштириш беғараз субсидиялар ёки солиқдан тушадиган даромадлардан ажратмалар кўринишида мавжуд бўлади. Бюджетдан ташқари фондларни қарз олиш орқали ҳам молиялаштириш мумкин. Фондларнинг ҳар хиллиги фондлар ва молия тизмининг барча ногоналари ўргасида алоқалар мавжудлигига олиб келади.

Алоқалар бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин. Бир томонлама алоқаларда пул маблағлари молия бўғинларидан бюджетдан ташқари фондлар томон ҳаракатланади. Бундай алоқалар фондларни ташкил қилганда ёки уларни сарфлашда юзага келади.

Икки томонлама алоқаларда пул маблағлари оқими бюджетдан ташқари фондлар ва молиявий буғинлар ўртасида юз беради ва иккала томонга ҳаракатланади. Кўп томонлама алоқаларда бюджетдан ташқари фонд бир вақтнинг ўзида молия бўғинларининг бир нечтаси билан боғланади, яъни пуллар улар орасида турли томонларга ҳаракатланади.

Япониянинг иқтисодий ва илмий тадқиқот фондлари. Иқтисодий фондлар хўжалик ҳаётини тартибга солиб туриш учун мўлжалланган. Иқтисодий фондларга қўйидаги фондлар киради:

- инвестицион фондлар;
- кредит фондлари;
- захира фондлари;
- конъюнктура фондлари ва бошқалар.

Фонд маблағлари асосан хусусий ва норентабелли корхоналарни молиялаштиришга йўналтирилгандир. Бу айниқса, маълум давларда бўлиб турадиган инқирозлар вақтида зарурдир. Бундай ёрдамлар бегараз субсидиялар ва имтиёзли кредитлар шаклида кўрсатилади.

Японияда иқтисодий фондларнинг турли шакллари мавжуддир – инвестицион бюджет (инвестициялар ва қарзлар дастури), маҳсус ҳисобварақалар (марказий ва маҳаллий ҳукуматнинг мустақил бюджетлари).

Энг катта фонд – инвестицион бюджет бўлиб, субсидиялар сметаси ва давлатнинг корпорацияларга берган кредитини ўз ичига олади (унинг ҳажми давлат бюджетининг 1/2 қисмига tengdir). Бу фонд жамғарма ва суғуртадан тушган маблағлар, нафақа ва бошқа ишонч фондларидан молиялаштирилади ва давлат секторини субсидия ҳамда имтиёзли кредит кўринишида молиялаштириш учун сарфланади. Давлатга тегишли корпорациялар хусусий капиталнинг айланишига паст нархлар сиёсати ва тарифлар орқали қулай шароит яратади. Шу усул орқали инвестицион бюджет давлат корпорацияларига хизмат қиласи ва улар орқали хусусий компаниялар тармоғи қўллаб қувватланади.

Кредит фондлари – давлат банклари, тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан қайтариб

бериш ҳамда фоизни тўлаш шарти билан бериладиган молиявий ресурслардир.

Япония катта миқдордаги кредит фондларига эгадир. Молия корпорацияларининг (тураг-жой қурилишини, кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштирувчи корпорациялар) ва маҳсус банклар — Япония экспорт — импорт банки, Япония ривожланиш банки, қишлоқ хўжалигини молиялаштирувчи марказий кооператив банклар ва ҳоказоларнинг фондлари катта аҳамиятга эга.

Молия корпорациялари фондлари бюджет ҳисобидан ва фоизли кредит олиш йўли билан ташкил этилади. Бу фондлардан наст фоизларда «риск даражаси юқори бўлган катта корхоналар» молиялаштирилади ёки бошқа кредит манбаларидан кредит олиш имкониятига эга бўлмаган корхоналарга кредит берилади.

Фонд техника тараққиёти, саноат ва қурилиш соҳаларида тадқиқот олиб боришни қўллаб-қувватлаш ва давлатнинг фундаментал тадқиқотларини амалга оширадиган илмий марказлар харажатларини молиялаштириш учун амалий-тадқиқот фондлари ташкил қилинишига олиб келди.

Япониянинг ижтимоий фондлари. Ижтимоий фондлар — аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган фондлардир. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида ёлланма ишчилар сонининг ортиши, жамиятнинг турли табақалари орасидаги фарқнинг ўсиши, фантехника тараққиёти, аҳолининг умумий қариллик даражаси ижтимоий сурурта фондларини кенгайтиришга олиб келди.

Охириги 10 йиллар ичида ривожланган мамлакатлар ижтимоий фондларининг мутлоқ қиймати 5-8 баробарга

ўсди. Ижтимоий фондларнинг кенгайиши ижтимоий ёрдамларни кўпайтириш имконини беради.

Бу фондлар уч манба ҳисобига ташкил топади:

- сукурталанувчилар сукурга тўловлари;
- корхоналарнинг сукурга тўловлари;
- давлат субсидиялари.

Сукурталанувчиларнинг тўловлари бевосита уларнинг даромадларидан ушлаб қолинади, яъни буни тўғридан-тўғри мақсадли солиқ дейиш мумкин. Кўплаб мамлакатларда ушбу тўлов ставкаси, тўловчи даромади ҳажмидан қатъий назар фоизларда белгиланади. Бунда ставка қўлланиладиган максимал йиллик тўлов суммаси ёки максимал даромад кўзда тутилади. Японияда тўлов ставкаси 5,3 физни ташкил этади.

Корхоналардан олинадиган йигимлар иш ҳақининг умумий суммасидан эмас, балки белгиланган жами максимал иш ҳақидан олинади. Бунда иш ҳақининг ортиши натижасидаги фарқлардан тўловлар тўланмайди. Шунинг учун, малакали мутахассислар сонининг ортиши, уларнинг иш ҳақини ортишига олиб келади ва иш ҳақининг умумий суммасидан сукурта фондларига тўланадиган тўловлар шунчалик камаяди.

Тадбиркорлардан олинадиган йигимлар ишлаб чиқаришга харажат қилган билан баробар бўлади ва товар нархи устида қўйилади.

Японияда тўртта йирик ижтимоий фондлар мавжуд:

- соғлиқни сукурталаш фонди;
- миллий нафака фонди;
- ишлаб чиқариш синишини сукурталаш фонди;
- ишсизликни сукурталаш фонди.

2-§. Давлат молия тизими ва ташқи моливий муносабатлар

Бюджет даромадлари. Япония бюджетининг бошқа ривожланган хорижий давлатлар бюджетига нисбатан ўзига хослиги – ундаги солиқсиз тўловлар салмоғининг юқорилигидир. Давлат бюджетининг фақат 84 фоизи солиқди тушумлар ҳисобига шаклланади, қолган 16 фоизини ижара тўловлари, ер майданларини сотишдан, қимматбаҳо қорозлардан келадиган даромадлар ва бошқалар ташкил этади.

Япониянинг асосий солиқ турлари бўлиб, қўшилган қиймат солиғи, юридик шахслар даромади солиғи (корпорацион солиқ), жисмоний шахслар даромади солиғи, маҳаллий солиқлар, шу жумладан, тадбиркорлик солиғи, корпоратив муниципал солиғи, тенглаштирувчи солиқ ҳисобланади.

Давлатга асосий даромад корпорацион солиқ ва жисмоний шахслар даромади солиғидан келади. Корпорацион солиқ компаниялар фойдасига солинади. Юридик шахслар даромади солиғи ставкаси корхона турларига қараб, 27 фоиздан 42 фоизгача, жисмоний шахслар даромади солиғи ставкаси эса, 10 фоиздан 50 фоизгача қилиб белгиланади. Жисмоний шахсларни бундай юқори ставкаларда солиққа тортиш ижтимоий нуқтаи назардан ўзини оқлайди, яъни солиқни ҳисоблашда солиқ қонунчилиги тўловчиларга юқори чегирмаларни (солиққа тортилмайдиган минимум, кўп болали оиласаларга қўшимча имтиёзлар, даволаниш учун сарф-харажатлар ва бошқалар) тақдим этади.

1989 йилдаги солиқ ислоҳотининг муҳим чора-тадбирларидан бири – янги эгри солиқ тури (қўшилган қиймат

солиги)нинг жорий этилиши бўлди. Соликқа тортиш обьекти бўлиб, қўшилган қиймат ҳисобланади. Қўшилган қиймат солигига товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча битимлар тортилади. Бошқача қилиб айтганда, товар ёки хом ашё ҳар бир ишлаб чиқариш ёки сотиш босқичида соликқа тортилади. Бунда соликни ҳисоблаш товарни қайта ишлаш, уни истеъмолчиларга етказиши даги ҳар бир босқичда қўшилган қиймат суммаси асосида амалга оширилади.

Марказий ҳукуматнинг харажатлари 1997 молия йилида 7,7 трлн. иенага (640 млрд. долл) режалаштирилди. Шулардан 22 фоизи қарз воситаларидан ташкил топди, бюджетда умумий ва маҳсус ҳисоблар ажратилди. Шулардан биринчи ҳисоб-даромадлар ва доимий харажатлар ўлчовини аниқлайди. Маҳсус ҳисоблардан жамоат ишлари учун тўловда, нафақа беришда, давлат қарзларни ўзида фойдаланилади. Давлат даромадларининг тахминан 75 фоизи ҳукумат ихтиёрига йўналтирилди. Прогрессив соликқа тортиладиган даромадларнинг ўсиши асосан, тўғри соликлар ҳисобига таъминланадиган марказ тушумлари сезиларли даражада кўпайди. Тўғри соликларнинг 60 фоизга яқини жисмоний шахслар ҳамда 40 фоизи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари харажатлари асосан, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий мақсадларга йўналтирилди. Даромадларнинг 40 фоизга яқини транспорт, ҳалқ таълими, қишлоқ хўжалиги талабларини қондириш ҳамда табиий оғатлар оқибатларини бартараф этишга, 20 фоизи ижтимоий соҳага, соғлиқни сақлаш, уйжой қурилиши, ижтимоий нафақа тўловлари, сув таъминоти ва канализация учун сарфланади.

1997 йилда харажатларнинг 6,3 фоизи умумий ҳисобда {миллий даромаднинг 1 фоизидан ортиги} мудофаага йўналтирилди. 1995 йилда давлат қарз мажбуриятлари 326 трлн. иенага етиб, миллий даромаднинг 86 фоизини ташкил этди.

Ташқи молиявий муносабатлар тизими. Япония иқти-
содиёти сезиларли даражада ташқи савдога боғлиқdir. 1996
йилда мамлакат импорти учун 38 трлн. иена (315 млрд.
АҚШ долл.) сарф қилинib, 44,7 трлн. иена (372 млрд. АҚШ
долл.) экспортдан тушум ҳосил қилинди. 1995 йилда жа-
ҳон товар экспортида Япония улуши 9 фоиз, импорт улу-
ши эса 6,7 фоизни ташкил этди, бу эса Япониянинг АҚШ
ва Германиядан кейинги учинчи ўринни эгаллашига за-
мии яратди. Саноатда фойдаланиладиган деярли барча хом
ашё ва ёқилғи турлари хориждан келтирилади. 1996 йил-
да темир (асосан, Австралия, Бразилия, ЖАР, Ҳиндис-
тон), мис, цинк, марганец рудалари, боксит, ёғоч, нахта,
жун ва кўмир жами импорт қийматининг 15 фоизини таш-
кил этди. Бундан ташқари, импортнинг 10 фоизи нефт ва
машинасозлик маҳсулотларига, 14,5 фоизи озиқ-овқатга
тўғри келди. Экспорт қилишнинг асосий моддалари қуй-
идагилар: автомобиллар, темир ва цўлат, кемалар, элек-
ротехника ва радиоэлектроника товарлари (асосан, телевизорлар,
магнитофонлар, радиоприёмниклар ва мусиқий
марказлар), машина жиҳозлари, фото ва кинокамералар
ва бошқалардир. Япониянинг йирик савдо ҳамкори АҚШ,
сўнг Хитой ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари ҳисобла-
нади. 1996 йилда Европа Иттифоқи давлатлари Японияга
автомобиллар, кимёвий маҳсулотларни етказиб бериш
бўйича АҚШдан ўзиб кетди. Хитой тайёр кийим-кечак-
лар бозорида ҳамон устунлигича қолди. Бошқа муҳим мол

етказиб берувчи давлатларга Жанубий Корея, Тайван, Индонезия, Саудия Арабистони, Австралия, Эрон, Қувайт, Канада, Филиппин, Россия киради.

Япония йирик инвестиция қилувчи давлатдир. 1997 йилда япон компанияларикинг хорижий корхоналарга қилинган капитал қўйилмалари 6,6 трлн. иена (500 млрд. АҚШ долл.) қийматида баҳоланди. Капитал қўйилмалари-нинг 1/4 қисми хом ашё ишлаб чиқаришга, 1/3 қисми қайта ишлаш саноати тармоқларига ҳамда 1/3 қисми ташқи савдо эҳтиёжларини таъминлашга тўғри келади. Инвестицияларниң асосий қисми Шимолий ва Жанубий Америка, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларига йўналтирилган. Япониянинг хорижка инвестиция қилиш манфаатдорлиги чет эл, ҳусусан, Америка капиталининг Японияда амал қилишига тайёрлиги билан мос келди. 1996 йилда Япония тўғри чет эл инвестициялари 64 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Япония пул маблағларининг тақсимланиши. 1987 йилда Япония ҳукумати тўлов балансида юзага келган 30 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги актив қолдиқни ривожлананаётган мамлакатларга ёрдам тариқасида қайта тақсимлашини эълон қилди. Ушбу маблағларни 10 млрд. ва 20 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги иккита йирик траншга бўлиш мўлжалланди. Биринчи транш учта қисмдан иборатдир: ЖТТБ да 2 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги Япониянинг маҳсус фондини ташкил этиш; Япония ҳукумати томонидан ХВФга 3 млрд. СДР миқдорида кредит ажратиш; Япония ҳукумати томонидан Халқаро Ривожланиш Агентлигига 2,6 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги АМР-8 (шул маблағларининг саккизинчи жамланишига тегишли бўлиб, ЖТТБнинг филиали ҳисобланади). Бу маблағлар

Халқаро ривожланиш Ассоциациясига тегишли ва 24 та донор мамлакат ҳисобидан түлдириләди) ва Осиё ривожланиш фондига 1,3 млрд. АҚШ доллары миқдорида қўйилма ажратиш; Япония маҳсус фонди ЖТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва техник ёрдам кўрсатиш учун 30 млрд. иена миқдоридаги дотацијни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, фонд Япон капитал бозорига ЖТТБ қарзлари учун кенг имкониятларни юзага келтирди ва ушбу капитал миқдори 300 млрд. иенани (2 млрд. АҚШ доллари) ташкил этиб, 3 йил муддатга мўлжалланган бўлади.

Иккинчи транш, 1990 йилгача, уч йил муддат ичида ривожланаётган мамлакатларга берилиши керак эди. 20 млрд. АҚШ долларидан 8 млрд. АҚШ доллары миқдоридаги маблағ ЖТТБ ва Япония ҳукуматининг келишувига кўра, Токио бозорларига ЖТТБ томонидан қўшимча тақдим этилган маблағларни ташкил этарди. ОРБда ва Америка ривожланиш банкидаги Япония маҳсус фонdlари, худди ЖТТБдаги фонд тариқасида ташкил этилган. Шунингдек, бу суммага кўп томонлама ривожланиш банкларига бериладиган дотациялар ҳам киради. 9 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағ, ривожланаётган мамлакатларни тартибга солувчи дастурларни ҳамкорликда молиялаштириши амалга ошириш учун ажратилди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Япония молия тизими қандай таркибий тузилишдан иборат?
2. Японияда молия муассасаларининг ўрни қандай?
3. Нима сабабдан «ҳамкорлик тизими» бекор қилинди?
4. «Биг бенг»нинг японча талқини моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Японияда бюджетдан ташқари қандай маҳсус фондлар мавжуд?
6. Бюджетдан ташқари фондлар қандай йўллар билан молиялаштирилиши мумкин?
7. Япония давлат бюджетининг ўзига хос хусусияти нимада?
8. Япония давлат бюджети қандай даромад манбаларига эга?
9. Япония солиқ тизимининг ўзига хослиги нималардан иборат?
10. Японияда давлат харажатларини амалга ошириш қандай йўналишлардан иборат?
11. Япониянинг ташқи молиявий муносабатларини изоҳлаб беринг.

ФАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА ҲУДУДИЙ МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

1-§. Европа валюта тизими

Европа валюта тизими – бу жаҳон (ҳудудий) валюта тизими бўлиб, у иқтисодий интеграция доирасида амал қиласиган иқтисодий муносабатларнинг умумий йигиндиси; «умумий бозор» мамлакатлари интеграция жараёнларини рағбатлантириш ва валюта курсларини барқарорлаштириш мақсадида валюта муносабатларини ташкил этишининг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

Европа валюта тизими – жаҳон валюта тизимининг (Ямайка) қуиши шаклидир. Фарбий Европа интеграция комплексининг ўзига хос жиҳатлари, унинг Ямайка валюта тизимидан фарқли, таркибий тамойилларини белгилайди:

- Европа валюта тизими, Европа валюта бирлиги – ЭКЮга асосланади;
- олтиннинг амалдаги захира активлар сифатида ишлатилиши;
- валюта курсларининг тартиби белгиланган, ўзаро тебранишлар доирасидаги валюталарнинг «Европа валюта илони» шаклидаги сузишига асосланиши;
- Европа валюта тизимида валютанинг давлатлараро ҳудудий тартибга солиниши, марказий банкларга валюта интервенцияси билан боғлиқ бўлган тўлов балансларининг вақтиначалик тақчиллигини қоплашга кредитлар ажратиш йўли билан амалга оширилади.

ЭКЮ билан СДРнинг таққослама тавсифи, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини очиб беради. Умумийлик уларнинг халқаро ҳисоб-китобларда жаҳон кредит пуллар сифатидаги кўринишида; банкноталардá эмас, балки

нақд пулсиз шаклда амал қилишида; улар шартли қийматини аниқлашда валюта савати усулидан фойдаланишда; счетларда чегарадан ортиқ сақлагани учун эмитентни мамлакатларга фоиз тұлаши зарурлыги кабиларда намоён бўлади. ЭКЮ ва СДРнинг фарқли жиҳати сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. ЭКЮнинг эмиссияси, СДРнидан фарқли равища, Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар олтин ва доллардаги расмий захираларининг 20 фоизини бирлаштириш орқали таъминланган эди;

2. ЭКЮни эмиссияси СДРнига қараганда эгилувчан эди. ЭКЮни чиқариш суммаси оддиндан расмий белгиланмаган эди ва у Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар олтин доллар захираларининг ўзгаришига қараб тартибга солинган; ЭКЮни эмиссия ҳажми СДРнидан анча юқори эди;

3. Валюта савати нафақат ЭКЮнинг курсини аниқлашга хизмат қилган, балки у бирорта ҳам халқаро валюта бирлигини бажармаган, ҳисоб-китобларда валютанинг паритет сеткаси вазифасини бажарган;

4. ЭКЮнинг курс тартиби, ўзаро тебранишлар доирасида («Европа валюта илони») биргалиқда сузишга асосланган эди ва бу ЭКЮ ва бошқа европа валюталарнинг барқарорлигини таъминларди;

5. СДРдан фарқли равища, ЭКЮ нафақат расмий, балки хусусий секторда ҳам қўлланилган. ЭКЮ фаолият доирасининг кенгайишига қуйидаги сабаблар бор эди:

- ЭКЮ валюта савати ва «Европа валюта илони», валюта рискини пасайтираарди;
- ҳар қандай банк ЭКЮни валюта саватига мос равища «назорат қила оларди». Банк ўз мижози би-

- лан келишган ҳолда валюта саватига валюта қўшиши ёки ундан олиши мумкин эди;
- ЭКЮ барқарор валюта сифатида, муқобил жаҳон валютаси ҳисобланган нобарқарор доллардан кўра кўпроқ жаҳон хўжалигининг эҳтиёжларини қондира оларди.

Бир неча йил давом этган қизрин тортишувлардан сўнг, 1987 йилда валюта интеграцияси ривожланишида муҳим рол ўйнаган, Ягона европа акти имзоланди. 1991 йил «Делор режаси» асосида, валюта иқтисодий иттифоқни босқичма-босқич шакллантиришни кўзда тутувчи, Европа иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт шартномаси ишлаб чиқилди. 1992 йилнинг февралида Маастрихтда (Нидерландия) 12 та мамлакат томонидан Европа иттифоқи шартномаси рўйхатдан ўтказилди ва 1993 йилнинг 1 ноябрдан ишга тушди. Кейинчалик Европа Иттифоқига Австрия, Финландия, Швеция қўшилди.

Маастрихт шартномасига асосан, иқтисодий ва валюта иттифоқи учта босқичда амалга оширилади.

Баринчи босқич (1990 йил 1 июл – 1993 йил 31 декабр) – Европа Иттифоқи иқтисодий ва валюта иттифоқининг ташкил топиши. Европа Иттифоқини ташкил этиш бўйича барча тайёргарлик ишлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, бу даврда Европа Иттифоқи ичида ва Европа Иттифоқи билан бошқа учинчи мамлакатлар ўртасида калиталнинг ҳаракатланиши бўйича барча тўсиқлар олиб ташланди. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини яқинлаштириш бўйича, шунингдек, инфляцияга қарши ва давлат бюджети сиёсатини мувофиқлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич (1994 йил 1 январ - 1998 йил 31 декабр) – аъзо-мамлакатларни европи қабул қилиш бўйича ҳаралатлари янада аниқлаштирилди. Ушбу босқичда, Европа Марказий банкининг(ЕМБ) ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник ҳолатини белгилаш учун Европа валюта институти ташкил этилди.

Шунингдек, мазкур босқичда:

- аъзо мамлакатларнинг марказий банклари томонидан давлат сектори корхоналарига ёрдам кўрсатиш ҳамда давлат қарзларини сотиб олишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинди; Худди шу тақиқлар ЕВИ ташкил этилишининг учинчи босқичига келиб, ЕМБга тегишли бўлади;
- давлат сектори корхоналарининг молия институтлари маблағларидан фойдаланишдаги имтиёзлари бекор қилинди. Худди шу тақиқлар ЕВИ ташкил этилишининг учинчи босқичига келиб, ЕМБга тегишли бўлади;
- аъзо мамлакат давлат секторининг мажбуриятларини бошқа мамлакат ёки Европа Иттифоқи томонидан олиниши тақиқланди. Бу тадбир «кафолатлашдан бош тортиш тўғрисидаги келишув» деган ном олди;
- иштирокчи мамлакат давлат бюджетидаги тақчилликни меъёридан (давлат бюджети тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3 фоиз, давлат қарзлари ЯИМга нисбатан 60 фоиздан) оширmasлиги талаби қўйилди;
- зарур бўлганда, марказий банкларга худди ЕМБ каби мақом ва мустақиллик бериш қабул қилинди.

1998 йил 2 майда Европа Иттифоқи ЕВИининг учинчи босқичида қайси мамлакатларга еврого ўтишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни қабул қилди.

Учинчи босқичда (1999–2002 йй.) – 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб, евро ҳудудига кирувчи иштирокчи мамлакатларнинг миллий валюталари евро курсига нисбатан белгиланди, евро уларнинг умумий валютаси бўлди. У ЭКЮни ҳам 1:1 нисбатда алмаштирилди. Иштирокчи-мамлакатлар учун ягона пул-кредит сиёсатини юритувчи ЕМБ ўз фаолиятини бошлади.

Ягона пул-кредит сиёсати инструментлари орқали, тижорат банклари ва йирик компанияларнинг еврова операцияларни амалга ошириши рағбатлантирилди.

1999 йилнинг 1 январидан бошлаб, ҳисоб-китоблар учун, евро ҳудудига кирувчи мамлакатларнинг миллий валюталарини европга нисбатан қаттиқ курси белгиланди:

19-жадвал
**Евро ҳудуди мамлакатлари пул бирликларининг европга
нисбатан қиймати**

Валюталар	1 европга тенг бўлган миллий валюталар бирлиги
Бельгия франки	40,3399
Немис маркаси	1,95583
Испан песетаси	166,386
Француз франки	6,55957
Ирландия фунти	0,787564
Италия лираси	1936,27
Люксембург франки	40,3399
Голландия гульдени	2,20371
Австрия шиллинги	13,7603
Португалия искудоси	200,482
Финландия маркаси	5,94573

1999–2002 йилларда ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда евро ва унга борланган миллий валюталардан фойдаланилди, ҳудуднинг барча давлат ҳамда хусусий сектор

актив ва пассивлари еврода номинация қилина бошлади. Евро иттифоқининг ягона пул-кредит ва валюта сиёсати юритила бошланди ҳамда Европа Иттифоқининг умум-миллий банк институтлари фаолияти бошланди.

2002 йилнинг 1 январидан бошлаб, муомалага евро банкнотаси ва тангалари чиқарилди, у миллий пул бирликлари билан параллел равишда фаолият юрита бошлади ва миллий пулларни еврого алмашгириш амалга оширила бошланди.

2002 йилнинг 1 июлида, миллий валюталар муомаладан чиқарилиб, иштирокчи мамлакатларнинг хўжалик обороти бутунлай еврого ўтди. Лекин, евро ҳудудига Буюк Британия, Швейцария ва Дания мамлакатлари киришни хоҳламадилар.

Европа Иттифоқининг ягона валюта ва кредит бозорида қатор молия операциялари давлат томонидан тартибга солинишини бирхиллаштириш ва эркинлаштириш кутилмоқда, хусусан:

- сугурта ва пенсия фондлари эндиликда, евро ҳудудида инвестиция фаолияти билан шуғулланишда бирхил ҳуқуққа эга бўладилар. Бу уларни мажбурий тарзда давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга бўлган амалдаги тартибдан қутулиб, ўз портфелларини диверсификация қилиш имкониятини беради;
- давлат қимматбаҳо қоғозларини жойлаштириш бўйича бирламчи дилерлар, чегараланган миллий устуналигини йўқотадилар;
- айрим мамлакатларда, ҳозирги кунда маҳсус рухсат талаб этиладиган ва кўчмас мулк гарови эвазига бериладиган кредитлар, евро ҳудудида эркин ва тез кўчиб ўтувчи тус олади;

- ҳозирги кунда, миллий шул-кредит сиёсатининг манфаатларини кўзлаб, ўз ҳудудида ҳамкор мамлакат банклари фаолиятини назорат қилиш амалиёти бекор бўлади;
- Европа Иттифоқида солик тизимларининг интеграцияси жадаллашади.

Умуман, мутахассисларнинг фикрича, европининг муомалага киритилиши билан ҳалқаро иқтисодий, жумладан, молия муносабатларида сезиларли ўзгаришлар амалга ошиши прогнозлаштирилмоқда. Евро ҳудудида пул ва капитал бозорида таклифнинг кенгайиши кутилмоқда, чунки евро ҳудуди мамлакатлари валюта захираларини олдиши ҳажмда сақлашга эҳтиёж бўлмаганинидан, валюта захиралари ҳажмини қисқартириш амалга оширилмоқда. Бу ҳолат, мазкур бозорларни янада эркин ва динамик бўлишига олиб келади, унда асосий ҳал қилувчилик роли давлатдан, хусусий қарз берувчиларга ўтади. Инвестицияларнинг асосий оқими эса, давлат мажбуриятларига эмас, балки корхоналар қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга йўналтирилади. Бу, фонд бозори билан ишлаб чиқариши боғлаб, капитал оборотини тезлаштиради.

Евронинг муомалага киритилиши банклар учун Европа Иттифоқида ягона банк хизмати бозорини, шунингдек, ягона давлат ва корпоратив қимматбаҳо қоғозлар бозори вужудга келишини билдиради.

Саноат корхоналари учун европининг киритилиши, ундан баҳо ва тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, шунингдек, ҳисоб-китоблар ҳамда валюта рискини суғурталаш билан боғлиқ харажаглар пасайишини билдиради. Бу айниқса, молия корхоналарини соғломлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Улар акцияларининг даромадлилиги ошади

ва нисбатан яхши ривожланмаган Жанубий Европа давлатлари иқтисодиётини Шимолий давлатлар даражасига тенглашишини тезлаштиради.

Жаҳон молия марказлари масаласида эса, агар Буюк Британия евро ҳудудига қўшилмаса, унда етакчилик мавқеи Лондондан Франкфурт-Майн ва Парижга ўтиши кутилмоқда.

Европа Иттифоқининг валюта ва иқтисодий бирлашуви келгусида жаҳон хўжалигида кучлар нисбатининг «янги Европа» фойдасига қараб ўзгаришига ҳамда АҚШ ва Япониянинг жаҳондаги мавқеи кучсизланишига олиб келиши мумкин.

ЕТТБ: таркибий тузилиши ва асосий мақсадлари. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) – халқаро ташкилот бўлиб, жамғармасининг умумий ҳажми 20 миллиард еврони ташкил этади. Мазкур банк Франция президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан 1990 йил 29 майдаги келишувга асосан ташкил этилган.

Банк Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, режали иқтисодиёт шароитида яшаган мамлакатларда бозор муносабатларини шаклантиришга кўмак беришни мақсад қилган.

1994 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 57 мамлакат, шунингдек, ЕИҲ ва ЕТТБнинг акционерлари ҳисобланишади – Европанинг барча мамлакатлари (Албаниядан ташқари), АҚШ, Канада, Мексика, Марокқо, Миср, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, Европа Иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИҲ) ва Европа Инвестицион банк (ЕИБ), шунингдек, Шарқий Европанинг қатор давлатлари.

ЕТТБга Европа мамлакатларидан ташқари ХВФнинг барча аъзолари ҳам аъзо бўлиши мумкин. ЕТТБнинг штабквартираси Лондонда жойлашган.

ЕТТБни ташкил этиш келишуви жуда тез тайёрланди. Бу, ўттаи асрнинг 80-йилларига келиб, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларнинг сиёсий ва иқтисодий тузилмаларга таъсири билан изоҳланади. Шунингдек, бу жараёнлар ишлаб чиқариш ва савдонинг пасайишига, молиявий соҳанинг инқирозига, турмуш даражасининг ёмонлашуви, ҳудудда ижтимоий ва миллий низоларнинг келиб чиқишига олиб келди. Булар барчаси, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларини (собиқ Иттифоқ билан бирга) «хавфли» қўшниларга айлантириб қўйди ва бу нафақат Европа Иттифоқини тузиш режаларида инобатга олинган эди, балки ушбу жараённи анча секинлаштиришга ҳам таъсир этиши мумкин эди.

Янги Молия институтининг ташкил этилиши Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига фақаттина молиявий ёрдам кўрсатиш бўлиб қолмасдан, балки минтақадаги интеграцион жараёнларни мустаҳкамлаши ҳам зарур эди. ЕТТБнинг ташкил этилиши, таъсисчиларнинг фикрича, истиқболда конфедерацияга олиб келувчи ягона Европа тузилмаси асосини ташкил этади.

Европанинг барча мамлакатлари географик жиҳатдан яқин жойлашганлиги, ҳудуддаги умумий вазифалар: атроф-муҳит ифлосланишита қарши кураш (масалан, Болтиқ денгизи ёки Дунай дарёси ифлосланишига), энергетика ва телекоммуникация бўйича умумевропа тизимларини яратиш. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши, ягона иирик халқаро марказдан молиялаштирилишни талааб этар-


ди ва ЕТТБ мазкур ролни бажариши мўлжалланди.


ЕТТБ АҚШ етакчилик ролини ўйнамайдиган дастлабки Халқаро Молия институти (ХМИ) сифатида ташкил этилиши, Европа Ҳамжамияти мамлакатларининг ҳудудий ва глобал мақомини шакллантириш жиҳатидан, дунёning учала халқаро рақобат марказлари (АҚШ, Европа, Япония) ўртасида кучлар нисбатида Европанинг мавқенини ошириш учун зарур эди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида собиқ Иттифоқ йирик ХМИларидан ажратиб қўйилган эди. Ҳозирда ХВФ ва ЕТТБга аъзо бўлниш анча муаммоли тус олмоқда, чунки ХМИлар томонидан олиниши мумкин бўлган молиявий ва техник ёрдамга бўлган талаб эса, кун сайин ортмоқда эди.

3-чизма

ЕТТБ бошқарув таркиби





2002 йил давомида банк фаолиятидан олинган даромад 661 миллион еврони ташкил этди. Бу маълумотлар ЕТТБ нафақат Еврона, балки бутун дунё миқёсидаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан эканини тасдиқлайди.

2-§. Европа сұғурта бозори

1992 йилдаги Маастрихт шартномасига асосан, Еврона мамлакатларида хорижий капитални чеклаш бўйича барча тўсиқлар олиб ташланди ва Европада ягона сұғурта бозорини шакллантиришга қаратилган тадбирлар бошланди. Шундай бўлсада, миллий сұғурта бозорлари ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолмоқда. Бу хусусиятлар биринчидан, сұғурта соҳасининг таркиби ва таклиф этилган сұғурта ҳимоясининг турларига таалмуқлидир. Масалан, ҳаётни сұғурталаш, сұғурта бўйича йигиладиган бадалларнинг 77 фоизини ташкил этса, бу кўрсаткич Европада 47 фоиз, Шимолий Америкада 42 фоизни ташкил этади. Бундай тафовутнинг юзага келишига асосий сабаб, давлат томонидан ижтимоий ҳимоя паст бўлган мамлакатларда аҳолиси пенсия таъминотини ўzlари томонидан ҳал қилишидир.

АҚШда 9130 дан ортиқ сұғурта компаниялари фаолият юритади ва сұғурта тўловлари аҳоли жон бошига 1999 йилда 2334 ЭКЮни ташкил қилган.

Аҳоли жон бошига сұғурта тўловлари энг юқори бўлган мамлакат Люксембург бўлиб, 1999 йилда у аҳоли жон бошига 2800 ЭКЮни ташкил этган. Сабаби, Люксембург немислар, белгияликлар ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳисобига ўз капиталларини жойлаштирадиган «солиқ жаннати», деб юритилади.

Буюк Британияда энг эркин сұғурта тизими барпо этилган. Бу ерда ҳаттоқи, сұғурта компанияларини назорат

қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департа-менти томонидан амалга оширилади. Суғурта бадалларини ўрнatiш ва суғурта қилиш қoидалари эркинлигига қара-масдан, бу ерда кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мам-лакатлардагидан анча юқори, нархлари эса, паст даражада. Тарихий таркиб тонишига кўра, Британия суғурта бозори иқкита мустақил қисмга бўлинган: Лондон ва бошқа барча ҳудудлар. Лондон бозори, одатда, хорижий мижозларни, дengiz кемаларини, нефт компанияларини, ТМКларни суғурталайди. Лондон бозорида ҳукумронлик қилувчи «Ллойд» суғурта компанияси охирги йиллардаги қийинчиликлардан фақатгина жиddий ташкилий ислоҳотларни амалга ошириш билан чиқмоқда. Ушбу қийинчиликлар мамлакат ичкарисидаги мижозларни суғурталовчи — ички суғурта бозорига таъсир этмади.

Германияда суғурта бозори давлат томонидан қаттиқ тартибга солинади. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, суғурта бизнеси йирик саноат капитали билан яқин алоқада. Капитадда ва бошқарувда ўзаро иштирок этиш кенг тус олган. Мутахассисларнинг фикрича, тахминан 50 нафар киши барча йирик немис суғурта компанияларини назорат қилади. Шунинг учун ҳам рақобат асосан сотиш тармоқлари ўртасида мавжуд.

Германияда суғурта бозорида ҳукумронлик қилувчи компаниялардан бири «Альянс» компаниясидир. У ҳaётни суғурталаш соҳасининг 42 фоизини ва бошқа суғурта соҳалари 38 фоизини эгаллаб олган. «Альянс» оборотининг тахминан 55 фоизга яқини ички бозор, қолгани хорижий фаолият билан боғлиқ. Яқинда, иккита француз компаниялари «АХА» ва «ИАР» бирлашишидан оддин, «Альянс» — Европадаги энг йирик суғурта компанияси эди.

«R+V» сұғурта компанияси катталиги жиҳатдан Германияда иккинчи үринде туралы. Унинг юксалишиға Берлин деворининг қулаши катта таъсир күрсатади. Ушбу компания кооператив таркибінә эга бўлиб, у асосан, қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини сұғурталашга ихтисослашган.

Хорижий капиталга нисбатан қонуний чекловларнинг мавжуд эмаслигига қарамасдан, немис сұғурта бозори нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бу аҳолининг: «Немислар ўз сұғуртачиларини афзал биладилар», деган дунёқараши билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу ерда агентлар тармоғи жуда зич. 50 мингта яқин агентлар сұғурта компанияларда агент бўлиб тўлиқ иш куни ишлашса, тахминан 270 минг киши ўриндошлиқ асосида фаолият юритади. Агентлар билан мижозлар ўртасидаги муносабат дўстона ва узоқ муддатли асосда шаклланган.

Сұғурта хизматлари анъанавий бўлиб, немис сұғурта компаниялари юқори рискли тажрибаларни ўтказишга мойил эмаслар.

Германияда қайта сұғурталаш кенг ривожланган. Бу Еиринчи Жаҳон урушидан кейин, тўғри сұғурталаш билан шуғулланаётган немис сұғурта компанияларига хорижда фаолият юритиш тақиқланиши натижасида юзага келди. Чунки ушбу тақиқлар қайта сұғурталовчиларга таалуқли эмасди ва сұғурта капитали йиллар давомида ушбу соҳага оқиб ўтди.

Немис бозорининг энг муҳим томони банк сұғуртасидир, яъни сұғурта компанияси ўз савдо шохобчасида нафақат сұғурталаш билан, балки банк хизматларини кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.

Француз сұғурта бозори эса ҳаётни сұғурталаш ва автомобиль сұғуртасынға цхтисослашған. Айниқса, автомобиль ва автотранспорт әгалари жавобгарлигини сұғурталаш кучли даражада ривожланған.

Бириңчи жағон урушидан сүнг, күштина йирик корхоналар ва банклар сингари сұғурта компаниялари миллийлаштирилған әди ва улар узоқ вақт давлат ихтиёрида бўлди.

Бу ҳолат миллӣ иқтисодиётни жағон бозоридаги рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда давлат сұғурта компанияларининг маълум қисми хусусийлаштирилған. Ҳаётни сұғурталаш бўйича энг йирик сұғурта компанияси – CNP давлат ихтиёрида қолмоқда. Ушбу компанияни сотиш лойиҳаси мавжуд бўлсада, сотиб олишга қизиқувчи инвестор топилмаётганлигидан, уни сотиш лойиҳаси амалга ошмасдан келаётир. CNP хусусий компанияларга нисбатан ҳеч қандай имтиёзларға эга эмас.

Францияда ижтимоий сұғуртанинг роли катта. Яхши йўлга қўйилған ижтимоий таъминот, пенсиялар бўйича давлат кафолатлари, ҳаётни сұғурталашни бу ерда бошқа Европа мамлакатлариникита нисбатан паст даражада ривожланишига сабаб бўлди. Аммо, кейинги йилларда ижтимоий таъминот ва пенсия фондининг бюджетлари тақчилликка эга бўлиши кузатилмоқда.

Давлат ҳаётни сұғурталашни рағбатлантириш бўйича қатор тадбирларини амалга оширди ва охирги 10-15 йил ичида Франция ушбу масалада қўшниларидан илгарилаб кетди.

Бу соҳадаги асосий тадбирлардан бири сифатида ҳаётни сұғурталаш бўйича жиддий солиқ имтиёзлари берилишини кузатиш мумкин. Ушбу имтиёзлардан биринчиси: сұғурта шартномасында кўра, тўланған тўлов фоизларидан

солиқ олинмайди. Бу сұуртта шартномасини, банк омона-тидан ҳам фойдалироқ қилиб қўяди. Ушбу имтиёз сұуртта шартномасининг муддати 8 йил бўлганда амал қиласди.

Иккинчидан, сұуртта қилинувчи вафот эттанда, сұ-ғуртта шартномасига асосан, олинадиган капитал меро-сидан солиқ тўланмайди. Бундан ташқари, сұурталаш мерос қилинадиган мулк таркибиға киритилмайди ва бошқа меросхўрлар билан бўлиб олинмайди. Шундай қилиб, ҳаётни сұурталаш — ўз меросхўрларига, мерос-дан солиқ тўламасдан шул қолдиришнинг энг қонуний йўли ҳисобланади.

Банк сұуртгаси ҳам Францияда яхши ривожланган. Бундан ташқари, ҳаётни сұурталаш шартномалари, ҳат-то, почта орқали сотилади. Қишлоқ жойларда ва кичик-роқ шаҳарларда, почта бўлимлари, нафақат почта хизма-тини, балки сұуртта, банк хизматларини ҳам кўрсатади. Улор банк ҳисобварақаларини юритадилар, жамгарма ҳисобварақаларини очадилар ва аҳолининг бой бўлмаган қатлами учун ўзига хое банкирлар ҳисобланадилар.

Шундай қилиб, турли мамлакатларда аҳолининг ижти-моий ва иқтисодий ҳаёт тарзига мослашиб, сұуртта турли хил шаклларда намоён бўлмоқда.

Европа иқтисодий ҳамкорлик тизимида қабул қилини-шинча, сұуртта ташкилотлари ихтисослашган ва ихтисос-лашмаган асосда ўз фаолиятини ташкил қиласдилар. Их-тисослашмаган сұуртта ташкилотлари сұуртганинг бир неча турлари бўйича ўз ишларини олиб борадилар. Ихтисос-лашмаган сұуртта ташкилотлари 1-2 йўналишларда ихти-сослашмаган ҳолда фаолият юритадилар. ЕХТда сұуртта тур-руҳлари қуйидаги икки хилга бўлинади: узоқ ва қисқа муддати умумий сұуртта турлари.

Узоқ муддатли сұғурта турларига қуйидаги етти хил сұғурта йұналишлари киради:

- ҳәётни ва аниуитентини сұғурталаш;
- никоҳ ва фарзанд таваллудини сұғурталаш;
- соғлиқни узлуксиз сұғурталаш;
- тонтиң сұғуртаси;
- канитални қайта сұғурталаш;
- пенсия сұғуртаси;
- бошқа турдаги узоқ муддатли сұғурталар.

Юқоридаги узоқ муддатли сұғурта турларидан ташқари, бошқа халқаро амалиётда бўлган қуйидаги сұғурта йұналишлари ҳам мавжуд:

- баҳтсиз ҳодисалардан сұғурталаш;
- тиббий сұғурта;
- автомобилларни сұғурталаш;
- темир йўл вагонларини сұғурталаш;
- самолётларни сұғурталаш;
- кемаларни сұғурталаш;
- транспорт юкларини сұғурталаш;
- мулкни ёнғин ва табиий оғатлардан сұғурталаш;
- транспорт ҳайдовчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини сұғурталаш;
- кема эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини сұғурталаш;
- умумий жавобгарлик сұғуртаси;
- кредит сұғуртаси;
- ходимларни заарлар эҳтимолидан сұғурталаш;
- молиявий заарларни сұғурталаш;
- суд харажатлари тўловларидан сұғурталаш ва бошқалар.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида сұғурталовичларнинг фаолияти турли хил ташкилий шаклларда, яъни

хиссадорлик компаниялари; давлат ва аралаш сұғурта ташкилотлари; хусусий тадбиркорлик ва бирлашмалар; кооператив сұғурта ташкилотлари; құшма корхоналар; автосуғурталовчилар паралел шаклларда намоён бўлади. Турли давлатларда сұғурта жамиятларини тузишда турли хиёд ташкилий-ҳуқуқий шакллардан амалиётда фойдаланилади. АҚШ ва Германияда акционерлик жамиятлари, Францияда ўзаро сұғурта жамиятлари, Буюк Британияда эса, сұғурта ассоциациялари иш олиб бормоқда.

Италия ва Испанияда кооператив сұғурталаш амалиётда кенг қўлланилмоқда, Германия, Буюк Британия, Франция ва Японияда давлат капитали иштирокидаги сұғурта компаниялари фаолият юритмоқда.

Улар, асосан, халқаро соҳада майдонга чиқадилар. Бу компанияларга Германиянинг «Гермес», Франциянинг «Кофасе» компаниялари мисол бўла олади.

Бу компаниялар қай тарзда шаклланмасин, уларнинг фаолияти маълум месъёрий актлар ва маҳсус давлат сұғурта пазорати органдари томонидан тартибга солинади.

Юқорида айтиб ўтилган Германиянинг «Гермес» компаниясини олиб кўрайлик. Бу давлат сұғурта компанияси бўлиб, турли мамлакатлар билан тузиладиган шартномаларга шул қўювчи немис банклари ва компанияларининг рискларини сұғурталайди.

Франциянинг «Кофасе» компаниясига келадиган бўлсак, бу давлат сұғурта компанияси бўлиб, Франциядан экспорт жўнатмаларини амалга оширишга йўналтирилган кредитларни сұғурталайди.

Англиянинг «Ллойд» корпорацияси юридик мустақил сұғуртачилар бирлашмаси бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг молиявий шароитидан келиб чиқсан ҳолда, мустақил равишда рискларни сұғурталайди. Ллойд XVII асрда пайдо

бўлиб, ўз номини кафе эгаси бўлмиш Э.Ллойддан олган. Ушбу кафеда фаолияти дengiz билан боғлиқ бўлган шахслар тўпланиар эди. 1871 йилда бу компания dengiz суғурта операциялари билан иш олиб бориш ҳуқуқига эта бўлган юридик шахс мақомига муваффақ бўлди. 1911 йилдан эса, барча турдаги суғурта операцияларини амалга ошира бошлади. Ллойдинг ҳар бир аъзоси ўз фаолиятини таъминлаш йўлида маълум миқдордаги пул маблағини депозит шароитида қўйиши лозим, бу сумма унинг рисқдаги иштирок даражасини белгилайди.

Буларга андеррайтерлар бошчилик қилиб, улар барча синдикат аъзолари номидан суғурта рискларини қабул қиласидар. Ллойд дунёниг барча йирик портлари ва шаҳарларида ўз бирикмаларига эта бўлиб, узоқ муддатли хат суғурталаш ва алоҳида турдаги кафолатли суғуртадан бошқа барча соҳадаги суғурта хизматларини кенг миқёсда кўрсатади. Лекин, Ллойдинг тахминан яrim операциялари dengiz суғургаси билан боғлиқ. Ушбу корпорация ўз таркибига 5000 атрофидаги суғурта компанияларини бирлаштиради. Агар объект бир муддатнинг ўзида Ллойд аъзоларининг бир нечтасида суғурталанган бўлса, уларнинг ҳар бири суғурталанувчи оддида риск учун олинган маълум миқдордаги пул маблағи ва маҳсулот учун жавобгар ҳисобланади. Корпорация аъзолари одатда шартномаларни брокерлар орқали тузадилар.

Европа суғурта бозорининг дунё суғурта хизматлари бозоридаги ўрни. Европа дунёда суғурта бадалларини йиғиши ҳажми бўйича иккинчи ўринда (Шимолий Америкадан кейин) туради. 1989 йилдан 1999 йилгача бўлган оралиқда Европада йиғиладиган суғурта бадалларининг ҳажми мутлоқ кўринишда икки мартаға ошди.

Дунё суғурта бадалларида Европанинг улуши сезиларли даражада ортиши кузатилмоқда. Агар, 1995 йилда бутун

сүгурта бадалларининг 51,3 фоизи Шимолий Америка ҳиссасига, 25,9 фоизигина Европага тўғри келган бўлса, 1999 йилга келиб, вазият (1-диаграмма) бутунлай ўзгарди. Шимолий Американинг улуши ҳамон катта бўлсада, энди у 36 фоизни ташкил этади. Европанинг ушбу бозордаги улуши 33 фоизни, Осиёники эса, 29 фоизни ташкил этмоқда. Дунё сүгурта бозорида «қолган дунё» ҳиссасининг икки марга ошишига қарамасдан, унинг салмоғи ҳамон 4 фоизни ташкил этмоқда.

Европа сүгурта бадаллари динамикасини ўрганиш, уни 1983 йилдан 1999 йилгача бўлган оралиқда анча барқарор кечганилигидан далолат беради. Бу вақт оралиғида Европа, Осиёдагидек кўрсаткичларнинг кескин ўзгаришини бошдан кечирмади.

20-жадвал¹

Ҳудудлар бўйича сүгурта бадаллариниң йигиш ҳажми (млрд. АҚШ долларида)

Ҳудудлар	1989й.	1991й.	1993й.	1995й.	1996й.	1998й.	1999й.
Европа	375	469	491	643	675	711	762
Осиё	311	372	628	756	647	572	621
Шимолий Америка	483	521	600	661	689	780	837
Қолган дунё	42	53	84	83	95	104	104
Жами	1211	1415	1803	2148	2106	2167	2324


Европа Сүгурта қўмитаси – ЕСҚ (аббревиатура, оригинал тилда – СЕА) 29 та мамлакатнинг миллий сүгурта ассоциацияларини бирлаштиради. Уларнинг тўлиқ рўйхатини –жадвалдан кўриш мумкин.

Белоруссия, Молдова, Руминия, Украина ва бошқа ЕСҚ-га кирмайдиган кўплаб мамлакатларнинг (Россиядан бо-

¹ Swiss Re.: European Insurance in Figures. Basik Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001.P.156.

шқа) сұғурта операциялари ва статистик күрсатқичлари ЕСҚ ұисботларында акс эттирилмайды. ЕСҚ статистик мәдениетномаларында ягона евро валютаси амал қилады – ган 11 та мамлакат ұисботлари акс эттирилади.

1-диаграмма¹



Бу мамлакаттар: Австрия, Бельгия, Германия, Испания, Финландия, Франция, Ирландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия.

21-жадвал **Миллий сұғурта ассоциациялари ЕСҚ та кирудүк мамлакаттар рүйхаты**

1	Австрия	11	Франция	21	Мальта
2	Бельгия	12	Бьюк Британия	22	Нидерландия
3	Швейцария	13	Греция	23	Норвегия
4	Кипр	14	Венгрия	24	Польша
5	Чехия	15	Ирландия	25	Португалия
6	Германия	16	Исландия	26	Швеция
7	Дания	17	Италия	27	Словения
8	Эстония	18	Литва	28	Словакия
9	Испания	19	Люксембург	29	Турция
10	Финландия	20	Латвия		

¹ Swiss Re.: European Insurance in Figures. Basik Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001.P.156.

ЕСҚнинг Европа Иқтисодий Ҳудуди (ЕИХ) бўйича маълумотномаларида 15 та Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳамда Исландия ва Норвегия бўйича маълумотлар ҳам келтирилади. ЕСҚнинг 1999 ва 2000 йиллар учун маълумотномасида Швейцария ҳам ЕИХга киритилган.

ЕСҚга кирувчи мамлакатларда сұғурта бадалларини тўплаш ҳажми. ЕСҚга кирувчи мамлакатлар сонининг ўсишига қарамасдан, тўпланадиган сұғурта бадалларининг 93,4 фоизи ҳамон Европа Иттифоқи мамлакатларидағи сұғурта операцияларига ва 98,4 фоизи ЕИХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунда Швейцария бўйича маълумотлар ЕИХга киригтилмоқда.

22-жадвал¹

**Сұғурта бадалларини тўплаш ҳажмлари
(жорий баҳоларда)**

Йиллар	ЕСҚ, млрд.долл.	ЕИ, млрд.долл.	ЕИ улуши, %	ЕИХ, млрд.долл.	ЕИХ улуши, %
1994	544,3	507,1	93,2	538,9	99,0
1995	636,8	590,5	92,7	629,9	98,9
1996	672,4	626,5	93,2	664,1	98,8
1997	664,2	616,6	92,8	623,8	93,9
1998	685,4	633,8	92,5	674,3	98,4
1999	754,5	704,2	93,3	742,0	98,3
2000	728,2	679,9	93,4	716,3	98,4

22-жадвалдан 1994 йилдан 2000 йилгача бўлган вақт оралиғида ЕСҚга кирувчи мамлакатларда сұғурта бадалларини тўплаш ҳажми 184 млр.долл.га ёки 1,3 мартага ортганилигини кўриш мумкин.

Қуйидаги жадваллар Европада тўпланадиган сұғурта бадалларининг таркибидағи ўзгаришларни акс эттиради.

¹ Swiss Re. Цит.По:European Insurance in Figures. Basik Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001.P.156.

1992 йилдан 2000 йилгача давр оралиғыда сұғурта турларыда жиғдій үзгаришлар рўй берди. Бундай үзгаришлар шартнан амалға ошишынға ЕСҚ мамлакатларында пенсия таъминоти бўйича ислоҳотлар ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ушбу ислоҳотлар натижасида, пенсия таъминотида давлатининг интироқи камайди ва бир вақтнинг ўзида ҳаётни сұғурталаш ва пенсия ҳажмларининг ортиши кузатылди.

23-жадвал¹

Ҳаётни сұғурталаш бадаллари ва сұғуртанинг жами турлари ҳажмларига нисбати, фоизда

	1994й.	1995й.	1996й.	1997й.	1998й.	1999й.	2000й.
ЕСҚ мамлакатлари							
Ҳаётни сұғурталаш	50,1	51,4	54,1	56,1	58,5	62,2	63,5
Жами турлари	49,9	48,6	45,9	43,9	41,5	37,8	36,5
ЕИ мамлакатлари							
Ҳаётни сұғурталаш	49,9	51,1	54,0	55,9	58,4	62,6	64,1
Жами турлари	50,1	48,9	46,0	44,1	41,6	37,4	35,9
ЕИХ мамлакатлари							
Ҳаётни сұғурталаш	50,4	51,6	54,4	55,8	59,0	62,7	64,0
Жами турлари	49,6	48,4	45,6	44,2	41,0	37,3	36,0

Сұғурта компанияларининг инвестициялари. Сұғурта компанияларининг инвестицион фаолияти жағон сұғурта бозорининг ривожланғанлигини кўрсатувчи муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Еврона сұғуртачилари инвестицияга йўналтирилаётган маблағлари ҳажмини доимий равишда кенгайтирмоқдалар.

1992 йилдан Еврона Иттифоқи мамлакатларыда сұғуртачиларининг инвестициялари уч мартаға ошди ва 5,2 трлн. еврони ташкил этмоқда. Ушбу номутаносиблик АҚШ дол-

¹ European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, СЕА, Brussels, 2001.Р. 18,64.

лари ва евро курсларидағи үзгаришлар ҳамда 2000 йил учун инвестиция маълумотларининг етарли даражада эмаслиги билан характерланади. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, инвестициялар ҳажми жорий баҳоларда (евро) камаймаган ва доимий ўсиш анъанаси давом этмоқда.

24-жадвал¹

Сурурта компанияларининг инвестиция ҳажми, млрд.долл.

Мамлакатлар	1995й.	1996й.	1997й.	1998й.	1999й.	2000й.
ЕСҚ	3412,7	3804,7	3994,2	4427,2	4939,4	4775,2
ЕИ	3147,1	3539,6	3765,8	4139,9	4627,3	4456,8
ЕИХ	3406,9	3591,6	3765,8	4417,7	4925,1	4760,2

Ушбу инвестицияларнинг йўналишини қуидаги 25-жадвалдан кўриш мумкин.

25-жадвал²

Европа мамлакатлари суруртачиларининг

инвестиция йўналишлари

(умумий инвестиция ҳажмига нисбатан фоизда, 1999 йил)

Инвестиция йўналишлари	ЕСҚ	ЕХ	ЕИХ
Кўчмас мулк	4,9	4,6	4,9
Улушли қатнашиш	3,5	3,2	3,5
Ақция ва бошқа ўзгарувчан даромадли қимматли қоғозлар	37,4	38,6	37,5
Облигация ва бошқа белгиланган даромад келтирувчи қимматли қоғозлар	35,3	35,0	35,2
Қарзлар	12,6	12,4	12,6
Депозитлар	1,6	1,5	1,6
Ва бошқалар	4,8	4,7	4,8

¹ European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brusseles, 2001. P.22.

² European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brusseles, 2001. P.80-81.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЕСҚ мамлакатлари асосий инвестицияларини акция ва облигация сотиб олишга йўналтиради. Еврола Иттифоқи мамлакатларининг сурхурта компаниялари, бу иккала йўналишига тахминан 73 фоиз миқдордаги инвестицияларини йўналтирадилар. Агар, ЕСҚ сурхурта компаниялари акция сотиб олишга, ўртacha 37,4 фоиз миқдорда инвестиция қилса, бу кўрсаткич Еврона Иттифоқи сурхурта компаниялари учун нисбатан юқори бўлиб, 38,6 фоизни ташкил этади. ЕСҚнинг янги аъзо мамлакатларида (Марказий ва Шарқий Еврона мамлакатлари) инвестицияларининг ўртача таркиби Еврона Иттифоқи ва ЕСҚдан анча фарқ қиласди. Собиқ социалистик мамлакатлар иқтисодиётидаги бекарорликни ҳисобга олган ҳолда, сурхуртачилар, бу мамлакатларда риск даражаси наст бўлган йўналишларга инвестицияларни йўналтиришни афзал билмоқдалар. Мазкур мамлакатларга йўналтирилган инвестицияларнинг йирик қисми (54,1 фоиз) облигацияларга, кейин депозитларга (15 фоиз) ва акцияларга (7,4 фоиз) тўғри келади.

Сурхурта компаниялари ичида инвестициялар миқдори кўпроқ ҳаётни сурхурталовчи компаниялар ҳиссасига тўғри келади. 1999 йилда, ЕСҚ мамлакатларида мазкур компаниялар инвестицияларининг бошқа турдаги сурхурта фаолияти билан шуғулланувчи барча компаниялар инвестицияларига нисбати 4,5 баробар ортиқ бўлган.

Кейинги ўн йилликда, ҳаётни сурхурталовчи компанияларнинг йириладиган сурхурта бадалларининг ортиши билан, ушбу компанияларнинг инвестиция фаолияти жадаллашди.

1992 йилда Еврона Иттифоқи мамлакатлари сурхуртачиларининг инвестициялари ҳажмида ҳаётни сурхурталов-

чи компаниялар улуши 75,4 фоизни ташкил эттан бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 77,1 фоизни, 1998 йилда 79,9 фоизни ва 1999 йилда 81,7 фоизни ташкил этган.

26-жадвал¹

Европа сұғурта компаниялари инвестициялари ҳажмида ҳаётни сұғурталовчи компанияларнинг улуши (1999 йил, фоизда)

Мамлакатлар	Сұғурта компаниялари инвестициялари ҳажмида ҳаётни сұғурталовчи компанияларнинг улуши	Жами тур сұғурта компанияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги улуши
Европа сұғурта күмитаси	81,4	18,6
Европа Иттифоқи	81,7	18,3
Европа иқтисодий худуди	81,5	18,5

**Сұғурта компанияларнинг сони ва унда банд
бўлганлар салмоғининг ўзгариши.** ЕСҚга кирувчи мам-
лакатлардаги сұғурта компанияларнинг сони нисбатан
барқарор бўлиб, ўртача 5,4 мингтани ташкил этишини
қўйидаги 2-диаграммадан кўриш мумкин. Шу билан бир
вақтда, Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатлар сұғурта
компанияларнинг сони анча камайғанлиги кузатилмоқ-
да. Буни, ушбу мамлакатлардаги сұғурта компаниялари-
нинг бирлашуви ва йириклишув жараёни билан изоҳлаш
мумкин.


2000 йилда ЕСҚга кирувчи мамлакатларнинг сұғурта
компанияларида 1056,7 минг киши фаолият юритган.

ЕСҚга кирувчи мамлакатларнинг сұғурта компанияла-
рида ишловчилар сони ўсиш анъанаасига эга бўлиб, 1992

¹ European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brusseles, 2001. P.80-82.

йилдан 2000 йилгача улар сони қарийб, 36,5 минг кишига орттан. Шунингдек, бу ўсишга ЕҚСга янги аъзо мамлакатларнинг қўшилиши ҳам таъсир этган бўлиб, бу мамлакатларда суғурта бозорлари энди шакланиш босқичини бошдан кечирмоқдалар. Аммо, Европа Иттифоқи мамлакатларида суғурта тўловлари ҳажмининг ўсишига қарамасдан, суғурта компанияларида ишловчи ходимлар сонида камайиш кузатилмоқда.

2-диаграмма¹
Европа суғурта компанияларининг сони



Юқорида кўриб ўтилган вақт оралиғида, Европа Иттифоқи мамлакатларида ишловчи ходимлар сони 7 минг кишига камайган. Аммо, битта компанияга тўғри келадиган ўртacha бандлик даражаси камаймаган. Европа Иттифоқи мамлакатларидаги суғурта компанияларида, ЕСҚ, ва ЕИХ мамлакатларидаги компанияларга нисбатан, битта компанияга тўғри келадиган ходимларнинг ўртacha сони энг минимал даражани ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

¹ European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, СЕА, Brussels, 2001. P.80-82.

Айрим сұғурта күрсаткічларини Европа мамлакатларыннң ЯИМ билан таққослаш. Одатда, мамлакат иқтисодиёти учун зарурий сұғурта иккита күрсаткіч—йиғиладиган сұғурта бадалларининг ЯИМга нисбати ҳамда сұғурта компаниялари инвестицияларининг ЯИМга нисбатан ҳажми белгиланди.

Ушбу күрсаткічларни, қуидеги 27-жадвал маълумотларидан күриш мүмкін.

27-жадвал¹

Европа мамлакатларида йиғиладиган сұғурта бадалларининг ва инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати

Йиллар	Йиғиладиган бадаллар ҳажми, %			Инвестициялар ҳажми, %		
	ЕСҚ	ЕИ	ЕИХ	ЕСҚ	ЕИ	ЕИХ
1994	6,8	6,9	7,0	32,9	33,1	34,1
1995	6,7	6,8	6,9	34,8	35,2	36,2
1996	7,0	7,1	7,2	37,9	38,7	39,6
1997	7,2	7,4	7,5	42,7	43,9	44,8
1998	7,5	7,6	7,7	47,3	49,0	49,9
1999	7,9	8,2	8,2	52,0	53,9	54,6

1999 йилда ЕСҚ мамлакатларида йиғилған сұғурта бадалларининг ҳажми ЯИМга нисбатан 7,9 фоиз, Европа Иттифоқи ва ЕИХ мамлакатларида эса, бу күрсаткіч 8,2 фоизге тенг бўлган.

Бу күрсаткіч, дунё бўйича солиштирганда, ўртача (7,52 фоиз) дан юқори бўлиб, фақаттана Шимолий Америка – 8,42 фоиз ва Океания (Австралия ва Янги Зеландия) – 9,2 фоиз кўрсаткічларидан ортда қолади.

Мазкур күрсаткіч динамикаси ижобий тусга эга бўлиб, 1992 йилдан 1999 йилгача нисбатан барқарор равишда – 1,3 марта ошган.

¹ European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, СЕА, Brusseles, 2001. P.87-88.

Европа сұғуртасыларининг инвестицион фаядияти дөн-мо үсін ва үсиш жадалліги ушбу мамлакатларнинг ЯИМ үсиш суръатларидан анча тез кечган. Масалан, 1992 йилда ЕСҚ мамлакатларида сұғуртасылар инвестицияларининг ЯИМға нисбати 29,1 фоиз бўлган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил этган. Агар, ушбу кўрсаткични Европа Иттифоқи ва ЕИХ мамлакатлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, унда мазкур кўрсаткич, бу мамлакатларда 53,9 ва 54,6 фоизни (мос равишда) ташкил этган.

Халқаро молия муносабатларида халқаро сұғурта операциялари билан боғлиқ кўрсаткичларни солишириш, кўпроқ, маълум ҳудуд мамлакатларида йигиладиган сұғурта бадалларини, шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиш орқали амалга оширилади.

Бундай оддий усул, турли хил аҳоли сонига эга бўлган ҳудудларда сұғурта жараёнининг қанчалик оммавий-лашганилигини акс эттиради.

Европа мамлакатларида аҳоли жон бошига нисбатан сұғурта бадалларининг барқарор үсишини кузатиш мумкин. 1992 йилга нисбатан, бу кўрсаткич ЕСҚ мамлакатларида 1,75 марта, Европа Иттифоқи мамлакатларида 1,79 марта ва ЕИХ мамлакатларида 1,78 марта га ошган.

1999 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида сұғурта бадаллари тўлови ҳажми 2053 АҚШ долларини ташкил этган. Ва дунёда фақат АҚШдан кейинги (АҚШда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сұғурта бадалларининг миқдори 2765,5 долларни ташкил этади)¹ иккинчи ўринни эгаллаган. Дунё ҳудудлари бўйича бу кўрсаткич ўртача 387 АҚШ долларини ташкил этади.

¹ Swiss Re. Sigma. 2000. №9. Р. 32.

Аҳоли жон бошига сұғурта түловларининг ҳажмида ҳаётни сұқарталаш сезиларли салмоққа зәғ бўлиб, унинг улуши умумий йиғилган сұғурта бадалларида 62 фоизни ташкил этади.

3-§. Лизингга ихтисослашган халқаро компаниялар

Жаҳонда бир неча мингдан ортиқ халқаро миқёсда ишловчи лизинг компаниялари ва фирмалари мавжуд. Мазкур лизинг компаниялари ва фирмаларининг фаолияти лизинг операцияларининг ихтисослашуви, ҳажми, потенциали, ҳудудий жойланишига ва бошқа шу каби бир қатор омилларга боғлиқдир.

Қуйидаги 28-жадвалда Европадаги лизинг компанияларининг фаолияти чегараси ва уларнинг миқдори, ҳажми бўйича баъзи бир маълумотларни таҳдил қилишга ҳаракат қиласиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикамиз иқтисодиётига нафакат Европа, балки жаҳоннинг йирик лизинг компанияларини ҳам жалб этиш муҳим ва аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси лизинг компаниялари жадвалларда келтирилган маълумотлар орқали ўзларининг халқаро лизинг операциялари билан боғлиқ лойиҳаларини амалга оширишларига имкон яратилади. Бу маълумотлар ҳар бир лизинг лойиҳаларини амалга ошириш учун ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, бу маълумотлар лизинг компанияларининг расмий ҳисобланмайдиган рейтингини кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Ўз навбатида шериклар билан олдиндан танишиш имконини бериши мақсадга мувофиқдир.

Қуйидаги 29-жадвалда жаҳоннинг халқаро лизинг операциялари билан шуғулланувчи энг йирик лизинг компаниялари келтирилган.

Мазкур жадвал маълумотларида нафақат лизинг шартномаларининг умумий суммаси кўрсатилган, балки йил давомидаги улар томонидан бажарилган операцияларнинг ҳажми ҳам берилган. Шу сабабли, мазкур жадвал маълумотларидағи рўйхатта баъзи бир йирик лизинг компаниялари тўғрисидаги маълумотлар қўшилмай қолган.

Масалан, «Japan Leasing Corporation» компанияси йил давомидаги лизинг операцияларининг ҳажми 3,269 млрд. АҚШ доллари бўлиб, у жаҳонда 8-ўринни эгаллайди; «D'Accord Financial» компанияси 2,500 млрд. АҚШ доллари — 17-ўрин; «Newcourt Credit Corp» 2,468 млрд. доллар — 18-ўрин; «Australian Guarantee Corp» 1,390 млрд. доллар — 31-ўринни эгаллайдилар.

28-жадвал

Европадаги лизинг компаниялари бўйича маълумотлар¹

Мамлакатлар	Компанияларнинг сони, фаолият юритадиган соҳа доираси		
	Фақаттина асбоб-ускуналар лизинги билан	Кўчмас мулк лизинги билан	Асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк лизинги билан
Австрия	12	1	21
Бельгия	0	0	54
Болгария	0	0	14
Буюк Британия	68	0	16
Венгрия	9	0	4
Германия	87	4	9
Греция	7	0	0
Дания	17	0	7
Ирландия	17	0	0
Испания	20	5	65

¹ В.Д. Газман «Лизинг: теория, практика, комментарии», Москва, 1997 г., изд. «Правовая культура», стр. 56-60.

Италия	19	2	72
Люксембург	5	5	5
Мальта	5	5	1
Нидерландия	20	1	3
Норвегия	16	0	3
Польша	41	0	1
Португалия	26	4	0
Словения	11	0	1
Финляндия	0	0	5
Франция	113	158	7
Чехия ва Словакия	42	0	7
Швеция	30	0	0
Швейцария	7	3	2
жами:	572	178	285

29-жадвалда юқоридаги компанияларнинг киритилмаганлигига сабаб улар портфелларининг умумий суммаси ҳақидаги маълумотларнинг йўқлигидир.

Шундай қилиб, жаҳоннинг энг йирик 30 та лизинг компаниялари портфелининг умумий ҳажми 280,710 млрд. АҚШ долларини ташкил этса, йил давомидаги лизинг операциялари 103,656 млрд. АҚШ долларига teng. Яъни биринчи кўрсаткичга нисбатан 2,6 марта кичикдир.

29-жадвал маълумотларига қараб хуроса қиладиган бўлсак, жаҳоннинг энг йирик лизинг компаниялари ўз фаолиятларини кейинги уч йил муддат ичида камайишига олиб келишмоқда.

29-жадвал

**Жаңондаги энг иирик лизинг компаниялари бүйича
маълумотлар**
(1994 йилги маълумотлар)¹

ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ-НИНГ НОМИ	Лизинг шартномалари портфелининг умумий ҳажми, млн. долл.да	Йил давомидаги лизинг операцияларининг ҳажми, млн. долл.да	Лизинг портфелининг ҳажми билан йил давомидаги операциялари ўртасидаги фарқ	
1	2	3	4	5 = 3 : 4
1 GE Capital	41300	16800	2,5	
2 Orix Corporation	24830	9662	2,6	
3 Societe General	23928	5810	4,1	
4 KCG Allgemeine Leasing	21000	3150	6,7	
5 Lombard North Central/NatWest Group	16550	7061	2,3	
6 Debis Financial	16199	4655	3,5	
7 GMAC	13631	10363	1,3	
8 Barclays Mercantile	12444	1709	7,3	
9 Tokio Leasing Co	10421	3200	3,3	
10 AT&T Capital	7661	4250	1,8	
11 Diamond Lease Co	6419	2865	2,2	
12 ING Lease	5982	2589	2,3	
13 Century Leasing System, Inc.	5870	2733	2,1	
14 IBM Credit Corp	5300	2800	1,9	
15 Mercedes-Benz Credit	5300	1876	2,8	
16 USL Capital	5300	2145	2,5	
17 GEFA Leasing	5289	3148	1,7	
18 ABN Amro Lease	4651	2221	2,1	
19 Caterpillar Financial	4511	2183	2,1	
20 Volkswagen Financial	4395	378	11,6	

¹ В.Д. Газмат «Лизинг: теория, практика, комментарии», Москва, 1997 г., изд. «Правовая культура», стр. 62-63.

21	NWS Bank	4393	2173	2,0
22	Pitney Bowes Credit	4307	1218	3,5
23	Esanda Finance Corp	4213	2602	1,6
24	BNY Leasing Corp	4000	800	5,0
25	UCABAL	3960	965	4,1
26	VR Leasing	3927	1300	3,0
27	Abbey National	3889	567	6,9
28	Comdisco	3840	1582	2,4
29	CITgrup	3694	1040	3,6
30	Korea Development Leasing Corporatation	3503	1807	1,9
	Жами:	280710	103656	-

Юқоридаги маълумотлардан шундай хуносага келиш мумкинки, демак, лизинг компанияси даромадларининг бир қисми лизингга боғлиқ бўлмаган бошқа фаолиятлардан ташкил топмоқда.

Жаҳоннинг етакчи банклари лизинг билан боғлиқ бизнесга қизиқишлари каттадир. Лизинг операциялари билан шуғуланиш мураккаб бўлсада, жуда самарали ҳисобланади. Лизинг компаниялари банк гурӯҳлари, холдинглар доирасида тузилади.

Шу билан бирга, биттагина банкнинг ўзида ҳам, бир неча лизингта ихтисослашган компанияларни очиш ҳоллари ҳам кўплаб учраб туради.

Франциянинг «Societe Generale» банки 1968 йилдан бошлаб, жаҳонда кенг тармоқли «Sogellease» лизинг гурӯҳини тузди. Унинг таркибига ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли жойларида жойлашган 30 дан ортиқ фирмалар киради. Мазкур банкнинг штаб-квартираси Европада жойлашгани сабабли, «Sogellease» лизинг гурӯхи компаниясини Европанинг лизинг-холдинг компанияси, деб ҳисоб-

лашади. Умумий ҳажми бўйича бу компания жаҳонда учинчи ўринда ва лизинг портфели катталиги бўйича Европада энг йирик компаниялардан ҳисобланади. Охирги 10 йил ичида лизинг операцияларининг ҳажми 1,6 млрд. АҚШ долларидан 5,8 млрд.гача ўсди, яъни тахминан тўрт баравар ўсиш кузатилди.

«Sogellease» Германия, Австралия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Испания, АҚШ, Италия, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатларда ўз бўлимларига эга. 1996 йилда компания Австрияда лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўзининг шўъба бўлимини очди. Фирманинг офиси Венанинг энг эътиборли районларидан бири ҳисобланган Шубертрингда жойлашди.

«Societe Generale» банкининг таркибий тузилмасида шўъба лизинг компаниялари фаолияти билан маҳсус шугулланадиган алоҳида иккита департамент мавжуд.

«Sogellease» лизингининг муддати асбоб-ускунанинг умрига қараб, 3 йилдан 18 йилгача ўрнатилади. Лизинг тўловларининг ставкаси бевосита — LIBOR ставкаси билан боғлиқдир.

Лизинг бўйича асбоб-ускуналарни етказиб бериш асбоб-ускуналарининг тўрт гурӯҳига қараб амалга оширилади:

- транспорт (кема, самолёт, контейнер ва трайлерлар);
- нефт (платформа, баржа, судна ва заводлар);
- жамият ишларига зарур бўлган шаҳар бинолари ва керакли асбоб-ускуналар;
- саноат корхоналари ва компьютерлар учун йирик инвестиция лойиҳалари.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Европа валюта тизими нима?
2. Европа валюта тизими Ямайка валюта тизимидан фарқли қандай хусусиятларга эга?
3. ЭКЮнинг СДРдан фарқли жиҳатларини кўрсатиб беринг?
4. Маастрихт шартномасининг моҳиятини изоҳлаб беринг?
5. ЕТТБнинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад нима эди?
6. Европа сұғурта бозорининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
7. Нима сабабдан Люксембург «Солиқ жаннати»деб ном олган?
8. Германияда сұғурта бозорининг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг?
9. Франция сұғурта бозорининг Германия сұғурта бозоридан ўхшаш ва алоҳидалик хусусиятларини кўрсатиб беринг?
10. Францияда ижтимоий сұғуртанинг роли қандай?
11. Лизинг нима?
12. Лизингга ихтисослашган яна қандай халқаро компаниялар тўғрисида маълумотларга эгасиз?

БЮОК БРИТАНИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

1-§. Бюок Британия давлат молияси

Бюок Британия давлат молияси: марказий ҳукумат бюджети (давлат бюджети), маҳсус фондлар, маҳаллий ҳукумат органлари молияси, давлат корпорациялари молиясидан иборатdir.



Давлат бюджети Бюок Британия молия тизимининг етакчи бўини бўлиб, у мазкур давлат тузилиши шаклига мувофик, давлат бюджети ва кўп сонли маҳаллий бюджетлардан ташкил топади. Бироқ, ушбу маҳаллий бюджетлар ўз даромадлари ва харажатлари билан давлат бюджети таркибига кирмайди. Бюок Британияда бошқа давлатлардаги каби, бюджет давлатнинг асосий иқтисодий қонуни бўлиб, ҳар йили ҳукуматга муҳокама учун тақдим этилади. Бюок Британия Молия вазири Парламент олдида жорий йилда иқтисодиётнинг ривожланиш натижалари ва келгуси молия йилида (Бюок Британияда бюджет ёки молия йили 1 апрелдан бошланиб, келгуси йилнинг 31 марта тугайди) ҳукуматнинг асосий мақсад ва вазифалари хусусида маъруза қилинади.

Маърузада давлатнинг жорий харажатларини молиялаштириш учун ҳукумат томонидан янги солик тўловларини жорий этиш, солик сиёсатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш каби масалалар янада аниқлаштирилган ҳолда ўз аксини топади. Давлат бюджетининг дастлабки лойиҳаси июл ойида муҳокама учун тақдим этилади ва келгуси йилнинг март ойида тасдиқланади. Бироқ, ноябр ойида «бюджет олди» маърузаси чиқиб, бунда келгуси молия йилида ҳукуматнинг аниқ мақсадларига баҳо берилади ҳамда янги бюджетнинг фарқли жиҳатлари очиб берилади.

Бундан ташқари, маърузада бюджет лойиҳасига киритилиши кутилаётган ўзгартиришлар миқдори ҳам ўз аксини топади. Масалан, 1999–2000 молия йилидаги давлат бюджети лойиҳаси 1998 йил июн ойида нашрга чиқарилиб, ушбу лойиҳада фискал асослар, давлат харажатлари лимити ва яқин уч йил учун харажатларни назорат қилиш ва режалаштиришнинг янги режими аниқлаб берилади.

Демак, 1999–2002 йилдаги Буюк Британия давлат молияси стратегияси давлатнинг жорий харажатлари йилига ўртacha 2,25 фоиз ўсишни кўзда туттган эди. Ушбу даврда давлат секторига соғ инвестициялар миқдори икки бараварига ошиши кутилган эди. Бундан ташқари, ушбу стратегия қўйидаги хусусиятли жиҳатларга эга:

- ушбу уч йиллик режа вазирликларга истиқболда ўз харажатларини режалаштириш имкониятини бериб, давлат ресурсларини бошқаришда етарли даражадаги барқарор асослар билан таъминлайди;
- капитал ва жорий бюджет бўлиниши кўпроқ «олтин қоида»га мос келиб, бюджетни режалаштириш ва давлат ресурслари ҳисобини юритиш учун асос бўлади;
- XXI асрда юзага келадиган эҳтиёжларни молиялаштириш мақсадида ҳукумат активлари қолдиқларини бериш кутилмоқда.

Шуни қайд қилиш керакки, қабул қилинган давлат молияси ривожланиш стратегияси Буюк Британия ҳукумати фискал сиёсатига мос бўлиб, миллий ҳисобнинг халқаро тажрибасида энг яхшиси ҳисобланади.

Буюк Британия давлат бюджети жорий даромадлар ва харажатлар бюджети ҳамда капитал бюджетига бўлинади. Буюк Британия жорий бюджетининг асосий даромадлари солиқлар ҳисобланади. Бунда тўғри солиқлар ҳиссаси устунликка эга бўлиб, бюджет даромадларининг 36,2 фоизини ташкил этади. Ижтимоий сугурта тўловлари ҳам жорий бюджет даромадлари таркибига киради. Жорий бюджет маблағлари ҳисобидан фуқаролик моддалари (саноат, қишлоқ, хўжалиги, соғлиқни саклаш ва бошқ.) мудофаа ва давлат бошқаруви харажатлари молиялаштирилади.

Капитал бюджет даромадлари асосан, давлат корпорациялари ва ҳукумат органлари томонидан тақдим этилган давлат кредитларидан келадиган фоизлар, узоқ муддатли кредитларининг қайтарилиши, Англия банки эмиссион департаментининг даромадлари ҳисобига шакланади.

Капитал бюджет харажатлари ўз ичига давлат қарзлари ва уларни бошқариш бўйича фоизлар, давлат ҳокимияти органлари ва корпорациялар томонидан капитал қўйилмалар учун узоқ муддатли кредитлар бериш каби харажатларни олади. Буюк Британия давлат бюджети таркибий тузилиши янада багафсил 30-жадвалда келтирилган.

Давлат бюджети сингари, бюджетдан ташқари фонdlар ҳам, Буюк Британия молия тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу фонdlар ичида ижтимоий ва илмий-тадқиқот фонdlари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ижтимоий фонdlар аҳолига ижтимоий тусдаги хизматларни кўрсатиш учун мўлжалланган молиявий ресурсларни ўзида

мужассамлаштиради. Бу фонд қуйидаги уч манба: сұғуртапланғанлар сұғурта бадаллари, табиркорларнинг сұғурта бадаллари ва давлат субсидиялари ҳисобига шакланади.

30-жадвал
Буюк Британия жорий ва капитал бюджети
(млрд. фунт стерлинг ҳисобида)

	Хақиқатда бажарилған	Дастлабки баҳо	Прогноз		
			1997-1998й.	1998-1999й.	1999-00й.
Жорий бюджет					
Даромадлар	316,3 ¹	335,9	348	367	390
Харажатлар	304,1	314,1	333	349	366
Инфляция	14,1	14,5	15	15	16
Профицит(+)/ дефицит(-) күзде тутилмаган даро- мадлар билан бирга	- 4,4	5,5	1	3	8
Капитал бюджет					
Ялпи капитал күйілмалар	22,0	22,5	25	27	30
-активлар сотилишини ҳисобга олмаганда	-4,0	-3,7	-4	-4	-4
-инфляцияни ҳисобга олмаганда	-14,1	-14,5	-15	-15	-16
Соф инвестициялар	3,9	4,3	6	8	11
Давлат қарзлари, күзде тутылмаган даромадлар билан бирга	5,7	-2,9	6	6	3
Давлат қарзлары ¹	8,2	-1,5	4	5	2
Давлат әхтиёллари, күзде тутылмаган даромадлар билан бирга	1,1	-4,3	2	6	5
Давлат әхтиёллари ²	3,6	-2,8	1	5.	4

¹ Даромадларнинг асосий манбаси: даромад солири — 76800 млн. ф.ст., ҚҚС — 50600 млн. ф.ст., ижтимоий таъминот бүйинча түловлар — 50600 млн. ф.ст., ёқиғи, алкоголь ва тамакига акцизлар — 33500 млн. ф.ст. ва корпоратив солиқ — 30400 млн. ф. ст.

² Күзде тутылмаган даромадлар ва боғлиқли харажатлардан ташқари.

Буюк Британияда ижтимоий фонд бадаллари ставкаси 5,7 фоиздан 9 фоиз атрофида тебранади. Ижтимоий фонда тўловларининг асосий уч кўриниши мавжуддир:

- ўзаро боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун фонд бюджетидан берилган ссудалар;
- «жамоатни қўллаб-қувватлаш» нафақалари. Масалан, аҳолини янги яшаш жойларига кўчириш, хўжалик ишларини қўтариш, транспорт харажатларини қоплаб бериш каби ёрдамлар бериш;
- оғатлар ёки бошқа фавқулотда вазиятларда фуқаролар ҳаётига ва соғлинига хавф солинишида уларга ёрдам сифатида мўлжалланган инқироз ссудалари;

Буюк Британия ижтимоий фонди бюджети 1998/1999 молия йилида 501,2 млн. Англия фунт стерлингини ташкил этди. Ушбу маблағлар ҳисобидан кам даромадга ёки нобарқарор иш ҳақига эга фуқароларга ссуда ёки нафақа кўринишидаги тўловларни амалга ошириш мўлжалланган.

Тадқиқотлар тараққиёти бўйича миллий корпорация фонди Буюк Британия илмий тадқиқот фондлари орасида асосий ўринни этгallайди. Ушбу фонд ўз мустақил балансига эга бўлиб, давлат бюджетидан мустақилдир. Унинг маблағлари асосан, ихтиrolардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни сотишдан келадиган даромадлар ҳисобига шаклланади. Давлат томонидан ушбу фондга муддатсиз ссудалар ва ҳар йилги субсидиялар тақдим этилади. Ушбу фонд маблағлари ҳисобидан муаммоларнинг илмий ишланмалари ва улар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шукулланувчи хусусий корхоналар капитал қўйилмалари амалга оширилади. Фонд маблағлари ҳисобидан давлат университетлари, миллий ва хусусий компаниялар лабораторияларида ўтказиладиган

тадқиқотлар амалга оширилади ва уларни саноатда ўзлаштириш даражасигача бўлган жараён қўллаб-қувватланади. Буюк Британия махсус (бюджетдан ташқари) фондлари ҳисобидан давлат харажатларининг 1/3 қисми молиялаштирилади.

Маҳаллий молия Буюк Британия молия тизимининг учинчи бўгинини ташкил этади. Улар иқтисодий муносабатлар тизимини ўзида акс эттириб, тегишли ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун умумдавлат ва маҳаллий молия ресурсларини тақсимлаш амалга оширилади.

Маҳаллий молиянинг асосини маҳаллий бюджетлар — графликлар ва округлар бюджети ташкил этади. Маҳаллий ҳокимият улар ҳисобидан ҳудуднинг комплекс ривожланишини таъминлайдилар.

Буюк Британияда маҳаллий ҳокимият тўртта асосий даромад манбаига эгадир: марказий ҳукумат субсидиялари (1997–1998 йилларда маҳаллий ҳокимиятни саклаш харажатлари 32800 млн. Англия фунт стерлингини ёки давлатнинг жорий бюджети харажатларининг 10,8 фоизини ташкил этди), уй-жой учун солиқ, кўчма мол-мулк учун тарифлар (бизнес-тариф номи билан ҳам маълум), турли хил йиғимлар ва лицензияларни сотишдан келадиган даромадлар. Харажатларнинг 75 фоизига яқини айнан ҳукумат субсидиялари ва кўчма мол-мулк учун тарифлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Кўчма мол-мулк учун тарифлар кўчма мол-мулк эгаларидан олинадиган солиқ турини англаради. Ушбу мол-мулкнинг қиймати ҳар беш йилда қайта баҳоланади. Тарифлар марказий ҳукумат томонидан белгиланади ва маҳаллий ҳокимият томонидан йиғиб олинади. Солиқ тўлов-

лари умуммиллий пулда (инглизча – «pool») йигиб олиниб, ахоли сонига боғлиқ ҳолда маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида тақсимланади. Ҳукумат маҳаллий корхоналар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган маҳаллий ҳокимиятларга қўшимча равишда маҳаллий тарифларни белгилашни, бироқ, марказий тариф сифатида ўрнатилган чегаралардан юқори бўлмаган, ҳуқуқий ваколатларни таклиф қилмоқда.

Буюк Британияда кўчмас мулклар уй-жой солигига тортилади. Ҳар бир уй-жой унинг ҳақиқий қиймати (очиқ бозорда сотиши мумкин бўлган қиймат)га боғлиқ бўлган саккизта баҳолаш категориясининг бирига тегишилдири. Иккитадан кам бўлмаган катта ёшдагилар яшаётган уй-жойлар учун чегирмалар тақдим этилади. Уй-жой солининг ставкаси кам таъминланган фуқаролар учун камайтирилиши (баъзан, 100 фоизга) мумкин.

1997–1998 молия йилида маҳаллий ҳокимият органларининг харажатлари 76900 млн. фунт стерлингни, умумдавлат харажатларининг 25 фоизини ташкил этди. Харажатлар асосан, таълим соҳасига, қонун ва ҳуқуқ тартибот, ижтимоий хизматларга, атроф-муҳитни асраш, йўллар ва транспорт соҳаларига йўналтирилди.

Маҳаллий молия, бундан ташқари, хўжалик субъектлари ва ҳудудий бюджетдан ташқари фонд маблавлари ҳисобига ҳам шаклланади.

Буюк Британия молия тизимининг охирги бўғини давлат корхоналари (давлат корпорациялари, аралаш ва идоравий корхоналар) молияси ҳисобланади.

Давлат корпорациялари давлат корхоналари ичida алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар ҳукумат бошқарувида бўлиб, миллийлашган саноат тармоғи корхоналари (кўмир, газ,

энергетика ва бошқалар)дан иборатdir. Ушбу молия тизими бўғинининг молиявий муносабатлари асосан, давлат бюджети билан ўзаро молиявий боғлиқлик асосида юзага келиб, бу бир томондан, корхоналар фойдасига солинадиган солиқни ва хазиначилик томонидан капитал бюджетдан берилган кредитлар учун фоизларни тўлаш жараёнида амалга оширилса, бошқа томондан, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун бюджетдан олинган маблағларни ўз ичига олади.

2-ф. Буюк Британия давлат даромадлари

Буюк Британия давлат даромадлари асосан солиқлар ҳисобига шаклланиб, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- даромад(фойда)га солинадиган солиқлар (жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ, корпоратив солиқ ва нефтдан келадиган даромадларга солинадиган солиқ киради);
- капиталга солинадиган солиқ, ўз ичига меросдан олинадиган солиқ, капиталнинг ўсишига солинадиган солиқ, консуллик йигимлари ва импорт божларини олади;
- эгри солиқлар: ККС, акцизлар ва божхона божлари;
- нафақалар (шу жумладан, ишсизлик нафақаси ва қариллик пенсияси) олиш ҳуқуқини берувчи давлат суғуртаси бўйича тўловлар;

Буюк Британия солиқ сиёсатининг асосий тамойиллари қўйидагиларга қаратилган:

- бандликни ва ҳар бир кишини меҳнат қилишга рагбатлантириш;
- узоқ муддатли инвестициялар ва уларнинг жамғарилишига кўмаклашиш;
- адодатлилик.

Буюк Британия фискал сиёсати қуйидаги икки қоидага асосланади:

1. «Олтин қоида» – ҳукуматга иқтисодий цикл давомида фақат инвестицион мақсадлар учун қарзларни амалга ошириш ва улардан жорий молиялаштиришда фойдаланишини тәқиқлаш ҳуқуқини беради;
2. «Узоқ муддатли инвестициялар қоидаси» – соғ миллій қарз, ЯИМга нисбатан, бутун иқтисодий цикл давомида барқарор ва меъёрий даражада бўлиши зарурлигини англатади.

Ушбу қоидалар шуни англатадики, солиқ тўловчилар иқтисодиётни жорий молиялаштириш мақсадида тўловларни амалга оширадилар, шу сабабли, ҳукуматдан давлат қарзлари бўйича операцияларни қаттиқ назорат остига олишларини талаб қилиш ҳуқуқига этадирлар.

1998-1999 молия йилидаги Англия давлат бюджети тўғрисидаги Конуни янги Фискал Барқарорлик Кодексини таъсис этди. Ушбу кодекс фискал сиёсат ва давлат қарзларини бошқаришнинг қуйидаги беш тамойили асосида амалга оширилишини талаб этади:

1. Фискал сиёсат мақсадларини белгилашда, уларнинг бажарилишини таъминлашда ҳамда давлат муассасаларининг ҳисобварақалари бўйича операцияларини нашр этишдаги аниқлилик.
2. Фискал сиёсатни амалга ошириш ва унинг иқтисодиётта таъсири жараёнида барқарорлик.
3. Давлат молиясини бошқариш бўйича жавобгарлик;
4. Адолат, шу жумладан, миллатлар ўртасидаги тутувлик.
5. Қабул қилинаётган қарорлар ва фискал сиёсат бажарилишини амалда таъминлаш.

Ушбу қоидалар аҳамияти давлат харажатларини назорат қилишнинг янги йўналишлари орқали кучаймоқда.

Шундай қилиб, 1998–1999 молия йилларидағи Буюк Британия давлат бюджетида эълон қилинган солиқса тортгышдаги ўтартиришлар асосан меҳнатни рағбатлантириш, оиласларни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятида манфаатдорликни оширишга қаратилади.

Меҳнатни рағбатлантириш чора-тадбирлари. Солиқ тизими ва нафақалар тўлаш тизимидағи бир қатор ўзгартиришлар 1998–1999 йиллардаги Буюк Британия бюджетида ўз аксини топган. Бундан мақсад меҳнатга рағбат, албаттга, унга мос бўлиши, меҳнат имкониятлари эса, мос равишда рағбатлантирилиши зарур. Бу ерда инсонларнинг қўйидаги, яъни меҳнат учун ҳақ ишсизлик нафақаларидан бироз юқори бўлгандаги ҳолати танқид остига олинади.

Ҳукумат солиқлар ва нафақа тўловларини ўзгартириш орқали бандликни ошириш ва меҳнатни рағбатлантириш, қашшоқликни камайтириш ҳамда миллий фаровонликни яхшилаш мақсадларини кўзда тутади.

Бюджетда меҳнатни рағбатлантириш бўйича қўйидаги чора-тадбирлари кўзда тутилган:

- ишловчи оиласлар учун янги солиқ кредити олдин амалда бўлган оила кредити ўрнига 1999 йил апрелда жорий қилинган бўлиб, ишловчи оиласлар учун минимал даромад олиш кафолатини таъминлайди;
- болалар тарбияси учун янги солиқ кредити болани тарбиялаш бўйича бериладиган пуллик ёрдамларни яхшилашга қаратилган;
- давлат сугуртаси тўловларини таркиблаш бўйича 1999 йилда амалга оширилган ислоҳот ушбу тизимни сод-

далаштириш ва иш ҳақи шкаласининг камайиши на-
тижасида юзага келадиган салбий таъсирни барта-
раф этиш (чунки, давлат суғуртаси бўйича тўловлар-
нинг ошиши бевосита иш ҳақининг ўсишига бевоси-
та боғлиқдир.)

Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш. Корпо-
рацияларни солиққа тортишда бўлган ўзгартиришлар со-
лиққа тортишнинг шундай тизимини юзага келтирадики,
ушбу тизим инвестицияни рағбатлантиради, тадбиркор-
лик манфаатдорлигини оширади ҳамда рискли уриниш-
лар учун мукофотни таъминлайди.

1999 йилда амалдаги корпоратив солиқ соддалаштири-
либ, унинг ставкалари туширилди. Буюк Британиядаги
корпоратив солиқ ставкаси иқтисодиёти тараққий этган
ва Европа Иттифоқи давлатлари орасида энг паст ҳисоб-
ланади. Кашибалнинг ўсишидан келадиган даромадларни
солиққа тортиш тизимидағи фундаментал ислоҳотлар узоқ
муддатли актив эгаларини рағбатлантириш орқали инве-
стицияларга ёрдам беришга қаратилган. Бунинг учун узоқ
муддатли фойда (узоқ муддатли эгаликдан сўнг, актив-
ларни сотишдан олинган фойда) қисқа муддатли фойдага
нисбатан камроқ солиққа тортилиши зарур.

Жамғармаларни рағбатлантириш. 1999 йилда Буюк
Британияда ҳисобварақанинг янги шакли – «шахсий жам-
ғарма ҳисобварақаси» жорий этилиб, кейинги 10 йил да-
вомида амалда бўлади. Ҳар бир фуқаро 1998–1999 молия
йилларида ушбу ҳисобварақага 5000 фунт стерлинггача
ҳамда 1999–2000 йилларда 7000 фунт стерлинггача бўлган
микдордаги омонатни қўйиши мумкин. Ушбу суммага 1000
фунт стерлинггача (1999–2000 йилларда 3000 фунт стер-
линг) нақд микдор, 1000 фунт стерлинг – ҳаёт, акциялар,

облигациялар сұғартаси кириши мүмкін. Омонатчилар үз шахсий жамғарма ҳисобварақаси бүйича даромад солири ва капиталнинг ўсишидан келадиган даромадга солиқдан озод этиладилар.

Буюк Британия солиқ тизимидағи барча солиқлар ва ығимлар түрттә асосий гурухта бўлинади:

- даромадга солинадиган солиқлар;
- капиталга солинадиган солиқлар;
- эгри солиқлар;
- бошқа солиқлар.

Даромадга солинадиган солиқлар. Буюк Британияда даромадга солинадиган солиқларнинг асосийлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ;
- корпоратив солиқ;
- капиталнинг ўсишига солинадиган солиқ.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ. Шахсий даромадларга солинадиган солиқ прогрессив бўлиб, даромад ошган сари солиқ суммаси ҳам мос равишада ошиб боради. Даромад солири бутун йил давомида ундирилиб, солиққа тортиш жараёни 6 апрелда бошланади. 1997–1998 ва 1998–1999 молия йиллари учун жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича солиқ интерваллари ва чегирмалари 31-жадвалда берилган.

Фуқароларнинг иш ҳақи ва инвестициялардан оладиган даромадлари кўринишидаги жами даромадлари солиққа тортилади. Даромад солиғини ундиришда даромад манбаидан қатъий назар барча солиқ тўловчилар учун таалуқли бўлган чегирмалар ҳамда оила бошлиғини солиққа тортишда ҳисобга олинадиган оила учун қўшимча чегирмалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

31-жадвал

**Буюк Британияда жисмоний шахслар даромадига
солинадиган солиқ бўйича солиқ интерваллари ва
чегирмалари
(фунт стерлинг ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	1997-1998 й.	1998-1999 й.
Даромад солиги бўйича чегирмалар:		
Ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар	4045	4194
Ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар ва бева қолганлар учун чегирмалардан иборат эр хотин учун чегирмалар [*]	1830	1900
65-74 ёшгача бўлган фуқаролар учун чегирмалар, шу жумладан:		
- ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар	5220	5410
- эр хотин учун чегирмалар	3185	3305
75 ва ундан юқори бўлган ёшдаги фуқаролар учун чегирмалар, шу жумладан:		
- ўз шахсий эҳтиёжлари учун чегирмалар	5400	5600
- эр хотин учун чегирмалар	3225	3345
Ёшга доир гурӯҳлар учун даромад солигидан чегирмалар лимити	15600	16200
Ўз ҳакида маълумот бермайдиган фуқаролар учун шахсий чегирмалар	1280	1330
Даромад солиги бўйича ставкалар ва интерваллар		
Пасайтирилган ставка – 20%	0-4100	0-4300
Базавий ставка – 23%	4101-26100	4301-27100
Оширилган ставка – 40%	26100 дан юқори	27100 дан юқори

- Ушбу чегирмалар бўйича соликдан озод этиладиган сумма уму-
мий чегирмаларнинг 15 фоизи билан чегараланиди (1999 йил
апрелда – 10 фоиз).

Шахсий ва оиласий чегирмалар миқдори ҳар молия
йилида чакана нархлар индекси ўсишини ҳисобга олган
ҳолда қайта кўриб чиқилади. Буюк Британия ҳукумати
истиқболда солиқ ставкаларининг базавий ва оширилган

миқдорларини сақлаб қолиб, пасайтирилган ставка миқдорини 10 фоизга қисқартиши мүлжалламоқда.

1998–1999 молия йилларида солиқ тўловчиларнинг умумий сони 26 млн. кишини ташкил этиб, шундан 7,6 млн. киши пасайтирилган ставка – 20 фоизда, 16,2 млн. киши – базавий ставкаларда ҳамда 2,4 млн. киши оширилган ставкаларда даромад солиғини тўлайдилар.

Ишчиларнинг кўпчилиги даромад солиғини *Pay-As-You-Earn (PAYE)* тизими орқали, яъни иш ҳақини олишлари билан тўлайдилар.

Корпоратив солиқ. Корпоратив солиқни компаниялар чегирма ва имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда, ўз даромадлари ва капиталнинг ўсган қисмидан тўлайдилар. Корпоратив солиқнинг асосий солиқ ставкаси 31 фоизни ташкил этади. Кичик корхоналар (йилига 300,000 фунт стерлингдан юқори бўлмаган даромадга эга корхоналар) учун пасайтирилган ставка – 21 фоиз қўлланилиши мумкин. Жами даромади йилига 300,000 фунт стерлингдан 1,5 млн. фунт стерлинггача бўлган компаниялар учун ҳам имтиёзли ставкалар қўлланилиши кўзда тутилган.

Қўйидаги корхона харажатлари солиқقا тортилмайди:

- машина механизмлари ва ускуналар учун харажатлар;
- саноат ва қишлоқ хўжалиги қурилиши харажатлари;
- илмий тадқиқот харажатлари.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари дастлабки фаолиятларининг биринчи йилида солиқقا тортиладиган фойдани аниқлашда солиқ базасини 40 фоизга, яъни машина ва ускуна харажатлари суммасига камайтиришлари мумкин. Ушбу имтиёз 1999 йил апрелдан бошлаб амал қилмоқда. Буюк Британияда 1999 йилдан бошлаб корпоратив солиқни ҳисоблашнинг янги тизими амал қилмоқда. Солиқ

тўловчилар солиқ тўловларини уч ойлик муддатда амалга оширадилар. 1999 йил апрељдан корпоратив солиқнинг асосий ставкаси 30 фоизгача (кичик корхоналар учун 20 фоизгача) туширилди ҳамда ўз фойдасини акционерлар ўртасида тақсимловчи компаниялар учун бюджетга жорий тўловлар бекор қилинди. Айрим фаолият туридаги компаниялар учун солиққа тортишнинг алоҳида тартиби жорий қилинди.

Кўзда тутилмаган даромадларга солиқ. Ушбу солиқ хусусийлаштирилган объектлардан фойдаланувчилар фойдасининг ошган қисмига солинадиган солиқнинг бир тури бўлиб, икки босқичда, яъни 1997 ва 1998 йиллар декабрида тўланди. Ушбу солиқ тушумлари ҳисобидан аҳолининг бандиги давлат дастури молиялаштирилди. Солиқ ставкаси миқдори объектдан хусусийлаштирилган пайтдан бошлаб, 4 йил давомида фойдаланилгандан сўнг, олинган фойдага нисбатан 23 фоизни ташкил этди.

Капитал ўсишига солинадиган солиқ. Ушбу солиқни тўловчилар бўлиб, ўз активларини (шахсий автомобиллар, уй-жойлар, миллӣ жамғарма сертификатлари, облигациялар ва бошқ.) сотувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар. Солиқ капиталнинг ўсишидан олинган йиллик даромаднинг ошган қисмидан ундирилади. Айрим активлардан олинадиган даромадлар ушбу солиқдан озод этилади. Уларга: асосий хусусий кўчмас-мулк, давлат қимматбаҳо қоғозлари, айрим корпоратив облигация турлари, шунингдек, шахсий капитал режаси (ШКР) бўйича сотиб олинган акция ва облигациялардан олинадиган даромадлар. Жисмоний шахслардан капиталнинг ўсишига солинадиган солиқ даромад солиғи ставкалари асосида ҳисоблаб топилади. Трастлар учун эса, маҳсус солиқ ставкалари қўлланилади.

Меросга солинадиган солиқ. Меросга солинадиган солиқ киши вафотигача 7 йил давомида қилинган ҳадя ва мерос мулкларидан ундирилади; мулк сифатида бериш ёки қолдиришнинг кўпгина бошқа шаклари солиқقا тортилмайди.

Солиқдан қуидагилар озод этилади: эр-хотин ўртасида мулк ҳуқуқининг ўтиши, Британия хайрия ташкилотларига, асосий сиёсий партияларга мерос қилиб қолдирилган ҳадялар ва мол-мулклар ҳамда миллий мерос ҳисобланган объектлар. Бундан ташқари, иш ва қишлоқ хўжалиги активлари солиқقا тортилмайди. Солиқ 223,000 фунт стерлингдан юқори бўлган мол-мулк қийматидан 40 фоизли ставкада ундирилади. Ҳар йили барча мерос қилинган мол-мулкнинг 3 фоизигина ушбу солиқقا тортилади.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС). ҚҚСнинг асосий ставкаси 17,5 фоизни ташкил этади. 5 фоизли пасайтирилган ставкалар уй-жойларни иситишда фойдаланиладиган ёқилғи ва энергоресурсларга ҳамда ҳукумат дастурига мувофиқ, ночор оиласаларга энергия-жамловчи материалларни ўрнатишда қўлланилади. ҚҚС ишлаб чиқариш, товар ва хизматлар сотилишининг ҳар бир босқичида ундирилади. Энг охирги истеъмолчи солиқ тўловчи ҳисобланади. ҚҚС 500,000 фунт стерлингдан юқори бўлган йиллик айланмага солинади. Айрим товар ва хизмат турлари ноллик ставкани қўллаш ёрдамида (ёки батамом озод этилади) ҚҚСга тортилади. Ноллик ставка асосан, қуидаги товар ва хизмат турларига нисбатан қўлланилади: бошқа давлатларга товарларнинг экспорти, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари, ички ва халқаро йўловчи ташиш транспорти хизматлари, китоблар, газета ва даврий нашриётлар, янги

уй-жой бинолари қурилиши, болалар пойабзаллари, кийим-кечаклари, доринома бўйича бериладиган дори-дармонлар, ногиронлар учун алоҳида товар турлари ҳамда хайрия ташкилотларига тегишли бўлган товарларнинг айрим турлари ва бошқалар.

Божхона божлари. Божхона божлари умумбожхона тарифларига мувофиқ, Европа Иттифоқига кирмаган давлатлардан келтириладиган товарларга нисбатан солианди. Товарларнинг эркин ҳаракати Европа Иттифоқи давлатлари ичида божхона ёки бошқа молиявий текширувларсиз амалга оширилади. Тижорат консигнациясидаги юклардан ушбу юкларни қабул қилиб оловчи давлатда амалда бўлган ставкалар асосида ҚҚС ва акциз йиғимлари ундирилади.

Акциз йиғимлари. Транспорт воситалари учун фойдаланиладиган техник мойлар энг юқори ставкалар асосида солиққа тортилади. Пасайтирилган солиқ ставкалари транспорт воситаларининг ёқиғиси сифатида фойдаланиладиган экологик тоза ёқиғи турлари (ноэтил бензин, дизел ва газ)ни солиққа тортишда қўлланилади. Юқоридаги мақсадларда фойдаланилмайдиган керосин, ёғлаш учун ишлатиладиган мойлар ҳамда боғдорчилик, саноат, дengiz флотида фойдаланиладиган мойлар акциз йиғимларига тортилмайди ёки жуда паст ставкаларда солиққа тортилади. Бундан ташқари, акциз йиғимиға спирт, пиво, вино (шу жумладан, қўшимча компонентлар асосида тайёрланадиган вино), олма шираси ва нокдан тайёрланган вино ва бошқалар тортилади. Илмий, тиббий, тадқиқот мақсадларида ёки саноат жараёнларида фойдаланиладиган спирт ушбу йиғимдан озод этилган. Бундан ташқари, пойгаларда, спорт мусобақаларида

қилинган ставкалар, казино үйинлари, бинго, үйин автоматлари акциз йиғимига тортилади. Солиқ ставкалари үйин турларига боғлиқ ҳолда табақалашган. Йиғим физларда ёки қатъий белгиланған суммаларда ҳисоблаб топилади.

Транспорт воситалари эгаларидан олинаған йиғим ҳар йили автомобиль, енгил юк машинаси ёки хусусий такси эгаларидан ундирилиб, 150 фунт стерлингни ташкил этади. Товарларни ташиш учун мұлжалланған транспорт воситаларидан олинаған йиғим брутто оғирлігінде ёки 12 тоннадан ортиқ бўлса, ғилдирак ўқлари сонига боғлиқ ҳолда аниқланади. Ушбу йиғим ёки ёқилни божлари ҳисобига кетта ўлчамли транспорт воситалари эгалари тўловлари ҳисобига йўлларни сақлаш, таъмирлаш харажатлари қопланади.

Такси ва автобуслардан ундириладиган йиғим ўриндиқлар сонига, мотоцикллар двигател қувватига боғлиқ ҳолда ҳисобланади. 1973 йилгача ишлаб чиқарилған хусусий транспорт воситалари (автомобиллар, такси, мотоцикллар) ва нотижорат транспорти ушбу йиғимдан озод этилган. 1999 йилдан бошлаб, экологик тоза транспорт турларига нисбатан пасайтирилған ставкалар (50 фунт стерлингдан паст бўлган) қўлланилмоқда. Экологик тоза автобуслар ва юк машиналари учун ставка 500 стерлингтacha туширилиши мўлжалланмоқда.

Бошқа солиқлар. Бошқа солиқларга қуйидагилар кирди:

- сұғурта мукофотига солинадиган солиқ – Буюк Британияда солиққа тортиладиган сұғурта рискларининг барча турларига 4 ёки 17,5 фоизли ставка қўлланилади;

- туристлар суғуртасига, автомобиль ва майший электр асбоблари сотувчилари томонидан тақлиф қилинаётгандык сүргуттага солинадиган солиқ;
- самолёт йўловчиларидан ундириладиган бож — ички рейслардан ва ЕИ ичидағи рейслардан 10 фунт стерлинг ҳамда бошқа рейслардан 20 фунт стерлинг миқдорида ундирилади;
- герб йиғими.

Герб йиғими. Мулк ҳуқуқи ўтишининг айрим турлари герб йиғимиға тортилади. Акцияларни беришда улар қийматидан 0,5 фоиз миқдорида йиғим ундирилади. Герб йиғимидан хайрия ташкилотларига қилинган ҳадялар ёки хайр-эҳсонлар озод этилган.

3-§. Буюк Британия давлат харажатлари

Буюк Британия ҳукуматининг узок муддатли асосий мақсади — давлат харажатлари соҳасида сорлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга маблағлар ажратишнинг ўсиши (32- жадвал) ҳамда мудофаа, саноат ва савдони қўллаб-қувватлаш тармоқларига харажатларни қисқартириш.

1997 йилнинг майидан 1998 йилнинг июлигача давлат харажатлари йўналишлари таҳлили амалга оширилди. Бундан асосий мақсад давлат маблағларининг устувор дастурлар ўргасида оқилона қайта тақсимлашни аниқламоқдир. Ушбу тадқиқотлар натижасида давлат харажатларининг каттагина қисми 1998-2002 йилларда қуйидагиларга ишлатилди:

- таълим — ҳукуматнинг асосий устунлиги, кейинги уч йил ичидаги харажатлар умумий ҳисобда 19 млн. фунт стерлингдан ортиқ миқдорига ошди;

- соғлиқни сақлаш, 20 000 млн. фунт стерлинг миқдордаги құшымча ресурслар Давлат соғлиқни сақлаш хизмати әхтиёжларини таъминлайди;
- жамоат транспорти, автомобиль ва темир йўларни замонавийлаштириш мақсадларига 1 700 млн. фунт стерлинг йўналтирилди;
- шаҳар ва қишлоқ жойларини тиклаш мақсадларига 4 400 млн. фунт стерлинг миқдорида маблағ ажратилди.

Ушбу уч йил давомида қўйидаги соҳаларга харажатлар сезиларли даражада камайди: мудофаа, қишлоқ хўжалиги, давлат бошқаруви харажатлари ва бошқалар.

Давлат ресурсларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиш режасига мувофиқ, йирик миқдорда қўйидаги дастурлар молиялаштирилади:

- ижтимоий таъминот вазирлигининг — 95 200 млн. фунт стерлинг миқдоридаги харажатлари;
- атроф мұхит, транспорт ва ҳудудлар департаментининг — 42 300 млн. фунт стерлинг миқдорида, шундан, 32 800 млн. фунт стерлинг мақаллий ҳокимият органларини сақлашга (каттагина қисми таълимга) ва ҳудудий сиёсатга йўналтирилади;
- соғлиқни сақлаш вазирлиги — 37 200 млн. фунт стерлинги;
- мудофаа вазирлиги — 22 200 млн. фунт стерлинги.

1997-1998 йилларда мақаллий ҳокимият органлари харажатлари 76900 млн. фунт стерлингни (давлат харажатларининг чорак қисмини) ташкил этди.

Харажатлар асосан, қўйидаги соҳаларга йўналтирилди: таълим, ички тартиб, ҳуқуқ-тартибот, ижтимоий хизматлар, атроф-мұхитни сақлаш, йўллар қуриш ва транспорт.

32-жадвал

**Буюк Британия давлат даромадлари ва харажатлари
(жамита нисбатан фоизларда)**

	1987-1988	1997-1998
Даромадлар	100	100
Жисмоний шахслар даромадига солипадиган солиқ	25,7	25,9
Ижтимоий таъминотта тўловлар	18,2	17,1
ҚҚС	15,1	17,1
Ақцизлар	10,5	11,3
Корпоратив солиқ	9,8	10,3
Консуллик йигими	-	3,7
Бошқа солиқлар ва қироллик йигими	10,1	9,5
Харажатлар	100	100
Ижтимоий таъмилот	31,5	35,8
Соғлиқни сақлаш	15,8	19,3
Таълим	13,2	13,3
Мудофаа	12,3	7,7
Қопун ва ҳуқуқ тартиботни сақлаш	5,3	6,2
Уй-жой қурилиши ва атроф-муҳитини асрарш	6,2	4,8
Транспорт	3,7	3,3
Савдо, саноат, энергетика, бандлик	4,5	3,2
Бошқа харажатлар	7,5	6,4

Буюк Британияда давлат маблағлари харажатлари устидан молиявий назорат қилишининг турли хил шакллари қўлланилади. Давлат харажатлари устидан дастлабки назорат келгуси молия йилидаги давлат ресурслари харажатларининг йўналишлари муҳокамасида департамент ва вазирлик вакиллари томонидан амалга оширилади.

Вазирлик томонидан 1999-2000 йилларда молиялаштириш бўйича қатъий режага эга бўлинниб, 2002 йил даво-

мида қилинадиган харажатларни молиялаштиришининг истиқболини белгилаган эди. Бунда давлат харажатлари устидан назорат дастури қўйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

- энг сўнгги харажатлар департаменти ҳар бир вазирлик харажатларининг қатъий чегаралари ишлаб чиқиди;
- ҳар йили харажатларни бошқариш қўйидаги харажатлар гурӯхини ўз ичига олади: ижтимоий таъмисот бўйича тўловлар (бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатта чегараланади). Ушбу харажатлар бюджет жараёнининг таркибий қисми бўлиб, қаттиқ текширув объекти ҳисобланади.

Давлат харажатлари самарадорлигини яхшилаш мақсадида майший хизматлар кўрсатилишида ислоҳотлар ўtkaziladi. Ҳар бир вазирликнинг майший хизматлар тўғрисидаги янги шартномаси киритилиши кўзда тутилган. Шартномада фаолиятнинг мақсади ҳамда самарадорлик ва унумдорликни баҳолаш кўзда тутилади. Умуман, ушбу соҳадаги ташабbusлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- бир неча департаментлар билан янги қўшма бюджетлар, масалан, ерларнинг орнекланиши устидан назоратни яхшилаш мақсадида;
- майший хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда давлат сектори қисмларининг ҳамкорликдаги иш фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида;
- майший хизматлар қийматини тушириш;
- барча вазирлик ва муассасалар учун сифат андозаси — улар томонидан кўрсатилаётган майший хизматлар самарадорлигини кафолатлаш мақсадида.

Давлат харажатлари экспертизаси уларни амалга оширишнинг муҳим бир қисми ҳисобланади. Мамлакатимииздан фарқли равишда, бюджет молия назоратини амалга ошириш дастури бўйича бюджет маблағлари умумий ҳажмининг бир қисми ажратилади. Буюк Британияда молиявий назорат доимо рентабеллидир, яъни назорат органлари томонидан сарфланган бир фунт стерлинг эвазига бюджетта қўшимча ўн уч фунт стерлинг келиб тушади.

Давлат харажатларини назорат қилиш турли давлат назорати органлари томонидан амалга оширилади:

- парламент қўйи палатасининг алоҳида қўмиталари.
Улар алоҳида ҳукумат департаментлари фаолиятини батафсил ўрганиб чиқадилар ва вазирлик ҳамда муассаса ишларини тадқиқ этадилар;
- давлат назорати бошқармаси (ДНБ) – ҳукумат департаментлари, ижроия агентликлари ва бошқа давлат сектори аъзоларининг ҳисобварақаларини таҳлил этади ҳамда Бош Назоратчи – Аудиторга ҳисобот беради. ДНБ ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳар йили парламентга муҳокама учун тақдим этади;
- Миллий Тафтиш Маҳкамаси Бош Назоратчи – Аудитори томонидан ҳукумат харажатлари тафтиши амалга оширилади.

Миллий Тафтиш Маҳкамасига қўйидаги назорат функциялари бириктирилган:

- ҳукумат департаментлари, ижроия агентликлари ва бошқа давлат сектори аъзоларининг ҳисобварақаларини тасдиқлаш;
- операцияларнинг самарадорлиги ва унумдорлигини текшириш;

- инвестиция ва даромадлар ҳисобварақаларининг экспертизаси.

Миллий Тафтиш Маҳкамаси, Давлат Назорати Бошқармаси сингари, ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботни парламентга тақдим этади.

Буюк Британияда давлат хизматларини молиялаштириш соҳасида давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик кенг тараққий этган. Давлат сектори хизматлари ва инфратузилмаси эҳтиёжлари хусусиятли жиҳатларга эга экан, хусусий сектор компаниялари ўртасида ушбу эҳтиёжларни таъминлашда доимо рақобат сезилади. Хусусий тадбиркорликнинг мақсади – хусусий секторнинг давлат хизматларини таъминлашдаги манзиллиигини оширишdir. 1998 йил октябр ойида хусусий тадбиркорлар томонидан ушбу мақсадларга 11 млрд. фунт стерлинг ажратилди. Келажақда хусусий сектор маблағлари ҳисобига бир қанча госпиталлар, бинолар қуриш, янги миллий суғурта тизимини яратиш ва бошқа тадбирлар режалаштирилмоқда.

Ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши юқори даражали майший хизматлари кўрсатилишида асосий омил ҳисобланади.

Буюк Британия иқтисодиёғида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги соҳасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- миллий ҳаво йўллари бўйича юк ташишда хизмат ставкаларини тушириш;
- Буюк Британияда илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида фан соҳасида янгидан-янги ҳамкорликларни йўлга қўйиш;
- ҳамкорлик фаолиятидаги самарадорликни аниқлаш мақсадида бурунги қўшма ишланмаларни экспертиза қилиш;

1990 йиллардан бошлаб, Буюк Британия давлат қарзи доимий равишида ўсмоқда. 1997-1998 йилларда соф давлат қарзи 351800 млн. фунт стерлингни ташкил этди, ёки ЯИМ га нисбатан 42 фоиз (1990-1991 йй. – 27 фоиз). Бироқ, қарз даражаси, ҳозирги баҳолашга кўра, камайиш тенденциясига эгадир. Давлат секторининг соф қарзлари (кўзда тутилмаган даромадлар ва боғлиқли ҳаражатлардан ташқари) 1996-1997 йй. 28200 млн. фунт стерлингдан 1997-1998 йй. 8200 млн. фунт стерлингга камайди. Давлат қарзининг яли ҳажми 1997-1998 бюджет йилининг охирларида ЯИМнинг 50 фоизи миқдорида баҳоланди.

«Джилтс» облигациялари – Буюк Британия ҳукуматининг асосий қарз мажбурияти бўлиб, дефолт рискига эга бўлмайди. Ушбу облигациялар бозор қимматбаҳо қоғозлари бўлиб, фаол даражада сотилади. Ҳозирги кунда 300000 мингта яқин киши «джилтс» облигацияларига эга. Ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компаниялари ва пенсия фондлари иирик миқдордаги ушбу қимматбаҳо қоғозлар эгалари ҳисобланадилар.

«Джилтс» облигацияларининг уч хил тури мавжуд:

- 1) қатъий фоиз ставкаси ва қайтиб сотиб олиш суммаси бўйича тўланадиган облигациялар;
- 2) асосий сумма ва фоиз чакана нарх индекси ҳаракатига боғлик бўлган облигациялар;
- 3) қисқа муддатли фоиз ставкаси билан боғлик сузувчи фоизга эга облигациялар.

Давлат қарзларини бошқариш тўғрисидаги ҳар йилги маъруза кейинги молия йилида «джилтс» облигацияларини чиқариш учун асос ҳисобланади. «Джилтс» облигациялари дастлаб ҳар ойги очик аукционларда жойлаштирилади. Бироқ, бундай аукционларнинг так-

рорланиши ҳозири кунда давлат қарзларини қисқартириш сиёсатининг юритилиши сабабли қисқариб бормоқда.

Яқин кунларгача Буюк Британия давлат бюджети учун сурункали тақчиллик хос эди. Масалан, Буюк Британия давлат бюджети тақчиллиги 1984-1985 йилларда 11 млрд. Англия фунт стерлингини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда жорий бюджет тақчиллигини камайтириш бўйича давлат сиёсати юритилаётганлигини қайд этиш мумкин. Масалан, 1997-1998 йилларда Буюк Британия жорий бюджети тақчиллиги 4,4 млрд. фунт стерлингни, ёки бюджет харажатларининг 1,4 фоизини ташкил этди. 1998-1999 молия йилида жорий бюджет профицит билан якунланиб, 5,5 млрд. фунт стерлингни, ёки бюджет харажатларининг 1,8 фоизини ташкил этди. Буюк Британия бюджет ҳуқуқига муовфик, жорий бюджет профицити капитал бюджетнинг даромадлари қисмида ҳисобга олинади. Шу сабабли, 1999-2002 йилларда жорий бюджетда даромадларнинг харажатлардан ошиб кетиши ҳисобига капитал бюджетдан капитал қўйилмаларга, соф инвестицияларга, давлат қарзлари бўйича хизмат кўрсатишга қилинадиган харажатларнинг ошиши кузатилди.

4-§. Мамлакат тўлов баланси

Буюк Британияга савдо ва тўлов балансининг ижобий ва салбий қолдиқларининг доимий ўзгариб туриши хос хусусиятdir. Демак, 1980-1982 йилларда мамлакат савдо балансининг ижобий қолдири 2,7-4,7 млрд. долл. билан якунланган.

1983 йилдан бошлаб, ушбу баланс салбий қолдиқقا эга бўлган, бу эса, мамлакатнинг валюта — молиявий аҳволи-

нинг ёмонлашувига олиб келган. 1987–1989 йиллар тўлов балансининг салбий қолдиги 16,6–40 млрд. долларга етган ва бу ҳолат 1990 йилгача давом этган. Ундан кейинги даврлардан токи ҳозирги давргача тўлов балансининг қолдиги салбий бўлсада, аммо сезиларли даражада кичик микдордадир. Бу даража ўргача 7–8 млрд. доллар атрофида тебранади. Ўтган аср 90-йилларининг айrim даврларида Буюк Британия жорий операциялари қолдиги ижобий аҳамиятга эга бўлган.

Буюк Британия капитал экспорт қилувчи етакчи давлатdir. 1980-йилларнинг охирларидағи ҳолат бўйича давлатнинг ташқи активлари ЯИМнинг 200 фоизга яқинини ташкил қилган. Шу сабабли, «Хизматлар ва хусусий ўтказмалар» моддаси доимо ижобий қолдиқ билан якунланган. Ўтган аср 70-йилларининг иккинчи ярмида бу қолдиқ 5,3 – 7,7 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 80-йилларнинг биринчи ярмида 17 млрд. доллар, 1987–1989 йиллар оралиғида эса, 17,3; 16,3 ва 17 млрд. долларни ташкил этган. Ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШ доллари курсини ушлаб туриш учун Англия банкининг йирик инвестиция қилиши сабабли, «Расмий ўтказмалар» моддаси 5,4–5,8 млрд. долл. салбий қолдиқ билан якунланди.

АҚШ ва Буюк Британияда «Хизматлар ва хусусий ўтказмалар» моддалари бўйича носавдо операциялари ва хизматлар соҳасидаги йирик битимлар амалга оширилди. Бу эса, ушбу давлатларнинг чет эл капитал қўйилмалидан йирик даромадларга эга бўлаётгани билан изоҳланади. Агар АҚШнинг носавдо операцияларидағи ҳиссаси сезиларсиз камайган бўлса, (1980-йилларнинг биринчи ярмида 70-йилларнинг биринчи ярмига нисбатан, 23,7 дан 19,2 фоизга) Буюк Британия ҳиссаси эса, икки

баробарга күпроқ, 19,9 фоизгә нисбатан, 12 фоизгача камайиб кетди.

1970-1972 йилларда Буюк Британия түлов баланси ижобий қолдик билан якунланган бўлса, 1973-1976 йилларда иирик салбий қолдик билан якунланди, 1977-1978 йилларда мамлакат яна ижобий қолдикқа эга бўлган бўлса, 1979 йилда түлов баланси 43,9 млрд. доллар салбий қолдик билан якунланди.

Консерваторлар ҳукумати томонидан амалга оширилган дефляция сиёсати натижасида 1987-1989 йилларда түлов баланси айrim йилларда эришилган 16,2 млрд. долл. (1981 й.), 9,5 млрд. долл. (1982 й.) миқдорида иирик ижобий қолдик билан якунланди. 1987-1989 йилларда жорий операциялар бўйича мамлакат түлов баланси 4,8; 26,1 ва 28 млрд. долл. миқдорида салбий қолдик билан амалга оширилди (33-жадвалга қаранг).

33-жадвал
1987-1990 йилларда жорий операциялар бўйича
Буюк Британия түлов баланси, млрд. долл. ҳис.

Кўрсаткичлар	1987 й.	1988 й.	1989 й.	1990 й.
Экспорт	129,9	142,6	151	164
Импорт	146,5	179,1	191	206
Савдо баланси қолдиги	-16,6	-35,6	-40	-42
Инвестициялар бўйича				
Ааромадлар, нетто	8,8	10,7	11	11
Хизматлар ва хусусий				
ўтказмалар, нетто	17,3	16,3	17	18
Расмий ўтказмалар, нетто	-5,4	-5,8	-5	-5
Жорий операциялар бўйича				
түлов баланси қолдиги	-4,8	-26,1	-28	-28

Үтган асрнинг 90-йилларида Буюк Британия жорий операциялари бўйича қолдигининг салбий аҳамияти устун бўлсада, аммо умумий пасайиш тенденциясига эга бўлди: 15 млрд. доллардан 1991 йиллар 1 млрд. долларгача, 1996–1997 ва 1998 йиллар оралиғида эса, ижобий аҳамият касб этди, (мос равишда 10 ва 2 млрд. долл.). Аммо, кейинги даврларда, 1999–2000 йиллар Буюк Британия жорий операциялари қолдиқ счёти янгидан салбий аҳамият касб этиб борди. Бу кўрсаткич 20 млрд. долларни ташкил этди (34-жадвалга қаранг).

Буюк Британия йирик ҳажмдаги узоқ муддатли капитал экспорти қилувчи давлат ҳисобланади. Англия монополиялари юкори фойда олиш мақсадида капитални чет давлатларга чиқаради. Шунинг учун, мамлакат тўлов балансидаи узоқ муддатли капиталлар ҳаракати моддаси доимо йирик салбий қолдиққа эгадир. 1984–1986 йилларда Буюк Британиядан узоқ муддатли капиталларнинг олиб чиқиб кетилиши 22,1–30,3 млрд. долл. ташкил этди.

34-жадвал
**1991–1997 йй. жорий операциялар бўйича Буюк Британия
 қисқартирилган тўлов баланси, млрд. ф. ст.**

Кўрсаткичлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997
Товарлар экспорти	103,4	107,3	121,4	134,7	153,1	166,3	-
Товарлар импорти	113,7	120,4	134,9	145,8	145,8	178,9	-
Жорий операциялар бўйича тўлов баланси қолдиғи	-8	-10,1	-10,3	-1,7	-3,8	-0,4	1,6

Бу эса, ўз навбатида, ушбу даврда мамлакатнинг халқаро бозорлардаги ташқи позицияси кучайишига олиб келди. Шу ўринда, шуни айтиш жоизки, үтган асрнинг 70–

йиларида капитални экспорт қилиш бўйича дастлабки йирик давлатлар – Буюк Британия ва АҚШ бўлган бўлса, 1980 йилларнинг иккинчи ярмида бунга Япония ва ГФР қўшилди. Бу эса, асосий капиталистик давлатларнинг кучлар нисбати ўзгариши билан изоҳланади. Буюк Британиянинг тўғри инвестициялар кўринишидаги капитал экспорти ҳиссаси 1982 йилда 31,5 фоиздан 1985 йил 17,4 фоизгacha камайган. Буюк Британия ҳамда Япония ХВФ тўлов баланси статистикасида фақат қолдиқ бўйича акс этувчи инвестиция портфели кўринишидаги йирик капитал экспорт қилувчи давлатлардир.

Қисқа муддатли капиталлар ҳаракати Буюк Британия тўлов балансида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса, ушбу давлатнинг қисқа муддатли капиталларнинг халқаро жойлашувида, Лондон Ситининг халқаро алоқаларида ҳамда Америка банкларининг Лондонда мавқеини оширишида муҳим рол ўйнайди.

Буюк Британия ўтган асрнинг 80-йилларида валютамолия ҳолатининг кучсизланиши натижасида мамлакат расмий ўtkazmalari юқори салбий қолдиқ билан якунланди.

Расмий ҳисоб-китоблар бўйича баланс фақатгина 1985-1986 йй. ижобий қолдиқка эга бўлган. Баланс моддаларида акс этувчи маблағларнинг жами айланмаси ҳамма давлатларда ошиб бормоқда. Бирок, Буюк Британияда эса, бошқа ривожланган хориж давлатлари билан солиштирганда аҳамиятсизdir.

Ҳисоб-китоб баланси ташқи активлар ва мамлакат мажбуриятларини ўзида акс эттиради. Буюк Британия, АҚШ сингари, жаҳон капиталистик хўжалигида йирик молиявий ресурсларни қайта тақсимлашни амалга оширувчи

давлатдир. Унинг ташқи активлари 1985 йилда ЯММнинг 170,5 фоизини ташкил этган бўлса, 1989 йилда эса, 200 фоизини ташкил этди. Мамлакат ташқи активларининг ўсиш суръатлари доимо ошиб бормоқда. 1970 йилда улар ЯММга нисбатан 67,8 фоизни, 1975 йилда – 87,8 фоизни, 1980 йилда – 99,5 фоизни ташкил этди. Бунда давлат сектори активлари 1970 йилдаги 4,9 фоизга нисбатан 1985 йилда ЯММнинг 6 фоизигача ортди.

Расмий захиралар 1970 йилдаги 2,3 фоизга нисбатан 1985 йилда ЯММнинг 3,8 фоизини ташкил этди. Хусусий сектор активлари юқори суръатлар билан ўсиб борган. Ушбу кўрсаткич 1980 йил 91,3 фоизга нисбатан, 1985 йилда ЯММнинг 164,5 фоизигача ортган. Айнан хусусий активлар Буюк Британия ташқи активларининг юқори даржасини аниқлаш имконини берди.

Буюк Британия ташқи мажбуриятлари 1985 йилда 1970 йилдаги 60,7 фоизга нисбатан, ЯММнинг 147,5 фоизини, шу жумладан, давлат секторининг ташқи мажбуриятлари ҳиссаси 1985 йилда 1979 йилдаги 11,5 фоизга нисбатан, ЯММнинг 5,8 фоизини ташкил этган.

Хусусий секторнинг мажбуриятлари 1985 йилда 1970 йилдаги 49,2 фоизга нисбатан, ЯММнинг 141,7 фоизигача ошиб борган, шу жумладан, тўғри инвестициялар 1985 йилда 1970 йилдаги 6,5 фоизга нисбатан, ЯММнинг 11,6 фоизини ташкил этган. Бошқа мажбуриятлар эса, 1985 йилда 1980 йилдаги 42,7 фоизга нисбатан, ЯММнинг 130,7 фоизини ташкил этган.

Буюк Британияда 1990 йиллар ишлаб чиқариш суръатларининг тушиши билан характерланади. Унинг сўнгги нуқтаси 1992 йилнинг II-чорагига тўғри келади. Ўсиш 1992 йилнинг II-чорагидан кейин (яъни, бошқа Европа давлат-

ларига қараганда бир йил олдин) бошланган. Ушбу жиҳатнинг манбалари бўлиб, даставвал, шахсий истеъмол ва товар захираларининг ошиши ҳисобланган.

1990 йил II-чоракдаги инқирознинг энг юқори нуқтаси 1993 йилнинг I-чорагига келиб барҳам топди. 1994–1995 йилларда истеъмол харажатларининг рағбатлантирувчилик аҳамияти мамлакат иқтисодий ривожланишида сустлашди. Бироқ, якуний талабнинг бошқа компонентлари ҳамда хусусий инвестициялар ва миллӣ товарларга бўлган ҳалқаро таклифнинг аҳамияти ошди. 1996 йилда конъюнктуранинг кўтарилиши шахсий истеъмол ва экспорт ҳисобига бўлган бўлса, 1997 йилда унга яна бир омил – хусусий капитал қўйимларининг сезиларли даражада ошиши қўшилди. Охирги ўн йиллар сингари, муомала ва хизматлар соҳаси тез суръатлар билан ривожланди. Натижада, 1990 йилдан 1997 йилгacha уларнинг ҳиссаси ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) 63,1 фоиздан 66,1 фоизга кўтарилди.

1990 йилларнинг ўрталаридағи иқтисодий ўсиш уруш давридан кейинги энг узоқ давом этган тараққиётлардан бири ҳисобланади. Бу ўсиш ўзининг жадаллиги билан 1997 йил иккинчи ярмигача бошқа етакчи Европа Иттифоқи давлатлари ўсишидан ўзиб кетди. 1993–1997 йилларда Буюк Британияда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 2,8 фоизни ташкил этди.

1997 йил ўрталарига келиб, иқтисодиётда оқсоқланиш белгилари намоён бўла бошлади, 1997 йил охирларида ҳамда 1998 йилда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши секинлашди. 1999–2000 йилларда ушбу салбий тенденция нинг ривожланиши давом этди.

1990 йиллардаги Буюк Британиянинг иқтисодий ривожланиши цикли бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга бўлди:

биринчидан, умумий ўсиш 1970 йиллардан бери кузатилмаган саноат секторининг узлуксиз кенгайиши 1997 йилларгача биргаликда давом этди; иккинчидан, иш билан бандлик даражаси ўсди; учинчидан, ишсизлик қисқарди; тўртинчидан, бошқа цикларга нисбатан ушбу циклда кучсиз инфляция кузатилди. Чакана нархлар 1980 йилларга қараганда сезиларли даражада секинлик билан кўтарилиди. Айрим йиллардаги кўтарилиш жараёнида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари чакана нархларнинг ошиши суръатларига нисбатан юқори бўлди; бешинчидан, 1990 йилларнинг бошларидағи инқироз сезиларли даражада инвестиция соҳасини издан чиқарди. Унинг иқтисодиётнинг жонланишига таъсири анчадан кейин 1994 йилдагина капитал қўйилмалар ҳажмининг 4,3 фоиз ўсиши натижасида юз берди.

Бирок, унинг ўсиши 1995-1996 йилларда яна 2 фоиздан кам бўлди ва фақатгина 1997 йилдагина яна 4,3 фоизни ташкил этди. Инвестиция ва капитал жамғариш меъёrlари охирги йилларга нисбатан паст даражада бўлди, инвестициялар ишлаб чиқаришига нисбатан эса, паст суръатлар билан ўсди. Бу ҳолат қисқа вакт давом этган бўлсада, бу ўсиш капитал қайтими ва капитал қўйилмалар самародорлиги ошишидан дарак берарди.

1990 йиллардаги Буюк Британия тараққиёти хусусиятлари консерваторлар ва улар ўрнига 1997 йил май ойида келган лейбористлар иқтисодий сиёсати йўналишлари билан белгиланади.

Буюк Британияда лейбористлар келиши билан Англия ва бошқа давлатлар ўртасидаги капиталлар ҳаракатини чегараловчи валюта назорати бекор қилинди.

Англия банки томонидан қўшимча маҳсус депозитлар схемаси бекор қилинди. Турли имтиёзли жамғарма схе-

малари ишлаб чиқылди ва жорий этилди. Бу қўйилмалар (асосан майда инвесторларга тегишлиси) соликлардан тўлиқ ёки қисман озод этилди.

Буюк Британия давлат сиёсатида асосий эътибор хусусий капитал қўйилмаларини соликлар орқали рафбатлантириш масаласига қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг тўлов балансига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Консерваторлар бошқаруви даврида корпорацияларга солинадиган солик ставкалари 50 фоиздан 33 фоизга, 1997 йил июл ойида лейбористлар уни 31 фоизгача туширишди. 1996 йил март ойида Молия вазири жаноб Браун 1996 йил апрел ойидан ушбу ставкани 30 фоизгача туширилишини эълон қилди. Ҳозирги вақтда Буюк Британияда корпорацияларни соликка тортиш даражаси бошқа тараққий этган давлатларга қарагандা анча паст. Корпорациялар фойдасига солик ставкасини тушириш компенсацияланадиган солик кредитини бекор қилиш орқали молиялаштириш режалаштирилмоқда. Ҳукумат фикрича, бундай тадбир фойда меърини оширишга ҳамда узоқ муддатли капитал қўйилмаларни жалб этишда Буюк Британия мавқеининг ошишига кўмаклашади. Саноат ва савдо компанияларининг капиталга қўйилган соғ фойдаси 1995 йилда 9,5 фоиздан 1996 йил 10,1 фоизгача ҳамда 1997 йилда деярли 13 фоизга ошди. Ушбу даромадлилик кўрсаткичи билан Британия фирмалари 1980 йиллардаги энг юқори даражага тенглашди. Асосий капиталда ялпи ички инвестиция 1997 йил 4,3 фоизга ошди.

Фунт стерлинг курсининг узлуксиз равищда (18 ой давомида) кўтарилиши, айниқса, бошқа Европа валюталари га нисбатан (1997 йил охирларида 1996 йил ўрталари га нисбатан 20 фоизга кўн бўлган), экспортнинг ҳам ошишига олиб келган.

1997 йил унинг ҳажми 1996 йилдаги даражага нисбатан 8,8 фоизга ортиқ бўлди. Ҳақиқатда, 1997 йил 4-чоракда қайта ишлаш саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетди, хориждан буюргма ҳажми камайди. Инглиз иқтисодчиларининг фикрича, бундай ҳолат фунг стерлинг курси ошишининг давом этиши ва бошқа Осиё валюталарига нисбатан унинг қимматлашуви натижасида юзага келган.

1990 йилларнинг иккинчи ярмида Буюк Британияда инфляцион жараённинг ўсиши ҳамда муомаладаги пул массасининг ортиши бошланди. 1997 йил охирида бошланган ишлаб чиқариш ўсишининг секинлашуви 1998-1999 йилларда ҳам сақлаб қолинди. Юқори фоиз ставкалари инвестицион фаолликни чекларди. Фунт стерлинг қимматлашуви натижасида ташқи ва ички бозорларда Британия товарларининг рақобатчилик хусусиятлари тушиб кетди, охир-оқибатда бу – Британия тўлов балансига салбий таъсир кўрсатди.

Саккиз йирик давлатлар (АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада ва Россия) бошлиqlарининг ҳар йилги учрашувларида асосан ушбу давлатлар тўлов ҳисоб-китоб муносабатларини тартибга солишга халқаро даражада уринишлар амалга оширилади. Ушбу йиғилишларда саноати етакчи мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари келишиб олинади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Буюк Британия молия тизими қандай таркибий қисмлардан иборат?
2. Жорий харажатлар бўйича стратегия қандай ўзига хос жиҳатларга эга?
3. Капитал бюджет харажатлари ўз ичига қандай харажатларни олади?
4. Буюк Британияда қандай бюджетдан ташқари фонdlар мавжуд?
5. Буюк Британияда маҳаллий молиянинг шаклланиш манбалари нималардан иборат?
6. Буюк Британия давлат даромадлари қандай ташкил этилади?
7. Буюк Британия солиқ сиёсатининг асосий тамойилларини изоҳланг?
8. Буюк Британия фискал сиёсати қандай қоидаларга асосланади?
9. Буюк Британия солиқ тизими қандай гурухданади?
10. Буюк Британия давлат харажатлари таркибини гурухланг?
11. Давлат харажатлари устидан назорат дастури қандай чора тадбирларни ўз ичига олади?
12. Джилтс облигациялари нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
13. Буюк Британия тўлов балансининг ўзига хослиги нимадан иборат?

ГЕРМАНИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Германия Федератив Республикаси молия тизими ва давлат бюджети

Германия Федератив Республикаси (ГФР) жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига киради. Иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти бўйича АҚШ ва Япониядан кейинги учинчи ўринда туради, саноат ишлаб чиқариши бўйича товар ва хизматларнинг асосий экспорт қилувчисидир. Ҳар бир давлатда молия тизими муҳим аҳамиятга эга, чунки у иқтисодий бошқаришнинг моддий асосинигина эмас, ваколат ва мажбуриятларини давлат бошқаруви даражасида тақсимланишини таъминлайди.

ГФР молия тизими – федерал бюджет, 16 та федерал ерлар бюджети, обшиналар бюджети, ҳукуматнинг маҳсус бюджетдан ташқари фондлари, федерал темир йўл ва федерал почта давлат корхоналари, ижтимоий сурурта, меҳнат бўйича федерал идора молиясини ўз ичига олади.

Федерал бюджет ва молиявий назорат. Бюджет ГФР молия тизимининг асосий бўғинини ташкил этади. Унинг таркиби ва бюджет жараёни давлат тузумининг федерал характеристига мос келади. Давлат бюджетига маъмурий бошқарувнинг учта даражаси даромадлари ва харажатлари киради:

1. Der Bundeshaushalt – федерация бюджети;
2. Die Landerhaushalte – федерал ерларнинг бюджети, яъни ҳудудий бюджетлар;
3. Die Gemeindehaushalte – маҳаллий ҳокимиятлар (обшиналар) бюджети.

Давлат йиғма бюджети уч даражанинг бюджетлари даромадлари ва харажатларини ўз ичига олади ва улардан

бюджетлараро трансферлар (субсидиялар, дотациялар)ни айириш йўли билан ҳосил қилинади. 1974 йилдан бошлаб, давлат таркибига ижтимоий суркта ва ижтимоий таъминот фондлари маблағлари ҳам киритилди.

ГФРда бюджет йили календар йили билан мос келади. Федерал бюджет парламент – Der Bundestag томонидан тасдиқланади. Федерал бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш кутилаётган даромадлар ва харажатларни аниқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш, бюджет ижросининг ҳақиқий аксини кўзда тутади.

Марказий бюджетни тузиш босқичида вазирлик ва идоралар тахминан 9 ойга мўлжалланган кейинги йил харажатлари сметаларини Молия вазирлигига юборади. Молия вазирлиги прогноз қилинган даромадлар асосида бюджетнинг харажатлар қисмини аниқлайди ва бюджет лойиҳасини федерал ҳукуматга топширади. Ижро этувчилар томонидан маъқулланган бюджет лойиҳаси қонун чиқарувчи органларга тасдиқлаш учун юборилади. Аввал бюджет парламентининг юқори палатаси – Der Bundesratga юборилиб, у ерда уч ҳафта давомида кўриб чиқилади. Ундан сўнг қуий палата – Der Bundestagga тақдим этилади. Қонун лойиҳаси қабул қилганидан сўнг, у ҳукумат бошлиғи томонидан имзоланади ва қонуний кучга эга бўлади.

Худди шундай муддатда ва тартибда федерал ерлар ва маҳаллий ҳокимият бюджетлари тузилади. Федерал ерлар бюджети ҳудудий ҳокимиятлар – Die Landtage томонидан тасдиқланади.

ГФРда давлат молиясининг олий назорат органи бўлиб, Федерал ҳисоб палатаси ҳисобланади. Бюджет ижроси ҳисботи Молия вазирлигидан парламент ва ҳисоб палаталарига юборилади. Ҳисоб палатасининг холосасидан

кейин, парламент бюджет ижроси тўғрисидаги қонунни тасдиқлайди. ГФР бюджет сиёсати иқтисодий сиёсатнинг умумий мақсадларига хизмат қиласи ва маблағлар ҳамда бюджетнинг даромад ва харажат қисмларини шакллантириш усулларининг бой арсеналига таянади.

Федерал бюджет даромадлари. Давлат бюджети даромадларини шакллантириш бу шундай тартибга солувчи жараёнки, бунда иқтисодиёт учун муҳим бўлган «давлат квотаси» кўрсаткичи, яъни ЯММдаги улуши аниқланади. ГФРда давлат 1980 йиллар бошларида давлат бюджети орқали (ижтимоий суғурта фондини қўшиб ҳисобланганда) ЯММни ярмигача қайта тақсимлар эди.

Даромадларни шакллантириш молия каналларининг бутун тизимини тавсифлайди ва улар орқали давлат хазинасига жисмоний ва юридик шахслардан маблағлар оқиб ўтади. Бу ерда асосий ролни бюджет сиёсатининг энг муҳим бўғини сифатида солиқ сиёсати ўйнайди. Солиқдан тушумлар бюджет барча даромадларининг 4/5 қисмиини ташкил этади. Бунда мазкур тушумларнинг 2/3 қисми тўғри солиқлар (даромадга солинадиган солиқ, корпорацион солиқ, хунармандчиллик солиғи) ҳисобидан шакланади. Лекин, уларнинг ҳиссаси турли даражадаги бюджетларда турли чадир. Федерация, федерал ерлар ва обшиналарда мос равища қуидагича ташкил этилади: 9/10; 7/10 ва 1/3.

ГФРда солиқлар иқтисодий ўсишни рафбатлантириш мақсадида хусусий капитални жамғаришга таъсир қилиш воситаси сифатида қўлланилади. Солиқ бошқарувининг асосий усулларига қуидагилар киради:

1. Солиқка тортишнинг умумий даражаси (шахсий даромад солиғи ставкалари, фойдага солиқ (корпорациялардан), эгри солиқлар ставкаларнинг камайиши ёки ошиши.

2. Корхоналар капиталининг амортизацияси тизими.
3. Инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида солиқдан бериладиган имтиёзлар, яъни «солиқ кредити».
4. Алоҳида соҳа ва тармоқлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи маҳсус солиқ имтиёзлари.

Федерация сииртли ичимликлар истеъмолига (пиводан ташқари) ва сұғурта полисига солиқ, шунингдек, барча божхона тўловларини ўз ичига олади. Биргаликдаги (қўшма) солиқлар: даромад солиғи – федерация – 42,5 фоиз, федерал ерлар – 42,5 фоиз, обшиналар – 15 фоиз, корпорацияларга солиқ – федерация – 50 фоиз, федерал ерлар – 50 фоиз, оборотдан солиқ – федерация – 65 фоиз, федерал ерлар – 35 фоиз.

ГФР солиқ тизими тўғри ва эгри солиқларни ўз ичига олади. Асосий солиқ тўловчилар – ишчи ва хизматчилардир. Уларнинг улуши мамлакат барча солиқ тушумларининг 70 фоизини ташкил этади. Федерал солиқлардан ташқари ижтимоий сұғуртага бадаллар ва маҳаллий солиқлар ҳам ундирилади.

ГФР солиқ тизимида даромад солиғи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳиссасига солиқли тушумлар умумий суммасининг 1/3 қисми тўғри келади. Ушбу солиқ даромадга эга бўлган барча фуқароларга солинади. Юридик шахслар эса, корпорацияларга солинадиган солиқни тўлайдилар. Даромад солиғи ва корпорацияларга солинадиган солиқ – инвестициялар ва тадбиркорлик фаолиятига таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, Германия ҳукумати инвестицион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида қулай инвестицион муҳит яратиш орқали, «Солиқ ислоҳоти 2000» лойиҳасини ишлаб чиқди. Бунга жавоб тариқасида оппозицион партиялар ХДИ/ХСИ ўз лойиҳаларини тақдим этдилар.

Ҳукумат ва оппозиция лойиҳалари

Йиллар	Даромад соли- нининг минимал ставкаси, (фоиз)	Даромад соли- нининг макси- мал ставкаси, (фоиз)	Корпорацион солиқ ставкаси (фоиз) тақсим- ланган фойда
Дастлабки ҳолат			
1998	25,9	53,0	45,0
1999	23,9	53,0	40,0
2000	22,9	51,0	40,0
Федерал ҳукуматнинг «солиқ сиёсати 2000» лойиҳаси			
2001	19,9	48,5	25,0
2002	19,9	48,5	25,0
2003	17,0	47,0	25,0
2004	17,0	47,0	25,0
2005	15,5	45,0	25,0
ХДИ/ХСИ лойиҳаси			
2001	18,0	42,0	30,0
2002	18,0	42,0	30,0
2003	16,0	35,0	30,0

Малба: Statistisches Bundesamt Deutschland

Узоқ тортишувлардан сўнг, ҳукумат ва оппозиция умумий қарорга келдилар: даромад солиқининг максимал ставкаси 42 фоиз қилиб белгиланди.

Мол-мулк солиғи юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган мол-мулкларга солинади. Бу солиқ даромад келтирувчи кўчма ҳамда кўчмас мулк барча элементлари умумий миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади. Жисмоний шахслар мол-мулкидан – 0,5 фоиз, юридик шахслар мол-мулкидан – 0,6 фоиз миқдорида ундирилади.

Ҳунармандчилик солиғи жисмоний ва юридик шахслар фаолияти натижаларига эмас, балки корхона капитали ва даромадларига солинади. Бу солиқ корпорацион солиқ тўлангунча бўлган даромадни тақсимлашда солинади.

Ер солиғи корхоналар ер участкаларига, ўрмон хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ер-мулкларига солинади. Ушбу

солиқ ставкалари 0,6 фоиздан 3,1 фоизгача тебранади. Транспорт воситаларига қуйидаги шаклда солиқ солинади, яъни солиққа тортиш обьекти: мотоцикл ва енгил автомобиллар учун уларнинг двигател ҳажми, юқ автомобиллари учун – автомобилнинг умумий ҳажми. ГФР эгри солиқдариға қуйидаги солиқлар киради: қўшилган қиймат солиги (ҚҚС), оборотдан ер солиги, индивидуал акцизлар (нефт ва нефт маҳсулотлари, тамаки, импорт оборотидан солиқ, фискаль монополия ва божхона тўловлари.

ҚҚС пировард истеъмолчидан ундирилади. Унинг икки ставкаси амал қиласи: умумий – 14 фоиз ва имтиёзли – 7 фоиз.

Индивидуал акцизлар бир қатор товарлар гурӯҳига солинади. Акцизлар ГФРда истеъмолга солинади. Эгри солиқлар тушумида ҚҚСнинг 40 фоизни ташкил этади. Бож тўловлари ҳам, эгри солиқлар жумласига кириб, импорт ва экспорт товарларига солинади. ГФРда фоизли бож тўловлари қўлланилади.

Черков солиги мажбурий давлат солиқдариға киради. 1998 йил баҳоридан бошлаб, «эко-солиқ» қўлланила бошланди. Бу солиқнинг вазифаси – ёнувчи моддалар истеъмолини қисқартиришdir.

Марказий бюджетта солиқ тушумларидан ташқари, давлат корхоналари даромадлар ва рента тўловлари тушади.

36-жадвал
Йиғма давлат бюджетини солиқлар ва йигимларнинг
ЯИМдаги улуси, фоизда

Давлатлар	Йиллар	1999	2000	2001
ГФР		47,3	47,0	45,5
АҚШ		33,2	33,8	33,0
Япония		32,0	32,4	33,2

Манба: Statistisches Bundesamt Deutschland

Федерал бюджет харажатлари. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсири этиш воситаларидан бири — давлат харажатлари. Бюджет ҳисобидан биринчи наубатда федерация, ерлар ва обшиналар фаолиятининг анъанавий соҳалари молиялаштирилади.

Марказий ҳукумат харажатларининг ЯММдаги ҳиссаси нисбатан барқарор бўлиб келмоқда: 13 фоиз — юқори фазаларда, 15 фоиз — инқироз йилларида. Бундай тафовувларнинг сабаби харажатларни молиялаштириш кредит базасининг қонуний тарзда чегараланганигидир.

Марказий ҳукуматга барча ҳарбий харажатлар, ташқи алоқалар билан бөғлиқ харажатлар, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми, шунингдек, алоҳида тармоқларга молиявий ёрдам (субсидиялаш, имтиёзли кредитглаш ёки тўғридан-тўғри молиялаштириш), фан ва таълим, бошқарув аппаратига харажатларни амалга оширади.

Давлат бошқарувида иқтисодиётга бюджет харажатлари (яъни, уй-жой қурилиши, майший хўжалик, энергетика, қазиб олувчи ва қайта ишловчи саноат, алоқа, транспорт ва қишлоқ хўжалиги) муҳим аҳамиятга эга. Бу харажатларнинг 90 фоизи ишлаб чиқариш инфратузилмасини молиялаштиришга сарфланади: йўллар қуриш ва сақлаш, аэрородром, федерал темир йўл ва почта харажатларини ташкил қиласади.

Федерал бюджетда ҳарбий харажатлар 25-30 фоизини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги федерал ерлар ва обшиналар бюджетига тўғри келади. Фан-техника дастурларини молиялаштириш. Тадқиқотлар ва технологиялар вазирлиги орқали амалга оширилади. Фан ва таълим харажатлари 2-5 фоизни ташил этади. Бошқариш харажатлари федерал бюджет харажатларининг 3 фоизини ташкил этади.

Федерал ҳукумат 1951 йилдан бошлаб, доимий равища да зәймлар чиқаришга ўтди. Шунга мос равища давлат қарзини күтариш ва фоиз тўлашга харажатлар ошди. Марказий ҳукумат ўз молиявий ресурсларидан фойдаланиб, ташки бозорларда ГФР монополиялари ўрнини мустаҳкамлаш ва имкониятларни кенгайтиришга ҳаракат қиласди. Шу мақсадда федерал бюджетдан ташки «ёрдам»га маблағлар ажратилиди.

Бюджет сиёсати мақсадларидан бири — ижтимоий тенгизликни камайтириш ҳисобланади. Бу масала соликقا тортиш ва муҳтоҷ оиласарга трансферлар ажратиш орқали ечилади. 1970 йиллар ўрталарида давлат бюджети харажатларининг 46-47 фоизи ижтимоий таъминотга йўналтирилди. Нисбатан юқори бўлган ижтимоий мақсадларга қилинадиган харажатлар амалга оширилиши давлатнинг малакали ишчиларга, кўпинча такрор ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигида кўриш мумкин.

ГФРда бюджетга мамлакат капиталининг катта қисми жамғарилади. У биринчи навбатда, давлат капитал қўйилмаларини молиялашга, қолган қисмини (жамғармалар сифатида) кредитлар кўринишида хусусий сектордаги капитал қўйилмаларга сарфланади.

Бир вақтнинг ўзида давлат солик ва амортизация сиёсати орқали хусусий сектордаги капитал жамғарилишига таъсир ўтказади. Бюджетта келиб тушмаган маблағлар корхоналарининг ўз-ўзини молиялаштиришга ишлатилиди. 1980 йиллар охири ва 1990 йиллар бошларида давлат инвестициялари ва ижтимоий харажатлар камайиши билан характерланади, лекин 1980 йилларнинг иккинчи ярмида бюджет тақчиллиги камайиши ҳисобига ижтимоий хизматлар бир оз кенгайди.

Бюджет харажатларининг жойлашиш соҳалари ва даромадларниң шаклланиш манбаларини қўйидаги федерал бюджет лойиҳасида ҳам кўриш мумкин:

37-жадвал
1997 йил Федерал бюджет тузилиши (лоиҳа), млрд. DM.

Даромадлар Жами	млрд.DM. 439,9	Харажатлар Жами	млрд.DM. 439,9
шу жумладан:			шу жумладан:
1. Иш ҳақи ва даромадга солинадиган солиқ	116,4	1. Меҳнат ва ижтимоий соҳалар	127,8
2. Оборотдан солиқ	84,6	2. Федерал қарз	86,0
		3. Мудофаа	46,3
		4. Транспорт	44,6
3.Нефтьта солинадиган солиқ	54,0	5. Оиласлар	11,7
		6. Умумий молиявий бошқарув	21,5
4.Корпорациялар даромадларидан солиқ; асосий фониз ставкасидан чегирма	30,7	7. Нафақалар	11,8
		8. Умумий овқатланиш, қишлоғалиги	7,9
		9. Давлат молияси	
5.Тамаки маҳсулотларига акциз солиғи	20,6	10. Иқтисодиёт	16,6
		11. Қурилиш, ердан фойдаланиш	10,5
6. Башқа солиқлар	39,6	12. Таълим, иам-фан ва тадқиқотлар	14,8
7. Федерал банк (Bundesbank) фойдаси	7,0	13. Ички ишлар	8,6
8. Башқа даромадлар	33,7	14. Иқтисодий ёрдам	7,7
9. Кредитлар бўйича соғ қарздорлик	53,3	15. Башқа харажатлар	8,2

Манба: «*Tatsachen über Deutschland*». Herausgegeben vom Presse und Informationsamt der Bundesregierung. Societutsverlag FrankfurtMain 1997.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг охириги йилларида ўзгариши 38-жадвалдан кўринади.

38-жадвал

**Даражаларга кўра, умумий давлат бюджетининг
даромадлари ва ҳаражатлари (млн. евро)**

38.1-жадвал

Даромадлар

Даражалар	2000	2001
Ингма давлат бюджети	975581	921670
Федерация	291898	244564
Федерациянинг алоҳида мулки	18821	23497
Европа Иттифоқи ҳиссаси	21791	19689
Ижтимоий сугурта	434482	444078
Федерал ерлар	238962	228676
Обшиналар	147049	143954

Манба: Statistisches Bundesamt Deutschland

Изоҳ: давлат ва муниципал органлар ўртасидаги ўзаро тўловлар ҳисобига олинмаган

38.2-жадвал

Ҳаражатлар

Даражалар	2000	2001
Ингма давлат бюджети	956998	971258
Федерация	264972	265655
Федерациянинг алоҳида мулки	20492	18429
Европа Иттифоқи ҳиссаси	21791	19689
Ижтимоий сугурта	432722	446876
Федерал ерлар	249318	255488
Обшиналар	145125	147909

Манба: Statistisches Bundesamt Deutschland

Изоҳ: давлат ва муниципал органлараро тўловлар ҳисобига олинмаган.

Ҳар иккала жадвал касса статистикасининг 2000 ва 2001 йил натижалари бўлиб, касалхона, олий ўқув юрглари, клиника шифохоналари, шунингдек, муайян ишлар бирлашмалари ҳисобига олинмаган.

2-ғ. Давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги

Йиллар бўйича нисбатан барқарор ва юқори бюджет тақчиллиги давлат фаолиятининг мақбул масштаблари масаласини ечишни талаб қиласди. Х.Шмидт раҳбарлиги давридаёқ, ЯММдаги давлат ҳиссасини камайтиришга ўтиш бошланди. Х.Кол бошчилигидаги ҳукумат эса, давлат хуссий сектор ўртасидаги тафсилотни давлат томонидан камчиликларни йўқотиш мақсадида қайта кўриб чиқида. Бундан ўша даврда бюджет тақчиллигини камайтириш муҳим бошланғич ислоҳот бўлиб қолди. Давлат ҳиссаси ва бюджет тақчиллигини камайтириш учун халқ хўжалигининг барча компонентлари жалб қилинди, давлат харожатлари, товар ва хизматларга, ижтимоий трансферлар, капитал қўйилмаларига харажатлар бир меъерда тутиб турилди. Умуман, харажатларни қисқартиришда ютуқларга эришилди. Лекин, 1990 йилдан бошлаб, Германиянинг бирлашуви туфайли, бюджет тақчиллигининг ўсиш анъанаси сезилиб қолди. Давлат қарзи бўйича фоизларни тўлашга харажатлар ўсишини секинлаштириш учун ГФР Молия вазирлиги харажатларни нокредит усулида қоплашдан фойдаланади. Яъни, федерал ерлар таянадиган асосий моддий база бўлиб, давлат бюджети ва бошқа фондердан трансферлар ҳисобланади. 1995 йил янги ерларга давлат бошқаруви ижтимоий суғурта органларидан тўловлар 140 млрд. DMдан ортиқроқни ташкил этди. 1996 йил охирига келиб, Фарбий Германиядан Шарқий Европага молиявий брутто трансферлар тахминан 1000 млрд. DMга етди. ГФРда давлат қарзи бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби молия тизими ишлатилишининг омиларидан биридир. Ҳажми ва ўсиш суръатлари бўйича ГФР қарзи АҚШ ва Буюк Британиядан кейинги ўринда турат

ди. Давлат қарзларининг ўсиши билан бирга давлатнинг кредит фаолияти ҳам ривожланиб бормоқда. Охирги йилларда берилган кредитлар олинган қарзлардан кўп бўлиб, ГФР уларни мамлакат ичида ва ташқарисига жойлаштиради. Давлат қимматли қоғозлар бозори АҚШ, Япония ва Буюк Британиядан кейинги тўртинчи халқаро бозордир. Давлат қимматли қоғозлари эмитенти бўлиб, федерал ҳукумат, темир йўллар ва почта, федерал ерлар ҳамда обшиналар ҳисобланади. Федерал ҳукумат қуйидаги қиммат баҳо қоғозларни чиқаради: ГФР облигациялари; федерал облигациялар, қарз сертификати; федерал касса облигациялари; жамғарма сертификатлари, хазиначилик молиявий мажбуриятлари, фоиз хазиначилик сертификатлари; ГФР қарзларининг катта қисми банкларда, жамғарма кассалари ва ижтимоий сутурта фондида жойлаштирилган. Ҳукумат кредиторлари бўлиб, биринчи навбатда, давлат ипотека ва ихтисослашган банклар ҳамда Бундесбанк (Федерал банк) ҳисобланади. Давлат қарзлари ва молиялаштириш қолдиги қуийдагиларда кўринади:

39-жадвал

Давлат қарзлари ҳолати ва молиялаштириш қолдиги, млн. DM ҳис. (-тақчиллик/+профицит)

Даражалар	Давлат қарзлари		Молиялаштириш қолдиги	
	1999	2000	2000	2001
Итогма бюджет	1183063	1198145	+ 18797	- 49087
Федерация	708314	715627	+ 26943	- 21066
Федерал ерлар	322672	333187	- 10339	- 26856
Обшиналар ва максус бирлашмалар	95815	91061	+ 1928	- 3944

Изоҳ: Максус бирлашмалар ҳисобга олинмаган.

40-жадвал

**Давлат қарзлари ва молиялаштириш дефицити/
профицитнинг ЯИМдаги ҳиссаси, фоиз ҳис.
(-дефицит +профицит)**

Давлатлар	Давлат қарзлари		Молиялаштириш қолдиги	
	2000	2001	2000	2001
ГФР	60,2	59,5	+ 1,1	-2,8
АҚШ	59,8	57,9	+ 1,7	+ 0,5
Япония	122,8	131,2	- 7,4	- 6,9

Манба: Statistisches Bundesamt Deutschland

Махсус ҳукумат фондлари. Махсус фондлар ГФР молия тизимида ҳажми бўйича давлат бюджетидан кейинги ўринда туради. Улардан асосийси ижтимоий сұғурта фонди бўлиб, у алоҳида сұғурта турлари бўйича автоном фондлардан ташкил топади. Бу фондлар учун умумийлик – даромадлар жамланишида кўринади. Маблағлар мажбурий тўловлар, тадбиркорлар бадаллари ва давлат субсидиялари ҳисобига шаклланади. Ижтимоий сұғурта фондлари баҳтсиз ҳодисалардан, касалликдан сұғурталаниш, ишчи ва хизматчилар сұғуртаси, ёлланиб ишлаётган шахслар сұғурталарини ўз ичига олади. Федерация мамлакат асосий қонунига мувофиқ, ижтимоий сұғурта соҳасида рақобат қилувчи қонун чиқарувчи ваколатга эгадир (ишсизлик сұғуртаси билан биргаликда). Махсус пул фондларини бошқариш ҳуқуки ижтимоий сұғурта бўйича солиқлар орқали молиялаштириш учун ҳам фойдаланилади.

Ишчи ва хизматчилар қонунчиликка мувофиқ, нафақа бўйича сұғурталаниши лозим. Ёлланмасдан ишлаётганлар ихтиёрий равишда сұурталанишлари мумкин. Мазкур сұғурта түри ва ишсизлик сұғуртаси маблағлари 50 фоизи

иш берувчи ва 50 фоизи ишчи томонидан тўланадиган бадаллардан шаклланади.

Деярли барча аҳоли ГФРда қонуний тасдиқланган қасаллик ҳолати бўйича сұфурта ташкилотида ёхуд хусусий сұфурта ташкилотида мажбурий ёки ихтиёрий сұфуртланган. Бундан ташқари, баҳтсиз ҳодисалар ишлаб чиқариш жароҳати (касб қасалликлари бўйича ёрдам), ишсизлик (1 йилгача ишсизлик нафақаси ва 1 йилдан кейин ишсизлик бўйича тўлов), фарзандли оиласаларга сұфурта бўйича нафақалар (кўп фарзандли оиласаларга нафақалар оиласининг соликқа тортилмайдиган минимум даромади, тарбиялаш бўйича нафақа)лар ҳам мавжуд. Давлат молия тизимиға бюджетдан ташқари фонdlар: уруш оқибатларини тугатиш фонди ва Европа иқтисодий тараққиёт фонди ва бошқа фонdlар киради.

Уруш оқибатларини тугатиш фонди урушдан жабр кўрганларга ёрдам бериши мақсадида ташкил этилган. Унинг маблағлари тадбиркорлар бадаллари ва федерал ҳамда маҳаллий бюджет дотациялари ҳисобидан шаклланади. Европа иқтисодий тараққиёт фонди иккинчи жаҳон урушидан кейин амал қилган «Маршал режаси» билан боғлиқ равишда ташкил этилган. Унинг маблағлари бу режа бўйича ГФРга етказиб бериладиган товарлар сотилишидан ҳосил бўладиган эквивалент ҳисобвараклар маблағларидан шаклланади ва улар ўрта ва узоқ муддатли кредитларни имтиёзли фоиз беришга ишлатилади.

3-ғ. Федерал ерлар ва обшиналар бюджети

Федерал ерлар ва обшиналар бюджети катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳиссаси умумдавлат харажатларида – 100 фоиз (маиший хўжалиги, таълим ва соғлиқни

сақлаш), транспорт ва уй-жой хўжалиги харажатлари – 80 фоиз, давлат ашаратини ушлаб туриш харажатлари ва давлат қарзларини бошқариш харажатлари – 40 фоиздан ортиқ. Кейинги вақтларда юқори бюджет дотациялари улуши кўшаймоқда. Ерларнинг солиқ тизими таҳминан 25 турдаги солиқларни ўз ичита олади. Масалан, мол-мулк солиги, меростга солинадиган солиқ, автомобилларга солинадиган солиқ, пивога солиқ, лотореялар ўтказиш учун солиқ ва бошқалар. Бундан ташқари, тиббиёт, нафақа ва ишсизлик сүгургаси бадаллари мавжуд.

Обшиналар ҳунармандчилик солиги, ер ва маҳаллий солиқлар (итларга ва балиқ овига солинадиган солиқ, иккинчи уй-жойдан олиниадиган солиқ). Булардан ташқари, уларнинг бюджетига ҳар хил маъмурий йифимлар, маҳаллий лицензиялар беришдан даромадлар келиб тушади. Лекин, ерлар ва обшиналарнинг харажатлари солиқ тушумлари билан эмас, балки федерал ҳукуматдан мақсадли ва умумий дотациялар ҳисобига қопланади. Қарзларни бюджет тақчиллигини қоплашга ва капитал қўйилмаларни молиялаштиришга сарфлаш маҳаллий қарздорликнинг ўсишига олиб келади.

Давлат корхоналари. Давлат корхоналари молияси – мамлакат молия тизимининг таркибий қисмиdir. Федерал ҳукумат, ерлар ва обшиналар эгалигида транспорт ва алоқа, төр-кон саноати, электроэнергия, алюминий ишлаб чиқаришнинг ҳаммаси, автомобил ва кемасозлик, нефт ва газ қазиб олишнинг 50 фоизи.

ГФРда давлат корхоналари фаолияти рентабелли эмас. Улар маҳсулотига паст нархлар ўрнатилган ва зарарлар қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳисобига қопланади. Шунинг учун, давлат корхоналари қарзлари ўсмоқда. Агар

бу корхоналар зарар келтирмаса, бошқа мулк шаклидаги корхоналар даражасида солиқ тұлаши лозим.

Мамлакатнинг молия капитали миллий иқтисодиётни ўз ичига олган саноат, молия ва бошқа монополиялар орқали ифодаланади. Молия гурухлари сонининг камлиги (10 тадан кам) Япония, Франция, Буюк Британия давлатлари молия гурухлари (15-20 та) билан солиширилғанда, ГФР молия гурухларининг ажralиб турадиган томони ҳисобланади. Бу банк капиталининг учта грессбанк – Deutsche Bank, Dresdner Bank ва Commerzbank қўлида тўплантанлиги билан ифодаланади. Улар акционерлик капиталининг 80 фоизини назорат қиладилар.

ГФР банк тизими турли хил кредит институтларидан иборат. Федерал банк тизими марказида туради. 1996 йилда 36 та кредит банклари, 13 та ҳисоб-китоб маркази, 60 жамғарма кассалари, ҳалқ ва «Рейф-файзен» банкларининг юқори органи – Дойч кооператив банки, 3 та марказий кооператив банклари, 2504 кредит кооперативлари, 35 та ипотека банклари ва Deutsche Postbank AG (почта жамғарма банки) мавжуд эди.

4-§. Германия солиқ тизими

Германия Федератив Республикасининг асосий қонунида Германия солиқ тизимининг асосий низоми ҳам акс эттирилади. Конституцияга мувофиқ, давлат бюджети божхона божлари, кўпгина акциз йиғимлари, суғурта йиғимлари, капитал айланмасига солиқ, вексел йиғими (федерал солиқлар) ҳисобига шакланади.

Ерларда мол-мулк солиғи, мерослардан олинадиган солиқ, автомобиль эгаларидан олинадиган солиқ, пивога солиқ каби солиқлар ва йиғимлар ундирилади. Даромад-

ларнинг қўшма манбай бўлиб, корпорацияларга солиқ, қўшилган қиймат солиги (қўшма солиқлар) ҳисобланади. Ушбу икки солиқ туридан келадиган солиқ тушумлари Федерация ва ерлар ўртасида тақсимланади. Бунда даромад солигининг бир қисми обшиналарга берилади. ҚҚС нинг 56 фоизи Федерация даромадларига, қолган 44 фоизи ерлар даромадига келиб тушади.

Обшина даромадлари бўлиб, даромад солигининг маълум бир қисми, ҳунармандчилик солиги, кўчмас мулклардан солиқ (община солиқлари) ҳисобланади.

Германия солиқ тизими – бюджет даромадларининг 60 фоиздан 80 фоизигачасини шакллантирувчи 38 солиқ турларидан иборатdir. Эгри солиқлар (ҚҚС ва акцизлар) 54 фоизини, тўғри солиқлар – 46 фоизини ташкил этади. Шуни қайд этиш лозимки, ҳамма солиқ турлари уч гурухга бўлинади. Биринчи гурухга солиқ тушумларининг деярли 90 фоизини таъминловчи йирик солиқлар (ҳаммаси бўлиб, еттига тури мавжуд) киради. Уларга иш ҳақига солиқ, ҚҚС, ҳунармандчиликдан келадиган даромадга солиқ, даромад солиги, корпорацияларга солиқ, бензинга солиқ ва тамакига акциз солиги киради. Иккинчи гурухга жами солиқ тушумларининг 10 фоизини таъминловчи ўртacha солиқлар, масалан, ерларга солиқ, автотранспорт воситаларига солиқ ва бошқалар киради (жами 13 та тури мавжуд).

Кичик солиқлар учинчи гурухни ташкил этиб, (жами 18 тури мавжуд) солиқ тушумларининг тахминан 0.4 фоизини таъминлайди, (шакар, туз, чой, отчопарларга, тотализаторга солиқ, ит эгаларидан олинадиган солиқлар). Ушбу кичик солиқ турларининг кўплиги тарихий сабаблар билан изоҳланади. Яъни, винога солинадиган солиқ

1902 йилда жорий этилган. Унинг жорий этилиши янги кемаларни сувга тушириш маросимида шамшан винослилан фойдаланиш билан боғлиқдир. Бироқ, вақт ўтиши билан ушбу солиқ тури бунга боғлиқ бўлмай қолди.

Даромад солиғи ва иш ҳақидан олинадиган солиқ тўғри солиқларнинг асосий турларидан биридир. Даромад миқдорини ҳисоблашда солиқ ставкасини аниқлаш ишлаб чиқариш харажатлари, меҳнат ва хизмат фаолиятлари билан боғлиқ бўлган харажатлар ва оилани сақлаш харажатлари учун чегирмалар кўзда тутилади.

Иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдорини аниқлашда «солиқ синфлари», «солиқ жадваллари» каби маҳсус меҳанизмлардан фойдаланилади. Ушбу механизмлар бутун ишчиларни уларнинг оиласиий аҳволи, молиявий ҳолати ва бошқалардан келиб чиқиб гуруҳларга ажратади. Масалан, I синфга бўйдок, болалари бўлмаган ишчилар, III ва IV синфларга мансуб бўлмаган уйланган, ажрашган, бева қолган ишчилар киради. II синфга бўйдок, ажрашган ёки бева қолган, боқувида битта ва ундан ортиқ болалари бўлган ишчилар киради.

Кўшилган қиймат солиғи, моҳияти жиҳатдан шахсий истеъмолга солинадиган солиқ бўлиб, товарнинг охирги истеъмолчига етиб боришидаги ҳар бир ҳаракат босқичида ундирилади. Солиққа тортиладиган обьект бўлиб, товарлар, иш ва хизматлар реализацияси бўйича оборот ҳисобланади.

Солиқ ставкаси 14 фоиз ва имтиёзли маҳсулот турларига 7 фоиз қилиб белгиланган. Солиқ тўловчи бўлиб, даромад олиш мақсадида бирор бир фаолият билан шуғулланувчи тадбиркор ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҚҚСни тўловчи ҳам юридик шахс, ҳам тадбиркор бўлиши мумкин.

5-§. Германия банк тизими

Германиянинг банк тизими аҳоли бандлиги ва иқтисодиётнинг ялпи ўсишига имкон берувчи, анча жадал ривожланаётган тармоқдир. У ўз таркибида 4000 дан ортиқ эркин кредит институтлари, операциялар кўлами 100 млн. DM (эндиликда мос равишда евро) бўлган 1000 та кичик банк ва 50000 филиални ўз ичига олади. Умумий аҳолиси 80 млн. киши бўлган ҳолда битта банк офисига 1600 киши тўғри келади, яъни банк зичлиги жиҳатидан Бельгия ва Швейцариядан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Молия маркази бўлган Франкфуртнинг бир ўзида кейинги ҳисобларга қараганда 470га банк мавжуд.

Германия Марказий банки. Шу ерда 9 та ҳудудий бўлимлари ва 200 га яқин бўлинмалари бўлган Германия Марказий банки Deutsche Bundesbankнинг бош офиси жойлашган. Федерал корпорация сифатида банк, давлат қонунчилигига мувофиқ, Банк назорати федерал бошқармаси билан бирга назорат фаолиятини амалга оширади.

Унинг ваколати ва функцияси Марказий банк тўғрисидаги қонун билан белгиланган. Бошقا марказий банклар сингари *Bundesbank* муомалата банкноталар ва тангалар чиқаришда эксклюзив ҳуқуққа эга бўлиб, пул массасини ва мавжуд бўлган кредит ҳажмини бошқара туриб, миллий валюта барқарорлигини таъминлайди. Ушбу вазифаларни бажаришда банк ўзининг хохишига биноан турли хил пул кредит инструментлари ёрдамида амалга оширади.

Пул бозорига таъсир этиш мақсадида *Bundesbank* маълум турдаги қимматбаҳо қофозларни максимал қолдик муддатини 1 йил муддаттacha кейинчалик қайтиб сотиб олиш шарти билан сотиб олиш ва сотиши мумкин. Бундан ташқари, банклар ликвидлилигига ва уларни потенциалига

таъсир этиш мақсадида у маълум ҳажмда минимал мажбуриятлар ўрнатиш ҳуқуқига эга, (ўзининг ҳисоб рақамига бошқа банкларнинг фоизсиз депозитлари).

Bundesbank ҳар йили пул массаси ҳажмини кутилаётган ўсиш чегарасида сақлашни тавсия этади. Унинг ўсишини мақсадли ориентирлари — ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, баҳоларнинг ўсиши ва пулнинг айланиш тезлиги ўзгаришининг прогноз баҳолаш асосида ўрнатилади. Мақсадли ориентирни аниқлаб туриб, Марказий банк иқтисодий ўсишни ва шу билан бир қаторда инфляция босимини назорат қилиш учун зарур бўлган параметрларни ўрнатади.

*Deutsche Bundesbank*нинг пул-кредит сиёсатини Марказий банкнинг кенгаши белгилайди. Кенгаш директоratдан ва ҳудудий марказий банкларнинг президентларидан ташкил топади. Директоратнинг аъзолари федерал ҳукуматнинг тавсиясига биноан, федерал президент томонидан тайинланади, ҳудудий банкларнинг президентлари эса — парламентнинг тавсиясига биноан, федерал президент томонидан тайинланади. Марказий банк Кенгаши ва директоратни *Deutsche Bundesbank* президенти ва президентнинг ўринбосари бошқаради.

Банк федерал ҳукуматга бўйсунмаса ҳам, у унинг умумий иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаши лозим. Ҳукумат билан яқин ҳамкорликда фаолият юритишни таъминлаш мақсадида ҳукуматнинг пул-кредит сиёсатини юритиш бўйича йиғилишида *Bundesbank*нинг президенти, Марказий банк Кенгашининг йиғилишларида эса, ҳукуматнинг аъзолари иштирок этади. Ҳукуматнинг аъзолари овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, лекин улар таклифлар киритишлари мумкин.

Германия банкларининг ютуғи уларнинг универсаллиги ва мижозларни жалб қилишда юқори даражадаги рақобатта эга эканлиги билан изоҳланади. Универсал банкларининг пайдо бўлиши асосан, Германияда саноатлаштиришнинг биринчи босқичларида йирик саноатни молиялаштириш учун зарур ҳисобланадиган капитални ташкил этувчи адекват маблағларнинг йўқдиги, қимматбаҳо қофозлар билан боғлиқ бизнеснинг мувофиқ эмаслиги, юзага келган шароитда интенсив банк кредитисиз амалга ошмаслиги сабаб бўлди. Бундай тизим айниқса, урушдан кейинги йилларда самара берди.

Германия тижорат банклари. Германия тижорат банкларини уч турга бўлиб кўрсатиш мумкин:

- хусусий ва тижорат, бунда «катта учлик» банклари ҳам киради, (улар тахминан 350 та, улардан: 200 та ҳудудий, 80 та хусусий ва 60 та хорижий банкларнинг филиаллари, 7000 та ўзларига тегишли филиаллар ва 200000 хизматчи, бу кўрсаткич банк соҳасининг 30 фоизини ташкил этади);
- давлат жамғарма банклари ўзларининг марказий ҳисоб-китоб институтлари билан (таксинан 700, ёки бозорнинг 50 фоиз);
- 3000 дан зиёд кредит кооперативлари ва уларнинг марказий банклари (20фоиз).

Мазкур банкларнинг фаолият услублари бир-биридан сезиларли фарқ қилмайди, лекин жамғарма ва кооператив банкларнинг мақсади максимал даражада фойда олишга эмас, балки улар ўзларининг аъзоларига ёрдам беришини ташкил этишга қаратилган.

Хусусий тижорат банклари учун қисқа муддатли кредитлаш, қимматбаҳо қофозларни жамғариш, инвестиция-

лар бўйича консалтинг хизмати ва активларни бошқаришга тўғри келади. Бу банклар инвестицион сертификат, қимматбаҳо қоюз ва акцияларнинг 75 фоизини ушлаб турадилар ва халқаро савдо ҳамда қимматбаҳо қорозлар билан операцияларни амалга оширадилар. Хусусий банклар ҳиссасига хорижий банкларнинг Германияда сақлаётган маблағларининг 75 фоизи тўғри келади. Улар орқали халқаро операцияларнинг 75 фоиздан ортиқроғи амалга оширилади. Барча тижорат ва хусусий банклар хусусий корпорация (AG), компания (GmbH) ва масъулияти чекланган ширкат (KGa) сифатида фаолият юритадилар.

«Катта учлик» банклари – *Deutsche Bank*, *Dresdner Bank* ва *Commerzbanklar* 4000 дан зиёдроқ филиалларга, 20 миллион мижозга, мамлакат ичида ва ташқарисида 200000 – 300000 акционерларига эгадир ва мамлакатдаги барча банк активларининг 10 фоизидан зиёдрогини ўзларида ушлайдилар. Шу билан бирга, бу кўрсаткич ўзларининг ипотека банклари ва шўъба компаниялари билан тахминан 20 фоизга тўғри келади.

Икки йирик ҳудудий банк – *Bayerische Vereinsbank* *Bayerische Hypotheken- und Wechselbank (BHW)*ларнинг фаолияти аввалдан мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган. Улар фаолиятининг кўшигина тармоқлари «катта учлик»ка сезиларли рақобат муҳитини юзага келтирмақда. Молиявий доираларда «Бавария иттифоқи» номини олган *Vereinsbank* 1993 йилда умумий активлари бўйича ҳатто анъанавий учинчи банк ҳисобланмиш *Commerzbankdan* ўзиб кетди. Йирик ипотека банки ҳисобланмиш BHW барча ипотека операцияларининг ярмидан ортигини амалга оширмоқда. Энг йирик ҳудудий банкларнинг олтиалигига шунингдек, *Bank*

Gesellschaft, BfG Bank ва *Berliner handels-und Frankfurter Banklar* киради.

Хусусий банклар ичида энг йириклари *Privalbankiers*, *Trinkhaus & Burkhardt*, *Bankhaus Sal. Oppenheim*лар асосан хусусий банклар, түлиқ ширкат ёки масъулияти чекланған ширкат тарзидә фаолият юритадилар. *Trinkhaus & Burkhardt* «кагта учлик»дан озгина орқада қолиб, халқаро капиталлар бозорида етакчи банк-эмитент сифатида қатнашмоқда. Охирги вақтда бу соҳадаги етакчилик йирик тижорат банклари билан мувофиқлашиб кетмоқда.

Германия банкларининг давлат сектори улушига, улар 700дан 20000гача бўлган филиаллар ва 12та ҳисоб-китоб институтларидан иборат, улар ҳиссасига мамлакатнинг барча банк амалиётлари умумий ҳажмининг 50 фоиз ва банк активларининг 25 фоизи тўғри келади. Асосий функциясидан ташқари, маҳаллий ҳокимият томонидан ва ипотека кредитланишидан кафолатланган омонатларни жалб қилиш бўйича улар тижорат банклари сингари барча банк амалиётлари ва хизматларини амалга оширишни бошладилар. Омонатларни жалб қилиш бўйича умумий активлар қиймати 35 млрд. DM бўлган *Hamburger Sparkasse* энг йирик банклардан бири бўлиб ҳисобланади.

Банк секторининг учинчи гурӯҳига шаҳар ва қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган ва аҳолининг ўрта синфига хизмат кўрсатадиган 20000 шўйбаларидан иборат бўлган 2700 кредит кооперативлари киради. *DG Bank*, *Landesbank* – йирик банклар бўлиб ҳисобланади. Ўз тармоғида бош корхоналардан бири бўлиб ҳисобланувчи *DG Bank* мисол учун, нафақат кооператив банклар ўртасида ҳисоб-китоб амалиётларини амалга оширади, евробли-

гация бозорида ва қимматли қофозлар ички бозорида асосий эмитентлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг халқаро фаолияти, шу билан бирга 1,2 млрд. ₸Мни ташкил этувчи жамланиб, гуруҳланган активи унга нафақат ўз аъзоларини молиялаштиришга, ҳатто уларни энг замонавий банк хизматлари билан таъминлаб беришга имкон яратади.

Махсус банклар иқтисодиётда ўз аҳамиятига кўра ҳам, банк секторидаги ўз улуши бўйича ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. 30 та йирик ипотека банклари мулкчилик ва давлат органларини кредитлашга ихтисослашган. Улар мулк билан таъминланган узоқ муддатли кредитларни қурилишга, туар-жойларни таъмирлашга, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқатларга мўлжалланган лойиҳаларни, шу билан бирга ҳукумат органларини молиялаштиришга маблағларни ажратади. Уларнинг асосий мижозлари бўлиб, Федерал ҳукумат, уй муниципалитети ва давлат ташкилотлари ҳисобланади. Давлат органларининг узоқ муддатли кредитларга бўлган талабининг ўсиши натижасида сўнгги 10 йил ичида ихтисослаштирилган банкларнинг аҳамияти ошди, уларнинг функциялари эса анча кенгайди. Ипотека банклари молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни капитал бозори ипотека ва муниципал облигацияларни жойлаштириш орқали жамлайдилар.

Ўттиздан ортиқ хусусий, давлат ва кредит ассоциациялари уй-жой ва хусусий уй эгаларини омонатчилар жамияти тамоили бўйича молиялаштиради. Жамғармаларнинг қурилиш кредит ассоциациялари орқали жалб қилиниши биринчи бор кредитнинг бутун муддати давомида наст фоизларда тўлаган омонатчи ҳукуқи сақланади. Йиллик даромади маълум бир даражадан ошмайдиган шахс-

лар томонидан қилингандык омонатлар уларға давлат мукоммоларини беради (хозирги кунда 10 фоизга тенг) ёки құшилған қиймат солиғи ҳисобига құшилады (маълум бир чегарада).

Яна үттизта банк ва кафолатланган кредитлар ассоциациялари етарли маблағта эта бўлмаган кичик ва ўрга компанияларни молиялаштирадилар. Улар яхши кафолат бўлиб ҳисобланган савдо, саноат ва тижорат корхоналарининг облигацияларини таклиф қилишади.

Германия банклари жаҳон бозорида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Сўнгги йилларда ўзларининг универсаллиги туфайли, улар энг кўп фойда келтирадиган тармоқларда ўринашиб олишди. Уларнинг мустаҳкам капитал базаси, хавфсиз ҳисоб-китоб амалиёти ва ҳаражатлар устидан қатъий бошқаруви барқарор молиявий шароити билан биргалиқда Германияни бутун жаҳон молиявий тармоқлари бошидан кечираётган кўпгина муаммолардан ҳалос этди.

Мижозга йўналтирилган рақобатбардош икки поғонали тизимнинг ривожланиши Шарқий Германиянинг банк тармоғининг энг катта ютуқларидан бири бўлди. Анъанавий тизимлардан қайта ташкил қилингандык жамгарма ва кредит кооперативларидан фарқли ўлароқ, хусусий тижорат банклари ҳаммасини бошидан бошлашга мажбур эдилар. Бошланғич қийинчиликларга, тегишли биноларнинг ва малакали ходимларнинг мавжуд бўлмаганлигига қарамасдан Шарқий Германияда 50 дан ортиқ банклар ўзларининг 800 дан ортиқ бўлинмаларини ташкил этишга муваффақ бўлишди. Келгусида бўлинмалар тармоқлари кенгайишига, ходимлар ўқишига ва ускуналарга йўналтирилаётган йирик сармоялар Шарқий Германия банк

тизимини Фарбий Германия банклари даражасига етказилишига олиб келди. Немис банклари қарздорлик инқирози муаммосини ҳал этишдаги ислоҳотларда фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг асосий дикқат-эътиборлари тўланмаган қарзларга қарши захираларни таъминлашга қаратилган.

Германиянинг молиявий марказ сифатидаги ўрни капитал амалиётлардаги солиқларнинг бекор қилиниши ва ҳукуқий тўсиқлар олиб ташланиши эвазига мустаҳкамланди.

6-§. Германия тўлов баланси

Германия – жаҳондаги ривожланган давлатлардан бири бўлиб, Европада етакчи ўринни эгаллайди. Евроҳудуддаги ЯИМнинг 1/3 қисми Германия ҳиссасига тўғри келади. Унинг ҳозирги иқтисодий тараққиёти хусусиятларини «конъюнктуранинг парчаланганилиги» ташкил этади. 1990 йилда ГДР ва ГФР бирлашганидан сўнг, хўжалик ривожининг номутаносиблиги давлатнинг бу икки қисмida яққол кўзга ташланиб қолди. Германия тўлов баланси ўтган асрнинг 20-йилларида ҳолатини таҳлил қиласиз. Шуни эътиборга олиш жоизки, 1950 йилда ГДРни Германия таркибидан ажралиб чиқиши туфайли, 1950–1990 йилларда фақат ГФР тўлов баланси таҳлил қилинади.

1924–1928 йиллар мобайнида Германия тўлов баланси актив бўлиб, олтиннинг кириши 2,1 млрд. марка (DM) га тенг бўлган. Эмиссион банкларнинг чет эл валюта захиралари 0,1 млрд. маркага ортган. Савдо баланси 1924–1928 йилларда пассив бўлиб – 7,6 млрд. DMни; тўланган фоизлар – 1 млрд. DM ва репарацион тўловлар – 6,1 млрд. DM ни ташкил этган. Ҳисоб-китоб балансининг ягона даро-

мад мөддаси – кўрсатилган хизматлар баланси (фрахт, транзит) 2,4 млрд. DM даромад берган. Ҳисоб-китоб баланси – нинг пассив қолдиги 1924-1928 йилларда, олтин олиб келинишини ҳисобга олган ҳолда, 14,5 млрд. DM ни ташкил этган. Ушбу тақчиллик чет элдаги қарзлар эвазига қопланган. Бунинг барчаси ушбу даврдаги Германия валюта ҳолатининг нобарқарорлиги ҳамда хориж кредиторларига боғлиқликни англатади.

1931 йилдаги пул-кредит инқирози чет эл капиталининг мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишига сабаб бўлди. 1931 йилда капиталлар умумий ҳаракатининг 2,7 млрд. DMга қисқариши, актив савдо баланси ва олтинни четта олиб чиқиш ҳисобига қопланди. Германия вужудга келган вазиятда чет эл қарзлари бўйича тўловларни тўхтатиб, қарз мажбуриятларининг бир қисмини сотиб олади, экспорт ҳажмини оширади, демпинг сиёсатини амалга ошириб, мавжуд валюта ресурсларини ҳарбий мақсадларга йўналтириди. Тез орада қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва кредиторларга қарз тўловларининг қайтарилиши тўхтатилиб, мамлакат банкрот деб, эълон қилинади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда жорий операциялар бўйича Farbий Германия тўлов баланси қарз мажбуриятлари ҳамда АҚШдан олинган ёрдамлар ҳисобига қопланган юқори тақчиллик билан якунланди. Бирок, ўтган асрнинг 50-йилари бошларида мамлакат саноат қувватини қайта тиклаб, ташқи бозорларда экспансия сиёсатини юритишни бошлади. 1950 йилдан бошлаб, ГФР ички савдо ҳажми бўйича капиталистик жаҳонда учинчи ўринига кўтарилиди. Техник базанинг янгилиниши ҳамда малакали ишчи кучи ва инженер кадрларининг мавжудлиги рақобатбардош экспорт маҳсулотлар

ишлиб чиқаришга замин бўлди. 1952 йилдан бошлаб, Германияда савдо баланси доимо юқори актив қолдиқ билан якунлана бошлади. Савдо балансининг жорий операциялар бўйича юқори ижобий қолдиги хорижда Фарбий Германия инвестициялари ҳажми ҳамда олтин ва валюта захираларининг ортишига олиб келди. 14 йил мобайнида, 1953–1966 йй., савдо баланси – 20 млрд. долл. миқдорида, тўлов баланси эса – 8,5 млрд. долл. миқдорида актив қолдиқ билан якунланган.

41-жадвалда 1953–1960 йиллар давомида ГФР тўлов баланси ҳолати акс этган. Савдо балансининг актив қолдиги ва АҚШ томонидан ГФРда оккупацион қўшинларни сақлаш харажатларининг тўланиши ҳисоб-китоб балансида актив қолдиқ мавжудлигидан дарак беради. 1953–1955 йилларда ГФР га чет эл капиталларининг оқиб келиши рўй берди. Шу билан бирга хорижга хусусий Германия капиталлари экспортни ва ГФР ҳукумати томонидан кредитлар берилиши кузатилди. Олтин ва валюта захиралари 1953–1955 йилларда 8,2 млрд. DMга ортди. 1956 йилда саноат ишлиб чиқаришининг ўсиши давом этди, бироқ жадаллик суръатлари камайди. Банкларнинг кредит фаолияти ривожланишда давом этди.

Бир неча йиллар давомида ГФР саноати суст суръатлар билан ривожланди, бу АҚШдаги иқтисодий инқироз билан боғлиқ бўлди. Охирги омил эса, иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган давлатлар харид қобилиятини ёмонлаштириди, шу жумладан, ГФР иқтисодиётига ҳам, бу ҳол салбий таъсир кўрсатди.

1950-йилларда ГФР тұлов баланси (млн. DM ҳис.)

Күрсаткыштар	1953й	1954й	1955й	1956й	1957й	1958й	1959й	1960й
Экспорт	18735	22251	26481	31805	37602	38134	38134	50386
Импорт	-15083	-18601	-23244	-26074	-30206	-30629	-30159	-41786
Савдо баланси	3652	3920	3237	5731	7396	7505	7752	8600
АҚШ ҳарбий күлини- ларини сақтап бүйіна харажаттар тұлови	1140	1022	1227	1760	2662	3879	4128	4352
Бонка даремалар ва харажаттар	-625	-949	-1599	-2019	-2626	-3640	-4903	-5505
Хисоб-китоб баланси	4167	3933	2865	5475	7432	7744	6977	7447
Субсидиялар ва репарациялар	-295	-406	-796	-1055	-1566	-1513	-2436	-2419
Чет әз инвести- циялари:	399	392	351	1554	1541	556	1312	4612
А. Ұзак муддатан	-58	-92	148	455	910	624	870	2410
Б. Қысқа муддаттан	457	484	203	1099	631	-68	442	2202
Хусусий Германия инвестициялари	-56	-308	-426	-534	-1417	-1781	-3407	-405
А. Ұзак муддаттан	-3	-172	-258	-325	-777	-1140	-1975	-1124
Б. Қысқа муддаттан	-53	-136	-168	-209	-640	-647	-1432	1019
Хукумат кредитлари- нинг қайтарилиши	-358	-264	-271	-426	-541	-502	-1420	-314
Хукумат томонидан аванс ва кредитлар берилиши	65	-195	-104	-546	-2023	-656	-2736	-2210
Хориж банкларидаги Бундесбанк рақамлары (ортине)	-2834	-1521	-716	-2601	-723	-2778	2197	-6605
Олтын (импорт)	-780	-1261	-1234	-2413	-4399	-411	8	-1402
Хато ва тузатышлар	-308	-430	232	549	1696	-653	-495	-1296
ЖАМИ	-4167	-3093	-2865	5472	-7432	-7744	-6977	-7447

Бирок, тұлов баланси активаларининг ортиб бориши давом этди. Импорт товарлари нархининг тушиши ва экспорт ұажмининг ортиши ГФР савдо баланси активлари 1956 йилда 5,7 млрд. марқадан 1957 йилда 7,4 млрд. мар-

Фрей А.И. Кредитная и валютная политика капиталистических стран. — М., 1962, 93-94 б.

кага, ҳисоб-китоб баланси қолдиги эса, 5,5 млрд. дан 7,4 млрд. маркагача ортишига олиб келди.

Фунт стерлинг курсининг тушиши ва француз франкининг девальвация қилинишидаги хавотирлар ГФРга хорижий чайқов капиталлари оқимининг кучайишига сабаб бўлди, бу Фарбий Европа давлатлари учун долзарб масалага айланди. Хориж матбуотларида «марка муаммоси» – ни ҳал этиш мақсадида марка курсини кўтариш ва ҳисоб-китоб баланси активлигини камайтириш билан боғлиқ таркибот ишлари амалга оширилди. Хорижликларнинг Германия маркасида жорий рақамлари 1953 йилда 1413 млн. маркадан 1956 йилда 2114 млн. маркагача, 1957 йилда эса, 2832 млн. маркагача ўсди. 1957 йилнинг охирларида ХВФнинг сентябр ойидаги сессиясида Бундесбанк бошқаруви раисининг маркани қайта баҳоламаслик хусусидағи қатъий таъкидлаши ҳамда Англия ҳукуматининг фунт стерлинг курсини қўллаб-қувватлашидаги чора-тадбирлари натижасида марка билан чайқовчилик қилиш тўхтаб, ҳамда хорижликларнинг маркадаги жорий рақамлари суммаси 2650 млн. DMгача камайди. Валюта захиралари ортишини секинлаштириш мақсадида Фарбий Германия ҳукумати қуролланиш мақсадида хорижга қилинган буюртмалари учун 1,9 млрд. DM миқдорида аванс тўловларини амалга оширди. Хусусий Германия капиталларининг экспорти ҳам, 1,4 млрд. DMга ошди. Германия 1958 йил декабр ойида бошқа Фарбий Европа мамлакатлари сингари, хорижликларнинг доллар ва бошқа валюталарда Фарбий Германия банклари рақамларида мавжуд бўлган суммаларини эркин конвертирланишини қайта тиклади, 1959 йилнинг бошларида эса, ГФР фуқаролари учун валюта чекловлари бекор бўлди. Бундан ташқари, ГФРга чет эл

капитали оқими учун чеклашлар, чет элдан кредитлар олиш учун қўйиладиган чекловлар, хорижликларнинг Farbий Германия банкларидағи жорий рақамлари учун оширилган захиралар бекор қилинди.

Саноат ўсишининг секинлашуви (1959 йилда 3,1 фоизга) шаронтида Бундесбанк ҳисоб ставкасини 1959 йилнинг январ ойида 2,75 фоизгача туширди (1958 йил январда – 3,5 фоиз). Бу эса, хориж капиталлари оқимини секинлаштириб, шу билан биргаликда, немис капиталларининг хорижда жойлашувини рафбатлантириди.

Бундесбанкнинг амалга оширилган бундай тадбирлари (ставкаларни тушириш билан боғлиқ) натижасида Германия банклари мавжуд ўз валюталарини Бундесбанкка сотмасдан, юқори фоизлар билан хорижда жойлаштиришни маъқул кўрдилар. 1958 йилнинг иккинчи ярмида Бундесбанк валюта захиралари 1,2 млрд. DMга қисқарди, бошка банкларда эса, 1,5 млрд. DMга ортди.

1957–1959 йиллардаги Бундесбанк сиёсати учта асосий вазифага қаратилган эди:

- конъюнктурани арzon ва етарли миқдордаги кредитлар бериш ёрдамида қўллаб-қувватлаш;
- капиталлар бозоридаги аҳволни яхшилаш ҳамда унинг амал қилишини тиклаш;
- ортиқча валюта жамғармалари муоммосини хал этицини жадаллаштириш мақсадида қисқа ва узоқ муддатли капиталлар экспортини ошириш.

Омонатлар қўйиш, банк облигациялари эмиссияси ва мамлакатга қисқа муддатли хориж капиталлари оқимини сезиларли даражада ўсиши натижасида банкларнинг кредит экспансияси ривожланиб борди.

1960 йилда мамлакат савдо баланси актив қолдиқقا эга бўлиб, 8,6 млрд. DMни ташкил этди (1959 йилда – 7,7 млрд. DM).

Кредит ва капиталлар ҳаракати бўйича балансда кескин ўзгаришлар амалга оширилди, шу жумладан, 1959 йилда ушбу модда 6,2 млрд. DM пассив қолдиқ ва 1960 йилда 1,7 млрд. DM актив қолдиқ билан якунланди. Бу ўзгаришнинг асосий сабаби – ҳисоб ставкасининг юқорилиги (1960 йил июн ойида 5 фоизгача оширилган эди) ҳамда марка курсининг ошиши хусусидаги тахминлар. Хориж капиталлари оқими учун тўсиқларни вужудга келтириш мақсадида, Бундесбанк 1960 йилнинг июн ойида банклар хорижликларнинг жорий рақамларига нисбатан 30 фоиз миқдорида мажбурий захирага эга бўлишлари тўғрисида қарор қабул қилиб, хорижликларнинг жорий рақамлари ва омонатлари бўйича фоизларни тўлашни қатъий тақиқлаб қўйди.

1960 йилнинг иккинчи ярмида хорижий капиталлар оқими банкларга эмас, балки Фарбий Германия қиммат баҳо қофозлари сотиб олинишига йўналтирилди. ГФРда юқори ставкалар шароитида банкларнинг хорижга капиталлар экспортини йўлга қўйиш мақсадида Бундесбанк, 1960 йилда ушбу банкларга улардаги мавжуд долларларни сотиб олишда 1,5 фоиз миқдоридаги муддат билан мукофот тўлай бошлади. Шу тариқа хориждаги паст фоизлар ҳисобига уларни қоплай бошлади. 1960 йил январдаги ҳисоб ставкасининг 3,5 фоизгача туширилиши натижасида Бундесбанк премияларни тўлаш шарти билан муддатида долларларни сотиб олишни тўхтатди. 1961 йил 6 марта ГФР ҳукумати марка курсини 5 фоизга кўтариб, доллар курсини 4,2 дан 4 маркага туширди. 1960 йилнинг

куз ойларида Банк ҳаддан ташқари экспансия ва нархларнинг ошишига қарши чора-тадбирлар кўра бошлади. Марка курсининг бундай миқдорда оширилиши ГФР товарлари экспорти қисқарувига олиб келмай, балки унинг ўсишини секинлаштириди, импорт ҳажмининг ортиши эса, ички бозордаги рақобатни кучайтириб, нархларнинг ошиши тенденциясини чеклади.

Олтин ва валюта захираларини қайта баҳолаш Бундесбанк учун 1,4 млрд. DM миқдорида зарар билан якунланди. 1961 йилда банк ҳисоб ставкасини тушуриб (3 фоизга), захираларнинг энг оз миқдорини (жорий счёtlар бўйича 14,3 фоиз) мунтазам равища камайтириб борди. Бундесбанк ҳисоботида кўрсатилишича, бундай тадбирлар банк валюта захиралари жамғарилишини камайтириш, Гарбий Германия капиталларининг хорижга экспортини кучайтириш мақсадида амалга оширилди.

1961 йилда импорт ҳажмининг сезиларсиз даражада ўсиши марка курсининг кейинчалик кўтарилиши мумкинлигига ишонган ҳолда, немис импорт қилувчиларининг ўз харидларини кескин камайтиришлари билан изоҳланади. Шу билан бирга, марка курсининг ҳам сезиларсиз ошиши немис товарларининг рақобатчилик шароитида, немис саноат ишлаб чиқарувчиларига кўшина маҳсулотларнинг маргадаги эски нархларини сақлаб қолиш имкониятини берди. Немис товарларининг экспорти кўтарилди, кашиталлар экспорти кучайди, бироқ Бундесбанкнинг олтин ва валюта захиралари 1961 йил декабр ойида 24,8 млрд. DM гача қисқарди.

Германия монополистик капиталининг ташқи иқтисодий экспансияси ва урушдан кейинги узоқ йиллар даво-

мида ҳарбий харажатларнинг чекланиши, шунингдек, бошқа валюталарга нисбатан марка курсининг на сайтирилиши оқибатида 1950–1960 йиллардаги ГФР тўлов баланси муваффақиятли якунланди. 1970 йилларда ҳамда 1980 йилларнинг биринчи ярмида тўлов баланси айниқса, савдо баланси, энергетика ва хом ашё инқирози натижасида 1975–1977 йилларда вақтинчалик қисқаришига қарамасдан, актив қолдиқнинг кўпайиши билан якунланди. Хизматлар ва ўтказмалар баланси ГФРда ишловчи хорижликларнинг ўтказмаларига, туризм соҳасига қилинган катта харажатлар натижасида ҳар йили сезиларли даражадаги тақчиллик билан (1980 йилларнинг бошларида 10 млрд. доллардан ортиқ) якунланди.

Бироқ, тўлов балансининг жорий операциялар бўйича қолдиғи актив якунлансада, ушбу тақчиллик савдо баланси ижобий қолдиғидан юқори бўлмади. 1984 йил ГФРда тўлов, шунингдек, савдо баланси охирги 6 йил ичида энг юқори актив қолдиқ билан якунланди. Паст бўлган марка курси таъсири остида экспорт ҳажмининг тез суръатлар билан ўсиши импорт ҳажмининг ҳам ортишига сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида ГФР монополиялари ташқи иқтисодий экспансияси хориждаги инвестицияларнинг сезиларли даражада ўсиши ва улар бўйича фойда миқдорининг юқорилиги билан изоҳланади. ГФР чет эл капитал қўйилмалари ҳажми бўйича (1982 йил охирида 82 млрд. долл.) АҚШ ва Буюк Британиядан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Тўғри капитал қўйилмаларини олиб чиқиш 1969–1975 йилларда 9,7 млрд. доллар, 1976–1982 йилларда 25,4 млрд. долларни ташкил этди. Бир вақтнинг ўзида, ГФР га хориж

инвестициялари оқими ҳам ўсиб бориб, уларнинг ҳажми 1982 йилнинг охириларида 20 млрд. долларга (шу жумладан, АҚШдан 16 млрд. долл.) етди. АҚШда фоиз ставкаси ва доллар курсининг ошиши таъсирида ГФРдан 1980 йилларда кучли капитал оқими рўй берди.

Актив тўлов баланси туфайли, ГФР йирик олтин ва валюта захираларини тўплаб, расмий валюта резервлари миқдори бўйича (1985 й. 39,5 млрд. СДР) жаҳонда биринчи ўринни, олтин захиралари бўйича (2,96 м. т.) АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Германия иқтисодиётининг юксалиши 1994 йилда бошланди. Бу юксалиш бир неча хусусиятларга эга бўлиб, мустаҳкам пойдеворга эга эмаслиги, экспорт кенгайишининг устуворлигига боғлиқлиги билан изоҳданади.

Мамлакатда конъюнктура яхшилансада, узоқ вақттacha юқори ишсизлик сақланиб турди. Ҳатто, ўсиш шароитида ҳам ишчи ўринлари сони қисқарди.

Германия экспорти ҳажмининг ўсиши жаҳон савдо-сининг кенгайиши суръатларига нисбатан устунликка эгадир. Экспортнинг бундай суръатлар билан ривожланишига жаҳон бозорларида немис фирмаларининг ракобатбардошлиги ошиши ҳамда Германиянинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган Фарбий Европа мамлакатлари хўжалигида жонланишнинг рўй бериши оқибатида эришилди. Экспортнинг муваффақиятли ривожланиши ички талабнинг жонланишига маълум даражада ижобий таъсир қилди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида немис иқтисодиётининг юксалиши номутаносиблиги билан фарқланиб турди. Германиянинг бирлашуви умумиқтисодий жараёнга сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатди. 1992-1996 йил-

ларда федерал ерларнинг иқтисодий ўсиши кўрсаткичлари Фарбий Германия кўрсаткичларидан устунликка эга бўлган бўлса, 1997 йилга келиб, Фарбий Германия ЯИМнинг ўсиш суръатлари (1991 йил нархлари бўйича) Шарқий Германияга нисбатан бир неча баробар юқори бўлди. 1992 йилда Фарбий Германияда ушбу кўрсаткичлар – 1,8 фоизни, Шарқий Германияда – 7,8 фоизни; 1993 йилда – 1,9 ва 8,9 фоизни; 1994 йилда – 2,2 ва 9,9 фоизни ташкил этди. 1997 йилда ЯИМнинг нисбати Фарбий ерларда 2,4 фоизга, Шарқий ерларда эса атиги 2 фоизга ўсди. Тадбиркорлик ва инвестиция муҳити ёмонлашувининг узок вақтгача давом этиши, нафақат капитал қўйилмалар, балки ички талаб (давлат ва шахсий) динамикасининг камайишига олиб келди. Иқтисодий ўсиш омили сифатида экспорт талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. ЯИМда экспорт ҳиссаси 1993 йилда 24 фоиздан камроқни ташкил этган бўлса, 1996 йилда 29 фоизгача кўтарилди. Айнан экспорт ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши туфайли (11-11,5 фоизга) 1997 йилда бозорда жонланиш рўй берди.

1995-1996 йиллар немис иқтисодиёти учун оғир кечди. Ишлаб чиқариш суръатлари тушиши кузатилмасада, бироқ, асосий макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси унчалик юқори бўлмади.

Камайиш суръатлари ишлизикнинг кўпайиши ва давлат молияси инқирози кучайиши билан бирга кузатилди. 1997-1999 йиллардаги Германия иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари 42-жадвалда келтирилди.

Бюджет тақчилигини камайтириш зарурлиги ва иқтисод қилиш шароити туфайли давлат ўз харажатларини ошира олмади. Шахсий истеъмол талаби иш ҳақи ўсиши-

ни ушлаб туриш бўйича чора-тадбирларни чеклади. 1991 йилдан сўнг, бандикнинг сезиларли даражада — 2,5 млн. ишчи камайиши даромадлар динамикасига салбий таъсир қилиб, истеъмол талабининг кенгайиши имкониятларини чегаралаб қўйди.

Бундай таъсирни иш ҳақининг кескин камайишига олиб келган солиқлар ва ажратмаларнинг ўсишида ҳам кўриш мумкин. 1997 йилда инвестицияларда салбий аҳвол кузатилади. 1996 йилда капитал қўйилмаларнинг қурилишга йўналтирилишининг сезиларли даражада камайиши оқибатида улар 1,2 фоизга қисқарди. Бирок, қурилишдаги аҳвол босқичма-босқич яхшиланиб борди. Агар қурилиш инвестициялари ҳажмининг камайиши 1996 йилда 3,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилда — атиги 2,4 фоизга етди. Инвестицион фаолликка тўсқинлик қилаётган сабаблардан бири — яқин истиқболда давлат (солиқлар ва ажратмалар ёрдамида) ва ишчиларнинг (иши ҳақи орқали) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қанча миқдордаги улуши талаб қилиниши билан боғлиқ инвестициялардаги ишончсизликнинг мавжудлиги бўлди.

Экспорт ҳажмининг тез суръатлар билан ривожланиши бир қанча омиллар сабабли, иқтисодиёт динамикасини жадаллаштиrmади. Бу омиллар қуйидагилардир: оширилган марка курси; иш ҳақининг юқори суръатлар билан ўсишига сабаб бўлган касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган босим; ноқулай тадбиркорлик шароити (асосан, юқори солиқлар ва ижтимоий ажратмалар сабабли).

**1991–1997 йилларда Германия асосий иқтисодий
күрсаткичлари**

Күрсаткичлар	1991й.	1992й.	1993й.	1994й.	1995й.	1996й.	1997й.
ЯИМ (таққослама нархларда)*	5,0	2,2	-1,2	2,7	1,8	1,4	2,2
Саноат ишлаб чиқариши ҳажми*	3,0	-2,6	-7,3	3,6	2,0	0,2	3,2
Инфляция (чакана нархлар динамикаси)*	3,5	5,1	4,5	2,7	1,8	1,5	1,8
Давлат бюджети тақчиллiği (ЯИМ нисбатан, фонизда)	-4,3	-3,9	-3,0	-2,4	-3,3	-3,4	-3,0
Товарлар экспорти, (млрд. DM)	665	671	628	691	750	824	911
Товарлар импорти, (млрд. DM)	644	638	567	617	664	824	870
Жорий операциялар бўйича тўлов баланси қолдиги:							
млрд. DM	-29949	-30221	-23357	-34191	-33818	-20946	-5000
млрд. DM	-27,0	-19,4	-14,3	-20,6	-23,6	-13,1	-5,5
Ялии капитал кўйилмалар	6	3,5	-5,6	3,5	0,8	-1,2	0,8

* ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фонизларда

Манба: МЭИМО. -1998. -№8. 87 б.

Давлат 1996–1997 йилларда вужудга келган вазиятни тузатишга киришди ва натижада марка курси туширилди, иш ҳақининг ўсиш суръатлари камайди.

Германия бирлашувидан кейин, 1997 йилда биринчи марта ЯИМнинг ўсиш суръатлари Шарқда Фарбга нисбатан кам бўлди. Бунинг асосий сабаби сифатида Шарқда яратилаётган ЯИМ таркибида юқори салмоққа эга бўлган қурилиш индустрясининг сезиларли даржада тушиши бўлди.

Шуниси мұхымки, янги федерал ерларида асосан, юқори ишсизлик натижасыда мәҳнат унумдорлигининг юқори суръатлар билан үсиши күзатылды.

Собиқ ГДРда тадбиркорлық таркиби асосан, унча катта бўлмаган ва кучсиз фирмалардан иборат эди. Улар ишлаб чиқарған маҳсулотларнинг сотиш ҳудуди чегараланган бўлиб, жаҳон бозорларидағи мавқеи баланд эмас эди. Бироқ, ҳозирги кунда Шарқий Германия қайта ишлаш тармоғидаги корхоналар барқарор равищда ишлаб чиқаришни кепгайтириб, хорижда сотиш имкониятларини юзага келтирмоқда.

Бироқ, ишчи кучи бозоридаги салбий тенденция ҳамон юқорилигича қолмоқда. Бандлик камайишини (1997 й. 1,5 фоизга) тадбиркорликнинг янги қувватларига инвестиция қилиш истакларининг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Янги ишчи кучи оқими демографик сабабларга кўра, камайиб бормоқда, янги ишчи ўринлари ҳам тез суръатлар билан қисқармоқда: 1997 йилда мамлакатда иш билан банд бўлғанлар сони 400 минг кишига, шу жумладан, Еарбий ерларда – 300 минг кишига қисқарди. Мамлакатда рўйхатта олинган ишсизлар сони ишга яроқли аҳолининг 11,4 фоизини, яъни, 4,4 млн. кишини ташкил этди. Бундан ташқари, 2 млн.га яқин одам яширин ишсизлардир. 1998 йил январ ойида ишсизлик даражаси 12 фоиздан ошиб, 50 йиллардан кейинги энг юқори нуқтага кўтарилди.

Ишсизлик асосан, Шарқий Германияда юқори бўлиб, (Еарбаги 13 фоизга нисбатан 27 фоиз яширин ишсизликни ҳисобга олганда) Германиянинг ғарбида иш билан бандлар ҳиссаси – 41 фоизни, шарқида эса – 42 фоизни ташкил этмоқда.

Қайта ишлаш саноатида ишчи ўринларининг қисқариши, хизмат соҳасида янги ишчи ўринлари ташкил этишинг секин бориши, қурилишдаги инқироз ҳамда янги ишчи ўринлари тацкил этиш ва ишсизларни қайта ўқитиш харажатларининг давлат томонидан молиялаштирилишинг қисқаруви юқори ишсизлик даражасини келтириб чиқармокда.

Бундесбанк томонидан амалга оширилаётган шул сиёсати хўжалик фаолияти учун қулай монетар шароитни яратадиган бўлсада, бироқ тадбиркорлик муҳитини молиявий жиҳатдан ёмонлаштирумокда. Ушбу сиёсат давлат бюджети тақчиллиги кўрсаткичларининг «Маастрихт» мезонларига (ЯИМнинг З фонзидан ортиқ бўлмаган) мос келишига қаратилган эди. Бунинг учун, 1996 йилда бошланган ижтимоий трансферлар, моддий харажатлар ва давлат инвестицияларини кескин қисқартириш билан борлиқ чора-тадбирлар 1997 йилда ҳам давом эттирилди. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий ажратмалар меъёри оширилди.

1997 йилда Германия ижтимоий-иктисодий соҳада кейинги қайта қуришга ўтди. Ислоҳотлардан кўзланган мақсад — инвесторлар учун мамлакатда жалб қила олиш муҳитини кўтариш ва ижтимоий таъминот тизимини реал имкониятлардан келиб чиқиб ташкил этиш эди. 1996 йилда харажатларни чегаралашга қарамасдан, ижтимоий сугурта ва турли даражадаги бюджетлар тақчиллиги 13 млрд. DMга ўсиб, 1997 йил ушбу тақчиллик шунча суммага камайтирилди. Иктисад қилиш асосан пенсия таъминоти, бандликка кўмаклашиш ва соғлиқни сақлаш (касаллик бўйича нафақалар тўловини қисқартириш) харажатларини камайтириш ҳисобига амалга оширилди.

Германия иқтисодиётини рационализация қилиш билан боғлиқ иккинчи йўналиш мамлакатда ишлаб чиқариш капиталининг жойлашувига сезиларли даражада тўсиқ бўлаётган, маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларниң ҳаддан ташқари юқорилигини камайтиришга қаратилди. Маҳсулот бирлигига сарфланган моддий харажатларни камайтириш асосан, иш ҳақи харажатлари ва у билан боғлиқ тўловлар ҳамда корхоналарнинг ижтимоий йўналишдаги харажатларининг ўсиши билан амалга оширилди. Агар бу қопланиш олдин юқори меҳнат унумдорлиги ҳисобига бўлган бўлса, ҳозирда Германия бу кўрсаткичлар бўйича Япония, Франция, Бельгия ва Голландиядан кейинги ўринни эгалламоқда. Ушбу ҳолат миллий капиталнинг чет элга оқими кучайишига ҳамда жуда кам миқдорда хориж маблағлари оқимининг қайтишига ўз таъсирини кўрсатди. 1986–1995 йилларда Германия 27 млрд. долл. миқдорида чет эл тўғри инвестицияларига эга бўлиб, нафақат АҚШ (475,7 млрд. долл.) ва Буюк Британия (190,4 млрд. долл.) балки Франция, Бельгия, Швециядан кейинги ўринни эгаллади.

1997 йилда ҳукумат соф қарзларни қисқартириш ҳисобига давлат бюджети тақчилигини ЯИМга нисбатан 3 фоизгача (1996 йилда – 3,4 фоиз) туширишга муваффақ бўлди. Давлат қарзининг ЯИМга нисбати 1997 йилда 62 фоизни ташкил этди. Бу ҳолат Германиянинг ЕВИда иштирок этишига таъсир кўрсатмайди. Федерал ҳукумат харажатларни оқилоналаштириш муаммосини ҳал этганича йўқ, бироқ, кучсиз хўжалик соҳалари ва тармоқ структураларини субсидиялашга йирик бюджет маблағлари йўналтирилмоқда. Шу билан бирга, давлатнинг мос даромадларга эга бўлиш имкониятлари пасайиб бормоқда. 1997 йилдаги юқори солиқ ставкалари солиқларидан қочиш ва

хуфиёна иқтисодиёт кенгайишининг кучайишига сабаб бўлди.

1997 йил давомида марка курсининг долларга нисбатан қадрсизланиши рўй берди, бироқ, бу қадрсизланиш маълум даражада ушлаб турилиб, экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Мамлакат ичида пул бирлиги барқарорлигини сақлашга эришилиб, инфляциянинг йиллик суръати атиги 1,8 фоизни ташкил этди. 1998 йилнинг бошларида Германияда истеъмол нархларининг ўсиш суръатлари охирги 10 йил ичида энг кам бўлиб, йиллик 1,3 фоизни ташкил этди.

Бундай ҳолат ички талабнинг кескин чекланганлиги, жаҳон бозорларида хом ашё ва нефт нархларининг тушиши ҳамда маҳсулотлар таннархида иш ҳақи тўловлари ҳиссасининг камайиши билан боғлиқ бўлди.

Иқтисодий ўсиш асосларини кенгайтиришининг асосий вазифаси – Германияда «парчаланган конъюнктура» масаласини ҳал этишдан иборатdir.

Экспорт ҳажми динамикасининг сезиларли даражада оқсоқланишига қарамай, ушбу масала ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. 1997 йил охирларида экспорт ҳажми ўсиш суръатларининг секинлашуви ва иқтисодиётнинг ички талабга қайта мослашуви босқич-ма-босқич амалга оширилишида кузатилди.

Осиё инқирози Германия иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. *Deutsche Bank AG* экспортлари ҳисоб-китобларига кўра, 1998 йилда мамлакатда ўсиш динамикасининг ёмонлашуви, ушбу инқирознинг бевосита ва билвосита таъсирида, 0,3-0,5 фоиздан ошмаслиги керак эди.

Салбий натижага ҳисобланган ишлизикнинг ўсиши да-

вом этди. Шу билан бирга, Осиё инқирози нархларнинг ўсишини тутиб турувчи таъсир кўрсатмоқда, бу эса мамлакат ичидаги инфляция кўрсаткичларига қўл келмоқда.

1996–1997 йилларда экспорт қилувчи немис корхоналари барча хорижий бозорларда муваффақиятларга эришдилар. Айниқса, ЕИ мамлакатларига экспорт қилиш ҳажмининг ўсиши аҳамиятли бўлди. Марказий ва Шарқий Европага экспортниң доимий тарзда ўсиши кузатилмоқда. Немис товарларининг салмоқли ҳиссаси айнан, Лотин Америкасига йўналтирилмоқда. Шу билан бирга, Шарқий Осиёга экспорт ҳажми иисбатан секин ривожланмоқда, бу эса, Германия манфаатларига қўл келмоқда.

Экспорт ҳажмида барча Осиё давлатларининг улуши 12 фоизни (ёки ЯИМнинг 2,4 фоизи), ЕИ мамлакатларига экспорт 1997 йилда 56,5 фоизни ташкил этди. 1998 йилда конъюнктуранинг босқичма–bosқич жонланиши рўй берди. ЯИМнинг ўсиини (2,6–3 фоизга) экспорт қилиш, ускунлар сотиш ва инвестициялар ҳисобига бўлди.

Аҳолининг реал даромадлари 4 фоизга ошди, инфляция суръати 2 фоиздан камроқни ташкил этди. Германиянинг барқарор тараққиётга эришишида мамлакатнинг иқтисодий–сиёсий чора–тадбирлари ёрдамида инвестицион шароитларни шакллантириш ҳал қилувчи устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Тақрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Германия молия тизими қандай таркибий қисмлардан иборат?
2. Германия федерал бюджети қандай даромад турлари ҳисобига шаклланади?
3. Германия солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Федерал бюджет харажатларининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
5. Германияда бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг қандай манбалари мавжуд?
6. Германияда маҳсус фондларнинг аҳамияти қандай?
7. Германия давлат бюджетида федерал ерлар ва обшиналар бюджетининг ўрни қандай?
8. Германия солиқ тизимининг ўзига хослиги нималардан иборат?
9. Германия банк тизимида Марказий банкнинг ўрни қандай?
10. Германия тўлов балансининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
11. Қандай омиллар натижасида 50 йилларда ГФРга хорижий чайқов капиталлари оқими кучайди?
12. 1950-60 йилларда ГФР тўлов балансининг муваффақиятли якуnlанишига сабаб нима?
13. Германиянинг бирлашуви умуниқтисодий жараёнга қандай таъсир кўрсатди?

ФРАНЦИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАРКИБИ

1-§. Банк-кредит тизими ва пул муомаласини ташкил этиш

Франциянинг кредит тизими ўз ичига Марказий банк, тижорат банклари ва маҳсус кредит институтларини олади. Кредит тизимини Франция банки бошқаради, у марказий банк вазифасини бажаради ҳамда тижорат банкларини назорат қилади. Мазкур банк 1800 йилда ташкил топган ва 1945 йилда миллийлаштирилган.

1984 йилда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида банклар ихтисослаштирилишига барҳам берилди ҳамда банкларни янги классификацияси жорий қилинди. Унга мувофиқ, 370 тага яқин тижорат банклари, 200 га яқин кооператив кредит ташкилотлари, 430 та жамғарма кассалари ва пенсия фондлари, 21 та муниципал кредит кассалари, 1017 молия компаниялари ва 30 та маҳсус кредит институтлари мавжуд.

Суғурта компаниялари. Францияда 500 га яқин суғурта ташкилотлари рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 10 таси давлат ихтиёридаги (бутун операцияларнинг 30 фоизи), 135 та хусусий (33 фоиз), 170 та ўзаро суғурта компаниялари ва 168 та хорижий суғурта ташкилотларини ташкил этади. Суғурта бозорида Юнъон дез ассюранс де Пари, Ассюранс женераль де Пари, Кэсс сантраль де Креди Агри科尔 Мютюэль суғурта компаниялари етакчилик қилишади. Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, хорижий рақобатчиларга қарши биргаликда курашиш ва миллий иқтисодиётта кредит қўйилмаларини ошириш мақсадида бир қанча суғурта компаниялари ва тижорат банкларининг бирлашичи юз берди.

Франция суғурта бозорида амалга ошириладиган операциялар ҳажми бўйича АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британиядан сўнг, бешинчи ўринни эгаллайди. Халқаро суғурта операциялари ривожланиши даражасининг анча юқорилигига қарамасдан, ушбу операциялар суғурта ташкилотларининг балансидағи улуши 16 фоизни ташкил этади.

2-§. Давлат молияси

Францияда молия йили календар йилига мос бўлиб, у бошқа ривожланган мамлакатлардан марказлашиш дарожасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Марказий бюджет (умумий бюджет, турли давлат ташкилотлари қўшма бюджети ва хазиначиликнинг маҳсус ҳисобварақалари кабиларни ўз ичига оловчи давлат бюджети) бутун молия тизимининг 80 фоизга яқин даромад ва харажатларини ўз ичига олади. Бунда давлат бюджетининг улуши 47 фоиз, маҳаллий бюджетлар – 9 фоиз, ижтимоий суғурта фондлари – 40 фоиз, давлат корхоналари – 4 фоизни ташкил этади. Ўтган аср охиirlарига келиб, Франция бюджет тизими орқали ЯИМнинг 20 фоизидан ортиғи ва миллий даромаднинг 50 фоизи қайта тақсимланган. Ушбу кўрсаткич таққосланганда, 1913 йилда бюджет орқали миллий даромаднинг 13,5 фоизи, 1938 йилда 20 фоизи қайта тақсимланган.

Давлат томонидан амалга ошириладиган барча харажатлар ягона ҳужжатда акс эттирилиб, парламент томонидан тасдиқлансада, почта бюджети, телеграф, темир йўллар бюджети илова сифатида ҳужжатлаштирилади. Хазиначиликнинг айrim маҳсус ҳисобварақалари қолдиқ усулида акс эттириласада, даромад ва харажатлар бюджете-

тида абсолют суммаларда алоҳида акс эттирилади. Бюджет кредитларининг мақсадли йўналиши мавжудлигига қарамасдан, амалиётда уларни тақсимлаш учун қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланилмайди. 1958 йилда қабул қилинган конституцияга мувофиқ, ижро этувчи органнинг ваколатлари парламент ваколатларига нисбатан анча кенгайтирилди. Парламент фақат йирик бўлинмаларга ажратиладиган маблағларни тасдиқлайди, маблағларни кейинги сарфланиши ҳукумат декретлари асосида амалга оширилади.

Ўтган асрнинг 70- ва 80-йилларида Францияда юзага келган бюджетдаги тақчиллик муаммосининг долзарбилиги ортиб борди. Франция конституциясида баланслаштирилган бюджет тамойили қайд қилинди ва унга кўра, бюджетда тақчилликнинг бўлиши тақиқланди. Даставвал муваффақиятли кечган тақчил бўлмаган бюджетни сақлаб қолиш борган сари қийинлашиб борди. Бундай шароитда қийинчилекни четлаб ўтиш йўл-йўриклари қидирилади. Ҳар бир бюджет йили учун баланслаштирилган бюджет қабул қилинар ва йил охирига яқин қўшимча бюджет қабул қилина бошланди. Даствлабки вақтларда қўшимча бюджетдаги тақчилликнинг ҳажми сезиларсиз бўлиб, аммо унинг ҳажми йилдан-йилга ўсиб борди. Шундай қилиб, бюджетнинг «баланслашганлик» тамойили бу мамлакатда вақт синовига дош бера олмади.

3-§. Франция солиқ тизими

Франция солиқ тизимида эгри солиқлар аҳамиятининг юқорилиги ва унча юқори бўлмаган даромад солири ҳиссаси билан фарқланади (43- жадвалга қаранг).

43-жадвал

Францияда бюджет даромадлари тузилиши (фоиз ҳис.)

Кўшилган қиймат солиги	41,4
Жисмоний шахсларнинг даромадига солик	18,1
Корхоналарга солинадиган солик	10,6
Нефт маҳсулотларига божлар	7,3
Бошқа солиқлар	15,2
Солиқсиз тушумлар	7,4
Ҳаммаси	100

Марказий ва маҳаллий бюджетларга тушаётган солиқларни йиғиши билан – Ягона Солик хизмати (ЯСХ) шуғулланади. Марказий солиқлар ичида акционерлик жамиятларига солик, қўшилган қиймат солиги ва даромад солиги устунлик аҳамиятига эгадир.

Акционерлик жамиятлари солик тўловчилари бўлиб, ушбу юридик шаклда расмийлаштирилган корхоналар ҳисобланади. Қолган корхоналар эса, жисмоний шахслар даромадини солиқка тортиш тартиби бўйича солиқка тортилади. Агар акционерлик жамияти мустақил шохобчаларга эга бўлса, ҳар бир шохобчалар даромади алоҳида солиқка тортилади. Айрим ҳолларда бош корхона ва шохобча фаолияти натижасининг фискал жамланишига йўл қўйилади. Солиқка тортиш обьекти бўлиб, акционерлик жамиятининг барча фаолият турлари бўйича операциялари (шу жумладан, мулк сотилишидан келадиган даромадлар) ҳисобланади. Солиқни ундириш акционерлик жамиятининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботи асосида амалга оширилади. Солиқка тортиладиган фойда мулк ва хизматларини сотишдан олинган тушум ва ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида топилади. Бунда давлат ушбу харажатлар таркибини тўғридан-тўғри

бошқарыб турмайды, корхона эса, умумий тартибга риоя қилады. Солиқ ставкаси олинган фойдаладан фойдаланиш йўналишларига боғлиқ бўлади. Агар фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланса, солиқ ставкаси 39 фоиз, агар даромад дивиденд тўловларига йўналтирилса, 42 фоиз қилиб белгиланади. Охирги ҳолатда Франция солиқ қонунчилигида акция эгаларини икки ёқлама солиққа тортишда компенсация механизмини кўзда тутади. Иккаки ёқлама солиққа тортиш дивиденд даромадларидан олинадиган жисмоний шахслар даромади солиги биргаликда акционерлик жамиятги даромадини солиққа тортиш вақтида юзага келади.

Акционерлик жамиятлари учун турли хил имтиёзлар кўзда тутилган. Улар ўз фаолиятларининг дастлабки икки йилида солиқдан тўлиқ озод этилади, учинчи йили даромадларининг фақат 25 фоизини, тўртинчи йили – 50 фоизини, бешинчи йили – 75 фоиз ва фақат фаолиятининг олтинчи йилидан бошлаб даромадларининг 100 фоизи солиққа тортилади.

Қўшилган қиймат солиги асосийларидан бири бўлиб, мамлакат бюджетидаги йирик солиқ тушумларининг шаклланишида унинг ҳиссаси юқоридир. ҚҚС ишлаб чиқариш ва муомала босқичларининг ҳар бирида ундирилади, яъни тайёр маҳсулотни сотишдан олинган солиқ ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашё учун тўланган солиқ ўргасидаги фарқ сифатида аниқланади. Экспорт операциялари, тиббий хизматлар, таълим, хайрия фаолиятлари, сурурга, казино, лотореялар ва бошқалар ҚҚС дан озод этилади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда, солиқ тўловчиларга уларнинг алоҳида фаолият турлари (биноларни ижарага бериш, молия ва банк иши,

адабий, спорт, артистлик фаолиятлари) бўйича ККС ёки даромад солиги тўланишида танлаш ҳуқуқи берилади.

ККС бўйича ҳисоб-китоб ишларини корхоналар (садалаштирилган бухгалтерия ҳисобини қўлловчи кичик корхоналардан ташқари, уларда солиқ ҳисоб-китобини солиқ хизмати ҳисоблайди) мустақил равишда ҳисобладилар.

Даромад солигининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, алоҳида жисмоний шахснинг даромади эмас, балки оила даромади солиқقا тортилади. Солиқни 18 ёшдан ошган барча фуқаролар тўлайди. Ҳозирги даврда даромад солигини ҳисоблаш тартиби анча мураккаб жараён ҳисобланади.

Даставвал, барча даромадлар: иш ҳақи, ердан келадиган даромадлар, дивиденд ва фоизлардан келадиган даромадлар, қайта сотишдан келадиган даромадлар, ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган даромадлар, нотижорат даромадлар ва қишлоқ хўжалигидан келадиган даромадлар еттига гуруҳга ажратилади. Кейин ҳар бир гуруҳ учун алоҳида соф даромад аниқланади. Бунда ҳар бир гуруҳда соф даромадни аниқлашнинг алоҳида услубига амал қиласди. Солиқка тортиладиган даромад аниқлангандан сўнг, уни ҳисоблаш кейинги имтиёз ва чегирмалар асосида бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоблаш жараёни бошланади.

Маҳаллий солиқлар ичида касб солиги, уй-жой солиғи, қурилиш ва иморатларга солинадиган ер солиги алоҳида аҳамиятта эгадир. Касб солиги юридик ва жисмоний шахслар (мустақил равишда бизнес билан шуғулланувчи) томонидан тўланади. Солиқни ҳисоблаш учун иккита элемент йириндисини маҳаллий ҳокимият органлари томо-

нидан белгилашган солиқ ставкасига кўпайтириш асосида амалга оширилади. Бу икки элемент бўлиб, солиқ тўловчи касб фаолиятида ўз эҳтиёжи учун фойдаланадиган кўчмас мулкнинг ижара қиймати, ҳамда солиқ тўловчининг ўз ишчиларига тўлайдиган иш ҳақи ва солиқ тўловчи оладиган даромаддан аниқ бир фоиз ҳисобланади.

Қурилиш участкалари учун ер солиғи ишлаб чиқариш ёки тижорат мақсадларида фойдаланиладиган барча кўчмас мулклари қамраб олади. Ноқурилиш участкалари учун солиқ дала, ўрмонлар, яйловлар ва бошқаларга нисбатан қўлланилади. Уй-жой учун солиқни мулк эгалари билан бир қаторда ижарачилар ҳам тўлайдилар.

Юқорида изоҳланган солиқлардан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, божларни ўз ҳудудларида жорий қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

4-§. Франция тўлов баланси

Франция тўлов баланси бошланғич босқичида Буюк Британия тўлов баланси ривожланишига айнан ўхшашибди, бу эса, иқтисодиётнинг колониал характерига боғлиқ бди. XIX аср ўрталаригача мамлакатда актив тўлов баланси мавжуд бўлган, зеро савдо баланси тақчилликка эга бўлган бўлсада, савдо баланси тақчиллиги «кўринмас» операциялардан тушумлар — чет эл инвестицияси ва воситачилик фаолиятидан келадиган даромадлар ҳисобига қопланган.

Биринчи жаҳон урушигача Франция ўз капитали четга чиқарилишида етакчи ўринни эгаллаган, шу сабабли, Франция тўлов баланси тушумларини асосан, хориждаги инвестициялардан келадиган даромадлар ташкил этган. Бундан ташқари, Франция туризм соҳасидан ҳам

катта даромад оларди. Шу сабабли, Франция пассив савдо баланси оқибатида ҳам актив түлов балансига эга эди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг, Франция актив түлов балансини сақлаб қолди, бироқ сезиларли даражада туризм ва сувуртадан ҳамда хориждаги инвестициялардан келадиган даромадлари ҳиссаси кескин камайиб кетди. Ушбу даврда Франция түлов балансига Германиядан 1931 йилгача олган репарациялари ҳам аҳамиятли таъсир қилди. Ўтган асрнинг 20-йилларидағи пул ислоҳатисидан кейин, франк маълум бир давргача қадрли бўлиб, 35 фоизли олтин қопламасига эга эди. 1929 йилдаги инқироз Франция франкининг қадрсизланишига олиб келди. Франция банки ўз валюта захираларини олтинга конвертация қилишга мажбур бўлди, лекин бу ҳам ёрдам бермади ва натижада Франция түлов баланси 1933 йилдан бошлаб, пассив тусга эга бўлди. Доллар ва бошқа валюталар курсининг тушиши жаҳон бозорида француз товарларининг рақобатбардошлигининг пасайшига ва Франциядан кучли капитал оқимининг чиқиб кетишига олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса, 1950 йиллар охирларигача, Франция түлов баланси сурункали юқори тақчилликка юз тутди. Шу жумладан, савдо баланси ҳамда фрахта ва сувурта операциялари қолдирни пассив якунланди, туризм ва чет эл инвестицияларидан келадиган тушумлар кескин камайиб кетди. Түлов балансининг пассивлиги ва давлат бюджети тақчиллигини эмиссияли молиялаштириш урушдан кейин Франциядаги валюга инқирозининг асосий сабабларидан бири бўлди. 1946-1953 йилларда Франция 8,3 млрд. доллар миқдорида ҳисоб-китоб баланси пассивига эга эди (44-жадвалга қаранг).

Франция тўлов баланси ва француз франки ҳудудлари,
(млрд. долл. ҳисобида)

Кўрсаночлар	1946-1955 йй	1954 й.	1955 й.	1956 й.
Савдо баланси	-6509	-179	86	-809
Инвестициялардан келадиган даромадлар	139	-37	5	57
Туризмдан келадиган даромадлар	436	61	33	-65
Фрахта ва сўғурта	-1590	-84	-125	-245
Ҳукумат даромадлари ва харажатлари	813	602	573	437
Бошқалар	-369	-101	31	-59
Ҳисоб-китоб баланси қолдиги	-7140	262	603	-684
Колониядаги операциялар бўйича ҳисоб-китоблар	-1167	-68	-196	-151
Жами	-8307	194	407	-835
Ёрдам	3402	507	537	100
Хусусий капиталлар ҳаракати	519	67	25	57
Хориждаги хусусий инвестициялар	538	27	42	29
Ҳукумат кредит операцияси	2480	-379	-354	-22
Чет эл валютасидаги қисқа муддатли активлар	123	-436	-528	692
Олтин	1233	-6	-145	6
Хатолар ва камчиликлар	12	26	16	-27
Жами	8307	-194	-407	835

Умуман, 1945-1957 йиллар оралиғида жорий операциялар бўйича тўлов баланси умумий тақчиллика 14 млрд. долларни ташкил этди. Бу эса, мамлакат олтин-валюта заҳирасининг кескин камайишига олиб келди. Жорий операциялар моддаси бўйича тўлов баланси тақчиллигини қоплаш мақсадида Франция олтинни экспорт қилишга ҳамда АҚШдан қарз олишга мажбур бўлди. Асосий пассив модда

— савдо баланси салбий қолдиги — АҚШ билан ташқи савдо ва иқтисодиётдаги номуганосиблик оқибатида юз берди. Түлов баланси пассивлиги ҳамда инфляция суръатининг ўсиши Франция франкини мунтазам равишда девальвация қилинишига олиб келди. 1940–1950 йилларда Франция ё франкни девальвация қилиши ёки пассив түлов баланси қолдиги ва иқтисодий таңглиқ ҳолида қолиши керак эди. Валютани чегаралашнинг қаттиқ қоидалари сақлаб қолинди ва натижада экспорт қилувчилар 100 фоиз валюта тушумини биржада сотишга мажбур бўлдилар. Экспорт қилувчилар учун солиқдан имтиёзлар берилди ва кейинчалик уларга тушумнинг маълум бир микдори (10–15 фоиз) ўзларида қолишига рухсат этилди. Бу ўз навбатида, ташқи савдодаги номуганосибликларни тенглаштириш ва савдо балансидаги тақчилик камайишига олиб келди.

1953 йилда валюта чекламалари нисбатан заифлаштирилди. Франция, Еврона тўлов иттифоқи аъзолари давлатлари сингари, ваколатли ташкилотларга сузуви курслар бўйича Иттифоқ аъзолари валюталари одди-сотдини амалга оширишга рухсат берди.

1954–1955 йилларда Франция актив ҳисоб-китоб балансига эга бўлди. Бу АҚШдан олинган кредитлар билан биргалиқда чет эл қарзларини узиш ҳамда Франция Банки олтин-валюта захирасини кенгайтириш имконини берди. Бироқ, бундай яхшиланиш мустаҳкам характерга эга бўлмай, асосан бу экспортнинг ортиши ва савдо балансининг яхшиланиши билан боғлиқ эди. Расмий ўтказмалар ва хусусий капиталлар ҳаракати моддалари бўйича актив қолдик сезиларсиз даражада бўлди.

Ўтган асрнинг 60- ва 70-йилларида валюта сиёсати соҳасида қатор чора-тадбирлар ўtkазилиб, аҳвол анча

ўнглаб олинди. Бунинг натижасида, 1958 йилда француз франкининг девальвацияси, экспортнинг рақобатбардошлiği ошди; савдо ва валюта чекланишлари қисқартирилди; янги бозорларга чиқиш имкониятлари туғилади.

Бу даврда жорий операциялар бўйича савдо баланси ва тўлов баланси мунгазам равишда актив қолдиқ билан якунланди. Бунинг натижасида, Францияда капиталлар экспорті ошди, олтин валюта захиралари эса, 1958 йилда 1 млрд. доллардан 1966 йилда 5,7 млрд. долларгача ошди.

Тўлов балансининг ижобий ҳолати француз франкининг барқарорлашуви ва мустақил валюта сиёсати юритилишига олиб келди. Урушдан кейин 1958 йилда 3 млрд. долларни ташкил этган ташқи қарз (асосан, АҚШдан олинган қарзлар) қопланди. Бу ҳолат мамлакатнинг АҚШга тобелигини камайтириди. 1960 йилларда Франциядаги валюта ҳолатининг ижобий томонига ўзгариши ўзига хос нисбий тусга эга бўлди. Унга тўсқинлик қилувчи бир неча омиллар мавжуд эди: жаҳон бозоридаги рақобатнинг чигаллашуви, қуролланиш харажатлари, колониал тизимнинг инқирози, ички ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги (энг аввало, инфляция шароитида иш ҳақларини музлатиш). Бу даврда мамлакатта чет эл инвестициялари оқими кучайиб, ташқи қарзлар кўшайди, бу эса, тўлов балансининг вақтинча яхшиланишига олиб келди, бироқ четта даромадни олиб ўтиш ва қарзни тўлашда унинг ҳолатига хавф туғдиради.

Франция анъанавий капитал экспорт қилувчи давлат ҳисобланар эди. Иккинчи жаҳон урушигача унинг хориждаги активлари 50 млрд. франкни ташкил этиб, Германия активларига нисбатан икки марта ортиқ эди. Буни Англия

хориж активларининг ярмиси билан солиштирса бўлар эди. Бироқ, ўтган асрнинг 40-йиллари охирларида бу миқдор 2 млрд. франкни ташкил этди. Франция 50-йиллардан бошлаб, халқаро майдонда ўз мавқеини сақлаш мақсадида, хусусан, собиқ колонияларда ҳам, капитал экспорт қилишни бошлади. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, АҚШ ва Европа давлатларига француз инвестициялари миқдори ошди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири 80-йиллар бошларида Франция тўлов баланси нобарқарор эди. Актив қолдиқ тақчиллик билан тез-тез ўрин алмашар эди ва аксинча. Зоро, 1971-1972 ва 1975 йилларда жорий операциялар бўйича тўлов баланси катта бўлмаган актив қолдиқ билан чиқди. 1973 ва 1974 йилларда ва айниқса, 1976-1977 йилларда юқори танқислик белгиланди, 1978 ва 1979 йилларда эса, 3,8 ва 1,2 млрд. долл. миқдорида актив қолдиққа эришилди. Кейинчалик тақчилликнинг ўсиши (1980 йилдан 1982 йилгacha 5 млрд. долл. миқдорида) кузатилди. 1971-1973, 1975 ва 1978 йилларда Франция савдо баланси активлиги, қолган йилларда нассивлиги кузатилди. Айниқса, 1976-1977 йилларда ва 80-йилларнинг биринчи ярмida сезиларли даражадаги тақчиллик юз берди.

Хизматлар моддаси бўйича баланс актив бўлиб, айниқса, 80-йилларнинг бошларида, ўтказмалар баланси бўйича тақчиллик кузатилди. Франция хорижта йирик миқдордаги инвестицияларни (1969-1982 йилларда 22,4 млрд. долл.) амалга оширишни давом эттиргди. Бир вақтнинг ўзида мамлақатга юқори суръатлар билан чет эл инвестициялари оқими кузатилди (ушбу давр мобайнида 20,9 млрд. долл.). Чет эл қарзларининг мақсадли ишлатилиши натижасида, 80-йилларнинг бошларида Франция ташқи қарзлари миқ-

дори бўйича саноати ривожланган мамлакатлар ичида биринчи ўринга чиқди.

1980 йилларнинг ўрталарида Франция расмий валюта захиралари бўйича ГФР, Япония ва АҚШдан кейин тўргинчи ўринни эгаллади (23 млрд. СДР). Бу мамлакатлардан фарқли равишда, Франция олтин захираларига эътиборни қаратди ва 1985 йилда АҚШ ва ГФРдан кейин учинчи ўринни эгаллади (2,5 минг т.).

Ўтган асрнинг 90-йилларида Франция савдо баланси бўйича йирик тақчиллик билан чиқди, 1980 йилларда ушбу тақчиллик 10 млрд. долларгача ўсди. Франциянинг савдо баланси бу давр мобайнида мунтазам равишда тақчилликка эга бўлиб, мамлакатнинг нобарқарор умумий валюта-молиявий ҳолатини акс эттиради (45-жадвал).

Мамлакатнинг йирик ташқи активлари мавжудлиги натижасида, хизматлар ва хусусий ўтказмалар бўйича баланс 1977 йилдан бошлаб, йирик мунтазам ижобий қолдиқ билан кузатилди. 1970-1980 йиллар мобайнида расмий ўтказмалар (нетто) салбий натижага эга бўлди. Шундай қилиб, тўлов баланси ва расмий ўтказмалар баланси-нинг мунтазам салбий қолдиги шароитида, жорий операциялар бўйича тўлов баланси қолдиги кўп жиҳатдан хизматлар ва хусусий ўтказмалар баланси ҳолати билан аниқланади. Жорий операциялар бўйича Франция тўлов баланси 1980 йилларда йирик салбий қолдиқ билан якунланди. 1987-1989 йилларда тўлов баланси тақчиллиги мос равишда 4,1 млрд; 3,8 ва 5,0 млрд. долларни ташкил этди.

**Жорий операциялар бўйича Франция тўлов баланси
млрд. долл.**

Кўрсаткичлар	1987 й.	1988 й.	1989 й.	1990 й.
Экспорт	139,7	159,1	171,0	189,0
Импорт	148,6	167,4	181,0	199,0
Савдо баланси қолдиги	-8,9	-8,3	-10,0	-11,0
Инвестициялар бўйича даромадлар, нетто	-0,4	0,6	0,0	0,0
Хизматлар ва шахсий ўтказмалар, нетто	7,9	9,9	11,0	12,0
Расмий ўтказмалар, нетто	-3,1	-5,5	-5,0	-5,0
Жорий операциялар бўйича тўлов баланси қолигини	-4,1	-3,8	-5,0	-4,0

Узоқ муддатли капиталлар баланси мамлакат иқтисодиётига капиталлар оқимини акс эттирувчи ижобий қолдиқ билан якунланди. Умуман олганда, узоқ муддатли капиталлар ҳаракати моддаси кўп жиҳатдан умумиқтисодий конъюнктура ва сиёсий омиллар асосида аниқланади. Зоро, 1983-1985 йилларда Франция иқтисодиётига капиталлар оқими мос равищда 9,0; 5,0 ва 33 млрд. долларни ташкил этди. 1990 йилларда Франция жорий операциялар бўйича тўлов баланси ҳолати манфий қолдиқдан ижобий (мусбат) қолдиқка ўтди ва ривожланган давлатлар гуруҳи орасида энг мустаҳкамига айланди. Бундай натижага, кўп жиҳатдан, 90-йилларда Франция иқтисодиётининг юқори ва барқарор суръатлар билан ривожланиши ҳисобига бўлди. Маълумотларга асосан, ЯИМнинг ўсиши 1999 йилда 2,3-2,5 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич Еврона Иттифоқи давлатлари ичида анча юқоридир.

Шундай қилиб, Франция учинчи минг йилликка Европанинг етакчи мәмлакатларидан бири ва юксак истиқболли ривожланишга эга давлат сифатида қадам қўйди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Франция кредит тизими қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?
2. Нима сабабдан ўтган асрининг 80-йиларида Франция сугурта компаниялари ва тижорат банкларининг бирлашиши юз берди?
3. Франция сугурта бозорида амалга ошириладиган операциялар ҳажми бўйича қандай ўринни эгаллайди?
4. Франция давлат молияси қандай таркибий қисмлардан иборат?
5. Франция солиқ тизимининг ўзига хослиги нимада?
6. Францияда даромадларни солиқча тортиш тартиби қандай?
7. Франция тўлов балансининг ўзига хослиги нимада?
8. Биринчи жаҳон урушигача ва урушдан сўнг Франция тўлов балансини изоҳлаб беринг.
9. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Франция валюта инқирозининг асосий сабаби нимада?
10. 1960 йилларда Франциядаги валюта ҳолатининг ижобий томонга ўзгаришига тўсқинлик қилувчи қандай омиллар мавжуд эди?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон. 1997.
3. Артемов Н.М. Валютные ограничения. Москва. 2001.
4. Артемов Н.М. Валютные рынки. Москва. 2001.
5. Антонов В.А. Мировая валютная система и международные расчеты. Москва.: ТЕИС. 2000.
6. Баринов Э.А. Валютно-кредитные отношения во внешней торговле. Москва.: Федератив. Книготорг. Комп. 1998.
7. Богусловский М.М. Иностранные инвестиции: правовые регулирование. М., 1996.
8. Бурханов У.А., Хошимов К.Б. Налоговое регулирование внешнеэкономических связей. Сущность и развитие международных налоговых отношений. М., //Аспирант и соискатель/ №1. 2002.
9. Бункина М.К. Деньги, банки, валюта. М.: Независимый институт российского предпринимательства., 1993.
10. Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурханов У.А. Халқаро малия муносабатлари. Дарслик. Т.: «Шарқ», 2003.
11. Ваҳобов А.В. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатларни қўллаш масалалари. // Солиқ ва божхона органлари академияси/, Т., 2002.
12. Vito Tanzi. Transition to market. Studies in Fiscal reform. IMF. 1993.
13. Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии.

- М.: Фонд «Правовая культура». 1999.
14. Джон Д. Дэниелс, Ли Х. Радеба. Международный бизнес. М.: «Дело Атд», 1994.
 15. European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999, СЕА, Brussels.
 16. Кен Messere. The tax system in industrialized countries. Oxford University press. 1998.
 17. Лоренс Дж. Гитман, Майкл Д. Джонк. Основы инвестирования. Москва.: «Дело», 1997.
 18. Лизелотт Сурен. Валютные операции. Основы теории и практика. Москва. Дело. 2001.
 19. Максимо В.Энг, Фрэнсис А. Лис, Лоуренс Дж. Мауэр. Мировые финансы. Университет Сент Джон. Москва.: «Издательско-консалтинговая компания «Deka»». 1998.
 20. Nicolas Barr. Labor markets and social policy in Central and Eastern Europe. Oxford University press. 1998.
 21. Платонова И.Н. Валютный рынок и валютное регулирование. Москва.: БЕК. 1996.
 22. Симонов Ю.Ф., Носко Б.П. Валютные отношения. Учеб. Пособие. Ростов-на-Дону.: Еникс. 2001.
 23. Тожиев Р.Р. Жумаев Н.Х. Марказий банкнинг монетар сиёсати. Ўқув қўлланма. Тошкент.: ТДИУ. 2002.
 24. Шмырева А.И., Колесников В.И., Климов А.Ю. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие для вузов. СПб.: «Питер», 2001.
 25. Шодиев Ҳ. Ҳамроев М. Молия статистикаси. Дарслик. Тошкент.: Абу Али ибн Сино. 2002.

Интернет тармоги бўйича тавсия этиладиган веб-сайтлар

1. <http://www.bankofenglang.co.uk>
2. <http://www.boj.or>
3. <http://www.federalreserve.gov>
4. <http://www.cer.uz>
5. <http://www.review.uz>
6. <http://www.uzland.uz>
7. <http://www.imf.org>
8. <http://www.mit.edu>
9. <http://www.tfi.uz>
10. <http://www.referat.ru>
11. <http://www.nalog.ru>
12. <http://www.asdc.kz>
13. <http://www.finansy.ru>
14. <http://www.internetfinance.ru>
15. <http://www.finance.rambler.ru>
16. <http://www.google.ru>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-ҚИСМ.	ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИГА ҲОС МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯ ТИЗИМИ	

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯСИННИГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТАВСИФ- ЛАНИШИ

1-§.	Жаҳон иқтисодиётининг замонавий хусусиятлари ва капитал оқимининг ривожланиши	7
2-§.	Дунё мамлакатларининг молиявий ҳолатига тавсиф	18
3-§.	Хорижий давлатлар солиқ тизими: умумийлик ва алоҳидалик	26

ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

1-§.	Марказий ва Шарқий Европа давлатлари молия- солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари	33
2-§.	Венгрияда давлат молияси ислоҳотлари	54
3-§.	Венгрияда корхоналар молияси	68

РОССИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯСИННИГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

1-§.	Россия Федерацияси молия тизимининг таркибий тузилиши ва ўзига ҳос хусусиятлари	75
2-§.	Россияда давлат бюджети тақчиллигини бошқариш	39
3-§.	Россия тўлов баланси	100

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МОЛИЯ
ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР
Қозогистон Республикасининг молия тизими ва
молия ислоҳотлари

1-§. Мамлакат молия тизими ва молиявий ислоҳотларга зарурат	103
2-§. Бюджетлараво муносабатлар соҳасидаги ислоҳот- лар	116
3-§. Бюджет тақчилигин бошқариш	125
4-§. Қозогистонда пенсия ислоҳотлари	128

**2-ҚИСМ. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯ ТИЗИ-
МИ**

АҚШ МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ВА
БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ

1-§. АҚШ молия тизими	147
2-§. Солиқ механизми ва унинг долзарб муаммолари	151
3-§. Бюджет харажатлари	155
4-§. Федерал бюджет тақчилиги ва давлат қарзларини бошқариш	158
5-§. АҚШ тўлов баланси	168

ЯПОНИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИ

1-§. Молия тизимининг ўзига хос хусусиятлари	176
2-§. Давлат молия тизими ва ташки молиявий муноса- батлар	190

ФАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МО-
ЛИЯ ТИЗИМИ ВА ҲУДУДИЙ МОЛИЯ ТАШКИ-
ЛОТЛАРИ

1-§. Европа валюта тизими	196
2-§. Европа сугурта бозори	207
3-§. Лизингга ихтисослашган ҳалқаро компаниялар ..	225

БУЮК БРИТАНИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

1-§. Буюк Британия давлат молияси	232
2-§. Буюк Британия давлат даромадлари	239
3-§. Буюк Британия давлат харажатлари	250
4-§. Мамлакат тўлов баланси	257

ГЕРМАНИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Германия Федератив Республикаси молия тизими ва давлат бюджети	268
2-§. Давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги	273
3-§. Федерал ерлар ва обшипалар бюджети	281
4-§. Германия солиқ тизими	283
5-§. Германия банк тизими	286
6-§. Германия тўлов баланси	293

ФРАНЦИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАРКИБИ

1-§. Банк-кредит тизими ва пул муомаласини ташкил этиш	312
2-§. Давлат молияси	313
3-§. Франция солиқ тизими	314
4-§. Франция тўлов баланси	318

Илмий-услубий нашр

Алишер Ваҳобов, Умар Бурханов, Нодир Жумаев

**ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР МОЛИЯСИ
Дарслик**

Муҳаррир *Г.Мирзаева*

Рассом *Б.Бозоров*

Тех. муҳаррир *В.Демченко*

Мусаҳҳих *И.Акбарова*

Компьютерда саҳифаловчи *Н.Раҳимов*

ИБ 3828

Босишига 8.09.2003 й.да рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84×108 1/32 Босма тобоги 10,75

Шартли босма тобоги 17,5. Адади 2000 нусха.

Буюртма №125.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланган.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

Изоҳ ва қайдлар учун

